



Н.Х.Жумаев

**ЎЗБЕКИСТОНДА  
ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИНИ  
ТАРТИБГА СОЛИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ  
АКАДЕМИЯСИ**

**ЖУМАЕВ НОДИР ХОСИЯТОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ВАЛЮТА  
МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИГА  
СОЛИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**(МОНОГРАФИЯ)**

**ТОШКЕНТ — «FAN VA TEKNOLOGIYA» — 2007**

336.

14-81

Н.Х. Жумаев. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. Т.: «Fan va texnologiya», 2007, 232 бет.

*Иқтисод фанлари доктори, профессор  
Абдурахим Васиқовиҷ Вахабов таҳрири остида*

Ушбу монографияда валюта муносабатларини тартибга солишининг назарий-услубий асослари илмий жиҳатдан тадқик килинган. Тадқиқот жараёнида бир қатор ривожланган давлатлар ҳамда ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг валюта муносабатларини тартибга солиш борасидаги тажрибалари таҳлил килинган, умумлаштирилган ва улардан Ўзбекистон Республикаси амалиётида фойдаланиш юзасидан илмий-амалий хуносалар шакллантирилган.

Монографияда республикамиизда валюта муносабатларини тартибга солишининг методологик асосларини такомиллаштириш билан боғлик бўлган долзарб муаммоларнинг моҳияти очиб берилган ва уларни ҳал килиш юзасидан илмий-амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чикилган.

Монографияда муаллифнинг Ўзбекистон Республикасида валюта муносабатларини тартибга солишининг концептуал асосларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиккан илмий йўналишлари ўз ифодасини топган.

Монография молия-кредит тизими мутахассислари ва шу йўналишда илмий тадқиқот олиб бораётган докторантлар, аспирантлар ва тадқиқотчиларга тавсия этилади.

Монография Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси Илмий кенгашининг 2007 йил 27 апрелдаги йигилишининг қарори билан чоп этишига тавсия этилган.

**Такризчилар:** иқтисод фанлари доктори, академик М.Ш. Шарифхўжаев,  
иктисод фанлари доктори, профессор Н.Х. Ҳайдаров

830 832

213

ISBN 978-9943-10-063-3

©«Fan va texnologiya» нашриёти, 2007 й.

## МУНДАРИЖА

Муқаддима..... 5

### I БОБ. Валюта муносабатлари ва уни тартибга солишининг назарий-методологик асослари

1.1. Валюта муносабатларини ташкил қилишнинг ташкилий-услубий асослари.....	8
1.2. Халқаро валюта муносабатларини тартибга солишининг назарий асослари ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	17
1.3. Ўзбекистон миллий валютасини муомалага киритилиши ва миллий валюта тизимининг қарор топиш босқичлари.....	28
1.4. Марказий банкнинг фоиз сиёсатидан валютани тартибга солиш амалиётида фойдаланишнинг назарий асослари.....	39

### II БОБ. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солишининг хукуқий-иктисодий асослари ва валюта сиёсати

2.1. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солишининг хукуқий асослари.....	54
2.2. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солишининг иқтисодий асослари.....	63
2.3. Валюта сиёсатини амалга ошириш дастаклари ва усуллари.....	70
2.4. Миллий валюта алмашув курсларининг таҳлили.....	87

### III БОБ. Валюта муносабатларини тартибга солишининг халқаро амалиёти таҳлили

3.1. Глобаллашув жараёни ва унинг миллий валюта сиёсатига таъсири.....	97
3.2. Долларлашув масаласи ва унинг ўтиш иқтисодиёти мамлакатларига таъсири.....	109

3.3. Тўлов балансини тартибга солиш ва мувозанатлашнинг асосий усуллари.....	120
3.4. Халқаро қарздорлик ва уни ҳал этиш йўллари.....	138
3.5. Жаҳон валюта инқирозлари ва уларнинг эмпирик таҳлили.....	145

#### **IV БОБ. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш амалиётининг таҳлили**

4.1. Миллий валютани конвертирашнинг амалий жиҳатлари.....	156
4.2. Валюта курси режимини танлаш сиёсати ва уни такомиллаштириш йўллари.....	168
4.3. Валютани тартибга солиш амалиётининг мамлакатнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришдаги ролини ошириш йўналишлари.....	175

#### **V БОБ. Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солиш тизимининг концептуал асосларини такомиллаштиришининг устувор йўналишлари**

5.1. Валютавий назорат амалиётини такомиллаштириш.....	184
5.2. Жорий валюта бозорининг ликвидилигини таъминлаш... ..	190
5.3. Биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантиришни таъминлаш.....	199
Хуроса.....	208
Фойдаланилган адабиётлар.....	217
Иловалар.....	227

## МУҚАДДИМА

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг валюта муносабатларини эркинлаштириш ва валюта сиёсатини такомиллаштириш борасидаги қўйидаги фикрлари жуда ҳам ўринлидир: “...биз учун бош йўналиш – биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, тижорат банкларининг валюта ресурсларини кўпайтириш хисобидан улар ҳеч қандай лицензия ва квоталарсиз хоҳлаган вактда ўз мижозларига валюта операциялари бўйича хизмат кўрсатишни таъминлашдан иборат”<sup>1</sup>. Президентимиз томонидан асослаб берилган ушбу бош йўналишга эришишни таъминлаш мамлакатнинг халқаро валюта муносабатларини ривожлантириш, резидентларнинг халқаро молия бозорларида фаол иштирок этишлари учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш, миллий валюта бозорининг ликвидилигини таъминлаш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш каби миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда юксалишини таъминлаш имконини берувчи вазифаларни ҳал қилиш, биринчи навбатда, мамлакатда валюта муносабатларини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш такозо этади. Бу эса, ўз навбатида, валюта муносабатларини тартибга солиш тизимининг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради. Чунки такомиллашган илмий-услубий асосга эга бўлмаган валютани тартибга солиш тизимини хукумат валюта сиёсатининг стратегик мақсадларига эришиш имконини бермаслиги халқаро амалиётда ўз исботини топган. Шу ўринда эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси валюта тизими амал қилишининг ҳозирги шароитида валюта муносабатларини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш борасида бир катор сезилтарли муаммоларнинг мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Жумладан, валютавий назорат жараённига аслида назорат функциясига эга

<sup>1</sup> И.А. Каримов. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий баркарорлик тўғрисида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005 й. - 422-бет.

бўлмаган тижорат банкларининг фаол тарзда жалб этилганлиги валютавий назоратнинг таъсирчанилиги ва самарадорлигига салбий таъсир қилмоқда; жорий валюта бозорининг ликвидлилик даражасининг сезиларли даражада паст эканлиги миллий валютанинг номинал алмашув курсини талаб ва тақлиф асосида шакллантириш жараёнига салбий таъсир қилмоқда ва х.к.

Бундан ташқари, валюта муносабатларини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш масаласи республикамиз олимлари томонидан алоҳида илмий тадқиқот обьекти сифатида ўрганилмаган.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда валюта муносабатлариниң тартибга солиш тизимининг услубий асосларини такомиллаштиришнинг зарурлиги ва мазкур мавзуни республикамиз олимлари томонидан алоҳида илмий тадқиқот обьекти сифатида ўрганилмаганлиги ушбу масалани алоҳида илмий тадқиқот обьекти сифатида ўрганиш заруриятини юзага келтиради.

Монографиянинг биринчи бобида валюта муносабатларини тартибга солишнинг назарий-методологик асослари тадқик қилинган, валюта муносабатларини ташкил қилишнинг назарий-методологик асосларига хос бўлган хусусиятлар аниклаб берилган. Жумладан, ўтиш иктисадиёти мамлакатларида валюталарнинг алмашув курси ва паритети ўртасида фаркни юзага келиши ва унинг ўз вақтида бартараф этилмаслиги натижасида талаб инфляциясини юз бериши ва хорижий валюталарга бўлган талабнинг кескин ошиши, Марказий банкнинг дисконт сиёсатидан сўмдаги нетто активларнинг ҳажмига таъсир қилиш йўли билан валюталарга бўлган талабни тартибга солиш самарадорлигини оширишда фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги сингари хусусиятларнинг мавжудлиги аниклаб берилган.

Монографиянинг иккинчи бобида республикамизда валюта муносабатларини тартибга солишнинг хукукий-иктисодий асослари ҳамда валюта сиёсати ижроси амалиёти таҳлил қилинган. Ушбу бобда республикамиз хўжалик юритувчи субъектларининг жорий валюта операцияларини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муаммолар аникланган ва уларнинг мохияти очиб берилган.

Монографиянинг учинчи бобида глобаллашув шароитида миллий миқёсда амалга ошириладиган валюта сиёсатидаги ўзгаришлар ва глобаллашувнинг миллий иктисадиётга таъсири масалалари таҳлил қилинганд. Шунингдек, ушбу бобни ёзиша тўлов балансини мувозанатлаштиришнинг вактинчалик усулидан республикамиз амалиётида фойдаланишининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилди. Жумладан, мамлакатга валюта тушумлари олиб келишни таъминлайдиган каналларнинг барқарор эмаслиги, жалб қилинган халқаро инвестицион кредитларни қайтариш жараёнига салбий таъсир қилиши мумкин. Бунинг натижасида хорижий валюталарнинг ички валюта бозоридаги таклифи камаяди ва миллий валютанинг алмашув курсининг барқарорлигини таъминлашда муаммолар юзага келади.

Монографиянинг тўртгинчи бобида валюта курси режимини танлаш, валютани тартибга солиш амалиётининг мамлакат экспорт салоҳиятига таъсири масалалари таҳлил қилинганд.

Монографиянинг бешинчи бобида Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш тизимининг концептуал асосларини тақомиллаштириш йўналишлари тадқиқ қилинганд.

---

## **I БОБ. ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИ ВА УНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

### **1.1. Валюта муносабатларини ташкил қилишнинг ташкилий-услубий асослари**

Халқаро валюта муносабатларини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичи жаҳон валюта тизими ривожланишининг IV босқичига тўғри келади. Шу сабабли, жаҳон валюта тизимининг мазкур босқичида кабул қилинган директив қоидалар халқаро валюта муносабатларининг услубий асосларини белгилашда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Инчунун, IV жаҳон валюта тизими талабларидан бири олтиндан халқаро валюта муносабатларида тўлов воситаси сифатида фойдаланишининг тақиқланиши хисобланади. Ушбу талабни жорий этилиши натижасида, биринчидан, етакчи валюталарнинг халқаро тўлов воситаси сифатидаги аҳамияти ортди; иккинчидан, бир катор ривожланаётган мамлакатлар валюта тушумларининг барқарорлиги мустаҳкамланади. Масалан, Гана, Узбекистон, ЖАР каби мамлакатларда олтинни сотишдан олиандиган тушум мамлакат валюта тушумининг сезиларли қисмини ташкил киласди. Жўмладан, Ўзбекистон Республикасида 2005 йилда олтин ва бошқа нодир металларни сотишдан олинган валюта тушуми мамлакат экспорт тушумининг қарийб бешдан бир қисмини ташкил қилди<sup>1</sup>.

Лекин шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, гарчи олтинни демонетизация қилиш расман тугалланган бўлсада, олтиндан пулни жамғариш воситаси сифатида, халқаро захира пули сифатида фойдаланиш давом этмоқда. Фикримизнинг исботи тариқасида қўйидаги рақамларга мурожаат қиласиз:

1.1.1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Германия, Франция ва Италия давлатларида халқаро захираларнинг 50 фоиздан ортиқ қисми олтин захираларига тўғри келади. Бундан ташқари,

---

<sup>1</sup> Экономика Узбекистана. Информационно-аналитический обзор. – Ташкент: ЦСЭИ, 2006. с. 41.

АҚШ халқаро захираларининг умумий ҳажмида олтин сезиларли даражада юқори салмоқни эгаллади. Бу далилларнинг барчаси биргаликда олтиндан ҳамон халқаро захира пули сифатида фойдаланилаётганлигидан далолат беради.

Энди биз ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида халқаро валюта муносабатларини ташкил қилишнинг услугубий асосларига баҳо бериш мақсадида Россия Федерациясида валюта муносабатларини ташкил қилиш тажрибасини таҳлил қиласиз.

### 1.1.1-жадвал

#### **Ривожланган саноат давлатларида олтин захиралари ва унинг халқаро валюта захираларидаги салмоғи<sup>1</sup>**

Мамлакат-лар	2001 йил		2002 йил		2003 йил		2004 йил		2005 йил	
	Млн. АҚШ долл.	%								
1. АҚШ	11045	20,1	11043	18,6	11043,1	18,5	11044,7	19,0	11043,2	23,5
2. Япония	1082,2	0,3	1170,7	0,3	1279,6	0,3	1337,3	0,2	1230,7	0,2
3. Канада	291	1,1	205	0,8	45	0,2	48	0,2	56	0,2
4. Герма-ния	30728	40,6	37971	47,8	46141	54,8	48347	57,8	56536	61,5
5. Буюк Британия	3158	10,6	3458	5,8	4201	7,1	4397	7,6	5126	10,9
6. Фран-ция	26888	56,3	33331	54,0	40575	63,1	42039	61,7	46607	67,4
7. Италия	21796	52,8	27018	56,2	32891	58,6	34527	59,8	40439	66,2

Россия Федерациясида валюта муносабатларини ташкил қилишнинг услугубий асосларига хос бўлган эволюцион ўзгаришлар сифатида, фикримизча, қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

- 1992 йил 1 июлдан бошлиб валюта курсларининг кўп хиллиги бекор қилинди. Бу эса, ўз навбатида, экспортёрлар ва импортёрлар фаолиятининг жонланишига олиб келди. Шу кундан бошлиб, Москва банклараро валюта биржасидаги савдолар натижасида қайд қилинган курс расмий курс деб тан олинди. 1996 йилнинг 17 майидан бошлиб, Россия Марказий банки рублни

<sup>1</sup> IMF “International Financial statistics” бюллетени маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

расмий айирбошлаш курсини мустакил тарзда ўрната бошлади. Бунда нафақат валюта бозоридаги талаб ва таклиф, балки банклаваро бозор ставкаларининг ўзгариши, инфляциянинг кутилаётган даражаси ҳам эътиборга олинди.

- 1993 йилда импортни дотациялаш кўп хиллик валюта курслари шароитидаги тадбир сифатида бекор қилинди. 1995 йилнинг июлида Россия Федерациясининг Давлат Думаси “Ташқи савдо фаолиятини Давлат томонидан тартибга солиниши тўғрисида”ти Қонунни қабул қилди. Ушбу қонуннинг 24- моддасига мувофиқ, Давлат экспортёrlарни федерал ва ҳудудий даражада доимий тарзда Давлат кредитлари ва кафолатлари билан таъминлаши белгилаб кўйилди; қонуннинг 27- моддасига мувофиқ, суғурта экспортни рағбатлантирувчи инструмент эканлиги, экспорт кредитлари тизимида давлатнинг қатнашиши қайд этилган.

Валюта муносабатларини ташкил қилишнинг услугий асосларига хос бўлган хусусиятлардан бири — курс сиёсатининг ўзгариши билан ҳалқаро савдо муносабатлари ўртасидаги икки томонлама алоқадорликнинг мавжудлиги ҳисобланади. Ушбу алоқадорликни ГФР тажрибаси мисолида яққол кўриш мумкин. Мамлакат иктисадиётiga бўш капиталларни жалб қилиш учун, 1949 йилнинг 19 сентябрида марканинг 20 фоиз девальвацияси амалга оширилди ва АҚШ долларига нисбатан 4,2 немис маркасига тенг янги паритет ўрнатилди.

Марка қадрининг кўрсатилган даражада пасайтирилиши ташқи савдони ва немис маркаси девальвациясини ривожланишига олиб келди (қаранг: 1.1.2- жадвал).

### 1.1.2-жадвал

#### **Марка қадри пасайишининг ташқи савдони ривожланишига ва немис маркаси девальвациясига таъсири<sup>1</sup>**

Йиллар (IV чорак)	Товарларни олиб чикиш		Товарларни олиб келиш	
	Немис маркаси	АҚШ доллари	Немис маркаси	АҚШ доллари
1950	693,5	299,4	1280,5	304,4
1949	399,3	94,6	875,8	211,7

<sup>1</sup> А.Г. Наговицин. Валютная политика. –Москва: Экзамен, 2000. с. 28.

Ташки савдонинг эркинлаштирилиши экспортни ошишига қарамасдан, импортни сезиларли даражада ўсишига, натижада ташки савдо балансининг пассив бўлишига олиб келди.

Ташки савдо сиёсатининг энг муҳим жиҳати шунда эдикӣ, олиб келинаётган товарлар ўсаётган истеъмолни қондиришга эмас, балки илмий сифими ва юкори техник сифатга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ва экспорт қилишга мўлжалланган эди. Фақат шу оркалигина ГФР маркани девальвация килинишига қарамасдан, жаҳон бозорида ўзининг мавқеини мустаҳкамлаб олди.

Бир вақтнинг ўзида импорт сиёсий жиҳатдан мумкин бўлган чегарагача тушиб кетди. Шу билан бирга, импортни олиб киришга рухсат берувчи лицензиялар тўғрисидаги низом ишлаб чиқилди. Унга мувоғик, талаб қилинган импорт операцияларига лозим бўлган хорижий валютанинг 50 фоиз эквиваленти ҳажмидаги немис маркасини нақд пулда депонентлаш шарти белгилаб қўйилди. Импорт лицензияларини бериш хукуки ташки савдони молиялаштириш учун хусусий банклар ихтиёридан олиб қўйилди ва Федерал ерларни марказий банкларига берилди. Санаот, савдо ва касаба уюшмаларининг ўзаро эркин битимлар тузиш орқали чамбарчас яқинлиқда ишлашлари умумий талаб товарларини серияли чиқарилишига олиб келди. Шу орқали, бозорнинг бутун кувватда ишламаслигига ва харид кувватининг пастлигига қарамасдан, истеъмол таъминланган эди. Умумий талаб товарлари ГФРнинг ҳар бир фуқароси уни харид қилиши ва ўзини яшашини таъминлаши мумкин бўлган даражада ишлаб чиқарилиб, улар бўйича баҳо преискурантлари тузилган эди.

Шуниси характерлики, мамлакатнинг ташки иктисодий алоқаларини тартибга солишда ҳам давлатнинг муҳим ўрни бор. Экспортни рағбатлантириш тўғрисидаги конуннинг бекор бўлиши ва импорт тарифларининг пасайтирилиши ва ислоҳотлардан сўнг, товарларнинг айланмаси, тўловлар ва капиталлар бўйича мавжуд чекловларни бекор қилиш бўйича куйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

– носавдо характеристидаги тўловлар учун ҳисоб-китоб минимуми бўйича чекловлардан озод бўлган қолдик ўрнатилди;

- хорижий тўлов маблагларини мажбурий рўйхатга олиниш тартиби соддалаштирилди;
- беғараз олиб кириш ва олиб чиқиш (совғалар) тўғрисидаги қоидалар эркинлаштирилди;
- транзит савдосидаги бир маротабалик рухсатномаларни олиш тартиби соддалаштирилди;
- саёҳат учун хорижий валютани олиш тартиби эркинлаштирилди;
- ГФР ичидаги инвестицияларга тегишли хорижий капитал эгаларига немис маркаларини хорижга капитал қўйилмалари сифатида фойдаланиш тартиби эркинлаштирилди;
- импорт ва экспорт қоидалари соддалаштирилди.

Хориж ёрдами билан боғлик бўлган импорт билан бир қаторда (Маршалл плани бўйича ГФР 13 млрд. АҚШ долларидан 4,5 млрд. долларни олган)<sup>1</sup>, пул ислоҳотидан сўнг, корхонанинг ўз валюта ресурслари ҳисобига молиялаштирилаётган тижорат импорти ҳам ривожлана бошлади. Мазкур ислоҳотларни бошланганидан ярим йил ўтгандан сўнг, ушбу икки импорт тури ҳажми Иккинчи жаҳон уруши давридаги импорт ҳажмига teng келар эди.

ГФР хориж ёрдамидан қанчалик даражада самарали фойдаланди, деган табиий савол туғилади? Миллий корхоналар ёрдам доирасидаги импортни немис маркасида тўлашар эди. Бу тўловлардан Тикланиш Кредит банки молиявий ресурсларини шакллантириб олди (компенсацион маблаглар, капиталнинг қисми) ва бу ресурслар 1949 йилдан бошлаб, фақатгина инвестициялар учун ажратила бошлади. Маршалл режаси бўйича ГФР томонидан сарф этилган ҳар бир доллар немис иқтисодиётининг турли тармоқларида 10 доллардан 20 долларгача teng бўлган иқтисодий самара олиш имконини берди.

Таъкидлаш лозимки, Маршалл режаси совға ёки беғараз ёрдам тариқасида берилмаган эди. 1953 йилдаги қарзлар бўйича машхур Лондон келишувига мувофиқ, ГФРнинг урушдан сўнгги иқтисодий ёрдамлар бўйича қарзи 6,7 млрд. немис маркасини ташкил қылган эди. Фақатгина 1963 йилнинг охирида, яъни Мар-

<sup>1</sup> А.Г. Наговицин, В.В. Иванов. Валютный курс. Факторы. Динамика. Прогнозирование. – Москва: ИНФРА-М, 1995. с. 29.

шалт режасининг амал қилиши тугаганлигидан 11 йил ўтгандан сўнг, асосий қарз суммаси тўланган ва шундан сўнггина ГФР “донор-мамлакат” сифатида ўз ўрнига эга бўла бошлади.

Марканинг конвертирланишига эришишда Германиянинг Евropa мамлакатлари бўйича Евropa ички савдосидаги мавжуд тўсикларни олиб ташлаши муҳим ўрин тутади (1982 йилнинг 28 июлида ГФР Халқaro валюта фонди ва Жаҳон тиклаш ва тараққиёт банкига аъзо бўлди). Бунда бошланишида тўловлар ва хисоб-китоблар тартиби бўйича икки томонлама, сўнгра кўп томонлама битимлар тузилди, улар эса, ўз навбатида, тўлов дефицитларини тенглаштириш муаммосини мувофиқлаштириш хукуки ёрдамида ҳал қилишга ёрдам берар эди. Кредитор мамлакат ушбу битимлар ёрдамида бир йил муддат билан қарздор мамлакатга дефицитни ёпиш имкониятини берар эди. Мазкур лимит эркин савдони янада эркинлашишига ва ривожланишига сезиларли даражада таъсир этар эди.

Халқaro валюта муносабатларида етакчи валюталарнинг тўлов айланмасидаги салмоғининг ўзгариши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги пайтда жаҳон банк сектори активлари асосан АҚШ доллари ва еврода деноминацияланган. 2003 йилнинг охирларига келиб хорижий банк активларининг 75 фоиздан ортиги (АҚШ долларида – 39,6 фоиз, еврода – 37,5 фоиз) мазкур валюталарда деноминацияланган. Бунда агар АҚШ долларининг хорижий банк активларидаги улуши сўнгги йилларда нисбатан барқарор бўлган бўлса, Европанинг ягона валютаси улуши 2002 йил муомалага киритилган вақтдан буён деярли икки маротаба ошиди.

“The Economist” журналининг дунёning етакчи инвестицион фондлари орасида ўтказган чораклик сўрови натижаларига мувофиқ, хусусий инвестиция портфелининг валютавий таркибидаги ўзгаришлар асосан спекулятив характердаги сабабларга боғлиқ бўлган. Ягона европа валютаси муомалага киритилгач, евронинг йирик инвестицион фондларнинг инвестиция портфелидаги улуши кескин ўсиб, евронинг ўтмишдоши ЭКЮ билан таққослаганда 22 фоиздан 42 фоизга ошган<sup>1</sup>. Кейинчалик эса,

<sup>1</sup> “<http://www.ecb.int>” сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланди.

ягона европа валютасининг АҚШ долларига нисбатан курсининг кескин тушиши оқибатида евро улуши пасайиб, доллар ва япон иенасининг нисбий вазни ошди.

Сўнгги йиллар давомида жаҳоннинг уч асосий валютаси – АҚШ доллари, евро ва япон иенасининг хусусий инвестиция портфелидаги улужининг ўзгаришига сабаб бўлувчи асосий омил бўлиб мазкур валюталар алмашув курсининг жаҳон валюта бозоридаги ўзгариши ҳисобланади.

У ёки бу валюта алмашув курсининг ўзгариши учбу валютальарнинг йирик инвестицион фондлар активларидағи улуши ўзгариши билан мос тушганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Жаҳон қимматли қоғозлари бозорининг валютавий таркибида евронинг пайдо бўлиши билан туб ўзгаришлар содир бўлди. Ягона европа валютаси муомаласининг биринчи йилидаётқ, еврода деноминацияланган қимматли қоғозларнинг ҳажмини сезиларли даражада ўсиши кузатилди. 2002 йилнинг 1 июль ҳолатига келиб евронинг халкаро қимматли қоғозлардаги улуши 25 фоизга етди. 2002 йил охирларида евронинг улуши 22,5 фоизга тусиб, АҚШ доллари улуши 49 фоизга кўтарилиди, иена улуши 11 фоиз даражани саклаб қолди. 2003 йилда ягона европа валютаси курсининг ошиши натижасида еврода муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар ҳажми ошди, АҚШ доллари ва иенадаги қимматли қоғозлар эмиссияси эса, қисқарди. Йил ўрталарига келиб евронинг улуши 31 фоизга етди, АҚШ доллари ва иенанинг улуши эса, мос равишда 46 ва 7 фоизга тушшиб қолди.

Сўнгти йиллар мобайнида еврода деноминацияланган қарз мажбуриятлари қимматли қоғозлари ҳажми баркарор ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда, АҚШ долларида деноминацияланган қарз қимматли қоғозлари ҳажми эса, узлуксиз қискариш тусига эга бўляпти. 2000-2003 йиллар давомида жаҳон молия бозорининг мазкур сегментида евро улуши 20 фоиздан кўпроқ даражада ўсади, АҚШ доллари улуши эса, деярли 20 фоизга пасайди. 2003 йилга келиб, евронинг биринчи муомалага киритилишидан бошлаб, ягона европа валютасида эмиссия қилинган қарз мажбуриятлари ҳажми АҚШ милий валютасида чиқарилган қарз мажбуриятларидан ошиб кетди.

Худди шунга ўхшашиб динамикани 1999-2001 йиллар оралиғида жаҳон хосилавий қимматли қоғозлари бозорида ҳам

кузатиш мумкин. 1998 йил охирлари ва 1999 йил бошларида ягона европа валютасидаги битимларга талабнинг кескин ошиши ва АҚШ долларидаги битимларга талабнинг салмоқли пасайишидан сўнг бозор барқарор тус олди. Ўз мамлакатлари миллий валюта-сидаги молиявий инструментлар савдосида резидентларнинг иштирокини ҳисобга олганда, жаҳон валюта деревативлари бозорида европнинг улуши 1999-2001 йилларда 32 фоизга яқин натижани қайд этди, АҚШ доллари улуши эса, тахминан 43 фоизни ташкил этди. 2002 йилда нақд европнинг муомалага киритилиши билан евро-инструментларга талаб сезиларли даражада ошди. Йил давомида евро улуши 5 фоизга кўтарили (АҚШ доллари улуши мазкур йилда 5 фоизга тушган). 2003 йилда европа ягона валютасининг АҚШ долларига нисбатан курсининг ўсишига ва доллар улушининг камайишига олиб келди. 2003 йил якуни бўйича евро илк бор бозорда етакчи ўринни эгаллади, АҚШ долларидаги битимларга талаб тарихидаги энг минимал даражага тушди.

Узок йиллар мобайнида (1960, 1970-йиллар давомида ва 1980-йиллар бошларида) АҚШ доллари жаҳон валюта бозорида ягона асосий етакчи валюта (*vehicle currency*)<sup>1</sup> вазифасини бажарди. Фақатгина 1979 йилда ЕИХ мамлакатлари европа валюталарининг биргаликда “сузиб юриши”га асосланган механизмга эга бўлган Европа валюта тизимини ташкил килгандан сўнг иккинчи етакчи валюта – немис маркаси юзага келди. Бунда европа валюталарининг ўрнатилган чегараларда жаҳон валюта бозорида тебраниши кўзда тутилган.

Евронинг муомалага киритилиши кучлар мувозанатида сезиларли ўзгаришларга олиб келди. Халқаро ҳисоб-китоблар Банки (ХҲКБ)нинг сўнгги йиллардаги жаҳон валюта бозоридаги операцияларда валюталарнинг фойдаланилишига бағищланган тадқиқотларига (бундай тадқиқотлар ХҲКБ томонидан 3 йилда бир марта ўтказилади) мувофик АҚШ долларининг валюта айрбошлиш операцияларидаги улуши сўнгги ўн йилликда деярли ўзгармади ва 2004 йил бошларида 88,7 фоизни ташкил этди. Бу

<sup>1</sup> Асосий етакчи валюта (*vehicle currency*) – битимлар амалга ошириладиган, бошка валюталар ўртасидаги курс ҳисобланадиган хамда баҳолар ёки котировкалар ўрнатиладиган валюта.

операцияларда евро улуши 2004 йил бошларида 37 фоизга ошиди. Бу кўрсаткич 1998 йил немис маркаси кўрсаткичидан (30%) юкори, лекин ЭКЮ ва европа алмаштирилган миллий валюталарнинг ялпи улушидан (53%) пастдир. Бу қадар салмоқли фарқ юзага келишининг асосий сабаби шундаки, ягона валюта муомалага киритилгунга қадар европанинг ўтмишдоши бўлган европа валюталари иштирок этган операцияларнинг асосий ҳажми евро худуди мамлакатлари ўртасидаги операцияларга тўғри келарди. Ягона валюта муомалага киритилгач, Европа иқтисодий ва валютавий иттифоки мамлакатлари ўртасидаги савдо ташқи савдо хусусиятини йўқотиб, ички савдога айланди ва бу, ўз навбатида, евро улушининг аввалги миллий валюталарнинг ялпи улуши билан таққослаганда камайишига олиб келди. Бу евро муомалага киритилгунга қадар берилган баҳоларга тўлиқ мос келади.

Бошқа миллий валюталарнинг товар ва хизматларнинг халқаро савдосида тўлов воситаси сифатидаги роли АҚШ доллари ёки европа ягона валютаси каби салмоққа эга эмас. Япон иенасининг халқаро савдодаги салмоғи 15-17 фоизни ташкил этади (2003-2005 йиллар мобайнида)<sup>1</sup>. Лекин айрим япон компанияларининг ўзлари ҳам экспорт-импорт операцияларида, асосан, АҚШ долларидан фойдаланмоқдалар. Экспорт нуқтаи назаридан буни шундай тушунтириш мумкин: япон товарларининг асосий импортёри АҚШ хисобланади, Осиё давлатларининг кўпчилиги яқин йилларгача ўз миллий валюталарини АҚШ долларига боғлаб қўйиш режимидан фойдаланиб келишган. АҚШ долларига устуворлик бериш билан япон экспортчилари импортёрлар учун ўз маҳсулотлари баҳосини барқарорлаштиришга уринишади ва ўз навбатида, япон товарлари импортёри бўлган давлатлар бозорида муайян улушни саклаш хисобига фойдаларини максималлаштирадилар. Ймпорт масалаларини таҳлил қиласиган бўлсак, Япония жаҳон бозорида анъянавий тарзда АҚШ долларида шакллантириладиган қулагай баҳоларда хом ашёларни харид қиласиди.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида, халқаро валюта муносабатларининг

<sup>1</sup> IMF “International Financial Statistics” маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланди.

ташкилий-услубий асосларига хос бўлган хусусиятлар куйидагилардан иборат:

а) ўтиш иктисодиёти мамлакатларида валюта курсларини унификациялаш жараёни давом этмоқда;

б) олтинни демонетизациялаш жараёни расман тугалланган бўлсада, олтиндан халқаро захира пули сифатида фойдаланиш давом этмоқда;

в) евронинг муомалага киритилиши АҚШ, Япония ва Европа Иттифоки ўртасидаги валютавий зиддиятларни чуқурлашишига олиб келди;

г) етакчи валюталарнинг алмашув курсларига эндоғен омилларнинг таъсири кучли ва бунинг натижасида уларнинг алмашув курсларининг нобарқарорлиги кучаймоқда.

## **1.2. Халқаро валюта муносабатларини тартибга солишнинг назарий асослари ва унинг ўзига хос хусусиятлари**

Валюта муносабатларини тартибга солиш принциплари, усуслари, поғоналари иктисодий адабиётларда иктисодчи олимлар томонидан кенг тадқиқ қилинган.

Масалан, проф. Л.Н.Красавинанинг фикрига кўра, валюта муносабатларини тартибга солиш уч поғонадан иборат<sup>1</sup>:

1. Валюта ресурсларига эга бўлган ва валюта операцияларида фаол иштирок этадиган хусусий корхоналар, миллий ва халқаро банклар иштирокидаги валюта муносабатларини тартибга солиш;

2. Молия вазирлиги, Марказий банк, валютани тартибга сочувчи бошқа давлат органлари томонидан амалга ошириладиган валюта муносабатларини тартибга солиш амалиёти;

3. Валюта муносабатларини давлатлараро тартибга солиш амалиёти.

Бизнинг фикримизча, Л.Н.Красавина томонидан таклиф қилинган мазкур тартибда чалкашлик мавжуд. Ушбу чалкашлик шундан иборатки, хусусий корхоналар, тижорат банклари валюта операцияларини амалга оширувчилардир. Уларда валюта муносабатларини тартибга солиш ва назорат қилиш функцияси мав-

<sup>1</sup> Под ред. Л.Н.Красавина. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. – Москва: Финансы и статистика, 2001. с. 182–183.

жуд эмас. Ҳатто экспорт-импорт операцияларини ҳисобга олиш билан шуғулланаётган Ўзбекистон тижорат банкларида ҳам валюта муносабатларини тартибга солиш борасида ваколат ва функция мавжуд эмас.

Фикримизча, корхоналар ва банклар халқаро валюта муносабатларининг фаол иштирокчилари ҳисобланади ва шу сабабли, валюта муносабатларини тартибга солувчи давлат органлари учун назорат объекти ҳисобланади. Демак, корхоналар ва банклар иштирокида юзага келадиган валюта муносабатларининг ўзини алоҳида ажратиш ва унга халқаро валюта муносабатларини тартибга солишнинг алоҳида поғонаси мақомини бериш максадга мувофиқ эмас. Бизнинг фикримизча, ҳар бир мамлакатдаги халқаро валюта муносабатларини тартибга солиш тизими икки погонадан иборат:

а) Давлат валютани тартибга солиш органлари томонидан амалга ошириладиган халқаро валюта муносабатларини тартибга солиш амалиёти;

б) Давлатлараро шартномалар асосида халқаро валюта муносабатларини тартибга солиш амалиёти.

Ҳар иккала поғонадаги тартибга солиш амалиётида корхоналар ва банкларнинг валюта операциялари назорат қилинади. Масалан, ҳужжатлаштирилган аккредитивлар билан боғлиқ бўлган ҳисоб-китобларни олайлик. Агар аккредитивлар воситасидаги тўловлар миллий валютада амалга оширилса, у ҳолда, тўловларни амалга оширилганлиги устидан назорат Марказий банк томонидан амалга оширилади. Агар аккредитивлар халқаро ҳисоб-китобларда кўлланилса, у ҳолда, улар билан боғлиқ валюта муносабатларини тартибга солиш давлатлараро муносабатлар доирасида кўлланиладиган халқаро қоидалар асосида тартибга солинади.

Таниқли иқтисодчи олим А.Г. Наговицин халқаро валюта муносабатларини тартибга солиш тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган валюта сиёсатини илмий жиҳатдан тадқик килган. А.Г. Наговициннинг муҳим илмий хуносаларидан бири шундаки, валюта сиёсатининг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш молиявий барқарорликни таъминлаш заруриятини

юзага келтиради<sup>1</sup>. А.Г. Наговицин ўзининг тадқикотларидан келиб чиқиб, молиявий барқарорликка эришишнинг валютани тартибга солиш амалиётини такомиллаштиришдаги аҳамиятини асослаб берган.

Бизнинг фикримизча, А.Г. Наговициннинг валюта муносабатларини тартибга солишнинг меъёрий-услубий асосларини такомиллаштиришда молиявий барқарорликка эришишнинг зарурлиги хусусидаги холосаси илмий жиҳатдан асосланган холосадир. Фикримизнинг исботи тариқасида миллий валютамиз – сўмнинг алмашув курси динамикасини келтириш мумкин. Мамлакатимизда макроиктисодий барқарорликка эришилганлиги, унинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган ташқи савдо балансининг барқарор ижобий қолдигининг таъминланганлиги, 2005–2006 йилларда сўмнинг алмашув курсининг барқарорлигини таъминлаш имконини берди. Биз А.Г. Наговициннинг молиявий барқарорликни таъминлашнинг ҳалқаро валюта муносабатларини тартибга солишнинг меъёрий-услубий асосларини такомиллаштиришдаги аҳамияти хусусидаги илмий холосасини бойитиш мақсадида куйидаги таклифни ишлаб чиқдик: “Молиявий барқарорлик кўрсаткичларини аниқ белгилаш ва валюта муносабатларини тартибга солишнинг меъёрий-услубий асосларини такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқишида ана шу кўрсаткичлар тизимиға асосланиш лозим”.

Ҳалқаро амалиётда макроиктисодий молиявий барқарорлик кўрсаткичлари сифатида куйидагилардан фойдаланилади:

а) Давлат бюджети дефицитининг мўътадил даражаси кўрсаткичи.

Давлат бюджети дефицитининг миқдори мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 3 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

б) Ҳукумат ташки қарзининг мўътадил даражаси кўрсаткичи.

Ҳукумат ташки қарзининг умумий миқдори мамлакат ЯИМнинг 60 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

в) Монетизация коэффициентининг минимал даражаси ўтиш иктисодиёти мамлакатларида 40 фоизни ташкил этиши лозим.

г) Пул массасининг йиллик ўсиш суръати барқарор бўлиши лозим.

<sup>1</sup> А.Г. Наговицин. Валютная политика. – Москва: Экзамен, 2000. с. 16.

М.В. Энг, Фрэнсис А. Лис ва Лоуренс Майерлар томонидан ёзилган “Global Finance” китобида валюта муносабатларини тартибга солиш амалиётида валюта интервенциясидан фойдаланишини кучайтиришнинг зарурлиги эътироф этилган. Уларнинг фикрига кўра, мамлакатда иқтисодий ўсиш суръатининг пасайиши, ташқи савдо балансининг дефицити миқдорининг ўсиши миллий валютанинг алмашув курсига нисбатан кучли тазийкини юзага келтиради. Бундай шароитда Хукумат ва Марказий банк валюта интервенциясидан фаол тарзда фойдаланиши лозим. Бундан ташқари, уларнинг фикрига кўра, валюта интервенциясини АҚШ, Япония каби етакчи валюталарни эмиссия қиладиган давлатларнинг марказий банклари ўзаро келишилган ҳолда амалга оширишлари лозим<sup>1</sup>.

Бизнинг фикримизча, марказий банкларнинг келишилган ҳолда интервенцияни амалга ошириш хусусидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси амалиётида қўллаш нуқтаи-назаридан амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, 2006 йил январь ойида Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига (ЕвроОсИХ) аъзо бўлди. Бу эса, ЕвроОсИХ доирасидаги иқтисодий интеграция жараёнларининг чукурлашишига имконият яратади. Ўз навбатида, интеграция жараёнларининг чукурлашиши ҳамжамиятга аъзо мамлакатларнинг миллий валюталари курсларининг барқарорлигини таъминлаш заруриятини юзага келтиради. Бу вазифани бажариш марказий банкларни валюта интервенциясидан фаол тарзда фойдаланишга мажбур қиласди.

Валюта муносабатларини тартибга солиш масалалари мажмууда инфляциянинг мўътадил ва барқарор даражасини таъминлаш масаласи марказий масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу масалани ҳал қилишнинг мураккаблиги шундаки, инфляция кўп омили жараён бўлиб, номонетар характердаги омилларга Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати доирасида самарали таъсир этиб бўлмайди. Шу сабабли, иқтисодчи олимлар томонидан инфляциянинг номонетар омилларини тартибга солиш борасида бир қатор илмий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чикилди. Масалан,

<sup>1</sup> М.В. Энг, Ф.А. Лис, Л.Дж. Майер. Мировые финансы. Пер. с анг. – Москва: ДeКА, 1998. с. 102–103.

rossиялик таникли иқтисодчи олим Л.Н. Красавина инфляциянинг номонетар омилларини тартибга солишда табиий монополиялар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг тарифларини ўсишига лимитлар белгилаш, савдода воситачилик килувчиларнинг сонини кисқартириш, бож соликларини самарали тартибга солиш тадбирларидан фойдаланишини таклиф қиласди<sup>1</sup>.

Фикримизча, Л.Н. Красавина томонидан ишлаб чиқилған табиий монополиялар хизматларининг тарифларига лимитлар белгилаш, бож соликларини тартибга солиш хусусидаги таклифлари илмий аҳамиятга эга бўлиб, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида номонетар омиллар таъсирида шаклланадиган инфляциянинг ўсиш суръатини сезиларли даражада пасайтириш имконини беради. Фикримизнинг исботи тарикасида, Ўзбекистон Республикасида инфляцияни шакллантирувчи омилларнинг таркибига эътиборни қаратамиз: 2005 йилда табиий монополиялар хизматларининг тарифларининг ўсиши хисобига инфляциянинг йиллик ўсишини 49,9 фоизи таъминланди<sup>2</sup>.

Шунингдек, бож соликлари тўғрисидаги таклиф тўғрисида ҳам ижобий фикр билдириш мумкин. Истеъмол товарлари импорти бўйича бож солиги ставкаларини кўпчилик позициялари бўйича 60 фоиздан 85 фоизгacha бўлган ставкаларда белгиланганлиги импорт қилинаётган товарларнинг баҳосини сезиларли даражада ўсишига олиб келмоқда.

Демак, Л.Н. Красавинанинг номонетар характердаги инфляцион омилларни тартибга солиш тўғрисидаги таклифларидан валюта муносабатларини тартибга солишнинг услубий асосларини такомилаштиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонлик таникли иқтисодчи олимлардан проф. Б.А.Исламовнинг фикрига кўра, иқтисодиётни тартибга солишнинг фақат монетаристик усууларига таянган тизимнинг бозор шароитига мосланган шакл-шамойилларини ишлаб чиқилмаганлиги МДХ давлатларида иқтисодиётдаги институционал

<sup>1</sup> Л.Н. Красавина. Необходим комплекс мер для снижения темпа инфляции в России // Банковское дело. – Москва, 2006. – №8. с. 28.

<sup>2</sup> Экономика Узбекистана. Информационно-аналитический обзор.– Ташкент, 2006. с. 23.

ислоҳотларни амалга оширишда кийинчиликларни юзага келтирди<sup>1</sup>.

Фикримизча, проф. Б.А. Исламовнинг хулосаси амалий асоссга эга. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини 1991-1994 йиллар мобайнида тартибга солишида қаттиқ монетаристик усуулларга таянилганлиги иқтисодий инқирознинг чукурлашувига сабаб бўлди. Масалан, республикамизда 1991-1993 йилларда ялпи жамғаришнинг пасайиш суръати 52,9 фоизни ташкил қилди. Капитал қўйилмаларнинг ЯИМдаги салмоғи 1990 йилдаги 32,2 фоиздан 1994 йилда 20,3 фоизга тушди<sup>2</sup>.

Юқорида билдирилган фикрларга хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, таникли иқтисодчи олимларнинг валюта муносабатларини тартибга солишнинг меъёрий-услубий асосларини такомиллаштиришга оид қарашларини танқидий асосда таҳлил қилиш асосида шакллантирилган илмий хулосалар республикамиз амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади.

Халқаро валюта тизими талабларини халқаро валюта механизмига мувофиқлигини таъминлаш, халқаро валюта муносабатларини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришнинг зарурий шарти хисобланади.

Валютани тартибга солиш ҳар бир давлатнинг асосланган макроиктисодий сиёсатига, шу жумладан, монетар ва валюта сиёсатининг максад ва йўналишларига мувофиқ келиши лозим. Шундай экан, валюта муносабатларини тартибга солишнинг устуворликлари ва камчиликларини назарий жиҳатдан асослаш, миллий валюта тизимининг хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда, тартибга солиш усуулари ва шаклларини кўллаш масалаларини тадқиқ этиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Бозор муносабатлари шароитида валюта муносабатларини эркинлаштириш товарлар ва капиталлар ҳаракатини кучайтиришга хизмат килади. Капиталнинг эркин ҳаракати молиявий ресурсларнинг самарали тақсимланишига олиб келади. Хорижий ре-

<sup>1</sup> Б.А.Исламов. Марказий Осиё мустакил давлатлари: трансформация ва жаҳон иқтисодиётига интеграция жарабёнларининг қиёсий таҳлили. – и.ф.д. илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. – Тошкент, 2002. 18-19- бетлар.

<sup>2</sup> Макроэкономические проблемы переходного периода в Узбекистане. Проблемные исследования в экономике – Ташкент, 1998. с. 45.

сурсларнинг миллий иктисодиётга тўсиқларсиз окиб келиши туфайли тўлов балансининг ҳолати яхшиланади, иктисодий ўсиш суръатлари жадаллашиши учун шароит юзага келади. Айниқса, бевосита хорижий инвестицияларнинг мамлакатга кириб келиши инновация ва технологик тараққиётни кафолатлади. Портфелли инвестициялар эса, мамлакат молия секторининг ликвидлилигини оширишга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, молиявий воситачиликнинг самарадорлигини оширади ва хўжалик субъектлари томонидан жалб қилинадиган қарз маблағлари қийматини пасайтиради.

Лекин эътироф этиш жоизки, эркинлаштириш оқибатида, капитал харакатига тўсиқларнинг мавжуд бўлмаганилиги туфайли, бозор механизми тўла такомиллашмаган давлатларда номутаносибликлар ва муаммолар юзага келади. Жумладан, йирик микдорда олинган ҳалқаро кредитлардан самараасиз фойдаланилиши натижасида ташки қарз микдори қўпаяди ва тўлов балансининг ҳолати ёмонлашади.

Шу сабабли, валютани тартибга солиш чора-тадбирларини ишлаб чиқища, молия тизимининг мустаҳкамлигини ошириш, пруденциал назоратни кучайтириш, валютавий назорат механизмини такомиллаштириш талаб этилади. Валюта муносабатларини эркинлаштириш жараёнларининг тезлиги у учун зарур бўлган шарт-шароитларни ҳозирланиш тезлигига мувофиқ келиши лозим. Бундан келиб чиқиб, турли давлатлар учун эркинлаштиришнинг мақбул суръатлари ҳам турлича бўлади, деб хулоса килиш мумкин. Умуман олганда, эркинлаштириш босқичма-босқич ва эҳтиёtkорона амалга оширилиши лозим.

Бевосита хорижий инвестицияларнинг кириб келиши иктисодиётнинг реал секторини ривожлантириш нуқтаи назаридан фойдалидир. Қиска муддатли капиталнинг чиқиб кетиши туфайли фоиз ставкаларининг ўсиши миллий ишлаб чиқарувчиларнинг ракобатбардошлигини оширишга қаратилган валюта сиёсатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Айни пайтда, девальвация валюта сиёсатининг икки томонлама таъсиргага эга бўлган инструменти хисобланиб, бир томондан ракобатбардошликни қайта тикланишига замин яратса, иккинчи томондан, аҳоли реал даромадларининг пасайишига олиб келади.

Қисқа муддатли капиталлар оқимини назорат қилиш ва тартибга солишининг маъмурӣ усуллари ҳам мавжуд бўлиб, айрим ҳолатларда улардан ҳам фойдаланишга тўғри келади. Аммо бозор механизмига асосланган назорат турлари мутлақ маъмурӣ мазмундаги чора-тадбирларга нисбатан кўпроқ самара беради.

Валютани тартибга солишининг амалиётда кенг кўлланиладиган усулларига мақсадли конвертираш усули, нақд хорижий валюталар савдосига лимитлар белгилаш, юқори бож ставкаларини кўллаш каби усуллар киради. Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиб бориши ва жаҳон ҳамжамиятига янада чуқурроқ интеграциялашуви билан валюта назорати ва чекловларини қайта кўриб чиқишга зарурият туғилади. Валютавий чекловларни узоқ муддат мобайнида кўлланилиши миллий валюта тизимида мавжуд бўлган номутаносибликларни янада чукурлашишига сабаб бўлиши мумкин.

Молиявий сектор самарадорлигининг ошиши, миллий бозор ликвидлилигининг ва молиявий инструментларнинг жозибадорлигини таъминланиши валюта назоратини ҳам эркинлаштирилишини такозо этади. Бундай шароитда валютавий чекловларнинг мавжуд бўлиши ҳалқаро майдонда молия-кредит институтларининг рақобатдошлигининг камайиши ва молиявий воситачилик харажатларининг ошиб кетиши ҳисобига бозорнинг маълум кисмининг йўқотилишига олиб келиши мумкин. Аксинча, капиталнинг эркин ҳаракати молиявий ресурсларнинг янада самарали таксимланишига, қарз маблағлари қиймати ва рискининг пасайишига хизмат киласи.

Капитал ҳаракатига нисбатан чекловларнинг кўлланилиши молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятини ва корпоратив сектор даромадлилигини камайтиради. Миллий иқтисодиёт доирасидагина фойдаланиладиган капитал самарасиз бўлади. Валютавий чекловлар бўлмаган бир шароитда кредит ташкилотлари фаолияти экспортга йўналтирилган йирик корхоналар ва трансмиллий корпорациялар билан ишлашни афзал кўрадилар. Натижада заардан боши чиқмайдиган носоғлом фирмалар қарз маблағларини жалб қилишда қийинчиликларга дучор бўладилар. Ривожланаётган давлатларнинг катта мавкеига эга бўлмаган миллий корпорацияларнинг бундай шароитда трансмиллий корпорациялар билан рақобатлашиши амри маҳолдир.

Молиявий секторнинг юқори даражада тараққий этиши оқибатида капитал ҳаракатини назорат қилишнинг маъмурйи усуллари кўзланган натижани бермай қўяди. Аксинча, капитал бозори суст ривожланган давлатларда валюта назорати кўпроқ самара беради. Одатда, капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялар хисобварағидан чекловларни олиб ташлаш узоқ муддатли тайёргарликни ва босқичма-босқич амалга оширишни тақозо этади.

Таъкидлаш лозимки, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни тўла-тўқис амалга оширилган давлатларда валютавий чекловларни кўллаш амалиётига қайтиш қийин кечади. Мазкур давлатлар вақтингчалик назоратни ўрнатиши мумкин, лекин бунинг натижаси ўлароқ юзага келадиган салбий ҳолатларни бартараф этиш учун узоқ муддатли давр керак бўлади.

Давлат қанчалик валюта назорати усулларини кенг кўламда кўллашга интилса, инвесторлар ҳам ўз навбатида шунчалик риск учун кўпроқ мукофот тўланишини талаб этади. Чунки келажакда мазкур давлат валютасининг барқарорлигини хеч ким кафолатлай олмайди, натижада мамлакатнинг умумий риски ошади<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам валютавий чекловлар ва назорат турларидан воз кечган давлат унга қайтиш истаги туғилса, унинг оқибатида хорижий инвесторларга борадиган сигнални эътиборга олиши лозим.

Валюта муносабатларини тартибга солишни эркинлаштириш бир катор шарт-шароитларни юзага келтиришни тақозо этади. Улардан асосийлари, фикримизча, куйидагилардан иборат:

- макроиқтисодий барқарорлик;
- давлатнинг бозор фаолиятига аралашувининг босқичма-босқич камайиши;
- капитал ҳаракатига нисбатан қўлланилган чекловларни олиб ташлаш мақсадида молиявий тизимда изчил ислохотларнинг ўтказилиши.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида сиёсий ва монетар органлар фаолияти етарли даражада такомиллашмаганлиги туфайли юқори инфляция улар учун табиий ҳолга айланади. Бундай мамлакатларда иқтисодиётни барқарорлаштириш ва жамоатчиликда

<sup>1</sup> Н.Х.Жумаев. Тийиннинг иши қийин ёки мувофиқ курс режимини танлаш, назорат кишиш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2006. – №10. 37- б.

шаклланиб улгурган инфляция руҳиятига барҳам беришнинг муқобил йўлларидан бири валюта курсини таргетлаш ҳисобланади. Бошқача айтганда, валюта курсини таргетлаш барқарорликни таъминлайдиган сўнгти нажот йўлига айланади. Шунга қарамай, агар валюта курсини таргетлаш ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида етарлича ошкора ва ойдин бўлмас экан, у муваффақиятсизликка юз тутиши ва ҳатто хавфли молиявий инқирозларни келтириб чиқариши мумкин.

Биз куйида валюта муносабатларини эркинлаштириш шартшароитларининг ўзига хос ҳусусиятларига баҳо берамиз.

Макроиктисодий барқарорликка эришилганлиги аник макроиктисодий кўрсаткичларда намоён бўлади. Ҳусусан, Давлат бюджетининг дефицити ЯИМнинг 3 фойзидан ошмайди, ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати 5-7 фойзни ташкил этади, инфляция даражаси мўътадил ва барқарор бўлади, пул массасининг ўсиш суръати барқарор тарзда бўлади. Ҳар бир макроиктисодий кўрсаткич ўзига хос тарзда валюта муносабатларига таъсир кўрсатади. Жумладан, Давлат бюджети дефицитининг меъёрий даражадан ошиб кетиши муомалага товар-моддий кимматликлар билан таъминланмаган пулларнинг чиқишига олиб келади ва шунинг асосида, муомаладаги пул массасининг ўсиши юз беради. Демак, бюджет дефицити инфляция механизми оркали миллий валютанинг барқарорлигига салбий таъсир қиласди. Шуниси характерлики, Давлат бюджетининг дефицити Марказий банкнинг эмиссион манбага эга бўлмаган кредитлари ҳисобидан қопланган тақдирда ҳам, валюта муносабатларининг холатига кучли таъсир кўрсатади. Ушбу таъсирнинг моҳияти шундаки, бюджет дефицитини қоплаш мақсадига йўналтирилган миллий ссуда капиталлари бозорида кредит ресурслари таклифининг камайишига олиб келади. Бу эса, кредитларнинг фойз ставкасининг ошишига ва шунинг асосида тижорат банклари кредит эмиссияси ҳажмининг қисқаришига олиб келади. Пировард натижада, миллий валютанинг номинал алмашув курси кўтарилади.

Республикамиизда макроиктисодий барқарорлик ва валюта муносабатлари ўтасидаги алоказорликка хос бўлган ҳусусиятлар 2003-2006 йилларда яққол намоён бўлди. 2003 йилдан бошлаб мамлакатимизда макроиктисодий барқарорликка эришилганлиги миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш им-

конини берди. Хусусан, 2003 йилда инфляциянинг йиллик даражаси 3,8 фоизни, ЯИМнинг йиллик ўсиш суръати 4,2 фоизни, Давлат бюджети дефицитининг микдори ЯИМнинг 0,4 фоизини ташкил қилди. Макроиктисодий кўрсаткичларнинг мўътадил дарражасининг таъминланганлиги ва барқарорлиги, ўз навбатида, миллий валютанинг алмашув курси барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатди. Яъни, сўмнинг АҚШ доллари ва бошқа валюталарга нисбатан қадрсизланиш суръати пасайди. Масалан, 2003 йилда сўмнинг АҚШ долларига нисбатан қадрсизланиши 2002 йилга нисбатан 26,0 фоизни ташкил этди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич 2002 йилда 2001 йилга нисбатан 82,3 фоизни ташкил қиласан эди<sup>1</sup>.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашувини босқичма-босқич чеклаш, молия тизимини ислоҳ қилишни изчил давом этиришнинг валюта муносабатларини тартибга солиш тизимини эркинлаштиришнинг зарурый шарти эканлиги Ўзбекистон Республикаси амалиётида ўз аксини топди. Хусусан, давлат тасарруфидаги мулкларни хусусийлаштириш йўли билан давлатнинг бозор фаолиятига аралашувини босқичма-босқич чеклаб бориш сиёсати Ўзбекистон ҳукумати томонидан изчиллик билан амалга оширилмоқда. 1992-2005 йиллар мобайнида республикамизда ҳаммаси бўлиб 83,7 мингдан ортиқ давлат корхоналари, обьектлари ва акция пакетлари хусусийлаштирилди, шу жумладан, 2002-2005 йиллар мобайнида 5600 дан ортиқ обьект хусусийлаштирилди. 2003-2005 йилларда хусусийлаштиришдан тушган маблағлар 215 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу эса, хусусийлаштиришнинг бутун даври мобайнида келиб тушган маблағларнинг 65,5 фоизини ташкил қиласан<sup>2</sup>.

Молия тизимини муваффакиятли ислоҳ қилинаётганлигини тавсифловчи кўрсаткичлардан бири солик юкини пасайиш суръати ҳисобланади. Республикамизда солик юки 1996 йилдаги 34,3 фоиздан 2005 йилда 22,6 фоизга тушди. Тўғри соликларнинг ЯИМдаги салмоғи 1996 йилдаги 12,4 фоиздан 2005 йилда 6,1 фоизга пасайди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг эълон қилинган маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк кўмитасининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Молия тизимининг муваффакиятли ислоҳ қилиниши корхоналарнинг молиявий ҳолатини яхшиланишига, пул оқимининг кучайишига ва шунинг асосида уларнинг ташқи савдо айланмасининг ошишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир мамлакатда ҳалқаро валюта муносабатларини тартибга солиш тизими икки поғонадан иборат бўлиб, давлат валютани тартибга солиш органлари томонидан амалга ошириладиган ҳалқаро валюта муносабатларини тартибга солиш амалиётини ва шартномалар асосида ҳалқаро валюта муносабатларини тартибга солиш амалиётини ўз ичига олади. Ҳалқаро валюта муносабатларини тартибга солиш тизимини эркинлаштиришининг зарурий шарт-шароитлари бўлиб, макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини босқичма-босқич чеклаб бориш ва молия тизимини изчил, муваффакиятли ислоҳ қилиш хисобланади.

### **1.3. Ўзбекистон миллий валютасини муомалага киритилиши ва миллий валюта тизимининг қарор топиш босқичлари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2005 йил 28 январдаги Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик Палатасининг қўшма йиғилишида сўзлаган нутқида инфляция даражасининг барқарорлигини, миллий валютамиз ва унинг алмашув курси мустаҳкамлигини сақлашдаги масъулиятни оширишига хизмат қилувчи қатъий пул-кредит сиёсатини амалга оширилиши учун молия ва банк тузилмаларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни қабул қилиш зарурлигини таъкидлаб ўтди<sup>1</sup>.

Ҳаммамизга маълумки, 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон килинган кундан бошлаб, республика Ҳукумати олдида институционал ва принципиал жиҳатдан бир қатор жуда муҳим ва ҳал қилиниши лозим бўлган

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишdir. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2005 йил 28 январь // Халқ сўзи.– №21. – 2005 йил 29 январь.

вазифалар турар эди. Шуларнинг асосийларидан бири бўлиб, миллий валютага ўтиш масаласи ҳисобланарди.

Албатта, мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистоннинг рубль худудида қолиши объектив жиҳатдан зарур эди. Бунга сабаб, Собиқ Иттифоқ республикаларининг сиёсий мустақилликка эришуви улар иқтисодиётининг дарҳол рубль зонасидан чикиши билан бир пайтда содир бўлмаган. Бундай ҳолат ягона пул бирлиги худудида юқори даражада мувофиқлаштирилган иқтисодий, ва аввало, пул-кредит сиёсатининг юритилишини талаб этар эди. Эмиссия қилишнинг монопол хукукига эга бўлган Россия Марказий банки муомаласида рубль қўлланилаётган барча мамлакатлар худудида пул барқарорлигини саклаш чораларини кўриши керак эди. Марказлаштирилган-режали иқтисодиёт таназзули тобора авж олаётган бундай шароитда ушбу масалани ҳал этиш имконияти мавжуд эди. Нархларни ва ташки савдони эркинлаштириш, давлат корхоналарига имтиёзли тарзда ёрдам кўрсатилишининг мувофиқлаштирилмаган ҳолда амалга оширилиши натижасида пул-кредит назоратининг сусайиши инфляция жараёнларининг жадаллашувига сабаб бўлди. Пул-кредит ва молиявий мувозанат-сизликнинг узоқ давом этиши оқибатида собиқ совет республикалари иқтисодий аҳволининг оғирлашуви уларнинг ўз валютасига ўтишга бўлган интилишларини жадаллаштириди. Бу эса, ўз-ўзидан иқтисодиётни издан чиқишига олиб келди<sup>1</sup>.

Рубль худудига кирган давлатлар ундан чиқиб кетишга ва пул-кредит соҳасидаги аҳволни яхшилаш учун ўзининг миллий валютасини жорий этиш орқали асосланган солик-бюджет ва пул-кредит сиёсатини юритишга мажбур бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки рубль зонасида қолгани ҳолда Ўзбекистонда пул-кредит соҳасининг тараққиётини мустақил равишда тўлиқ назорат қила олмас эди. Мустақилликка эришилган бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси пул-кредит сиёсати собиқ Иттифоқ Давлат банки томонидан чиқарилган карор ва қоидаларга асосланган ҳолда юритилар эди.

<sup>1</sup> Н.Жумаев, У.Бурханов. Молиянинг долзарб муаммолари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. 11-бет.

1992 йил пул-кредит сиёсати мамлакатнинг рубль ҳудудида иштирок этишига асосланган ҳолда белгиланган эди.

Бу ҳолатни Ўзбекистон ҳам, бошқа собиқ шўро республика-лари сингари шўро ҳокимиятида бир неча ўн йиллар давомида шаклланган ягона иктисадий муҳитни сақлашга ҳаракат қилгани билан изоҳлаш мумкин.

Россия пул бирлигини ягона валюта сифатида фойдаланишга асосланган рубль зонасини яратишга қатор уринишлар бўлди. Агар назарий жиҳатдан олсак, бу ғоя тўғри хисобланади. Чунки, биринчидан, янги пайдо бўлган мустақил давлатлар учун хўжалик муносабатларини сақлаш муҳим аҳамият касб этар эди; иккинчидан, муомаладаги пул массасини тартибга солиш тажрибаси мавжуд эмас эди. Лекин, бундан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон ниҳоятда оғир ва манфаатсиз аҳволга тушиб қолган эди, чунки юқорида қайд этилган давлатларда ҳисоб-китоб ва тўловлар учун кўлланилмайдиган 1961-1992 йиллар намунасидағи қадрсизланган пулларга харид қилинган моддий бойликлар Ўзбекистондан четга олиб кетила бошланди. Бундан ташкари, МДҲ давлатлари марказий банкларининг мувофиқлаштирилмаган пул-кредит сиёсати, шунингдек, параллел тўлов воситалари жорий этилиши жараёнининг тезлашуви совет ва Россия рублларига талабни чеклаб қўйди. Натижада товарлар Ўзбекистон ички бозоридан тезлик билан олиб кетила бошланди, пул муомаласи издан чиқди ва инфляция авж олдирилган ҳолда, пул экспансияси жадаллашди.

1993 йилда чакана баҳолар индексининг ўртача ойлик дарожаси 1-ярим йилликда 117,3 фоизни, иккинчи ярим йилликда – 124,8 фоизни, ултуржи баҳолар индекси эса, мос равища 125,5 фоизни ва 131,4 фоизни ташкил қилди<sup>1</sup>.

Ҳукумат ва Марказий банк олдида 3 та муҳим вазифани ҳал этиш лозим эди:

1. Сўмни муомалага киритишнинг иктисадий мақсадга мувофиқлиги;
2. Миллий валюта – сўмга бўлган ишончни таъминлаш;
3. Ахоли манбаатларини химоя килиш.

<sup>1</sup> Намозов О.Ш. и др. Макроэкономические процессы в Узбекистане до введения национальной валюты. Ташкент: Мир экономики и права, 1997. с. 48.

Шуни таъкидлаш лозимки, миллий пул бирлиги иктисодиётнинг қон томири, унга жон, куч берувчи восита ҳисобланади. Валюта мустақиллиги, миллий пул мустаҳкамлиги мамлакат иктисодиёти учун тириклик манбай, ҳаётбахш куч, харакатлантирувчи дастак воситасидир<sup>1</sup>.

Миллий валюта – миллий ифтихор, давлат мустақиллигининг рамзи, суверен давлатга хос белгидир. Бу республикага тегишли умумий бойлик ва мулқидир<sup>2</sup>.

Таъкидлаш лозимки, оғир иктисодий шароитда Ўзбекистон ўзининг ички бозорини аввало купон киритиш орқали ҳимоя қила бошлади. Юзага келган шароитлар ва пул тизими тараққиётининг юқоридаги варианtlари таҳлили миллий валютани муомалага киритишинг мақсадга мувофиқлигини асослади. 1994 йил 1 июлдан бошлаб, миллий валютамизнинг жорий этилиши республика иктисодий ҳаётида мустақил пул-кредит сиёсати амалга оширилишининг дебочаси бўлди.

Ички бозорни ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан бир қатор муҳим қарорлар кабул қилинди. Жумладан, 1992 йил март ойидаги «Истемол маҳсулотларини купонларга сотиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида», 1992 йил декабрь ойидаги «Ўзбекистон Республикаси истемол бозорини 1993 йилда ҳимоя қилиш тўғрисида» ва 1993 йил май ойида «Республика истемол бозорини ҳимоя қилишни кучайтириш ва пул муомаласини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бу ҳужжатларга мувофиқ, маҳсулотларни сотиб олишнинг паспортли ва купонли тизими тадбик этилди.

Қиймати 25 минг рублгача бўлган маҳсулотлар факат маҳсус купонлар билан сотиларди. Купонларни фуқаролар иш хақи, нафака ва бошқа даромадларига қўшиб олардилар. Қиймати 25 минг рублдан ортик товарлар фуқароларга факат чеклар, чек дафтарчалари ва банк ҳисобракамларига пул қўчириши орқали сотилар эди. Ўз навбатида, бу каби чора-тадбирлар ички истемол бозорини рубль экспансиясидан маълум даражада ҳимоя килди.

<sup>1</sup> О.Султонов, М. Мўминов. Мустақиллик ва пул ислоҳоти. – Тошкент: Мехнат, 1992. – 23- б.

<sup>2</sup> И.А. Каримов. Ўзбекистон иктисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. 217- б.

Бирок, бу каби чора-тадбирлар ички бозорни түлиқ ҳимоя қилиш имконини бермас эди<sup>1</sup>.

1993 йилнинг 15 ноябридан бошлаб давлат мустақиллигининг энг асосий ва муҳим шартларидан бири – миллий пул бирлиги ҳисобланмиш «сўм»га ўтиш жараёни бошланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси худудида сўм-купонларни муомалага киритишни жорий қилиш тўғрисида»ги қарори билан 1961-1992 йилларда чиқкан рубллар билан биргаликда ҳаракатланувчи параллел валюта муомалага киритилди. Сўм-купон курси 1961-1992 йилларда чиқкан рубллар ва 1993 йилда чиқкан Россия Марказий банкининг банкноталарига нисбатан, 1 сўм-купон – 1 рубль нисбатида белгиланди.

Бу жараён миллий валютага ўтишнинг биринчи ҳисобланади. Ва у ўз ичига 1993 йилнинг ноябридан 1994 йилнинг июнигача бўлган даврни олади. 1993 йилнинг 22 ноябридан бошлаб, Ўзбекистонда бир марталик купонлар бекор қилинди. Собиқ Итифоқ Давлат банкининг 1961-1992 йилларда эмиссия қилинган 1 рублдан 100 рублгacha бўлган майда купюралари республика худудида сўм-купонлар билан бир вақтда муомалада бўлди. 1993 йилнинг 15 ноябридан бошлаб, Россиянинг киймати 5000 ва 10000 рублга teng бўлган пулларининг республика худудидаги ҳаракати тўхтатилди. Улар Жамғарма банкка омонат сифатида топширилиши шарт эди. Худди шу ерда техник хатоликка йўл қўйилди, яъни Жамғарма банк муассасаларида навбатда турганлар сони кескин кўпайди. Кейинчалик мазкур купюраларни Жамғарма банк муассасаларига кўйиш муддати узайтирилди.

Шундан келиб чиқиб, миллий валютани муомалага киритишида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг етакчи тамойилларидан бири – аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш эканлиги белгилаб қўйилди. Бу чора-тадбир Ҳукумат ва Марказий банкнинг сўмни тасдиқлаш ва барқарорлаштиришга қаратилган келажакдаги барча чора-тадбирларида асосий устувор йўналиш бўлиб қолди. Муомалада вақтинчалик параллел валютанинг юриши аҳоли

<sup>1</sup> В. Тен. Ўзбекистонда миллий валютани муомалага киритилиши хусусиятлари // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2000. – №7. 27-6.

манфаатларига зиён етказмасдан, силлиқлик билан мамлакатнинг янги пул тизимини яратишни таъминлади.

«Вактинчалик пуллар - сўм-купонлар мустакил молия, кредит ва нарх сиёсатини амалга ошириш учун маълум бир тажриба йиғишига имкон яратди. Сўм-купонлар оркали миллий пул бирлигини жорий қилишининг стратегияси ва механизми ўрганиб чиқилди, инфляция билан курашиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди ва синааб кўрилди ҳамда ўзаро ҳисоб-китоблар механизми йўлга кўйилди»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пул муомаласини мустаҳкамлаш ва сўм-купоннинг харид қувватини ошириш бўйича кечикириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори»га мувофиқ, 1994 йил 15 апрелдан бошлаб, республика худудида Россия банки банкноталарининг муомалада бўлиши таъқиқланди ва сўм-купон ягона қонуний тўлов воситаси бўлиб қолди. Шу билан бирга, Иттифоқ Давлат банки ва Россия Банкининг кичик номиналли пуллари сўм-купонлар билан бирга муомала сақланиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июндаги Фармони билан<sup>2</sup> 1994 йил 1 июлдан бошлаб, Ўзбекистон худудида миллий валюта – сўм муомалага киритилди. Унга кўра 1 сўм 1000 сўм-купон эквивалентида белгиланди. Шу кундан бошлаб, сўм – мамлакатимизда қонуний тўлов воситаси бўлиб қолди, сўм-купонларни эса чиқариш тўхтатиб кўйилди, лекин улар 1 августгача муомалада бўлди. Бу каби ёндашув алмашинув жараёнида рўй бериши мумкин бўлган ҳар қандай саросимани олдини олди. Банк муассасалари сўм-купонларни 1994 йил 1 августгача жамғарма сифатида қабул қилиши тўғрисидаги қарор ҳам янги пулларни хотиржамлик билан муомалага киришига замин яратди.

Бу жараён миллий валютани муомалага киритишнинг иккинчи босқичи эди. Шундай қилиб, сўм секин-аста сўм-купоннинг ўрнини эгаллади.

<sup>1</sup> Под ред. Ф.М.Муллажанова. Банковская система Узбекистана в годы независимости. – Ташкент: Узбекистон, 1996. с. 46.

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 16 июня 1994 г. №УП-870 “О введении в обращение национальной валюты Республики Узбекистан” // Народное слово.– 17 июня 1994 г.

Албатта, миллий валютани муомалага киритиш бўйича кўп босқичли режа муваффакиятли якунланди. Мамлакат мустақил пул-кредит, молия-бюджет ва иқтисодий сиёсатни ўтказишига имкон берадиган тўлақонли пул бирлигига эга бўлди.

Шунингдек, миллий валюта республиканинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга, халқ хўжалигини бозор муносабатларига ўтишига ва барқарорлашишига ёрдам берди<sup>1</sup>.

Таъкидлаш лозимки, миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш тизимидағи бу улкан ҳаракат мазмуни жиҳатидан сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий мураккаб масалани ҳал қилишдаги инқилобий ўзгаришни ўзида акс эттирасада, у шакли жиҳатидан тадрижий йўл билан, яъни босқичма-босқич, ҳеч қандай сакрашларсиз ва «шок»ларсиз амалга оширилди.

Миллий валютамизни муомалага киритиш – унинг барқарорлиги ва мустаҳкамлиги билан боғлиқ кўпгина муҳим масалаларни ҳал қилишни талаб этарди.

Ўзбекистонда амалга оширилган пул ислоҳотининг муҳим жиҳати шундаки, у ижтимоий ҳимояга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Демак, Президентимиз таъбири билан айтганда, «буғунги энг муҳим вазифа – валютамизни бакувват, дунёда обрўли валютага айлантиришdir. У юксак кийматга ва катта кучга эга бўлиши лозим. Сўмнинг барқарорлигини таъминлаш ва қадрини ошириш – умуммиллий вазифа. Республикамиздаги барча фуқароларнинг фаровонлиги ана шу вазифанинг ҳал этилишига боғлиқdir»<sup>2</sup>.

Бизга маълумки, валюта тизими валюта муносабатини ташкил қилишнинг давлат ҳукукий шаклидир. Давлат шакли дейилишига сабаб шундаки, валюта муносабатини тартибга солиши ҳақидаги қонунларга факат ҳукумат раҳбари ёки унинг расмий агентлари имзо чекади. Масалан, Ўзбекистон Республикасида республиканинг халқаро миқёсидаги талаб ва мажбуриятлар юзасидан қонуний ҳужжатларга Вазирлар Маҳкамасининг раиси сифатида мамлакат Президенти ёки унинг 2 та расмий агентлари

<sup>1</sup> Э.Акрамов, А.Таиров. Экономические реформы Республики Узбекистан. – Москва: ТОО «Люкс-Арт», 1998. с. 103.

<sup>2</sup> И.А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. 200- б.

(Марказий банк раиси ва Молия вазири) имзо чекиши хукуқига эга.

1.3.1- жадвал

### Миллий ва жаҳон валюта тизимларининг асосий элементлари<sup>1</sup>

МИЛЛИЙ ВАЛЮТА ТИЗИМИ	ЖАҲОН ВАЛЮТА ТИЗИМИ
Миллий валюта	Халқаро резерв валюталар, халқаро хисоб бирликлари
Миллий валютанинг алмашиниш шартлари	Валюталарнинг ўзаро алмашиниш шартлари
Миллий валюта паритети	Валюта паритетларининг унификациялашган режимлари
Миллий валюта курсининг режими	Валюта курси режимига ХФВ томонидан кўйиладиган талаблар
Мамлакатнинг халқаро валютавий тўловга қобилиги	
Валютавий чеклашларнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги	Валюта муносабатларини давлатлараро тартибга солиш
Мамлакатнинг халқаро хисоб-китобларини миллий даражада тартибга солиш	ХФВ томонидан давлатларнинг тўлов баланси дефицитини коплаш тартиби
Халқаро кредит муомала восита-ларидан фойдаланиш тартиби	Халқаро кредит муомала восита-ларидан фойдаланишнинг унификациялашган коидалари
Баҳо масштаби	Халқаро хисоб-китоб шаклларининг унификацияси
Миллий валюта бозори ва олтин бозорининг режими	Жаҳон валюта бозори ва олтин бозорларининг режими
Мамлакатда валюта муносабатларини назорат килувчи ва тартибга солувчи миллий органлар	Давлатлараро валюта муносабатларини тартибга солувчи халқаро ташкилотлар

Жаҳон валюта тизими давлатлараро келишувлар натижасида юзага келади ва унинг талаблари унга имзо чекилган мамлакатлар учун мажбурийдир. Масалан, 1978 йилдан бўён жаҳон валюта

<sup>1</sup> Л.Н. Красавина таҳрири остида чоп этилган «Международные валютно-кредитные и финансовые отношения» китобида келтирилган шаклга асосланган холда тузилди.

тизими талабларига мувофиқ олтиндан бевосита пул сифатида фойдаланиши таъкиқланган.

Миллий валюталар амалдаги алмашиниш шартига кўра З турга бўлинади:

1. Эркин айирбошланадиган валюта (ЭАВ);
2. Қисман айирбошланадиган валюта (ҚАВ);
3. Умуман алмашинмайдиган валюта (УАВ).

Бизнинг фикримизча, валюталарниң алмашиниш шарти билан курс режимлари ўртасида қатъий алоқадорлик мавжуд.

Маълумки, миллий валюта курсининг З асосий режими мавжуд:

1. Эркин сузиш режими.
2. Қатъий белгиланган курс режими.
3. Бошқариладиган сузиш режими.

Агар миллий валютанинг курси эркин тарзда валюта бозорида талаб ва таклиф асосида шаклланса, бу эркин сузиб юрувчи курс режимини англаатади. Бунда мамлакат Марказий банки миллий валюта курсининг маълум ҳолати учун жавоб бермайди. Бу курс режими эркин айирбошланадиган барча захира валюталарига тегишли. Шундай мамлакатлар борки, уларда жорий операциялар бўйича валютавий чекловлар бекор килинган, аммо бошқариладиган сузиш режими қўлланилади. Бундай давлатларга мисол қилиб Мексика, Кувайт, БАА каби давлатларни кўрсатиш мумкин. Лекин бу ҳолат валюталарниң алмашиниш шарти билан режими ўртасидаги алоқадорликни инкор этиш учун етарли эмас.

Қатъий белгиланган курс режимида мамлакатнинг миллий валюта курси хорижий валютага нисбатан маълум нисбатда ўрнатилади ва Марказий банк курснинг белгиланган нисбати учун жавоб беради. Аммо қатъий белгиланган валюта курслари валюта операцияларини кенг қўламда ривожланишига тўсқинлик қиласди, лекин унинг иқтисодиётга ижобий жиҳатлари ҳам бор. Ана шундай ижобий жиҳатларидан бири шундаки, қатъий белгиланган курс режимида валюта риски муаммоси чукурлашмайди.

70-йилнинг ўрталаридан бошлаб марказий банкларниң курс сиёсатида ўзгаришлар пайдо бўлди. Расман эркин сузиш режимини тан олган марказий банклар (Австрия, Италия марказий банклари ва бошқалар) валюта курсига таъсир қилиш учун валюта интервенциясини тез-тез амалга ошира бошладилар. Бу ҳолат

ХВФ экспертлари томонидан “бошқариладиган сузиш” деган номни олди.

Валюта бозорининг режимига тұхталадиган бүлсак, Ўзбекистон Республикаси ички валюта бозори икки қисмдан иборат:

1. Республика валюта биржаси. Валюта биржаси - ёпік турдаги акционерлик жамияти (ЁТАЖ) бўлиб, норезидентларнинг иштирок этишига рухсат этилмайди. Унга фақат республикадаги ваколатли тижорат банклари аъзо бўлиши мумкин;

2. Биржадан ташқари валюта бозори.

Миллий валюта тизими миллий валютани чет эл валютасига алмаштириш, шунингдек, алмаштириш билан боғлиқ бўлмаган, чет эл валютасига доир бошқа операцияларни тартибга солувчи конуний мустаҳкамланган тизим ҳисобланади.

Ўзбекистон миллий валюта тизими халқаро валюта тизимининг тузилмавий тамойилларини ҳисобга олган холда шаклланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси валюта тизими куйидаги элементлардан ташкил топган:

1. Валюта тизимининг асоси – миллий валюта ҳисобланади. Бизда, миллий валюта - «сўм» 1994 йил 1 июлдан муомалага киритилган. Бугунги кунга келиб, сўмнинг тўлов баланси жорий операциялари бўйича хорижий валюталарга тўлик конвертирлашиши таъминланган.

2. Сўмнинг курси ҳеч бир хорижий валютага ёки валюта саватига расман боғланмагандир. Хорижий валютанинг Ўзбекистон Республикаси пул бирлигига бўлган курсини ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасидаги битимлардаги талаб ва таклиф бўйича хорижий валюталарнинг сўмга бўлган курси аниқланади. Расман Ўзбекистонда эркин сузиш режими қабул қилинган.

3. Халқаро кредит муомала воситаларидан фойдаланиш тартиби.

Ўзбекистон халқаро кредит муомала воситаларидан фойдаланишда Унификациялашган халқаро қоидаларга амал килиб келмоқда. Жумладан, вексел ва чек муомаласи бўйича Халқаро Женева Конвенцияси республикамиз субъектлари учун халқаро

кредит муомала воситаларидан фойдаланишни белгилайдиган асосий қоидалар хисобланади.

4. Республикаизда халқаро ҳисоб-китобларни қатъий белгилаш Халқаро Савдо Палатаси томонидан қабул қилинган ҳужжатли аккредитив ва инкассо бўйича унификациялашган қоидаларга асосланган ҳолда амалга оширилмоқда.

5. Мамлакатнинг халқаро валютавий ликвидлилигини бошқариш. Бу элемент, ўз навбатида, хорижий валютадаги мажбуриятларни етарли тўлов маблағлари билан таъминланганлиги ни кўрсатади. 2006 йилнинг 1 январь ҳолатига, мамлакатимизда расмий олтин-валюта захираларининг миқдори 7 ойлик импортни қоплаш даражасида бўлди. Бу эса, мамлакатнинг валютавий тўлов кобиллигини англатади.

6. Валюта бозори режими. Республика валюта бозорларида (валюта биржаси, биржадан ташқари валюта бозори ва нақд хорижий валюта савдоси, хусусан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд бўлган ваколатли банкларга тегишли барча валюта айрбошлиш шаҳобчалари) операцияларни фақатгина Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Бош лицензиясини олган ваколатли банкларгина амалга оширишлари мумкин.

7. Ўзбекистонда мамлакат валюта муносабатларини бошқариш ва тартибга солишнинг йўналишлари аниқ белгилангандир. Валюта сиёсатини амалга оширувчи давлат тартибга солиш органлари бўлиб – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирилиги ҳисобланади.

Демак, сўмнинг баркарорлигини таъминлаш ва қадрини ошириш иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги асосий вазифаларидан биридир. Мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлигини таъминлаш бевосита мазкур вазифанинг ҳал этилишига боғлиқдир.

Айни вактда, Ўзбекистон Республикаси миллий валюта тизмининг баркарорлигини таъминлашда принципиал аҳамиятга эга бўлган муаммолар сақланиб қолмоқда. Улардан асосийлари куйидагилардан иборат:

а) Миллий валютанинг қадрсизланиш жараёни давом этмоқда.

2005 йилда сўмнинг АҚШ долларига нисбатан қадрсизланиши 11,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2006 йилнинг дастлабки 9 ойи мобайнида бу кўрсаткич 4,2 фоизни ташкил қилди.

б) Халқаро хисоб-китоб шаклларидан Ўзбекистон худудида фойдаланиш тартибини белгилайдиган алоҳида меъёрий ҳужжат мавжуд эмас. Бунинг натижасида хорижий валюталардаги тўловларни амалга ошириш кетма-кетлигида ноаниқликлар юзага келмоқда.

Мазкур муаммоларни ҳал қилиш мақсадида, биринчидан, миллий валютанинг алмашув курсига салбий таъсир қитувчи омилларга барҳам бериш чораларини кўриш лозим; иккинчидан, халқаро хисоб-китоб шаклларидан Ўзбекистон худудида фойдаланиш тартибини белгилайдиган алоҳида меъёрий ҳужжат ишлаб чиқиш ва уни юридик кучга эга бўлишини таъминлаш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, сўмнинг муомалага киритилиши валюта тизими ва валюта муносабатларини тартибга солиш амалиётини шакллантиришда янги босқични бошланишига сабаб бўлди. Шу билан бирга, бу борада ҳал қилиниши лозим бўлган принципијал муаммолар сақланиб қолди.

#### **1.4. Марказий банкнинг фоиз сиёсатидан валютани тартибга солиш амалиётида фойдаланишнинг назарий асослари**

Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсати пул-кредит сиёсатининг энг муҳим инструментларидан бири саналади. Жаҳон амалиётида у, одатда, фоиз ставкасининг расмий жиҳатдан кенг тарқалган икки шакли, яъни хисоб (дисконт) ва ломбард ставкаларини ўрнатиш ва қайта кўриб чиқиш орқали амалга оширилади.

Дисконт ва ломбард ставкалари борасида ҳам америкача ва европача ёндашувлар кўзга ташланади. Дисконт ойнаси орқали кредитлаш АҚШ монетар сиёсатининг анъанавий воситаларидан бири бўлиб ҳисобланса, ломбардли кредитлаш воситалари Европанинг бир катор давлатлари, жумладан, Германия, Швейцария ва Австрия марказий банкларининг монетар сиёсатида узлуксиз тарзда қўлланилиб келинмоқда. XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб, ломбард ставкасида кредитлаш Канада, Австралия ва Янги Зеландия давлатлари амалиётида ҳам қўллана бошлаган бўлса, Европа Мар-

казий банки бу инструментки монетар сиёсатнинг асосий восита-ларидан бири сифатида қабул қылды.

Умуман олганда, қайта молиялаш деганда, одатда, Марказий банк томонидан кредит институтларини уларнинг ихтиёридаги тратталарни (қайта ҳисобга олинадиган вексел) ва бошқа қимматли қоғозларни (ломбардли кредит) гаровга олиш йўли билан ёки овердрафт шаклида кредитлаш тушунилади. Қайта молиялашдан асосий мақсад бўлиб, муомаладаги пул массасини кредитларнинг ҳажми ва фоиз ставкасига таъсир этиш йўли билан тартибга солиш ҳисобланади.

Дисконт сиёсатининг валютани тартибга солишда фойдаланишишини ёритиш учун, даставвал, фоиз ставкаси ва валюта курси ўртасидаги алоқадорликни тадқиқ этиш талаб этилади.

Халқаро амалиётда валюта курсининг вақт ўтган сари ўзгариб боришига таъсир қилувчи омиллардан бири – мамлакатлардаги фоиз ставкалари даражаларининг турлича бўлиши ҳисобланади. Фоиз ставкалари ва валюта курси ўртасидаги алоқадорликни ўрганувчи назариялардан бири – бу, халқаро Фишер эфекти (ХФЭ)дир. ХФЭга кўра, фоиз ставкалари юкори бўлган валютанинг қадри тушиб боради, чунки юкори номинал фоиз ставкалари ўзида кутиладиган инфляция даражаларини акс эттиради. Фоиз ставкаси фарқлари ва кутилаётган валюта курси ўзгаришлари ўртасидаги алоқадорлик ХФЭга биноан куйидагича намоён бўлади: биринчидан, маҳаллий пул бозори қимматли қоғозларига инвестиция килган сармоядорлар учун соф қайтим бўлиб айнан мазкур қимматли қоғозларнинг фоиз ставкалари ҳисобланади. Хорижий қимматли қоғозларга инвестиция киритган сармоядорларнинг соф даромади нафақат хорижий фоиз ставкалар( $i_f$ )га, балки қимматли қоғозлар муомалага чиқарилган валюта қийматининг ўзгариши( $e_f$ , %)га боғлик бўлади. Шундай қилиб, хорижий банк депозитларидан (ёки пул бозори қимматли қоғозларидан) соф (самарали) даромад куйидагича топилади:

$$r = (1+i_f)(1+e_f) - 1$$

ХФЭга кўра хорижий инвестициядан соф қайтим (даромад) ўртача маҳаллий инвестиция қайтимига тенг бўлиши лозим. Шундай қилиб, ХФЭ хорижий пул бозори инвестицияларидан кутилган қайтим маҳаллий пул бозори инвестицияларига тўланадиган фоиз ставкаларига тенг бўлишини назарда тутади:

$$E(r) = i_h$$

бу ерда:

$r$  – бу хорижий депозитлардан даромад(фоиз);

$i_h$  – маҳаллий депозитларга тўланадиган фоиз ставкаси.

Энди хорижий ва маҳаллий инвестициялардан қайтимларни айнан бир хил бўлишига олиб келувчи валюта курсининг ўзгариш даражасини аниқлаймиз. Аввалги формуладаги  $r$  нинг  $i_h$  га тенглигидан келиб чиқиб, қуйидаги тенгликка эга бўламиш:

$$R = i_h$$

$$(1+i_f)(1+e_f) - 1 = i_h$$

Бу тенгликдан  $e_f$ ни топишга ҳаракат қиласамиз:

$$(1+i_f)(1+e_f) = (1+ i_h)$$

$$(1+e_f) = (1+ i_h) / (1+i_f)$$

$$= (1+ i_h) / (1+i_f) - 1$$

Мазкур тенглик асосида ХФЭнинг қуидаги хулосалари келиб чиқади: агар  $i_h > i_f$  бўлса,  $e_f$  ижобий, яъни мусбат бўлади, чунки нисбатан паст хорижий фоиз ставкалари нисбатан паст инфляцион кутишларни ўзида акс эттиради. Шундай қилиб, агар хорижий фоиз ставкалари маҳаллий ставкаларга нисбатан пастроқ бўлса, хорижий валютанинг қадри ошади.

Агар икки мамлакат фоиз ставкалари маълум бўлса, бу валюталар ўртасидаги айирбошлиш курсининг келажақдаги ўзгаришларини ХФЭ ёрдамида башорат қилиш мумкин бўлади. Буни янада соддароқ кўринишда ХФЭ тенглигини қуидагича ифодалаш мумкин:

$$e_f = i_h - i_f$$

Ва ниҳоят, инвестиция даври мобайнинда валюта курсининг фоиз кўринишидаги ўзгариши мамлакатлар ўртасидаги фоиз ставкалари фарқларига тенг бўлади. Бу тенглик фоиз ставкалари ўртасидаги фарқлар кичик бўлганда янада яққолроқ башоратларга олиб келади.

Лекин, бу назария ҳар доим ҳам факат тўғри башоратга олиб келавермайди. Чунки номинал фоиз ставкалари инфляцион кутишни ўзида акс эттирасада, валюта курси фоиз фарқларидан ташқари бошка омиллар (сиёсий омиллар, коррупция, валютавий чекловлар) таъсирида ҳам ўзгариши мумкин. Агар мазкур омиллар валюта курсини оширишга хизмат қиласа-ю, фоиз фарқлари

валюта кадрини тушишини кўзда тутса, бошқа омиллар хисобига валюта курси ўзгаришсиз қолиши ёки аксинча ошиши мумкин.

Фоиз ставкаларининг иқтисодиётга таъсири борасида олиб борилган тадқиқотлар кўрсатишича, ривожланган етакчи давлатлардаги фоиз ставкалари бошқа мамлакатлар реал иқтисодиётига таъсири ўтказиши мумкин, факат бу таъсири валютасини ривожланган давлат валютасига “боглаб” қўйган давлатлар иқтисодиётидагина кузатилади. Қатъий белгиланган валюта курси режимига эга бўлмаган давлатларда реал ЯИМнинг йиллик ўсиши ва фоиз ставкалари ўртасида алоқадорлик умуман кузатилмайди.

Ҳар қандай пул бозорида, одатда, ставкалар таркибига расмий ҳисоб ставкаси ва Марказий банкнинг операциялари бўйича жорий ставкалар киради<sup>1</sup>. Ушбу ставкалар доимо пул бозорининг бошқа ставкаларидан паст ўрнатилади. Бунга сабаб Марказий банк томонидан тижорат векселларини қайта ҳисобга олиш деярлик ҳеч қандай рискни юзага келтирмайди. Шу жиҳатдан банклар анъанавий тарзда Марказий банк томонидан қайта молиялаштирилиши мумкин. Давлат учун расмий ҳисоб ставкаси билан боғлиқ операциялар бозорни тартибга солишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Шу сабабли, барча векселлар қайта ҳисобга олинмайди (акцептловчи банклар сони чегараланган).

Пул бозори ставкалари таркибидаги кейинги муҳим элемент бўлиб, хазина векселлари бўйича ставкалар ётади. Бу ставкалар одатда бир катор давлатларда (Канада, Италия, Швеция, Япония) расмий ҳисоб ставкаларидан доимо паст юради. Хазина векселларини давлат чикаргани учун улар ўта ликвид активлар тоифасига киради. Кўпгина давлатларда хазина векселлари билан биргаликда банклар томонидан акцептланган юкори даражали тижорат векселлари ҳам котировка килинади.

Пул бозорида ставкалар таркибининг учинчи асосий элементи бўлиб, банклараро депозитлар бозори ставкалари ва унга яқин депозит сертификатлари ставкалари ҳисобланади. Бу ставкалар одатда доимо расмий фоиз ставкасидан ва хазина векселлари ставкасидан юкорирок бўлади.

<sup>1</sup> Б.Г. Федоров. Современные валютно-кредитные рынки. – Москва: Финансы и статистика, 1989. с. 55.

Марказий банк, қайта молиялаш ставкаси даражасини тартибга солиш орқали, мамлакатдаги пул массаси ҳажмига таъсир кўрсатади, тижорат банкларининг кредиттага бўлган талабларини ошишини ёки камайишини рафбатлантиради.

Марказий банк томонидан кредит институтларига қайта хисобга олиш ва ломбард ставкалари асосида кредитларни берилиши пул-кредит сиёсатининг оралиқ ва тактик мақсадларидан келиб чиқади. Бундан ташқари, кредитлашда индивидуал ёндашув бўлиши мумкин.

Муомаладаги хазина қимматли қоғозлари ҳажми қисқариб бораётган шароитда, марказий банклар томонидан, пул массасидаги кескин пасайишларни бартараф этиш мақсадида, ушлаб турилган ҳукумат қимматли қоғозлари ўз ўрнини бошқа муқобил активларга бўшатиб берадилар. Дисконт ойнаси ссудалари айнан шундай муқобил актив бўлиб хизмат килиши мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, айни пайтда дисконт ойнаси ссудалари АҚШ ялпи федерал резерв кредитларининг 1 фоизидан камроғини ташкил этади. Аксинча, очиқ бозор операциялари натижасида ФЗТ томонидан ушлаб турилган ҳукумат қимматли қоғозлари улуши деярли 90 фоизни ташкил қиласди<sup>1</sup>.

1913 йилда ФЗТ ташкил топган пайтда дисконт ойнаси орқали резерв фонdlарини кредит сифатида бериш марказий банк операцияларининг бош инструменти этиб белгиланган эди. Ўша пайтларда дисконт ойнаси ссудалари ФЗТ ялпи кредитларининг иирик қисмини ташкил қиласди. 1921 йилга келиб бундай ссудалар улуши ялпи ФЗТ кредитларининг 82 фоизига етган бўлса, 1920 йилларининг қолган барчасида 37 фоиздан пастга тушмаган<sup>2</sup>. Бошқа мамлакатларда ҳам бундай ссудалар Марказий банк кредитларининг асосий манбаи сифатида турли даврларда Марказий банк фаолиятида кўлланиб келинган.

Дарҳақиқат, очиқ бозор операцияларининг жаҳон марказий банклари фаолиятида кенг ёйилиши марказий банклар тарихида янги туб бурилиш даврини – тараккиёт босқичини бошлаб берди.

<sup>1</sup>Интернет маълумотлари

([www.federalreserve.gov/boarddocs/surveys/soma/alt\\_instrmnts.pdf](http://www.federalreserve.gov/boarddocs/surveys/soma/alt_instrmnts.pdf)).

<sup>2</sup>Интернет маълумотлари ([www.ny.frb.org/markets/openmarket.html](http://www.ny.frb.org/markets/openmarket.html)).

Марказий банкларнинг дисконт ойнаси ссудалари куйидаги мақсадларга хизмат қилади:

– Марказий банкнинг пул массасини кенгайишини рағбатлантирувчи активларини кўпайтирувчи механизми шакллантиради;

– пулга бўлган талабдаги мавсумий тебранишларни рағбатлантириш мақсадида Марказий банк активларини кенгайтириш ва қисқартириш механизмини шакллантиради;

– ўрнатилган тартиб доирасида федерал фондлар ставкасининг кунлик тебранишини қисқартирувчи резерв қолдиқлари таклифининг эластиклигини таъминлайди;

– фоиз ставкаларига таъсир килиш орқали мамлакатга чет эл валюталари оқимини рағбатлантиради ва валюта курси барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

АҚШ Федерал Резерв Тизими ва Германиянинг Федерал банки мисолида қайта ҳисобга олиш ва ломбард ставкалар ўртасидаги фарқни кўриб чиқамиз.

Ҳисоб ставкаси. Ҳисоб ставкаси – бу Марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган кредитнинг фоиз ставкасидир. Агар пул базасини ва пул таклифини кенгайтириш зарурати пайдо бўлса, Марказий банк ҳисоб ставкасини туширади, яъни кредитни арzonлаштиради ва дисконт ойнаси орқали қарз олишни кенгайтиришни рағбатлантиради. Шундай қилиб ҳисоб ставкасини тушириш орқали тижорат банкларининг кредит ресурслари кўпаяди ва иктисодиётда пул таклифининг ўсиши кузатилади.

Марказий банк ушбу сиёsatни амалга ошириш даврида векселларни ҳисобга олиш ва қайта ҳисобга олиш шартларини оғирлаштиради:

– векселларни сифатига бўлган талабни оширади;

– қайта ҳисобга олиш контингентининг чегарасини белгилайди;

– қайта ҳисобга олиш лимитини киритади (масалан, самарасиз тармоқлар векселларини ҳисобга олишни ман этади) ва ш.к.

Германиянинг ҳисоб сиёsatи. Германиянинг “Федерал банк тўғрисида”ги конунига мувофиқ, Федерал банкка тижорат векселларини, шунингдек, Федерациянинг хазина векселлари, Федерациянинг ерлари ва маҳсус фондлари улар томонидан

ўрнатилган ставкалар, агар улар қонунда кўрсатилган талябларга жавоб берса, банклардан сотиб олиш ва сотиш хукуки берилади.

Векселлар учун учта тўловга кобил субъект кафиллик бериши лозим. Тақдим этилган қоғозлар уч ой ичида тўловга тақдим этилса тўланиши шарт бўлган тижорат векселлари бўлиши керак.

Федерал банк ўзининг кредит сиёсати қоидаларида бир қатор шартлар, хусусан, векселларни сотиб олишга яроқлилигини аниқлашни белгилаган. Бу қоидаларга мувофиқ, тўловга лаёкатли векселларга кафил бўлган томоннинг молиявий шартларини ҳаққоний баҳолаш имконияти борлари саналади. Федерал банк тижорат векселларидан ташқари товарларни етказиб бериш ёки корхоналар ва мустақил тадбиркорлар ўртасида амалга ошириладиган пуллик хизматлар асосида чиқарилган муомаладаги векселларни ҳам харид килади.

Ликвидилик сиёсатининг асосий инструменти бўлиб, умумий қайта ҳисобга олинган кредитларни лимитлаш ёрдамида банклар ихтиёридаги ҳисоб кредитлари ҳажмини чегаралаш ҳисобланади.

Пул-кредит сиёсати ва сиёсий омиллардан келиб чиқиб, қайта ҳисобга олишнинг чегаралари глобал миқёсда ўтган асрнинг 90-йилларигача тез-тез қисқариш ва кўпайиш анъанасига эга бўлган.

Марказий банклар дисконт ссудалари ҳажмига қўйидаги икки йўл билан таъсир қилиши мумкин<sup>1</sup>: (1) ссудаларнинг баҳосига (дисконт ставкасига) таъсир этиш орқали ёки (2) дисконт ойнаси маъмурияти томонидан ссудалар миқдорига таъсир этиш орқали.

Марказий банк дисконт ставкасининг дисконт ссудаларига таъсир қилиш механизми жуда оддий: юқори дисконт ставкалари Марказий банқдан олинган қарз маблагларининг нархини ошириб юборади ва ўз-ўзидан банклар томонидан олинган дисконт ссудалари ҳажми қисқаради; паст дисконт ставкалари мазкур ссудаларнинг жозибадорлигини оширади ва тижорат банкларининг дисконт ссудалари портфели ошади.

Марказий банкларнинг дисконт ойна маъмурияти орқали дисконт ссудаларига қандай таъсир қилишни ФЗТ мисолида кўриб чиқамиз.

<sup>1</sup> Н.Х.Жумаев. Валютани тартибга солишда дисконт (фоиз) сиёсатидан фойдаланиш масалалари // Иктисадиёт ва таълим. – Тошкент, 2006. – №3. 98-б.

ФЗТ тижорат банклариға берадиган дисконт ссудалари 3 хил күриниңда бўлади: мувофиқлаштирувчи кредитлар, мавсумий кредитлар ва узайтирилган кредитлар.

Мувофиқлаштирувчи кредит монетар сиёсатда муҳим рол ўйновчи инструмент ҳисобланади. Мазкур кредит депозитларнинг вақтингчалик чиқиб кетиши туфайли юзага келадиган қисқа муддатли ликвидлилик муаммоларини ҳал қилинда тижорат банклариға кўмаклашишга мўлжалланган. Ушбу кредитнинг ставкаси ФЗТ банклари томонидан ўрнатилиди ва Директорлар Кенгаси томонидан тасдиқланади.

Мавсумий кредит фаолияти мавсум билан боғлиқ бўлган кишлоқ хўжалиги каби соҳаларга хизмат кўрсатувчи чекланган микдордаги банкларнинг эҳтиёжларини кондириш максадида ажратилади. 1992 йилдан бўён мавсумий кредитлар ставкаси федерал фондлар ва депозит ставкаларининг ойлик ўргачасига “боғлаб” қўйилган.

Узайтирилган кредитлар депозитларнинг йирик микдорда чиқиб кетиши туфайли оғир ликвидлилик муаммосини бошдан кечираётган банкларга тақдим этилади ва уларни тез орада кайтарилишига умид қилинмайди. Бундай кредитларнинг фоиз ставкаси одатда мавсумий кредит ставкасидан 1,5 % юкори бўлади. Бу кредитни олувчи банк батафсил ишлаб чиқилган ликвидликни тиклаш режасига эга бўлиши лозим. Бундай кредитнинг ёркин мисоли сифатида 1984 йил Continental Illinoisга ФЗТ томонидан берилган 5 млрд. доллардан ортиқ кредитни келтириш мумкин<sup>1</sup>.

Яқин йиллар мобайнинда дисконт ставкалари узлуксиз равишда бозор фоиз ставкаларидан паст бўлиб қолмоқда. Шундай экан, тижорат банкларининг Марказий банкдан паст ставкали дисконт ссудаларини олиш ва уни юкори ставкаларда ссуда ва қимматли қоғозларга жойлаштириш имконияти сақланиб қолмоқда. Лекин бу тижорат банклари мунтазам равища Марказий банкдан мазкур ссудаларни олиш имкониятига эга, дегани эмас. Агар муайян тижорат банки Марказий банкка узлуксиз равища дисконт ссудасини сўраб мурожаат қиласерса, Марказий банк ушбу банк

<sup>1</sup> F.S.Mishkin The Economics of Money, Banking, Financial markets, 6<sup>th</sup> edition update, Columbia University, 2003 y., p. 445.

учун келажакда дисконт ссудаси берилишини бекор қилиши мүмкін. Авваламбор, тижорат банклари учун бериладиган дисконт ссудалари микдори Марказий банкнинг монетар ва валюта сиёсатининг устувор йўналишларига боғлик бўлади.

Дисконт ойнасидан қарз олувчи банк, одатда, уч турдаги харажатларга дучор бўлади: (1) дисконт ставкаси, яъни фоиз харажатлари; (2) бозор иштирокчиларининг муайян банкнинг дисконт ссудасини сўраб мурожаат қылганидан хабардор бўлиши натижасида бу банкнинг молиявий соғломлиги борасида шубҳа пайдо бўлиши билан боғлик харажатлар; (3) мунтазам дисконт ойнасига мурожаат килиш натижасида келажакда дисконт ссудасини олишдан куруқ қолиш билан боғлик харажатлар.

Резервларга ва пул таклифига таъсир килувчи инструмент сифатида фойдаланилишидан ташқари, дисконт инструменти молиявий рискларнинг кучайишини бартараф этишда ҳам муҳим рол ўйнайди. Банк тизимидағи молиявий рисклар натижасида депозитларнинг маълум қисми банк тизимини тарқ этиши ва пиравардида бутун банк тизимида инкиroz холати юзага келиши мүмкін. Марказий банкнинг сўнгги кредитор сифатидаги роли бундай муаммонинг олдини олади. Омонатчилар пул маблағларини жойлаштирган банк ликвидлилик муаммосига дуч келиб қолса ҳам, доимо молиявий ёрдамга тайёр Марказий банк борлигидан хотиржам бўлади.

Дисконт сиёсати тижорат банклари учун келажақдаги монетар сиёсатининг мақсади борасида сигнал вазифасини ўтайди. Дисконт ставкасини ўзгаришини эълон қилиш натижасида келиб чиқадиган муаммо шундан иборатки, у бозор иштирокчиларининг нотўғри талқинига сабаб бўлиши мүмкін. Истиқболдаги монетар сиёсат борасидаги нотўғри талқин эса, ўз навбатида, молиявий соҳада номувофиқликларни келтириб чиқаради<sup>1</sup>.

Умуман олганда, дисконт сиёсатининг асосий афзаллиги шундаки, Марказий банк сўнгги кредитор роли орқали ликвидлик муаммоси домига тушиб колган тижорат банкларига жиддий кўмак бериши мүмкін. Шундай бўлсада, фикримизча, дисконт сиёсатининг бир катор камчиликлари ҳам мавжуд:

<sup>1</sup> Н.Х.Жумаев. Валютани тартибга солиш: фоиз сиёсати // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2006. – №4. 49-б.

1. Дисконт ставкасининг ўзгаришини эълон қилиниши натижасида Марказий банкнинг монетар сиёсатдан кўзлаган мақсади бозор иштирокчилари томонидан чалкаштирилиши, яъни нотўғри талқин қилиниши мумкин.

2. Марказий банк дисконт ставкасини турли даражада ўрнатганда бозор ставкасининг ўзгариши туфайли бозор фоиз ставкаси ва дисконт ставкаси ўртасидаги фарқ (спред) тебранишлари ортади. Бундай тебранишлар дисконт ссудалари хажми ва пул таклифида кўзда тутилмаган ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Дисконт сиёсатининг юкорида қайд этилган камчиликлари туфайли дисконт сиёсатидан батамом воз кечиш керак ёки йўқлиги борасида баҳс мунозаралар келиб чиқкан. Хусусан, Милтон Фридмен ва бир қатор иқтисодчилар ФЗТ яхшироқ монетар назоратни ўрнатиши мақсадида дисконт дастуридан воз кечиши кераклигини таъкидлади<sup>2</sup>. Фридменнинг таъкидлашича, Федерал депозитларни суғурталаш корпорацияси (FDIC) банк тизимида вужудга келиши мумкин бўлган ваҳималар эҳтимолини бартараф этиш имкониятига эга ва шунинг учун ҳам дисконтлашдан ортиқ фойдаланишга зарурият йўқ.

Фридменнинг фикрига қарши ўлароқ, бир қатор иқтисодчилар ФЗТ FDICнинг орқасида турганлиги ва сўнги кредитор ролини бажарганлиги туфайлигина, у банк ваҳималарини самарали бартараф қилиш имкониятига эга бўлади, деб таъкидлайдилар. Кейинги йилларда банкрофт кўчасига кириб қолган банклар сони ортганлиги боис, ФЗТнинг дисконт дастурига эҳтиёж мавжудлиги ўз тасдиғини топди ва шундан сўнг М. Фридменин кўлламайдиган иқтисодчилар сони кўпайди.

Бундан ташқари, дисконтлашдан воз кечишига нисбатан камроқ радикал бўлган муқобил фикрлар, яъни дисконт ставкасини бозор фоиз ставкасига (масалан, уч ойлик хазина вексели ёки федерал фонdlар ставкасига) биринкириб кўйиш борасидаги фикрлар ҳам олға сурилди. Бунинг ортидан бир қатор афзалликлар пайдо бўлиши мумкин. Масалан, ФЗТ ўзининг сўнги кредити

<sup>2</sup> Milton Friedman, *A Program for Monetary Stability* (New York Fordham University Press, 1960); Marvin Goodfriend and Robert G. King, "Financial deregulation, Monetary Policy, and Central Banking," *Federal Reserve Bank of Richmond Review* 74 (1988). pp. 3-22.

тор ролини бажариш учун дисконтлашдан фойдаланишда давом этади, иккинчидан, бозор фоиз ставкаси ва дисконт ставкаси ўртасидаги фарқ тебранишлари бартараф этилади, учинчидан, дисконт ставкаси ўзгариши автоматик тарзда юз берганлиги боис, ФЗТ мақсади борасида нотўғри сигнал тарқалмайди, яъни дисконт ставкасини эълон қилиш натижасида келиб чиқадиган англашилмовчиликлар бартараф этилади. Лекин бунга қарши фикр юритувчи иқтисодчилар, бозор фоиз ставкаси ўзгарганда дисконт ставкасини қатъий ушлаб туриш бозор фоиз ставкасидаги тебранишларни қисқартиради ва унга таъсир этиш инструменти сақлаб қолинади, деб таъкидлайдилар. Бундан ташқари, хеч қайси Марказий банк дисконт ссудаларини қўлдан бой беришни истамайди.

Ривожланган давлатлар тажрибаси дисконт сиёсатининг мометар сиёсатнинг асосий тартибга солиш инструменти сифатидаги ролининг пасайиб кетганлигидан долалат қиласада, бозор иқтисодиёти сари одимлаётган Ўзбекистон каби давлатларда бошқача ҳолат кузатилиши мумкин. Молия бозори, хусусан қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори тараққий этмаган ўтиш иқтисодиёти давлатларида дисконт сиёсатини қўллаш орқали монетар сиёсатнинг мақсадларига қисқа муддатда эришиш мумкин бўлади. Шундай экан, миллий валюта баркарорлигини таъминлашни бош мақсад килиб олган марказий банклар учун валютани тартибга солишида дисконт сиёсатини қўллаш ва бу орқали миллий иқтисодиётдаги инвестицион муҳитни яхшилаш ва пировардида мамлакатга капитал оқимини рағбатлантириш имконияти пайдо бўлади. Зоро, Марказий банк дисконт сиёсати капиталларнинг давлатлараро харакатини жадаллаштирадиган муҳим воситадир.

Миллий иқтисодиётдаги инвестиция қайтими, яъни фоиз кўринишидаги даромадларнинг ортиши (албатта инфляция дарожалари пастилиги таъминланган холда), иқтисодиёт тармоқларига киритиладиган хорижий инвестицияларнинг жозибадорлигини оширади. Пировард натижада, хорижий капиталнинг кириб келиши билан миллий валютага талаб ортади ва валютамизнинг қадри ошади.

Шундай экан, очиқ бозордаги операцияларга муқобил бўлган дисконт сиёсати инструментларидан фойдаланиш амалиётини та-

комиллаштириш зарур. Шу аснода биз ФЗТнинг янги дисконт ойнаси муқобилларини кўриб чиқамиз.

ФЗТнинг муқобил кредитлаш имкониятлари кейинги йилларда янада ортиб бормоқда, бунга сабаб эса, инвесторларнинг кўпроқ даромад олиш илинжида юқори рисқдан чўчимаётганилиги натижасида паст даромадли ҳукумат қимматли қоғозлари савдо-си ҳажмининг қисқариб бориши ҳисобланади. Биз икки янги муқобил кредитлаш имкониятини ўрганиб чиқамиз: (1) кредитлар аукциони дастури (*an auction credit facility*); (2) номаъмурий кредит дастури (*a nonadministered credit facility*).

Биринчи муқобил кредитлашда Марказий банк кредит аукциони ўтказди ва кредитга талаб миқдорини белгилайди. Аукцион натижасида эса, қайта молиялаш ставкаси ўрнатилади. Иккинчи муқобилда ФЗТ мавжуд дисконт ойнаси маъмурий қоидаларини инобатга олмай, кредитларнинг муддатини узайтиради ва фоиз ставкаси асосий федерал фондлар ставкаси доира-сида ўрнатилади.

Кредит аукциони дастури асосида олинган ссудалар мувофиқлаштирувчи ва узайтирилган кредит дастурларида кўлланиладиган дисконт ойнаси маъмурияти ва мониторинги аралашувидан холи бўлади. Кредит аукциони дастурини ташкиллаштириш учун Резерв банклар Директорлари кенгаши овоз бериши ва Бошқарув кенгаши мавсумий кредит дастури ва маҳсус ликвидлилик дастурида бўлгани каби қарз бериш тартибларини тасдиқлаши лозим. Кредит аукциони дастурининг амал килиши учун асосий элемент бўлиб, аукционнинг муддати ва ҳажми борасидаги карорлар ҳисобланади.

Кредит аукциони дастурини жорий қилиш учун ФЗТ янги кредитлаш дастури асосида балансидаги бир қанча қимматли қоғозларни имтиёзли кредитларга алмаштириш режаларини олдиндан зълон килиши керак. Алмаштириш портфелдан бир қанча хазина векселларини сотиш орқали ёки бир қанча қимматли қоғозларни сўндириш йўли билан амалга оширилади. Иккала ҳолда ҳам ФЗТ аукцион олдидан банкларга хазина векселларига айирбошланадиган имтиёзли кредитлар миқдорини маълум қиласи. Аукционда иштирок этувчи ҳар бир банкнинг *bid* ставкаси у қарз олишини хоҳлаган ва у тўламоқчи бўлган фоиз ставкаси билдиради. Аукционда ФЗТ имтиёзли кредитлари юқори *bid*

ставкасини таклиф қилғанлар ўртасида тақсимланади. Имтиёзли кредит ставкалари субсидия ставкаси эмас, чунки у аукционда аниқланади ва шунинг учун ҳам бу ставка банк маблағлари манбалари учун тўланадиган фоиз ставкаларига, яъни депозитлар учун тўланадиган ставкаларга якин бўлади.

Имтиёзли кредит аукционлари муддатларининг бир ой, икки ой ва уч ой каби қисқа муддатли ва турли туман бўлиши банкларнинг маблағларга бўлган эҳтиёжларидаги мавсумий ўзгаришларни самарали бошқариш имконини беради. Умуман олганда, bid ставкаси ва аукционнинг якуний фоиз ставкаси сусда муддати давомида жорий ва келажақда кўзда тутилаётган қисқа муддатли фоиз ставкалари даражалари борасидаги бозор иштирокчиларининг кутишларига таъсир қиласи.

ФЗТнинг кредитлаш имкониятини кенгайтирувчи иккинчи муқобил кредитлаш – бу номаъмурий кредит дастуридир. Номаъмурий дастур овернайт имтиёзларини юқори мавқега эга бўлган банкларгага тақдим этади, улар бўйича ставкалар кўзланган федерал фондлар ставкаларига тенг бўлади. Ваколатли банклар мазкур кредитларни қайта-қайта олиш имкониятига эга бўлади. Натижада ФЗТ эластик равишда имтиёзли кредитни таъминлай оладиган баҳони (ставканни) ўрнатади. Номаъмурий дастурлар ФЗТнинг умумий кредитлари чегарасида мувофиқ гаров таъминоти остида кредитлар берилишини кўзда тутади.

Аукцион дастури ёндашувидан фарқли равишда номаъмурий дастурга биноан ФЗТ ўз мақсадларидан келиб чикиб кредитлай оладиган ставка ўрнатилади. Бу дастур ваколатли банкларга доимий, мавсумий эҳтиёжларини молиялаштириш учун муҳим манба бўлибина қолмай, банк резерв ҳолатини бошқариш имконини ҳам тақдим этади. Номаъмурий кредит дастурини ташкил этилиши айнан кредит аукциони дастури билан бир хил кечади. Ушбу дастурнинг жорий қилиниши ФЗТнинг монетар сиёсатга мўлжалланган жорий тартибларида муҳим ўзгартиришлар қилинишига олиб келади. Ўз навбатида номаъмурий дастур асосий ҳаракатга келтирувчи ҳисобланиб, у орқали ФЗТ федерал фонд ставкаларини белгилайди.

Федерал фондлар бозорининг фаол иштирокчилари номаъмурий дастур асосида кредит олиш имкониятига эга ва шу-

нинг учун ҳам ушбу дастур бошқариладиган ставкаларда банккларо бозорнинг ўрнини боса олади.

Очиқ бозор операцияларининг монетар сиёсат мақсадларига эришишдаги муҳим роли пасайиб бораётган бир шароитда, но маъмурий дастур асосида қарз олиш имкониятига эга бўлган ваколати банклар банклараро фондларни бошқа маблағ ахтараётган муассасаларга қайта тақсимлагани боис, федерал фондлар бозори орқали маблағларнинг жорий тақсимоти кескин ўзгарида. Қайта қайта қарз олиш имкониятининг мавжудлиги туфайли ваколатли банкларнинг маблағларни қарз олиш борасида бошқа хусусий сектор субъектлари билан битимлар тузишига ҳожат қолмайди. Бундан ташқари, номаъмурий дастур овернайт кредитларининг сўндириш муддати қисқалигига қарамай, тижорат банкларининг доимий қарз олиш имкониятига эга бўлиши туфайли, ушбу дастур томонидан молиялаштириш сузиг юрувчи ставкада (мўлжалланган федерал фондлари ставкасида) муддатли молиялашга айланади.

Жаҳон молия бозорларининг янада кенг қулоч очиб, тараккӣ этиб бориши ва глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви на тижасида ҳатто ривожланаётган мамлакатлар ҳам монетар сиёсат мақсадларига эришиш учун самарали инструментларни кўллаш масалаларини қайта кўриб чиқишига тўғри келмоқда. Айниска, инвесторларнинг юкори ликвидли, паст даромадли ҳукумат қимматли қоғозларига инвестиция қилиш иштиёки борган сари камайиб бораётган бир шароитда Марказий банкнинг очиқ бозордаги операцияларининг самарадорлиги пасайиш тенденцияси га эга бўлади.

Шуниси характерлики, дисконт сиёсатининг қўлланилиши оқибатида тижорат банкларининг кредитлаши имконияти кенгаяди ва натижада, тижорат банклари томонидан трансакцион депозитлардан кредит ресурси сифатида фойдаланиш амалиёти қисқаради. Шундай экан, валютани тартибга солища дисконт сиёсатининг турли шаклларидан кенг кўламда фойдаланишни йўлга қўйиш ва банк тизими ликвидлиларини таъминлаш, хусусан, тижорат банклари кутилмаганда депозитларнинг чиқиб кетиши туфайли дуч келадиган ликвидлиларини мувофиқларини бошқаришда дисконт инструментини ишга солиш мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, дисконт сиёсатининг валютани тартибга солишдаги ролини ошириш мақсадида:

1. Марказий банк ташкил қиладиган кредит аукционида кредит ставкаларининг ҳақиқий бозор құчлари, яъни талаб ва тақлиф асосида шаклланишига имкон яратиш;
2. тижорат банклари кутилмаганда юз тутадиган ликвидилик муаммоларини бартараф этиш ва бу билан бутун банк тизимиға нисбатан ахоли ишончини ошириш мақсадида дисконт инструментининг турли шаклларини (мавсумий, мувофиқлаштирувчи, узайтирилган) жорий қилиш;
3. ломбард ставкасида кредитлаш орқали қимматли қоғозлар иккиламчи бозорининг ривожланишини рағбатлантириш;
4. бозор инструменти бўлган вексел (тратта)ларни жорий қилиш масаласини қайта кўриб чиқиши каби чора-тадбирлар талаб этилади.

---

## П БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХУҚУҚИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ ВА ВАЛЮТА СИЁСАТИ

### 2.1. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солишининг хуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солиш тизими мини ташкил топиши 1991 йилдан, яъни «Ташки иқтисодий фаолият тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасида ҳсрижий инвестициялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуңларининг қабул қилиниши билан бошланди<sup>1</sup>.

✓ Бозор муносабатларига ўтиш даврида валютани тартибга солиш соҳасидаги асосий вазифалар бўлиб, миллӣ валюта – «сўм»ни муоммалага киритиш ва унинг барқарорлигини таъминлаш, республикага валюта ресурсларини ўз вактида тушиши ва ундан самарали фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш, валюта муносабатлари соҳасида қонуний ва мөъерий базани такомиллаштиришга йўналтирилган босқичма-босқич чора-тадбирларни амалга ошириш хисобланди<sup>2</sup>.

1993 йилнинг май ойида «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул килинганидан сўнг, Марказий банк томонидан Молия вазирлиги ва валюта назоратининг бошка органлари билан ҳамкорликда валютани тартибга солиш масалалари юзасидан мөъерий хужжатлар базаси деярли тўлиқ қайтадан яратилди.

Валютани тартибга солиш ва валюта назорати масалалари юзасидан мөъерий хужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриш

---

<sup>1</sup> Жумаев Н.Х. Вопросы валютного регулирование и валютного контроля в условиях либерализации экономики Узбекистана. /Экономика и финансы. – Москва, 2007. – №4. – с. 69.

<sup>2</sup> М. Юлдашев, Н. Жумаев. Правовые основы валютного регулирования в Республике Узбекистан // Рынок, деньги и кредит. – Ташкент, 2001. – №8. с. 62.

бевосита амалга оширилаётган валюта сиёсатига мувофиқ ҳолда ўтказилди. Бунда асосий максад бўлиб қуидагилар хисобланди:

- миллий валютанинг барқарорлигини етарли даражада таъминлаш учун зарур бўлган валюта захираларини шакллантириш;
- ички валюта бозорини ривожлантириш ва сўмнинг ички конвертирланишини таъминлаш учун замин яратиш;
- мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;
- валюта назоратининг самарали тизимини вужудга келтириш.

Бунда, хорижий давлатларнинг тажрибаси таҳлил этилди ва умумлаштирилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси шароитида кўллаш имкониятлари ўрганилди.

Ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар доираси қўйидагиларни камраб олди: резидент ва норезидент бўлган – юридик ва жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги ҳисобрақамларини очиш ва юритиш тартиби; экспорт-импорт ва бошқа валюта операцияларини амалга ошириш қоидалари; юридик ва жисмоний шахслар томонидан хорижий валютани сотиб олиш ва сотиш бўйича операцияларни амалга ошириш тартиби; ички валюта бозорини фаолият кўрсатиш механизми; хорижий валюта билан касса операцияларни юритиш қоидалари; республика ҳудудида хориж капитали иштирокидаги банклар ва чет эл банкларининг ваколатхоналарини очиш, рўйхатга олиш ва аккредитациялаш тартиби; тижорат банкларига хорижий валютада операцияларни амалга ошириш хукукини берувчи лицензиялар бериш тартиби ва бошқа кўплаб шу каби масалалар<sup>1</sup>.

Ваколатли банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг кредиторлари ва омонатчиларининг қизиқишлигини химоя қилиш мақсадида Марказий банк томонидан хорижий валютадаги операциялар бўйича иқтисодий меъёrlар ва халқаро стандартларга мувофиқ, ҳисбот шакллари киритилди. Шу жумладан, ваколатли банкларнинг валюта рискларини

<sup>1</sup> Жумаев Н.Х. Вопросы валютного регулирование и валютного контроля в условиях либерализации экономики Узбекистана. // Экономика и финансы. – Москва, 2007. – №4. с. 69.

пасайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йилнинг 28 марта 392-сон билан қабул қилинган «Очиқ валюта позициясини юритилиши қоидалари» ишлаб чиқилди. Мазкур йўриқнома 2005 йилнинг 31 августида янги таҳрирда тасдиқланди.

Валюта бозорини ривожлантириш учун зарурый шартшароитлар яратиш мақсадида Марказий банк Молия вазирлиги билан ҳамкорликда 1994 йилнинг март ойида «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига корхона, ташкилот ва муассасаларнинг хорижий валютадаги тушумларининг муайян қисмини мажбурий сотиш Тартиби»ни тасдиқлади. Бунга мувофиқ, хорижий валютадаги тушумнинг 15 фоизини солиққа тортиш билан бирга, 15 фоизини Марказий банкка сўмдаги эквивалентга айирбошлиш шарти билан мажбурий сотиш белгиланди.

Бу тартиб аввалроқ амалда бўлган тизимга нисбатан бир қатор имтиёзларга эга эди, яъни олдинги тартибга нисбатан корхоналар томонидан ўз маҳсулотларини экспорт қилишларига кизиқишиларини кучайтирди ва Марказий банкнинг валюта фондини шакланишига шароит яратди. Бекор бўлган тартиб бўйича валюта тушумининг 35 фоизи Республика валюта фондига ва ҳокимиятларнинг маҳаллий валюта фондларига қоплашсиз солик сифатида ундириларди.

Бу йўлдаги кейинги қадам бўлиб, хорижий валюта тушумига солик солишини бекор қилиш ва Марказий банкка валюта тушумининг 30 фоизини мажбурий сотишни киритилиши ҳисобланди. 1995 йил 21 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, республиканинг расмий олтин-валюта захираларини сақлаш ва бошқариш Марказий банкнинг функцияларидан бири саналади.

1997 йилнинг январидан бошлаб, марказлашмаган экспортдан тушган валюта тушумининг муайян қисмини бевосита корхона ва ташкилотларга хизмат кўрсатаётган ваколатли банкларга мажбурий сотиш амалга оширилмоқда (ҳозирги вақтда марказлашмаган экспортдан мажбурий сотиш 50 фоиз миқдорида белгиланган).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 20 апрелдаги «Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назоратини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 1995

йил 11 апрелдаги «Экспорт-импорт операцияларини тартиблаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларини бажариш юзасидан Марказий банк Давлат солик қўмитаси билан ҳамкорликда республика хўжалик юритувчи субъектларининг хорижий ҳамкорларидан валюта тушумини тўлиқ тушишини таъминлашга йўналтирилган экспорт шартномаларини ҳисобга олиш тизими ишлаб чиқилди ва доимий равишда такомиллаштирилмоқда<sup>1</sup>.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларида хўжалик юритувчи субъектлар ва ваколатли банклар томонидан экспорт-импорт операцияларида валюта тушуми ва товарларни республика худудига келишини кафолатлайдиган ҳалқаро ҳисоб-китоб шаклларидан фойдаланиш кўзда тутилган. Экспорт-импорт операциялари назорати тўғрисидаги Низом тасдиқланди, солик органлари, божхона хизмати ва ваколатли банклар муассасалари ўзаро ҳамкорликда валюта назоратини амалга ошириш масалалари юзасидан тартиб ишлаб чиқишиди.

«Валютани тартибга солиши тўғрисида» ва «Ташки карздорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунларига мувофиқ, Марказий банк томонидан капиталнинг ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларини рўйхатга олиш, юридик ва жисмоний шахсларга хорижда ҳисобрақамлар очишга рухсат бериш тартиби тўғрисидаги низом ҳам ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 7 октябрдаги 499-сонли «Ўзбекистон Республикасида валюта бозорини ривожлантиришга қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 1994 йил 15 октябрдан бошлаб, республика худудида, шу жумладан, хорижий фуқароларга эркин айирбошланадиган валютада савдо қилиш ва хизмат кўрсатиш қатъяян ман этилиши миллий валютамизнинг тўлов воситаси сифатидаги ролини ошишига олиб келди. Ўзбекистон Республикасида ҳукукий шахс - резидент ва норезидент ўртасидаги барча тўловлар ва ҳисоб-китоблар фақат миллий валюта - сўмда амалга оширила бошланди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари (1995-1999). – Тошкент: Адолат, 2000. 12-б.

Шу билан бирга, Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида норезидентларнинг ҳисобрақамларини ваколатли банклар томонидан юритилиши ва ундан экспорт-импорт операциялари бўйича ҳисоб-китобларда фойдаланиши тартиби ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 октябрдаги “Республикада нақд хорижий валюта муомаласини тартиба солиш чоралари тўғрисида”ги ва 1998 йил 20 мартағи “Жисмоний шахсларнинг нақд хорижий валютани олиб келиши ва олиб чиқиб кетишини тартиба солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонларини чиқишидан сўнг, республикада нақд чет эл валютасининг муомаласини тартибга солиш, жисмоний шахслар томонидан нақд валюталарни чегарадан олиб кириш ва олиб чиқиши тартибини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинди<sup>1</sup>.

Республика худудидан ташқарига нақд хорижий валюталарни олиб чиқиб кетиши жисмоний шахслар – резидентларга 1500 АҚШ доллари эквиваленти чегарасида белгиланди<sup>2</sup>. Бундан олдинги амал қилган конунчилик хужжатларида бу миқдор 500 АҚШ долларини ташкил этган эди.

Шу билан бирга, аввалги конунчиликдан фарқли ўларок, яъни Марказий банк ва Ташки иктисадий фаолият миллий банкидан ташқари, нақд хорижий валютани олиб чиқиб кетишининг чегара миқдоридан ортиғини олиб ўтишга рухсат бериш хукуки хорижий валюта билан операциялар амалга ошириш хукукини берувчи бош лицензияга эга бўлган барча ваколатли банкларга берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 23 сентябрдаги «Жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги жамғармаларини рағбатлантириш юзасидан чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ваколатли банкларга фуқароларнинг валюта маблағларини жалб килиш мақсадида мижозларга жамғармаларни сақлаш ва қайтариш юзасидан кафолатлар, жамғарма бўйича ўсиб борувчи (прогрессив) шкаладаги фоиз ставкаларини киритиш, жисмоний шахсларнинг хорижий валю-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари (1995–1999). – Тошкент: Адолат, 2000. 12-б.

<sup>2</sup> 2003 йил 1 августдан бу чегара 2000 АҚШ долларигача бўлган миқдорга оширилди.

тадаги операциялари юзасидан банк сирига қатый риоя этишни жорий этиш тавсия этилди<sup>1</sup>. Дашибик иқтисодий фаолият Миллий банки ва Марказий банкнинг маҳсус рухсатномасига эга бўлган бошқа ваколатли банкларга жисмоний шахсларга талаб килиб олингунча валюта ҳисобрақами очиш хуқуки берилди. Ушбу Фармонга мувофиқ, ваколатли банклар томонидан жисмоний шахсларнинг маблағларини хорижий валютадаги ҳисобрақамларга ва омонатларга жалб килишни рағбатлантириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ички валюта бозорини янада ривожланишига Президентнинг 1995 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини ички конвертируланишини янада кенгайтириш юзасидан чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони турткни бўлди. Унга мувофик, республикада сўмдаги маблағларни эркин айирбошланадиган валютага конвертациялашнинг амалий тизими киритилди.

Валюта ресурсларидан фойдаланиш, биринчи навбатда, халқ истеъмоли моллари ва экспорт учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан машғул бўлган, республика иқтисодиётининг базавий ҳамда етакчи тармокларида устувор лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этаётган (шу жумладан, чет эл капитали иштирокидаги) корхоналарга, хорижий инвесторлар фойдасининг муайян қисми ва дивидендлар - сўмларни эркин айирбошланадиган валютага имтиёзли равишда конвертациялаш таъминланди.

1996 йилда эркин айирбошланадиган валютадаги инвестицион лойиҳаларни кредитлаш масалаларини тартибига солувчи меъёрий ҳужжатларни чоп этилиши, ва сўнгра ваколатли банклар томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларини хорижий валютада микрокредитлаш тартибини қабул қилинишидан кейин корхоналар ва хусусий тадбиркорлар экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида кўшимча валюта ресурсларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 13 мартағи 95-сонли «Ташқи савдо операцияларини амалга оширишда хорижий валютадаги маблағлардан фойдаланиш устидан назоратни такомиллаштириш

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари (1995-1999). –Тошкент: Адолат, 2000. 227-б.

чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1996 йил 19 ноябрдаги 405-сонли «Халқ истеъмоли молларини импорт қилишда марказлашган валюта ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги карорларига мувофиқ, жаҳон бозори талабига жавоб бермайдиган сифатсиз ва норақобатбардош маҳсулотлардан ички бозорни ҳимоя қилиш, маҳсулотлар импортиning сифатини ошириш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилди. «Валютани тартиб-қоидаси айни шундай молларнинг кўплаб келтирилишига тўсқинлик қилди»<sup>1</sup>.

1997 йилдан бошлаб, республикада биржадан ташқари валюта бозорини ривожланиши ва баркарор фаолият юритиши юзасидан давомли зарурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда сўм маблағларни эркин айирбошлиланадиган валютага конвертациялаш бевосита ваколатли банклар томонидан амалга оширилмоқда. Биржадан ташқари валюта бозорида операциялар амалга оширишнинг манбалари бўлиб марказлаштирилмаган экспортдан тушган валюта тушумининг муайян қисмидан мажбурий сотув, ваколатли банкларнинг ўз маблағлари, шунингдек, мижозларнинг депозитлари ва бошқа жалб қилинган валюта маблағлари ҳисобланади.



## 2.1.1-чизма. Биржадан ташқари валюта бозорида операцияларни амалга ошириш манбалари<sup>2</sup>

Ички валюта бозорини вужудга келтириш ва уни ривожлантириш бўйича амалга оширилган амалий ишлар валюта сиёсатида кес-

<sup>1</sup> К.К.Янгаев ва бошк. Мустакилликни мустаҳкамдаш омили ёки валюта ва кредитлар нималарга йўналтирилмоқда? // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 1997. – №6. 7-б.

<sup>2</sup> Чизма муаллиф томонидан шакллантирилган.

кин ўзгаришларни амалга оширишга замин яратди. 1993 йилда Ўзбекистон ҳудудидаги ҳисоб-китоб рубларининг айрбошлиш курси Марказий банк томонидан Москва банклароро валюта биржаси савдолари натижасида Россия банки томонидан ўрнатилган курсга мувофик аникланар эди (ўша вақтдаги Россия Федерацияси билан тузилган келишувга мувофик). Валюта бозорини ривожлантириш ва олтин-валюта захираларини шакллантириш юзасидан қабул килинган чора-тадбирлар 1994 йил 15 апрелдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида узлуксиз савдоларни амалга оширилиб турилишига олиб келди. Бунда савдо натижаларига мувофик, аввал сўм-купонлар, сўнгра сўмларнинг хорижий валюталарга нисбатан курси эълон қилиниб турилди.

Хозирги даврда миллий валюта бозорини эркинлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июнданги 263-сонли “Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2001 йил 10 июлдаги 294-сонли “Биржадан ташқари валюта бозори фаолият кўрсатишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларининг талаблари доирасида амалга оширилмоқда.

Шундан сўнг, ишлаб чиқилган босқичма-босқич чора-тадбирлар мажмуи доирасида аввал фақатгина Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида сўм маблағларни хорижий валютага конвертирашнинг сезиларли кисми биржадан ташқари валюта бозорига ҳам кўчирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 28 апрелдаги 171-сонли “Валюта ва экспорт-импорт операциялари бўйича ҳисоб ва хисобот тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги карорига мувофик, апрелнинг охирига келиб амалда бўлган турли валюта операцияларини амалга оширища кўлланилган расмий курс, биржа курси ва биржадан ташқари айрбошлиш курслари унификациялаштирилди<sup>1</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июнданги 245-сонли “Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустахкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2000 йил 30 июнданги 250-сонли

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси молиявий конунлари. Бюллетень. – Тошкент, 2000 й., май.

“Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ, ваколатли банкларга 2000 йил 1 июлдан биржадан ташқари валюта бозоридаги савдода хорижий валюталарни харид қилиш ва сотиш курсларини мустақил тарзда аниклаш хукуки берилди. Марказий банк лицензияси эгалари – импортёрларга валюталарни сотиш, экспортёрларнинг бўш валюта маблағларини сотиб олиш ва айирбошлиш шаҳобчалари орқали накд хорижий валюталар билан операциялар талаб ва таклиф асосида ўрнатилаётган курс бўйича амалга оширила бошланди<sup>1</sup>.

Таъқидлаш лозимки, 2000 йил 26 майда Ўзбекистон Республикаси «Ташки иқтисодий фаолият тўғрисида»ги (янги таҳрирда) Қонунининг кабул қилиниши билан Ташки иқтисодий алоқалар ва зирлигига хўжалик юритувчи субъектларни ташки иқтисодий фаолият қатнашчиси сифатида рўйхатга олиш бекор қилинди.

Республикамизда валюта муносабатларини тартибга солишинг хукукий асосларини янада такомиллаштириш, бизнинг фикримизча, қўйидаги тадбирларни амалга оширишни тақозо этади:

1. Накд валюталар савдосининг узлуксизлигини таъминлаш.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган янги таҳрирга “Валютани тартибга солиши тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, накд валюталарни сотиб олиш ва сотиш операциялари бўйича барча чекловлар бекор қилинган<sup>2</sup>. Аммо, норезидентларнинг сотган валюталари микдорида валюта сотиб олишлари хусусидаги тартиб бекор қилинмади. Бу эса, норезидентларнинг сўмда операциялар амалга оширишдан манфатдорлигини сезиларли даражада пасайтиради. Шу сабабли, фикримизча, накд хорижий валюталар савдосида сақланиб қолган чекловлар бекор қилиниши лозим.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта операцияларини тартибга солиши бўйича амалдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 июлдаги 294-сонли “Биржадан ташқари валюта бозори фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, бир-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари тўплами. – №6, 2000. 34-б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг банк тизимида валютани тартибга солишга оид конунчилик хужжатлари тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. 5-б.

жадан ташқари валюта бозорида деривативлар билан операциялар амалга оширишга рухсат этилган. Аммо, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 25 июлдаги 449-сонли “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ти Низомининг 7.1.-бандига мувофиқ, тижорат банклари акционерлик капитали, олтиндан ташқари бошқа кимматбаҳо металлар ва бошқа товарларга асосланган форвард ва своп келишувлари, опционлар ва бошқа шунга ўхшаш ҳосилавий битимлар тузишга ҳақли эмас, дейилган<sup>1</sup>. Бизнинг фикримизча, тижорат банклари форвард шартномалари бозорининг энг фаол ва асосий иштирокчиси ҳисобланади. Щу сабабли, уларнинг форвард операцияларига нисбатан белгиланган чекловни бекор қилиш лозим.

## **2.2. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солишнинг иқтисодий асослари**

Валюта операцияларини амалга ошириш учун объектив асос бўлиб, ташки савдо, капиталлар ва кредитларнинг харакати хизмат қиласи. Халқаро меҳнат тақсимотининг юзага келиши ва ривожланиши экспорт-импорт операцияларининг юзага келишига ва такомиллашишига асосий сабаб бўлади.

Валюта операцияларининг кенг кўламда ривожланиши марказий банкларга ушбу бозорда эркин ҳаракат қилишга ва айни вактда уларни тартибга солишга имкон яратди<sup>2</sup>.

Марказий банкнинг валюта операцияларини амалга оширишга ва тартибга солишга имкон берувчи бир қатор асослар мавжуд бўлиб, фикримизча, улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Марказий банкнинг етарли миқдорда олтин-валюта захираларига эга бўлиши.

~~Б~~изга маълумки, кўпчилик ривожланган давлатларда, хусусан, АҚШ, Германия, Австрия, Буюк Британияда давлатга тегишли барча олтин-валюта захиралари Марказий (Федерал, Резерв)

<sup>1</sup> Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ килиш ва эркинлаштириш бўйича конунчиллик ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, Ўзбекистон, 2003. 384-б.

<sup>2</sup> Н.Х. Жумаев. Марказий банкларнинг валюта операциялари тизими // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 1999. – №3. 6-б.

банкнинг балансига ўтказилган. Марказий банкнинг валюта захираларини бошқаришдаги асосий вазифаси ушбу захиралардан оқилона ва самарали фойдаланиш билан биргаликда уларнинг ҳажмини ошириб бориш ҳисобланади. Демак, у ўз балансида чет эл валюта захираларига суюнган ҳолда, ҳукумат томонидан белгиланган валюта сиёсати доирасидаги барча операцияларни амалга оширади. Масалан, Марказий банк валюта интервенциясини амалга ошириш учун валюта курсининг кескин тебранишларига барҳам бера оладиган миқдорда ликвидли маблағларга эга бўлиши лозим.

Бизнинг қонунчилигимизда ҳам бу ҳақда қатъий белгилаб кўйилган. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонуннинг 40-моддасининг охирги хат бошида «Марказий банк Ўзбекистон Республикасининг халқаро резервларини тасарруф этади ва бошқаради» дейилган<sup>1</sup>.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 42-моддасида халқаро резервлар тўғрисида кўйидагича қайд этиб ўтилган:

“Марказий банк ўзининг баланс ҳисобларида Ўзбекистон Республикасининг халқаро резервларини шакллантиради...

...Марказий банк Ўзбекистон Республикасининг монетар ҳамда валюта сиёсатини амалга ошириш учун, шунингдек, халқаро операциялар бўйича ҳисоб-китобларни таъминлаш учун етарли бўлган даражада халқаро резервлар саклаб турилишига ёрдам беради”.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкинки, Марказий банк валюта захираларини бошқариши учун тақомиллашган бошқарув тизимига эга бўлиши ва бу захиралардан валюта интервенцияси воситаси сифатида фойдаланиши лозим.

2. Марказий банкнинг хорижий мамлакатларнинг банклари билан кент тармоқли вакиллик муносабатларининг мавжудлиги.

Марказий банкнинг халқаро валюта бозорларидаги барча операциялари унинг ўз миллий ва хорижий валюталардаги корреспондент ҳисобвараклари орқали амалга оширилади. Ҳар бир валюта турига, одатда, биттадан вакиллик ҳисобвараги очилади ва Марказий банклар бошқа мамлакатларнинг марказий банкларидан.

<sup>1</sup> “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонун, 40-модда, Тошкент, 1995 йил 21 декабрь.

рида ўз ҳуқукий ҳолатидан келиб чиқкан ҳолда, эркин тарзда вакиллик ҳисобварақларини юритишга ҳақлидирлар.

Республикамиз Марказий банки ҳам бир қатор ривожланган давлатларнинг банклари билан ўзаро вакиллик муносабатларига эгадир (қаранг: 2.2.1- жадвал).

Хозирги кунда марказий банклар халқаро валюта бозорларида тижорат банклари билан рақобат қила олмайдилар. Тижорат банклари ҳар йили улкан микдордаги маблағларни валюта курсларининг ўзгаришини чамалаш, валюта рискини бошқариш ва шу каби мақсадларга сарфлайдилар. Бунинг устига, марказий банклар бевосита тижорат тузилмалари билан кредит, ҳисоб-китоб муносабатларига эга эмас. Бунга сабаб, улар тижорат фаолияти билан шуғулланмайдилар<sup>1</sup>.

Марказий банкнинг дилерларига, одатда, вакиллик ҳисобварақларининг қолдиги минимал бўлиши керак, деган мажбурий шарт кўйилади. Бунинг сабаби шундаки, Марказий банклар учун валюта операцияларидан спекулятив фойда олиш эмас, балки валюта захираларини валюта рискидан ҳимоя қилиш кўпроқ аҳамиятлидир. Юкорида келтирилган омилларнинг мавжудлиги ана шу шартларнинг бажарилишини такозо қиласди.

3. Марказий банкка валюта операцияларини амалга ошириш тартибини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги Республикаизда «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунлари, Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари Марказий банкнинг валюта операцияларини амалга ошириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат киласди. Хусусан, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Конуннинг VI бобида валютани тартибга солиш ва халқаро захираларни бошқариш масалалари белгилаб берилган. Ушбу меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, Марказий банк валюта муносабатларини тартибга солувчи давлат органи сифатида фаолият кўрсатади. У ўз балансидаги расмий олтин-валюта захираларини мустақил тарзда бошқариш ҳуқуқига эга ва, айни вактда, уларни самарали тарзда бошқариш юзасидан ҳам жавобгардир.

<sup>1</sup> Н. Жумаев, У. Бурханов. Молиянинг долзарб муаммолари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. 24-б.

2.2.1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг хорижий  
мамлакатлар банклари билан ўрнатган вакиллик  
муносабатлари тўғрисидаги маълумот<sup>1</sup>**

/Correspondent banks of the Central Bank of the Republic  
of Uzbekistan/

<i>Currency</i>	<i>Country</i>	<i>Name of the Bank</i>	<i>City</i>
MULTI ACCN.	Uzbekistan	National Bank for foreign economic activity of the Republic of Uzbekistan	Tashkent
USD	Switzerland	Credit Suisse	Zurich
USD	Switzerland	Union Bank of Switzerland	Zurich
USD	Germany	Deutsche Bank	F/M
USD	Germany	Berliner Bank	Berlin
USD	USA	Chase Manhattan Bank	New York
USD	USA	Federal Reserve Bank of New York	New York
USD	Italy	Cariplo	Roma
USD	Germany	Commerzbank	F/M
USD	USA	CITIBANK	New York
EURO	Germany	Deutsche Bundesbank	F/M
EURO	Germany	Commerzbank	F/M
GBR	UK	National Westminster Bank	London
EURO	Germany	Deutsche Bank	F/M
JPY	Germany	Deutsche Bank	F/M
EURO	Italy	Cariplo	Roma
EURO	France	Societe Generale	Paris
EURO	Belgium	Bank Brussels Lambert	Brussels
JPY	Japan	The Bank of Tokio Mitsubishi	Tokio

Марказий банкинг валюта муносабатларини тартибга солиш механизмини қуидаги 2.2.1-чизмадан кўришимиз мумкин.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий банкинг жорий хисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.



## 2.2.1-чизма. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан валютани тартибга солиш механизми

4. Чет эл валюталари билан савдо қилишда мавжуд бўлган савдо удумларига риоя қилиши.

Халқаро валюта савдосидаги қонунларда ёки шартномаларда белгилаб қўйилмайдиган, аммо ҳамиша унга риоя қилинадиган маълум удумлар юзага келди. Кундалик амалиётда кўлланиладиган ана шундай савдо удумлари тоифасига қўйидагиларни киритиш мумкин:

1) Спот битимлари бўйича валюталарни 2 иш куни мобайнида ўтказиши. Ушбу муддатда улгурмаган томон, албатта, жарима тўлади.

2) Котировкаларни эълон қилиш.

Дилер валюта сотмоқчи ёки сотиб олмоқчи бўлса, аввало, ўзининг банкидаги халқаро маълумот тизимидан фойдаланади. У компютернинг дисплейидан халқаро валюта бозорларидағи котировкаларни кузатиши мумкин. Шундан кейингина валюта курси ўзига маъқул бўлган банкка мурожаат қиласди. Қабул қилинган қоида шундан иборатки, хеч қайси дилер хеч қачон бирдан валюта ни сотмоқчи ёки сотиб олмоқчи эканлигини айтмайди. Фақат сотиш ёки сотиб олиш курсини сўрайди. Курслар тўғрисидаги маълумотни олгандан сўнг, ўз фикрини изҳор қиласди. Бунда бозорда қабул қилинган минимал битимлар суммаси албатта, эътиборга олиниши керак. Масалан, 500 минг АҚШ доллари, 1 млн. евро, 1 млн. Швейцария франки бўлиши мумкин. Амалда валюта савдоси минимал суммадан бир неча баробар юқори суммада амалга оширилади.

Шуниси характерлики, етакчи валюталар вергулдан кейин тўрт рақамгача аниқликда котировка қилинади.

Масалан:

1USD = 0,8310 – 0,8330 EURO ёки

1GBP = 1,8050 – 1,8060 USD ва ҳ.к.

3) Битимни ёзма тарздаги шартномаларсиз амалга оширилиши.

Валюта савдоси асосан телефон ёки телеграф оркали тасдиқланган келишувлар асосида амалга оширилади. Биржада эса оғзаки тарзда битимлар тузилади. Аммо уларни бажариш томонлар учун мажбурий бўлиб, улар сўзсиз бажарилади.

Муддатли валюта битимларининг имзоланиши қуйидагиларни ўз ичиги олиши керак:

- алмашинадиган валюталарни аниқлаш;
- курсларни белгилаш;
- йириқ, ихчамлаштирилган битим суммасини белгилаб олиш;
- валютада тўлаш;
- валюта ўтказилиши лозим бўлган манзилни кўрсатиши.

4) Хорижий валюталардаги ҳисоб-китобларни осонлаштириш мақсадида етакчи валюталарга нисбатан коэффицентлар кўллаш.

Етакчи валюталардан фақат Япония иениига нисбатан 100 коэффиценти кўлланилади, қолган етакчи валюталарга (USD, GBP, EUR, CHF, CAD) нисбатан 1 коэффиценти кўлланилади.

Демак, республикамиз банклари савдо удумларига риоя килган холда, валюта операцияларини тўлақонли амалга ошириш имкониятига эга.

Эътироф этиш жоизки, мамлакат олтин-валюта захираларининг Марказий банкнинг балансида туриши, мамлакат Марказий банкининг валюта муносабатларини тартибга солиш имконини оширади. Чунки, одатда, Марказий банк давлатнинг ташки қарзини тўлаш билан боғлиқ барча операцияларга ўз вактида хизмат кўрсатиш, шунингдек, халқаро операциялар бўйича хисобкитобларни таъминлаш учун масъул.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта сиёсати доирасида амалга оширадиган асосий вазифалардан бири мамлакатда тижорат валюта операцияларини ривожлантириш учун қулаг мухит яратиш хисобланади. Ҳозирги кунда муддатли валюта операцияларини ривожлантириш жуда долзарб ва мураккаб масала бўлиб қолмоқда. Бунинг учун эса ички валюта бозорини ривожлантириш зарур. Чунки, ҳар қандай турдаги валюта операцияси - спот, форвард, валютавий опционлар ва фьючерслар билан боғлиқ операциялар, пировард натижада, спот бозорининг ликвидилигига боғлиқ. Агар, валюта биржасида ва биржадан ташқари валюта бозорида эркин айирбошланадиган валюталар бўйича тўлиқ ликвидлилик таъминланса, яъни барча талаблар мувофиқ равишда ўз вактида қондирилса, бу миллый валюта - сўмнинг қадрини оширишга хизмат килади. Миллый валюта бозорининг ликвидилигини ошириш мақсадида Хукуматимиз томонидан бир катор тадбирлар амалга оширилди. Ҳусусан, қабул қилинган карорларга мувофиқ, 1997 йил 1 январдан бошлаб, корхона ва ташқилотларнинг марказлашмаган экспортдан тушган валюта тушумининг муайян кисми мажбурий тарзда ваколатли банкларга сотила бошланди. Биржадан ташқари валюта бозорида операциялар амалга ошириш учун асосий манба бўлиб, мажбурий сотувдан тушган маблағлардан ташқари ваколатли банкларнинг эркин айирбошланадиган валютадаги ўз маблағлари, шу жумладан, тақсимланмаган фойда, мижозларнинг депозитлари ва бошқа жалб қилинган маблағлари хисобланди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президен-

тининг 1998 йил 1 июлдаги «Биржадан ташқари валюта бозорини либераллаштириш ва янада ривожлантириш бўйича чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг чиқиши биржадан ташқари валюта бозорида операцияларнинг янада жадал суръатларда ривожланшигага сабаб бўлди. Мазкур Фармоннинг чиқишигача бўлган даврда республика валюта бозорида валюта операцияларини амалга ошириш хукуқига эга бўлган корхоналар сўмдаги маблағларини эркин айирбошлиладиган валютага конвертация қилганларида Марказий банк томонидан ўрнатилган расмий валюта курси бўйича 12 фоиз микдорида маржа ундириб олинарди<sup>1</sup>. Бу баъзи ҳолларда корхоналарнинг эътиrozларига сабаб бўлган эди. Ушбу Фармон чиқкандан кейин биржадан ташқари валюта бозорида конвертация жараёни талаб ва таклиф орқали аниқланадиган курс орқали амалга ошириладиган бўлди.

Шу билан бирга, биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш бўйича ечимини топмаган бир қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, биржадан ташқари валюта бозорининг ликвид маблағларга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилмаяпти. Фикримизча, ушбу муаммони ҳал этиш учун ваколатли банкларнинг экспортга ишловчи корхоналар ҳисобланмиш мижозларининг экспорт тушумларини кўпайтиришни рағбатлангириш чораларини кўриш лозим.

Биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантиришга эришиш учун, биринчидан, валюта соҳасидаги хизмат турини кўпайтириш керак; иккинчидан, хизмат харажатларини камайтириш зарур; учинчидан, хорижий валютадаги депозитлар учун банк томонидан тўланадиган фоиз ставкаларини ошириш лозим; тўртинчидан, банкларро вакиллик муносабатларини ривожлантириш лозим.

### **2.3. Валюта сиёсатини амалга ошириш дастаклари ва усуллари**

Иқтисодий адабиётларда валюта сиёсати (ингл.сигтепсу policy)га таъриф турлича берилсада, моҳиятан ва мазмунан улар бир-бирига яқиндир. Одатда, валюта сиёсати деганда, мамлакатда

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1996 йил 13 ноябрдаги 1318/3348-сонли хати.

валюта муносабатларини ташкил қилиш ва тартибга солиш тадбирларининг мажмую тушунилади.

Валюта сиёсати хукумат макроиктисодий сиёсатининг таркибий кисмидир.

Валюта сиёсати глобал иктиносидий сиёсатининг асосий мақсадларига эришишга қаратилган бўлиб, баркарор иктиносидий ўсишни таъминлаш, ишсизлик ва инфляция даражасини камайтириш, шунингдек, тўлов балансининг мувозанатлашган ҳолатини таъминлашга хизмат қилиши лозим.

Ҳар бир мамлакат валюта сиёсатининг йўналиши ва асосий шаклларини шу мамлакатнинг иктиносидий ҳолати, ҳалқаро иктиносидий муносабатлардаги иштироки ва ривожланиши анъаналари, шунингдек, жаҳон иктиносидиётидаги ўрни ва мавқеи белгилаб беради. Иктиносидиётнинг ривожланишига қараб, валюта сиёсатининг аниқ вазифалари ҳам ўзгариб боради. Хусусан, валютавий инқирозлардан кутилиш, молиявий ва иктиносидий баркарорликни таъминлаш, валютавий чеклашлар, валюта муносабатларини эркинлаштириш, миллий валютанинг конвертираншини жорий килиш, миллий валюта курсининг баркарорлигини таъминлаш каби вазифалар асосий вазифалардан саналади.

Валюта сиёсати хукукий жиҳатдан валюта қонунчилигига ва валютавий муаммолар юзасидан давлатлараро иккӣёклама ёки кўпёклама келишувларда расмийлаштирилади. Валюта сиёсатини амалга оширишнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб валютани тартибга солиш саналади. Валюта сиёсати валюта соҳасида мавжуд бўлган муаммоларнинг ечимини ишлаб чикиш ва назорат этиш билан боғлик бўлган чора-тадбирлар мажмунини аниқлаб беради.

Иктиносидий адабиётларда валюта сиёсатини икки таркибий кисмга ажратган ҳолда ўрганиш қабул қилинган. Бунда таркибий валюта сиёсати сифатида жаҳон валюта тизимининг ўзини ўзгартириш ёки унинг доирасидаги ҳалқаро валюта муносабатлари билан уларни амалга ошириш механизми ўртасидаги номутаносибликларни бартараф этиш мақсадида амалга ошириладиган тадбирларнинг йигиндиси тушунилади.

Валюта сиёсатининг иккинчи таркибий қисми бўлиб, жорий валюта сиёсати ҳисобланади ва жорий валюта бозорини тартибга солиш тадбирларининг мажмуй сифатида талқин этилади.

Валюта сиёсатини амалга оширишда Давлат органи сифатида Марказий банк асосий ролни ўйнайди. Чунки, Марказий банкнинг валюта сиёсати пул-кредит сиёсатининг анъанавий инструментларининг асосий турларидан бири ҳисобланади. Жаҳон банк амалиётидан маълумки, Марказий банкнинг валюта сиёсати, асосан, дисконт ва девиз сиёсатидан иборат<sup>1</sup>.

Валюта сиёсатининг асосий шаклларидан бири дисконт сиёсати ҳисобланади. Дисконт сиёсати Марказий банкнинг дисконт ставкасини ўзгартириш йўли билан миллий валютанинг алмашув курси ва тўлов балансининг ҳолатига таъсир этиш мақсадида амалга оширилади.

Девиз сиёсати эса, валюта захираларини диверсификациялаш, девальвация, ревальвация, валюта интервенцияси ва валютавий чеклашлардан иборат.

Дисконт сиёсати (ҳисоб сиёсати) – биринчидан, ҳалқаро капиталлар оқимига таъсир этиш мақсадида валюта курси ва тўлов балансини тартибга солишга, иккинчидан, ички кредитлар ҳажмининг динамикаси, пул массаси, нарх сиёсатига йўналтирилган Марказий банкнинг ҳисоб сиёсатидир. Масалан, тўлов баланси пассив (тушумлар суммаси тўловлар суммасидан кичик) ва миллий валюта курси қадри тушиш ҳолатида бўлса, одатда, ҳисоб ставкаси паст бўлган бошқа мамлакатлардан капитал оқимини келишини рағбатлантириш учун ҳисоб ставкасини ошириш орқали капиталнинг оқиб кетишини олдини олиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, ҳалқаро ҳисоб-китоб балансини яхшилашга ва миллий валюта курсини ошишига хизмат килади. Иқтисодиётнинг ҳозирги шароитида дисконт сиёсатининг самарадорлиги нисбатан паст ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, МДҲга аъзо мамлакатлар ўргасида бож ставкалари унификация қилинмаган; иккинчидан, уларнинг валюталари ташки конвертацияга эга эмас; учинчидан, миллий валюталарнинг ички конвертирлиги тўлиқ таъминланмаган.

<sup>1</sup> Н.Х. Жумаев. Валютная политика и конъюнктура рынка // Рынок, деньги и кредит. – Ташкент, 1998. – №5. с. 39.

Дисконт (фоиз ставкаси) ставкаси - ссуда капиталининг йиллик даромадини унинг абсолют катталигига нисбатидан келиб чиқади<sup>1</sup>. Демак, фоиз ўзининг иқтисодий маъноси бўйича ссуда капиталидан фойдалангандик учун тўланадиган қўшимча кийматдир. Фоиз ставкалари, одатда, фойда нормаси орқали аниқланади, лекин амалиётда фоиз ставкаси даражаси ссуда капиталларига бўладиган талаб ва таклифдан келиб чиқади. Бу талаб ва таклиф бир канча фундаментал иқтисодий ва юқорида қайд этилган бир қатор омилларга ҳам боғлиқдир.

Ривожланган мамлакатларда фоиз ставкаси даражасига таъсир этувчи омилларни бир неча гурухга бўлиш мумкин. Масалан, бозордаги талаб ва таклифга тўғридан-тўғри таъсир этувчи омил. Бу давлат томонидан талаб (давлат бюджети дефицити миқдори аниқланади) хамда савдо, ишлаб чиқариш компаниялари ва аҳоли ўртасидаги талаб ва таклиф.

Фоиз ставкаларини жойлашиш жараёни шу қадар мураккаблашиб кетдики, ссуда капиталлари бозоридаги ҳолатларни ёки фоиз ставкаларини олдиндан тўғри ва аниқ прогнозлашни иложи бўлмаяпти. Шу билан биргаликда, фоиз ставкаларининг таркиби етарли даражада эгилувчандир.

Фоиз ставкаларининг асоси бўлиб пул бозорининг ставкалари хисобланади. Яъни, жуда кенг тарқалган ва ликвидли қисқа муддатли операциялар ставкалари тижорат банкларининг кредит фаолиятини қайта молиялаштиришда кўлланилади.

Марказий банкнинг жорий операциялари бўйича шаклланган жорий ставкалар ҳар доим пул бозори ставкаларидан паст бўлади, сабаби, Марказий банк томонидан қайта хисобга олинган тижорат векселлари валюта рискидан ҳимояланган бўлади.

Шундай килиб, банклар Марказий банк томонидан одатий ҳолда қайта молиялаштирилиши мумкин.

Пул бозорининг ставкалари таркибига иккинчи асосий элемент сифатида хазина векселларининг ставкалари киради. Гоҳида алоҳида мамлакатлар (Канада, Италия, Швеция, Япония)да ушбу ставка расмий фоиз ставкасидан паст бўлади. Бунга сабаб хазина векселларига кафил сифатида хукуматнинг ўзи турганлигидир. Ай-

<sup>1</sup> Б.Г. Федоров. Современные валютно-кредитные рынки. – Москва: Финансы и статистика, 1989. с. 52.

нан ҳукуматнинг ўзи кафил сифатида турганлиги учун бу векселлар энг ликвидли активлар тоифасига киради.

Пул бозорининг учинчи тоифа ставкаларига банклараро депозитлар ва унга яқин депозит сертификатлари ставкалари киради. Бу ставкалар расмий курс ставкасидан ҳам, хазина векселлари ставкасидан ҳам ҳамиша юқори туради.

Ҳудудий валюта бозорларининг ривожланиши билан фоиз ставкаларининг майян турлари кўпайди. Масалан, ЛИБОР (London Interbank Offered Rate - LIBOR) - Лондон банклараро ссуда капиталлари бозорида ресурсларнинг ўртача фоиз ставкасиdir. ЛИБОРни АҚШ долларида кўлланилиши кенг тарқалган, лекин бу ЛИБОРни бошқа валюталарда кўлланилмаслигини англатмайди.

Халқаро ссуда капиталлари бозорининг ривожланиши билан ЛИБОР ставкасиiga ўхшаш бошқа ставкалар пайдо бўлди: ПИБОР (Париж), СИБОР (Сингапур), НИБОР (Нью-Йорк, Норвегия), КУБОР (Кувайт), ЛЮКСИБОР (Люксембург) ва бошқалар.

Халқаро ссуда капиталлари бозорининг ставкалари ўртасида сезиларли фарқ мавжуд эмас. Чунки, халқаро электрон алокалари тизимлари шундай ривожланганки, бунинг натижасида молия бозорларининг узвий боғлиқлиги юзага келди.

Девиз сиёсатининг энг кенг тарқалган шакли валюта интервенциясидир. Иқтисодий адабиётларда Марказий банкнинг миллий валюта курсига таъсир этиш мақсадида валюта бозорида чет эл валюталарини сотиб олиши ёки сотиши валюта интервенцияси сифатида зътироф этилмоқда.

Ҳозирги даврда валюта интервенциясидан кўзланган максад бўлиб, валюта курсининг қисқа вақт оралигига кутимагандан юзага келадиган кескин тебранишларига барҳам бериш ҳисобланади. Марказий банклар валюта курсини барқарор даражада саклаб туриш имкониятига эга эмас, чунки, биринчидан, улар валюта бозорларида тижорат банклари билан рақобат кила олмайдилар; иккинчидан, валюта операцияларининг ҳажми жуда катта ва ўсии тенденциясига эга.

Валюта интервенцияси расмий олтин-валюта захиралари ёки марказий банкларнинг банклараро “своп” битимлари ҳисобига амалга оширилади.

Валюта интервенцияси XIX-асрдан бошлаб қўлланила бошлианди. Дастреб, Голландия Марказий банки, Австрия-Венгрия банки миллий валютани курсини барқарор тарзда ушлаш учун ундан фойдаланишган. Олтин монометализми бекор килингандан сўнг, валюта интервенциясидан фойдаланиш кенг тарқалди. 1929-1933 йилги жаҳон иқтисодий инқизози юзага келган шароитда марказий банклар валюта демпингига кўмак бериш учун ўз валюталарини курсини тушириш мақсадида валюта интервенциясидан фойдаландилар<sup>1</sup>.

Валюта интервенциясини ўтказишнинг моддий базаси вазифасини, 30-йилларда АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Канада ва бошқа мамлакатларда ташкил килинган мақсадли валюта фондлари - олтин, чет эл ва миллий валюталарда ташкил этилган давлат фондлари ўтади. Ҳозирги шароитда бу фондларнинг роли ва йўналиши айрим давлатларда алоҳида хусусиятга эгадир. Масалан, Францияда бу мақсадли валюта фонди мамлакат расмий олтин-валюта захираларининг суммаси миқдорида ажратилган фонддир. Франция Марказий банки ўзининг интервенция операциялари ҳажмини ва характеристикини ошкор қиласлик учун унинг ўлчов кўрсаткичларини матбуотда эълон қилмайди. Буюк Британияда ҳам мақсадли валюта фонди мамлакатдаги олтин-валюта захираларини ўзида мужассамлаштиргандир.

Бреттон-Вудс тизими доирасида валюта интервенцияси, асосан, қатъий белгиланган курсларни қадрини ушлаб туриш мақсадида ўтказиларди. Интервенцияни ўтказища асосий валюта сифатида АҚШ долларидан фойдаланилгани учун, АҚШ бошқа давлатларга унинг курсини маълум даражада ушлаш юзасидан маъбурият кўйди. Ямайка тизимига сузиб юрувчи валюта курсларига ўтилгандан сўнг, валюта интервенцияси асосан курсларни тез тебранишини олдини олиш мақсадида ўтказилиш анъанасига эга бўлди. АҚШ долларини резерв валюта сифатидаги ролининг пасайиши окибатида валюта интервенциясида АҚШ доллари билан бир каторда немис маркаси ҳамда бир қатор Фарбий Европа ва Япония давлатларининг валюталари қўлланила бошлади.

<sup>1</sup> Под ред. Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. – Москва: Финансы и статистика, 2001. с. 186.

XX асрнинг 70-йилларининг ўрталаридан бошлаб бир қатор марказий банклар валюта интервенциясини коллектив ҳолда ўтказганлиги эътиборга молик. 1974 йилнинг май ойида АҚШ, Германия, Швейцария мамлакатлари коллектив валюта интервенциясини ўтказиш ҳақида битим туздилар. 1975 йилнинг февралидаги Франция ҳам бу битимга кўшилди. Рамбуйдаги (1975 йил) олти мамлакат хукумати раҳбарлари йигилишида бирлашган валюта сиёсати ва ўзаро ёрдам қўрсатишлар ҳақидаги битим имзоланди. 1975 йилнинг декабридан бошлаб “ўнлик гурӯҳи” мамлакатлари валюта интервенциясини биргаликда своп битимлари асосида амалга оширишди<sup>1</sup>. 1985 йилдан бошлаб бешта ривожланган саноат мамлакатлари етакчи валюталарнинг курсини тартибга солиши мақсадида вақти-вакти билан биргаликда валюта интервенциясини ўтказишмоқда. Девиз сиёсати валюта курсига катта таъсир ўтказа олади, бирок бу таъсир вақтингча ва чегараланган ҳажмдадир. Валюта интервенциясидаги йирик харажатлар ҳамма вақт ҳам валюта курсининг барқарорлигини таъминламаганинги таъкидлаб ўтиш лозим.

Мамлакат пул-кредит сиёсати билан боғлиқ интервенциянинг “тозаланган” ва “тозаланмаган” турлари мавжуд (биринчи на-вбатда муомаладаги пул массасига ва фоиз ставкасига таъсир кўрсатиш масаласи муҳим ахамиятга эгадир)<sup>2</sup>. Пул-кредит тизимида “тозаланган” интервенция назарий жиҳатдан таъсир этмайди, “тозаланмаган” эса таъсир этади. Интервенциянинг иккинчи шакли мураккаб саналади ва ундан фойдаланиш кенг тарқалган. Чунки, у пул-кредит сиёсатига валюта бозоридаги талаб ва тақлифнинг ўзгартириш орқали таъсир этади. Давлат, одатда, ўзининг валюта захираларини қиска муддатли қимматли коғозлар (масалан, ҳазина векселлари) ва банк депозитлари кўринишида сақлайди, чунки улар даромад олиб келади. Тозаланган интервенцияда давлат қимматли коғозлари савдоси ёрдамида интервенцияни амалга ошириш натижасида пул массасида юзага келган ўзгаришлар бартараф этилади. Масалан, валютани девальвациялашга қаратилган интервенцион сиёсат кўлланилганда гул массаси қискаради. Бу таъсир эса, Марказий банк томонидан

<sup>1</sup> А.Вахобов, Н.Жумаев, У.Бурханов. Халкаро молия муносабатлари. – Тошкент: Шарқ, 2003. 101-б.

<sup>2</sup> Nodir H.Jumaev. Economic reforms in Uzbekistan: Currency regulation issues. – Selected Papers. – Shah Alam, Malaysia: Universiti Teknologi MARA. – 2007. pp. 12-16.

қимматли қоғозлар бозорида хукумат қимматли қоғозларини со-  
тиб олиниши билан барҳам топади.

Интервенциянинг руҳий самараси катта аҳамиятга эгадир: Марказий банк операцияларининг ошкоралик даражаси қанчалик юқори бўлса, таҳмин қилиш мумкинки, валюта бозоридаги субъ-  
ектлар бошқарув органларининг тазиёцига шунчалик даражада бўйсунадилар. Биржага Марказий банкнинг чикиши ҳамда валю-  
та брокерларига мурожаат қилиши оқибатида кўп ҳолларда бо-  
зорга кучли таъсир кўрсатади, бунинг изохи сифатида операция-  
ларнинг расмий суммасини катталигини келтириш мумкин.

Баъзи марказий банклар брокерлар орқали, бошқалари биржа орқали, лекин кўпчилиги тижорат банклари билан бевосита мулокотга ўтадилар. Шулар катори Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳам мустакиллик йилларининг бошларида ҳалқаро операцияларининг бир қисмини Ташки иқтисодий фа-  
лият Миллий банки орқали амалга оширди. Бу тижорат банкларининг ўзаро рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди<sup>1</sup>. Шу сабабли, бу ҳолатга ҳозир барҳам берилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳалқаро операцияларини тўлиқ ўзи амалга оширмоқда. Марказий банклар муддатли банклараро операциялардан фойдаланмоқда. Амалиётда валютавий “свонг” операцияси кенг тарқалган бўлиб, улар АҚШ Федерал захира тизими ҳамда бир қатор йирик марказий банклар ўртасидаги маҳсус келишувлар базасида амалга оширилади. Шу-  
ниси аҳамиятлики, кўргина ҳолларда марказий банклар АҚШ долларига етакчи ҳалқаро валюта сифатида қараб, ўз курсларини унга мослаб боришади.

Қисқа муддатли истикболда хукумат кўпинча “шамолга та-  
янч” (lean against the wind) тактикасини қўллайди, бу тактика че-  
гараланган бошқарувчилик қарама-қаршилигига намоён бўлади.  
Масалан, шу нарса аниқ белгилангандан бўлиши мумкин, курсни би-  
рор маълум соат ва қун давомида ўзгариши қарама-қарши опера-  
ция ўтказишни талаб килади. Баъзан, хукумат интервенция ёрда-  
мида муҳим иқтисодий масалани ҳал қилишда ёки сайлов олди  
тадбирларида ютиб чиқишида фойдаланади.

<sup>1</sup> 1993 йил майда кабул килинган “Валютани тартибга солиши тўғрисида”ги Конунга мувофик, ТИФ Миллий банкига бош вакил банк мақоми берилган эди.

Валюта интервенциясининг узоқ муддатли мақсадлари орасида ҳукумат томонидан бозордаги ҳолатни мамлакатнинг асосий иктисодий кўрсаткичлари билан мослаш, хусусан, курснинг ошиши ёки тушиб кетишини олдини олиш, иктисодиётни халқаро молия бозорлари конъюктурасининг салбий таъсиридан сақлашларни кўрсатиш мумкин. Баъзи вактларда давлат ўз валютасини курсини сунъий асосда ошириш ёки пасайтиришга ҳаракат қиласди.

Узоқ муддатли мақсад принципига мисол қилиб, Европа Валюта Тизими (ЕВТ) доирасидаги ҳозирги кундаги валюта интервенциясини ҳам кўрсатиш мумкин.

ЕВТ Farbий Европада “барқарор валюталар зонаси”ни ташкил қилишдаги нисбатан ютуқли уринишларни ўзида намоён қилмоқда.

Кўпгина марказий банклар мамлакатнинг олтин-валюта захиралари билан ўтказиладиган операцияларга эҳтиёткорлик билан ёндашмоқдалар ва камроқ харажат талаб қиладиган усуллардан фойдаланишга интилоқдалар.

XX асрнинг 80-йилларида шу нарса маълум бўлдики, бир мамлакатнинг ўзи интервенция ёки ҳамма пул-кредит инструментлари ёрдамида бозорга қарши турало маълум бўлди. Шу сабабли, улар валюта интервенциясини жамоа бўлиб ўтказишга келишадилар. Бунга ёрқин мисол сифатида 1982 йилда Версалдаги “еттилик гурухи”нинг раҳбарлари учрашувлари натижаларини кўрсатиш мумкин.

Охиригина йиллар давомида етакчи мамлакатлар бир неча марта мувофиқлашган валюта интервенциясини ўтказдилар. Уларнинг асосий мақсади бўлиб АҚШ долларининг курсини тушириш ёки хеч бўлмаганда унинг курсини ўсишини олдини олиш эди, бироқ, ўтказилаётган операциялар суммаси нисбатан кам бўлгани сабабли, айтарлиқ даражадаги ютуқларга эришилмади. Щундай бўлсада, шу нарса аниқ бўлдики, алоҳида мамлакатларнинг шартли интервенциясига нисбатан мувофиқлашган интервенциянинг натижаси самаралидир.

Мувофиқлашган интервенциянинг ниҳоятда самарали бўлганига мисол қилиб одатда, 1985 йилнинг 22 сентябридаги (“Плаза келишуви”) бешта йирик ривожланган мамлакатларнинг

келишуви натижасида АҚШ долларини курсини тушганлигини келтиришади<sup>1</sup>.

Шундай бўлсада, бундан кейинги интервенцияларнинг суммалари унчалик катта эмас (5-10 млрд. АҚШ доллари атрофида) эди<sup>2</sup>. Бу ерда шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, “катта бешлик” харакати бозордаги талаб ва таклифни реал фарқини ўзгартира олмади, балки психологик таъсир ўtkаза олди, холос. Доллар курсининг тушиши кутилган эди, бунинг устига иқтисодий омилларнинг ўзаро нисбати ўзгарган ва бозор анъанасини ўзгаришига тайёр ҳолда эди. Беш давлатнинг келишуви эса фақатгина зарур турткини берди, холос.

Валюта соҳасидаги қарама-қаршилик (номутаносиблик)нинг кучайиши, валюта курсини интервенция ёрдамида тартибга соилишнинг самарасиз уринишлари ва шу каби ҳолатлар ҳатто ривожланаётган мамлакатлар, масалан, Жанубий-Шаркий Осиё мамлакатларида бўлиб ўтган молиявий инқирозлар - бу давлатлар томонидан Халқаро Валюта Фондини тузилмавий ислоҳ бўйича янги таклифлар киритишга сабаб бўлмоқда. Кўпгина давлатлар (асосан ривожланаётган мамлакатлар) валюта-молия масалалари бўйича юқори даражадаги конференция ўтказишни талаб қилмоқдалар. ХВФга доимий равишда ҳамма томонларнинг қизиқишиларини эътиборга олган ҳолда, унинг механизмларини ўзгартириш ҳақидаги таклифлар киритилмоқда. Масалан, киритилаётган таклифлардан бири етакчи валюталар курсларини ўртacha тортилган индекси тебранишлари чегарасини ўрнатишdir.

Таъкидлаш жоизки, валюта интервенциясидан кўзланган мақсадга эришишнинг зарурий шартларидан бири олтин-валюта захирларининг етарлилиги ҳисобланади.

Биз, куйидаги жадвал маълумотлари орқали ривожланган саноат мамлакатларининг хорижий валюта захиралари динамикасини кўриб чиқамиз.

<sup>1</sup> Jeff Madura. International financial management. – South-Western College Publishing, Ohio, USA, 2003 y., p.187.

<sup>2</sup> Интернет маълумотлари ([www.g7.utoronto.ca/finance/fm850922.htm](http://www.g7.utoronto.ca/finance/fm850922.htm)).

2.3.1- жадвал

**Ривожланган саноат мамлакатларининг расмий валюта  
захиралари динамикаси<sup>1</sup>**  
(млн. АҚШ долл.)

№	Мамлакатлар	2001	2002	2003	2004	2005	2005 йилда 2001 йилга нисбатан ўзгариш, %
1	АҚШ	57633	67962	74894	75890	54083	93,8
2	Япония	395155	461186	663289	833891	834275	211,1
3	Канада	33961	36984	36222	34428	32962	97,1
4	Германия	51403	51170	50694	48822	45139	87,8
5	Буюк Британия	37284	39360	41850	45342	43531	116,8
6	Франция	31749	28365	30186	35314	27752	87,4
7	Италия	24419	28603	30365	27859	25514	104,5

2.3.1-жадвал маълумотларидан кўринадики, ривожланган саноат мамлакатлари ичida Япония ва Буюк Британияда 2001–2005 йиллар мобайнида юқори ўсиш суръати кузатилди. Бу эса, мазкур мамлакатлар марказий банкларининг валюта интервенциясини амалга ошириш имкониятини оширади.

Таҳлил қилинган давр мобайнида АҚШнинг хорижий валюталардаги расмий захираларининг пасайиш суръатлари кузатилди. Бу эса, АҚШ ташқи қарзининг кескин ошганлиги билан изохланади. 2006 йилнинг охирига келиб, АҚШнинг ташқи карзи 8,181 трлн. доллардан ошди.

Германия ва Франция давлатларининг расмий валюта захиралари 2005 йилнинг охирига келиб 2001 йилга нисбатан камайди. Аммо ушбу пасайиш валюта интервенцияси нуктаи-назаридан амалий аҳамиятга эга эмас. Германия ва Франция еврозонада бўлганлиги сабабли, уларнинг марказий банклари валюта интервенциясини амалга оширмайди. Еврозонада валюта интервенциясини Европа Марказий банки амалга оширади.

Девальвация - (лотинча сўздан олинган бўлиб, de - valeo - кадри тушиш маъносини англатади) - миллий валютани чет эл валюталарига ёки халқаро ҳисоб-китоб пул бирликлари(СДР)га нисбатан

<sup>1</sup> Жадвал ХВФнинг “International Financial Statistics” бюллетенлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

қадрини тушишидир. Девальвацияни кўллашга қуйидаги икки омилни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин<sup>1</sup>:

1. Экспортни рағбатлантиришнинг зарурлиги;
2. Миллий валютанинг расмий курси билан унинг реал ҳарид куввати ўртасида сезиларли фарқнинг пайдо бўлиши.

Девальвация сиёсатини мамлакат тўлов баланси ёмонлашганда ва мамлакатга импорт оқими сезиларли даражада кўпайганда амалда кўллаш иқтисодиётга ижобий таъсир этади. Демак, девальвацияни кўллаш шарт-шароити юзага келганда, уни дарҳол амалга ошириш лозим, акс ҳолда сунъий равишда курсни қатъий ушлаб туриш бутун иқтисодиётга сезиларли даражада салбий таъсир этиши мумкин.

Девиз сиёсатининг муҳим намоён бўлиш шакларидан бири ревальвация (лотинча сўздан олинган бўлиб, ге - valeo - қадри ошиш маъносини англатади) бўлиб, у миллий валютани чет эл валюталарига ёки халқаро ҳисоб бирликларига (СДР) нисбатан қадрининг оширилишини англатади. Ревальвация қадри кучли валюталарга нисбатан кўлланилади. У АҚШ доллари, евро, иена, швейцар франки каби етакчи захира валюталарига нисбатан амалга оширилиши мумкин.

Ревальвациянинг келиб чиқишига сабаб - инфляциянинг ниҳоятда паст даражада бўлиши, узоқ вақт давомида мамлакат тўлов балансининг актив бўлишидир. Ревальвация девальвацияга нисбатан жаҳон амалиётида камроқ кўлланилган.

Валютавий своп операциялари ва гаров эвазига ссудалар бериш билан боғлиқ валюта операциялари дунёning бир қатор марказий банкларининг валюта сиёсатида кенг қўлланилган. Хусусан, бу каби валюта операциялари Германия Марказий банкининг валюта сиёсатида кенг фойдаланилади. Шуниси характерлики, гаров эвазига ссудалар бериш билан боғлиқ валюта операцияларидан пул бозорини бошқаришнинг мослашувчан ва турли йўналишларда ўзгарувчи инструменти сифатида фойдаланилмоқда. Масалан, Бундесбанк 1978 йилнинг учинчи чорагида, яъни банклар катта микдорда валюта тушумига эга бўлган шароитда, валютавий своп ва гаровли ссудалар билан

<sup>1</sup> Жумаев Н.Х. Валюта сиёсатининг асосий шакллари // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 1998. – №5. 44- б.

боғлиқ валюта операциялари воситасида 10,5 млрд. немис маркаси миқдоридаги ликвидлилик суммасини муомаладан олишга муваффак бўлди<sup>1</sup>.

Марказий банкнинг валюта операцияларининг асосий қисми своп операцияларига тўғри келади. Своп операцияларининг пул бозорига таъсири сезиларлидир. Марказий банк тижорат банкларида своп битимлари буйича чет эл валютасини, айтайлик, АҚШ долларини сотиб олди, дейлик. Бунда у банклар ихтиёрига Марказий банк пулларини маълум даврга бериб қўяди. Ва аксинча, у своп битими бўйича банкларга АҚШ долларини сотди дейлик, унда мамлакат пул бозори маълум вақтгача анча ликвидли маблағлардан маҳрум бўлди.

Марказий банк валюта сиёсатининг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, у орқали кредит институтларининг ликвидлилигига таъсири кўрсатиш мумкин. Уларнинг ликвидлилигига таъсири этишининг муҳим усусларидан бири гаров эвазига ссудалар бериш билан боғлиқ валюта операцияларини амалга оширишdir. Ушбу операцияни амалга ошириш учун тижорат банкларига Марказий банкнинг чет эл валютасидаги активларидан вақтингчалик фойдаланиш хукуки берилади. Активларнинг ўзи эса Марказий банкнинг мулки бўлиб қолаверади, шу сабабли, унга фоиз ҳисобланниб борилаверади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта сиёсати орқали пул бозорига сезиларли даражада таъсири қилиш имкониятига аста-секин эга бўлмоқда. Чунки, биринчидан, у етарли миқдордаги чет эл валютасидаги захираларни шакллантириш жараёнини ниҳоясига етказгани йўқ; иккинчидан, ҳакиқий маънодаги молия бозорининг шаклланиш жараёни ниҳоясига етгани йўқ. Лекин шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Республика Валюта биржасида сотилаётган хорижий валюта ҳажми мустақилликдан кейинги йилларда ўсиш анъанасига эга эди. Лекин алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, 1998 йилдан сўнг бу кўрсаткич пасайиш анъанасига эга бўлди. Бунга асосий сабаб, ташки савдо айланмасининг пасайишидир. Ташки савдо айланмаси бевосита валюта тушумларининг камайишига сабаб бўлди.

<sup>1</sup> Интернет маълумотлари ([www.bundesbank.de](http://www.bundesbank.de), [www.gata.org](http://www.gata.org), [www.ekonomiskaradet.se](http://www.ekonomiskaradet.se)).

Валюта тушумининг камайишига сабаб қилиб куйидагиларни кўрсатишими мумкин<sup>1</sup>:

- жаҳон иқтисодий ўсиш суръатларини пасайиши;
- мамлакатнинг стратегик марказлашган экспорт маҳсулотларига бўлган жаҳон нархларини тушиши;
- МДХ мамлакатларидағи молиявий нобарқарорлик;
- Ўзбекистоннинг асосий анъанавий савдо шерик давлатларидаги молиявий ва иқтисодий инқирозлар (Масалан, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари ва Россия Федерацияси).

### 2.3.2-жадвал

#### **Сўмнинг алмашув курси ва конверсион операциялар динамикаси**

(2002 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан фоизда)

Кўрсаткичлар	01.01. 2002 й.	01.01. 2003 й.	01.01. 2004 й.	01.01. 2005 й.	01.01. 2006 й.
1. Сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан алмашув курсининг ўзгариши	100,0	141,0	142,4	153,8	171,8
2. Миллий валюта бозоридаги конверсион операциялар хажмининг ўзгариши	100,0	93,3	120,0	173,3	193,3

2.3.2-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2002 йилда сўмнинг алмашув курси 2001 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Бунинг асосий сабаби миллий валюта бозорини эркинлаштириш бўйича 2002 йилда жиддий чора-тадбирларнинг кўрилганлиги ҳисобланади. Мазкур чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июнданги 263-сонли “Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда 2001 йил 10 июлдаги 294-сонли “Биржадан ташқари валюта бозори фаолият кўрсатишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талаблари доирасида амалга оширилди.

<sup>1</sup> В. Тен, Н. Жумаев. Пул муомаласини тартибга солишида валюта сиёсатидан фойдаланиш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2001. – №8. 18-22- бетлар.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, миллий валюта бозоридаги конверсион операцияларнинг ҳажми 2002 йилда 2001 йилга нисбатан 6,7 фоизли пунктга камайди. Бу эса, 2001 йилнинг 1 июлидан бошлаб конверсион операцияларни бозор курсида, яъни талаб ва таклиф асосида шакланган валюта курсида амалга оширишга ўтилганлиги билан изоҳланади.

Шуниси характерлики, 2002-2005 йилларда сўмнинг алмашув курсининг пасайиш тенденциясига мос равища конверсион операциялар ҳажмининг ўсиш тенденцияси кузатилди. Бу эса, сўмнинг алмашув курсини импорт товарларига нисбатан салбий таъсирини юзага келмаганилигидан далолат беради.

Таъкидлаш лозимки, Республика ички валюта бозори икки таркибий қисмдан иборат:

- Республика валюта биржаси;
- Биржадан ташқари валюта бозори.

Валюта операцияларини ривожлантиришга Марказий банк томонидан валюта курсини эркинлаштирилиши ижобий таъсир этиши мумкин. Чунки, қатъий белгиланган курслар ташки иқтисодий фаолиятни бўғиб қўйиш орқали иқтисодиётга салбий таъсир этиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 263-сонли «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бевосита валюта сиёсатини эркинлаштириш жараёнини янада чукурлаштириш, биржадан ташқари валюта бозорини кенгайтириш ва нақд пулсиз ҳамда нақд валютани конвертация қилиш кўламларини кўпайтириш йўлидаги муҳим тадбирдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, валюта операцияларини амалга ошириш асослари республикамида тўлиқ мавжуд. Лекин шу билан бирга, валюта муносабатларини тартибга солишида валюта сиёсатидан фойдаланишни замонавий усулларини амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Валюта сиёсатининг самарадорлигини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири хорижий валюталардаги депозитлар ва кредитларнинг фоиз ставкаларининг баркарорлигини таъминланганлиги хисобланади. Бунинг сабаби шундаки, самарали валюта

сиёсати хорижий валюталарга бўлган талаб ва улар таклифининг даражасини барқарорлаштириш имконини беради.

### 2.3.3-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида хорижий валютада берилган кредитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкалари<sup>1</sup>

	2001	2002	2003	2004	2005
1. Киска муддатли кредитлар бўйича	9,8	12,5	16,6	11,0	9,3
2. Узок муддатли кредитлар бўйича	6,5	4,8	5,9	5,7	6,6

2.3.3-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2003-2005 йиллар мобайнида хорижий валютада берилган қисқа муддатли кредитларнинг фоиз ставкасини пасайиш тенденцияси кузатилган. Бу холат хорижий кредитлардан фойдаланиши самарадорлигини ошириш, улардан тўловга қобил талабни рағбатлантиришда фойдаланишини кучайтириш имконини беради.

Таҳлил қилинган давр мобайнида хорижий валютада берилган узок муддатли кредитларнинг фоиз ставкасини барқарор тарзда сақлаб туришга юваффак бўлинган. 2005 йилда мазкур кредитларнинг ўртача тортилган кредит ставкаси атиги 0,1 фоизли пункта ошган.

2.3.4-жадвалдан кўринадики, 2001-2005 йиллар мобайнида юридик шахсларнинг хорижий валютадаги депозитларига тўланадиган фоиз ставкалари барқарор даражада сақланиб қолган. Бунинг асосий сабаби шундаки, юридик шахслардан жалб қилинган муддатли депозитлар республикамиз тижорат банклари томонидан АҚШ ва Европа молия бозорларида халқаро тижорат банкларига LIBOR бўйича банклараро депозит сифатида жойлаштирилмоқда. Ўз навбатида, LIBOR 2005-2006 йилларда сезиларли даражада пасайди.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2002–2006 йиллардаги ахборотномалари асосида муаллиф томонидан хисобланди.

### 2.3.4-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида хорижий валютадаги депозитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкаларининг ўзгариши<sup>1</sup>

	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.
1. Жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари бўйича	5,6	8,6	6,4	5,6	4,7
2. Юридик шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича	1,2	2,5	2,5	2,5	2,5

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2002-2005 йиллар мобайнида жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги муддатли омонатларига тўланадиган фоиз ставкаларининг ўртача тортилган даражаси пасайиш тенденциясига эга бўлди. Бу тенденциянинг юзага келишига қиска муддатли валютавий кредитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкаларининг пасайиш суръатига эга бўлганлиги асос бўлди.

Хулоса ўрнида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган валюта сиёсатини умумлаштириш ва унга тавсиф беришда унинг қуйидаги ўзига хос жиҳатларини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

- ташки салбий омиллар таъсиридан ҳимояланиш ва иқтисодиётни, шу жумладан, молия-пул тизимини миллий манфаатлардан келиб чиқкан ҳолда, мустаҳкамлаш юзасидан чоратадбирлар кўриш.

Амалиётдан маълумки, миллий иқтисодиётга ташки таъсирилар натижасида жиддий зиён етиши мумкин. Ўзбекистон ҳимояланиш чора-тадбирларига қатъий амал қилган ҳолда, Жанубий-Шарқий Осиё ва бошқа глобал валюта-молиявий тантликлар таъсирини камайтиришга муваффақ бўлди;

- иқтисодиётни самарали ва тенг ҳуқуқли асосда жаҳон хўжалигига интеграция килинишини таъминланганлиги. Экспорт базаси анча суст бўлган шароитда ички валюта бозори эркинлаш-

<sup>1</sup> Экономика Узбекистана. Информационно-аналитический обзор. – Ташкент: ЦСЭИ, 2006. с. 30.

тирилишини сунъий тарзда тезлаштириш самарали интеграция жараёнларини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди. Чекланган валюта ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланилганлиги, ишлаб чиқариш салоҳияти кенг йўлга кўйилганидан сўнг валюта соҳасидаги ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилмоқда;

– барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш. Ушбу вазифани ҳал этишда, биринчи ўринда валюта маблағларидан ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш йўли билан кўшимча кийматнинг юкори улушини таъминлайдиган янги илгор замонавий корхоналар мажмуини вужудга келтириш зарур. Иқтисодий нуқтаи-назардан қараганда, ушбу вазифалар юқорида қайд этилган иккита масалага нисбатан базис вазифадир. Чунки, давлат ўзининг стратегик вазифалари нуқтаи-назаридан илгор саноатлашган жамиятлар томонидан ишлаб чиқилган замонавий техника ва технологияларни импорт қилиши унинг иқтисодий тараққиёти таъминланишини белгилаб берувчи муҳим омилдир.

#### **2.4. Миллий валюта алмашув курсларининг таҳлили**

Монографиянинг аввалги параграфларида қайд этилганидек, Ўзбекистонда валюта тизимиning ривожланиши 1994 йилда миллий валюта - сўмнинг муомалага киритилиши билан бошланди. Бу, ўз навбатида, республика Ҳукумати ва Марказий банки томонидан валютани тартибга солиш соҳасида бир қатор муҳим қарорларни, хусусан, ички валюта бозорини амал қилиш механизми тўғрисидаги қарорларни қабул қилинишига турткى бўлди.

Миллий валюта айнан шу даврдан бошлаб, Ўзбекистон худудида барча товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларга ягона қонуний тўлов воситасини ўтай бошлади. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонуни, Президентнинг 1994 йил 16 июнданги Фармони ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан мустахкамланди.

Бунда, Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида ташки иқтисодий фаолиятининг ривожланаётганлигини, жаҳоннинг маҳсулотлар ва молия бозорига чиқаётганлигини ҳисобга олиб,

Хукумат ва Марказий банк юридик ва жисмоний шахсларнинг валюта ресурсларига бўлган талабларини қондириш ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш учун ички валюта бозорини ривожлантириш бўйича фаол чора-тадбирлар амалга ошира бошлади.

1994 йилда валюта бозори фақатгина икки хил, яъни Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси ва Марказий банк ҳамда Ташки иқтисодий фаолият Миллий банкининг валюта айирбошлиш шаҳобчалари кўринишида намоён бўлди.

Валюта бозоридаги операциялар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан талаб ва таклиф, пул массаси ва инфляция даражаси асосида ўрнатилаётган курс бўйича амалга оширила бошланди. Шунингдек, Марказий банкининг биржа курсидан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, божхона ва бошқа мажбурий тўловларни аниқлашда ҳам фойдаланилди.

1994 йилда муомалага миллий валюта – сўм киритилганидан сўнг, Марказий банк томонидан расмий курс 1 АҚШ доллари - 7 сўм нисбатида эълон қилинди.

Валютани тартибга солиш соҳасидаги кейинги сиёсат нақд хорижий валюталар билан операцияларни амалга оширувчи ваколатлий банкларнинг айирбошлиш шаҳобчалари тармоғини кўпайтиришга, валюта биржаси савдоларида маблағларни сотиш бўйича операцияларнинг турларини кенгайтиришга қаратилди.

1995 йилнинг июнидан бошлаб, ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва ички истеъмол бозорини улар билан тўлдириш билан машғул бўлган, хорижий инвесторларнинг фойда ва дивидендуларини қайтариш (репатриация қилиш), шунингдек, Ўзбекистонда стратегик инвестицион лойиҳаларни амалга ошираётган юридик шахсларнинг Ўзбекистон валюта биржаси савдоларида қатнашиш имкониятлари сезиларли даражада ошди<sup>1</sup>.

1994-1996 йиллар мобайнида ички валюта бозорида операцияларни амалга оширишнинг манбалари бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг экспортдан тушган валюта тушумининг муайян қисмини мажбурий сотиш орқали йигилган ва мамлакатнинг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 27 июндаги ПФ-1193-сонли «Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмаштирилишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Тошкент: Адолат, 1995. 27-30- бетлар.

олтин-валюта захираларини бошқаришдан түпланган маблағлари хисобланади. Бу, ўз навбатида, Марказий банкка самарали девиз сиёсатини амалга ошириш йўли билан миllib валюта курсининг барқарорлигига таъсир этиш имконини яратди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ички валюта бозоридаги валюталарни умумий сотиш ҳажми 1994 йилдаги 140 млн. АҚШ долларидан 1996 йилга келиб 3,3 млрд. АҚШ долларига етди<sup>1</sup>.

Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, 1996 йилда миллий валюта курсининг девальвация қилинишига биринчи қадам ташланди. Жумладан, 1996 йилнинг 1 ноябридан бошлаб, Марказий банкнинг патенти эгалари – корхоналар томонидан хорижий валюталарни харид килишларида ваколатли банклар улардан валюталарни сотиб олишга йўналтирилаётган сумманинг 12 фоизи миқдорида маржа ундириб олардилар.

Яъни, 1996 йилнинг 1 ноября ҳолатига Марказий банкнинг расмий курси 1 АҚШ долларига 48 сўм бўлганда, «патент эгалари»га валютанинг қўймати  $48+12\% = 53,76$  сўмга тўғри келар эди.

Хорижий валютани харид қилишда ўрнатилган маржа, фикримизча, республикага сифатсиз маҳсулотлар импоргининг ҳажмини қисқартириш, миллий валютанинг курсини бозор талабига тўлиқ жавоб берадиган курс даражасига яқинлаштириш зарурати билан киритилган. Шунингдек, валюта курсининг бундай девальвация қилиниши чайковчилик битимларига асосланган сўмнинг курси амал килувчи параллел (қора) бозордаги операциялар ҳажмини қисқартиришга йўналтирилган эди.

Иктиносидий ислоҳотларни амалга оширилишини босқичмабосқичлиги ва давомийлиги тамойилига асосланаби, 1997 йилнинг бошидан бошлаб, биржадан ташқари валюта бозори фаолият кўрсата бошлади. Биржадан ташқари валюта бозори ўз ичига нақд валюталар билан операциялар (валюта айирбошлиш шаҳобчалари орқали), шунингдек, халқ истеъмоли молларини импорт килувчи корхоналарга валюталарни (ваколатли банклар орқали) сотиш бўйича операцияларни амалга ошира бошлади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг йиллик хисоботи. – Тошкент, 1997.

Юқорида кайд этилганидек, шу даврда иккита расмий айирбошлаш курси амал килар эди:

1. Марказий банкнинг расмий биржа курси. Бу курсдан ҳисобни юритиш ва божхона тўловларини амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида валюталарни сотиш бўйича операциялар ўтказишда фойдаланиларди.

2. Марказий банкнинг курсига 12 фоиз маржа кўшилиб, биржадан ташқари валюта бозорида кўлланилган тижорат спот курси.

Ушбу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 1 июлдаги «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва эркинлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини чиқишига қадар амалда бўлди. Фармонга мувофиқ, маржа бекор бўлди ва амалга биржадан ташқари айирбошлаш курси киритилди.

Валюта бозорини эркинлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишдаги яна бир мухим жиҳати, 2000 йилнинг бошидан бошлаб, ички валюта бозорида хорижий валюталарни сотиб олишга 5 фоизлик йигимни жорий қилинишидир. Кайд этилган йигим валюталарни сотиб олувчидан бюджетга мажбурий йигим тарзида ундириларди. Бу йигимдан бюджет маблағларидан фойдаланиш ва Ҳукумат кафолати остида олинган чет эл валютасидаги кредитларни кайтариш мустасно эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 28 апрелдаги 171-сонли «Валюта ва экспорт-импорт операцияларини ҳисоби ва ҳисботини юритиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорини чоп этилиши билан Марказий банк бухгалтерия ҳисоби, статистика ва валюта операциялари бўйича бошка ҳисботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловларини ҳисоблаш мақсадида хорижий валюталарни курсини белгилаш ва эълон қилиш тартиби ўзгартирилди.

2000 йил апрель ойининг охирида амалда бўлган ва турли валюта операцияларини амалга ошириш учун кўлланилган расмий курс, биржа курси ва биржадан ташқари айирбошлаш курслари унификация қилинди. 2000 йил 1 майда Марказий банкнинг курси ўзининг тарихи давомида биринчи марта 57 фоизга девальвация қилинди (1 АҚШ доллари 147,15 сўм ҳолатидан 1 АҚШ долларига 231 сўм нисбатида белгиланди). Биржадан ташқари

айирбошлаш курси ҳам 1 АҚШ долларига нисбатан 231 сүмни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2000 йил 29 июнда 245-сонли «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2000 йил 30 июндаги 250-сонли «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта-айирбошлаш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларнинг қабул килиниши, ички валюта бозорини янада эркинлаштириш борасида аввал амалга оширилган чора-тадбирлар мажмумини рўёбга чиқариш борасида олға ташланган яна бир қадам бўлди.

2000 йил 1 июлдан бошлаб, имтиёзли конвертация хукуқини берувчи лицензия эгалари – корхоналарга валюталарни сотиш, экспортёрларнинг бўш валюта маблагларини сотиб олиш ва айирбошлаш шаҳобчалари орқали накд хорижий валюталар билан боғлиқ операциялар талаб ва таклиф асосида ўрнатилаётган эркин курс бўйича амалга оширила бошланди.

Шундай килиб, 2000 йилда ички валюта бозорида хорижий валюталар билан операциялар учун куйидаги айирбошлаш курслари амал қилди:

- Марказий банк томонидан эълон килинадиган курс (официалний айирбошлаш курси). Бу курсдан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва божхона тўловларини амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида белгиланган маълум операцияларни ўтказишида фойдаланилди (Хукумат кафолати остида олинган чет эл валютасидаги кредитларга хизмат кўрсатиш, ҳалқаро ташкилотларга тўлов учун ажратилган бюджет маблагларини конвертациялаш, элчиноналарни саклаш, хизмат сафари харажатлари, ишлаб-чиқариш - техник мақсадидаги маҳсулотларни импорти ва ш.к.);

- биржадан ташқари валюта бозорида ва накд валюта бозорида айирбошлаш шаҳобчалари орқали операциялар ўтказиш учун тижорат курси.

Кўрилган чора-тадбирлар айирбошлаш курсларини сезиларли даражада девальвацияланишига олиб келди. Бунда тижорат курси параллел (қора) бозордаги курсга сезиларли даражада яқинлашди.

Нақд хорижий валюталарнинг савдоси кисман эркинлаштирилди. Амалга оширилган чора-тадбирларнинг яна бир ижобий томони шундаки, марказлашмаган экспортнинг сезиларли даражада ошиши кузатилди. Бунга экспортер валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотганидан (Марказий банкнинг курси бўйича амалга оширилади) сўнг, қолган маблағларини янада девальвациялашган тижорат курси бўйича сотиши мумкинилиги орқали эришилди.

Охирги йиллардаги ҳолат валюта бозорини тўлиқ эркинлаштириш ва айирбошлиш курсларини бирхиллаштиришга (унификациялаш) эришиш учун амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг етишмаслигини кўрсатди. Бу ҳолат хорижий валютадаги мажбуриятлар бўйича тўловлар миқдорининг ўсишида, сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курсининг пасайишида намоён бўлмоқда.

Иқтисодиётнинг ўтиш даврида бўлган бир қатор мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, жорий халқаро операциялар бўйича ички конвертациянинг жорий этилиши, бироқ, шу билан бирга, капитал ҳаракатига чекловларни сақлаб қолиш шунга олиб келадики, бозорда нақд ва нақдсиз хорижий валютага бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги фарқ сакланиб қолади.

Бундай бўлишига сабаб, агар мамлакат жорий халқаро операциялар бўйича конвертацияга (ички конвертация деб ҳам аташади) эришсада, бироқ капиталнинг ҳаракати бўйича чекловларни сақланиб қолиши билан изоҳланади. Бу ҳолда капиталнинг ҳаракати бўйича операциялар, асосан, нақд хорижий валюта бозорида амалга оширила бошланади. Агар валюталарни олиб киришдан кўра олиб чиқишга талаб кўпроқ бўлса, у ҳолда нақдсиз хорижий валюталарнинг бозор курсида талаб нақд хорижий валюталарга бўлган таклифдан юкори туради. Натижада, нақд хорижий валюталарни катта миқдорда олиб келишнинг доимий зарурати туғилади. Бу ҳолат ўтиш иқтисодиётидаги бошқа давлатларнинг тажрибаси билан тасдиқланган. Хорижий валюталарни соғ ҳолда сотишнинг мавжуд эмаслигига (аҳолидан сотиб олинган валюталарга нисбатан уларга сотилган валюталарнинг ҳажми сезиларли даражада кўп бўлганда), қора бозордаги айирбошлиш курсининг доимий тарзда қадрсизланиб бориши юз беради.

Биржадан ташқари валюта бозори валюта бозорининг бошқа бўғинларидан ажралиб қолган ва хозирги вақтда у хорижий валюталарга бўлган талабнинг қондирилмаслиги натижасида ривожланмаяпти. Бу бозордаги операцияларни кенгайтириш ва ривожлантириш, биринчи навбатда, биржа бозори ҳисобига амалга оширилиши лозим. Бунинг учун марказлаштирилган экспортдан тушган тушумнинг муайян қисмини биржадан ташқари валюта бозорига йўналтириш мумкин. Бунда, агар Марказий банк валютани сотиб олиш курси (расмий курс бўйича) ва сотиш курси (эркин курс бўйича) ўртасидаги фарқни ўзида қолдирса, унда бу бевосита Марказий банкка зарур бўлиб қолганда ликвидлиликни тартибга солувчи кучли инструмент сифатида фойдаланиш имкониятини юзага келтиради. Биржадан ташқари валюта бозорининг ўзида эса хорижий валюталарни сотиб олишга қўлланилаётган квоталарни секин-аста бекор килиш ва корхона, ташкилотларга валюта ресурсларига бўлган талабларини қондириш ҳукукини кенгайтириш зарур ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, эркин рақобатни вужудга келтиради ва айирбошлиш курсини ҳақиқий бозор томонидан ўрнатилишини таъминлайди.

Биржадан ташқари валюта бозорини баркарор ривожлантириш мақсадида Бирлашган баркарорлаштириш жамғармаси ташкил этилди. Бирлаштирилган баркарорлаштириш жамғармасининг манбалари бўлиб, ваколатли банклар томонидан жалб қилинаётган валюта маблағларининг бир қисми, Марказий банкнинг валюта активларини бошқаришдан олинган чет эл валютасидаги даромадлари, шунингдек, кафолатланган етказиб беришлар бўйича юқори ликвидли маҳсулотларни сотиши ҳамда ўрнатилган экспорт режасидан ортиқ миқдорда тушган валюта тушумлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида нақд пул муомаласи ва иктисодий фаоллик ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд бўлганлиги сабабли, нақд хорижий валюталарнинг тижорат курсининг динамикасини баҳолаш мухим аҳамият касб этади.

Биз қуйидаги жадвал маълумотлари орқали сўмнинг номинал алмушув курси ва нақд АҚШ долларига нисбатан тижорат курсининг динамикасини кўриб чиқамиз.

#### 2.4.1-жадвал

#### Сўмнинг алмашув курслари динамикаси

Кўрсаткичлар	31.12.2001	31.12.2002	31.12.2003	31.12.2004	31.12.2005	31.12.2005 йилда 31.12.2001 йилга нисбатан ўзгариши, %
1. Сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси, сўм	688,00	970,00	980,00	1058,00	1180,00	171,5
2. Нақд хорижий валюталарнинг тижорат курси (1 АҚШ долларига нисбатан сўмда)	859,93	1025,48	979,55	1057,21	1193,29	138,8

2.4.1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2005 йилда 2001 йилга нисбатан сўмнинг номинал алмашув курси юқори даражада ошди, яъни сўм сезиларли даражада қадрсизланди. Бунинг асосий сабаблари бўлиб, 2001-2002 йилларда республикамизда валюта муносабатлари ва валюта бозорини эркинлаштириш бўйича ҳукуматнинг қарорларини қабул қилинганлигини ва хорижий валютадаги тўловларнинг хорижий нетто активларнинг ички бозордаги таклифига салбий таъсир килганлиги хисобланади.

Шуниси характерлики, таҳлил қилинган давр мобайнида нақд хорижий валюталарнинг тижорат курси нисбатан паст суръатда, яъни 38,8 фоизли пунктга пасайди. Бунинг сабаби шундаки, республикамизда 2001 йилдан бошлаб нақд хорижий валюталарга бўлган талабни барқарорлаштиришга муваффак бўлинди. Бунга эса валюта курсларини унификациялаш йўли билан эришилди.

2000 йил 1 июлидан ҳозирги кунгача, кўрсатиб ўтилган курс бошқа айирбошлиш курсларига нисбатан сезиларли даражада девальвацияланди. 2001 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, айирбошлиш шаҳобчалари орқали сотилган валюталарнинг курси 1

АКШ долларига 980 сүмни ташкил этди. Бу эса, параллел бозордаги курсга яқин курс эди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 25 октябрдаги 422-сонли «Ички валюта бозорида алмашув курсларини бирхиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг кабул қилиниши валюта бозорини эркинлаштириш бўйича амалга оширилган мухим тадбирлардан бири саналади. Қарорга мувофиқ, 2001 йил 1 ноябрдан бошлаб куйидаги операциялар эркин курсда амалга оширилмоқда:

– Ҳукумат томонидан ёки унинг кафолати остида 2001 йил 1 июлгача жалб этилган чет эл валютасидаги кредитларга хизмат кўрсатиш;

– корхоналарнинг марказлаштирилган ресурсларни экспорт килиш ҳисобига тушадиган валюта тушумларини мажбурий сотиш ва сотиб олиш.

Шунингдек, кайд этилган санадан бошлаб республика худудида валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ҳисботи ва бошқа ҳисботлар, шунингдек, божхона тўловларини ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг биржадан ташқари валюта бозоридаги алмашув курсини, пул массаси ва инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган курси бўйича амалга оширилади.

Шундай қилиб, миллий валютани тўлиқ конвертирунчилига еришиш учун боскичма-боскич ва салбий оқибатларсиз ўтишни ўз ичига олган давлатнинг сиёсатига амал килган ҳолда валюта бозорини эркинлаштириш борасидаги асосий тадбирлар сифатида куйидагиларни алоҳида эътироф этиш мақсадга мувофиқ:

– барча айрбошлиш курсларини тўлиқ бирхиллаштириш (унификациялаш);

– ички валюта бозорида хорижий валюталарни сотиб олишда сақлаб қолинган чекловларни бекор қилиш (нақд валюталарни сотиб олишнинг максимал миқдорини лимитлаш, ваколатли банклар томонидан маҳсус банклараро савдо сессияларида маблағларни сотиб олишга ўрнатилаётган лимитлар, тижорат банкларида импорт шартномаларини рўйхатга олишни бекор қилиш ва бошк.).

Бирок, олдинга қўйилган мақсадга эришиш учун Ўзбекистон Хукумати олдида давлатнинг ташки қарзини ўз вақтида тўлаш, валюта курси тебранишлари натижасида юзага келадиган салбий оқибатлардан аҳоли ва корхоналарни химоялаш кафолатларини яратиш, курс барқарорлиги ва мамлакатнинг тўловга лаёқатлигини таъминлаш учун зарур бўлган миқдорда захираларни яратилиши билан боғлик масалаларни ечишдек зарур масалалар турибди.

Девальвация билан боғлик бўлган хавфсирашлардан бири бўлиб, расмий айирбошлаш курсини девальвацияланиши баҳоларнинг ўсишига олиб келиши мумкинлиги билан изохланади. Ҳақиқатдан ҳам, расмий айирбошлаш курсини девальвацияланиши баҳоларнинг ўсишига замин яратиши мумкин. Бунга сабаб, импорт божини тўлаш миқдорининг ошиши ҳисобланади. Бирок, баҳоларнинг ўсиши сезиларли даражада рўй бермаслигига бир қатор асослар мавжуд. Буни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 422-сонли қарори чиққунига қадар ички валюта бозорида деярли барча операцияларни тижорат курсида амалга оширилганлиги, шунингдек, импорт маҳсулотларига нархларнинг шунга мувофиқ ўрнатилиганлиги билан изохлаш мумкин.

---

## **III БОБ. ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХАЛҚАРО АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ**

### **3.1. Глобаллашув жараёни ва унинг миллий валюта сиёсатига таъсири**

Глобаллашув деганда, одатда, халқаро савдо, молия ва ахборот оқими ва интеграциялашган бозорларнинг кенгайиши ва тобора чукурлашиб бориши тушунилади.

Глобаллашув моҳиятан иктиносидиётнинг умумбашарий тус олиши, миллий иктиносидиётлар ривожланишининг ташки иктиносидий алоқаларга боғлик бўлиб қолиши демакдир<sup>1</sup>.

Иктиносидий глобаллашув – бу тарихий жараён бўлиб, инсон кашфиётлари ва технологик тараққиётнинг натижасидир. У жаҳон иктиносидиётида интеграциялашув жараёнларининг жадаллик билан ўсиб боришини (хусусан, савдо ва капитал оқимлари орқали) англатади. Бу тушунча баъзан инсонлар (ишчи кучи) ва илм-фаннынг (технология) халқаро худудлар бўйлаб ҳаракатини ифодалашда ҳам ишлатилади. Бундан ташқари, глобаллашув тушунчаси кенг маданий, сиёсий ва иктиносидий ҳолат билан боғлик ўлчовларни ҳам қамраб олади. Бу тушунчанинг ишлатилиши XX асрнинг 80-йилларида оммавий тус олган бўлиб, у ўзида халқаро ўтказмаларни амалга оширишни соддалаштирувчи ва тезлаштирувчи технологик имкониятларни акс эттирган. У инсон иктиносидий фаолиятининг турли даражаларида асрлар давомида амал қилиб келган ўша бозор кучларининг миллий чегараларни эътиборга олмай узлуксиз кенгайишини англатади.

Бозорлар рақобат ва ишчи кучининг ихтинослашуви орқали самарадорликни рағбатлантиради, яъни инсоният имкон кадар самарадорликка интилади. Глобал бозорлар инсониятга жаҳон бўйлаб кўпроқ ва каттароқ бозорлардан фойдаланиш борасида кенгрок имкониятларни тақдим этади. Бу шуни англатадики, улар янада кўпроқ капитал оқими, технология, арzon импорт ва йирик

---

<sup>1</sup> А. Ўлмасов, А. Ваҳобов. Иктиносидиёт назарияси. – Тошкент: Шарқ, 2006. 425-6.

экспорт бозорларига кириш имкониятига эга бўладилар. Лекин бозорлар самарадорликнинг ошишидан кўриладиган манфаатларни барча учун тенг таксимланишини кафолатлай олмайди.

Глобаллашув кечагина содир бўлган воқелик эмас. Баъзи таҳлилчилар жаҳон иктисодиёти 100 йиллар олдин ҳам бугунги кундагидек глобаллашганилигини эътироф этадилар. XIX аср охирларига келиб, миллий даромад таркибидаги ташки савдо оқимининг улуши деярли бугунги кундагидек эди, зеро, капитал, трансферлар нисбатан йирикроқ, инсонларнинг кўчуб ўтиши даржаси иммиграцияга тўсиқларнинг мавжудлигига қарамай бугунги кунга нисбатан юқорироқ бўлган. Лекин шуни тан олишимиз керакки, бугунги кунда тижорат ва молиявий хизматлар аввалги даврдагига нисбатан анча тараққий этган ва чукур интеграциялашган.

Жаҳон иктисодиётидаги глобаллашув жараёни ҳозирги босқичининг асосий фарқли хусусияти замонавий электрон коммуникациялари туфайли молия бозорларининг янада интеграциялашганилигидир. Глобаллашув XX асрнинг охирги ўн йиллигига ҳукмрон кучга айланди ва ўзига хос янги хусусиятлар касб этди:

- янги бозорлар (яъни замонавий воситалар билан тинимсиз ишловчи ўзаро боғланган молия бозорлари, глобал истеъмол моллари бозорлари, электрон-тижорат ва ш.к.);
- янги ўйинчилар (яъни мултимиллий корпорациялар, Жаҳон савдо ташкилоти, ҳудудий блоклар);
- янги қоидалар (яъни савдодаги қўп томонлама келишувлар, инсон ҳуқуқлари ва глобал муҳит бўйича конвенциялар);
- янги алоқа воситалари (яъни телефон, факс, электрон почта).

Бундан ташкари, глобаллашув товарлар ва капиталларнинг ҳаракатидаги объектив ва субъектив тўсиқларнинг олиб ташлашини натижасида давлатлароро алоқаларнинг ривожланиб боришини англатади.

Объектив тўсиқларнинг бекор қилиниши денгиз, ҳаво транспорти ва алоқа харажатларида пасайиш тенденцияларида ўз ифодасини топди. Денгиз ва бандаргоҳ харажатлари 1920 ва 1990 йиллар орасида тахминан 60 фоизга кисқарди<sup>1</sup>. Ҳаво транспорти

<sup>1</sup> Интернет маъдумотлари ([www.worldbank.org](http://www.worldbank.org))

харажатларида янада кескинрок камайиш кузатилди ва саёхат вакти ҳам сезиларли даражада кискарди.

Субъектив, яъни инсониятнинг ўзи ўйлаб топган тўсиклар (квота ва тарифлар)га ҳам аста-секин барҳам берилмоқда. 1947 йилларда товарлар импортига тарифлар ўргача 47 фоизни ташкил этган бўлса, 1980 йилларга келиб улар 6 фоизга тушиб қолди<sup>2</sup>.

Айни пайтда, капитал оқими устидан назорат қилишга барҳам берилмоқда, хусусан, Бреттон Вудс қатъий валюта курси тизимиға 1971 йилларда нукта қўйилгач, етакчи валюталар эркин сузиш режимига ўтди, Япония, Дания, Испания каби етакчи давлатларда капиталларнинг ҳаракати бўйича мавжуд чекловлар тўлиқ бекор қилинди.

Умуман олганда, глобаллашув хусусий секторлар ва хуқуматларни ҳалкаро ракобатга чорловчи глобал иқтисодий интеграциялашувни технологик ва сиёсий жиҳатдан ҳаракатлантирувчи жараён хисобланади.

Бу ерда ракобатнинг турли даражаларини ёки соҳаларини фарқлаши лозим:

- хусусий секторда (микроиктисодий даражада), глобал иқтисодий интеграция нафакат молиявий, балки товарлар ва меҳнат бозорида ҳам ўз самарасини беради, яъни сотувчи нархларининг (таннарх ва бозор баҳоси ўртасидаги фарқ) пасайишига ҳамда иш ҳакини ортиқча тўлаш оқибатида вужудга келадиган харажатларнинг кискаришига олиб келади;

- давлат секторида (макроиктисодий даражада) глобал иқтисодий интеграция янги давлатларнинг (ракобатчилар) глобал бозор иштирокчисига айланиши туфайли жаҳон бозоридаги ракобат кескинлашади.

Шундай килиб, глобаллашув мамлакатларни макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, хусусан, солиқларни камайтириш, давлат қарзини кискартириш ва инфляцияни жиловлаш орқали ҳалкаро ракобатбардошликни рағбатлантиришга ундейди.

Глобаллашувнинг кўйлаб ижобий жиҳатлари мавжуд: бозорга кириш, капитални жалб қилиш имкониятлари, технология ва ахборот олиш имкониятлари ва х.к. Буларнинг барчаси даромадларнинг кўпайиши ва иш билан бандлик даражасининг ортишига

<sup>2</sup> Интернет маълумотлари ([www.capwig.org](http://www.capwig.org))

олиб келади. Дунё бутун бир яхлит ҳолида янада гуллаб яшнаши ва соғломорқ бўлиш имкониятига эга бўлади.

Глобаллашувнинг натижаси ўлароқ, кейинги йилларда ҳалқаро савдо кўлами ортди, капитал оқими кенгайди ва ишчи кучи миграцияси сезиларли даражада ўсади. Алоқа ва ахборотлар соҳасида ҳам сезиларли ижобий ўзгаришлар содир бўлди: интернет, медиа ахборот ва фикрлар алмашувида ҳам сезиларли миқдорий ўзгаришлар юзага келди.

Жаҳон иқтисодиётидаги глобаллашув жараёнларининг ўзига хос салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Фикримизча, улар қуидагилардан иборат:

*1.Манфаатларнинг мамлакатлар ўртасида нотекис (номувофиқ) таҳсиланиши.*

Глобаллашувнинг биринчи салбий томони ундан кўриладиган даромаднинг мамлакатлар ўртасида нотенг таҳсиланиши ҳисобланади. Буни қуидаги маълумотлар яққол тасдиклайди: 1980 ва 1997 йиллар мобайнида жаҳонда аҳоли жон бошига даромад ошган бўлсада, 59 та мамлакатда бу кўрсаткич пасайди ва даромадларнинг табақаланиш даражасини ошириб юборди. Товарлар ва хизматлар экспорти 46 та мамлакатда йиллик 5 фоизга яқин даражада ўсган бўлса, 9 та мамлакатда мазкур кўрсаткич бўйича 1 фоиздан камроқ йиллик ўсиш қайд этилган<sup>1</sup>.

Шундай ҳолат хорижий бевосита инвестициялар оқимида ҳам кузатилган. 90-йилларда хорижий бевосита инвестицияларнинг 58 фоизи ривожланган мамлакатларга йўналтирилди. Ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларига йўналтирилган умумий инвестицияларнинг 85 фоизи факатгина 20 мамлакатга жойлаштирилган бўлса, бу йигирматаликнинг қуи ўн олтигаси юкори тўртгасига нисбатан камроқ улушга эга бўлди.

Портфелли инвестициялар оқимида ҳам шундай ҳолат кўзга ташланди. Бу инвестицияларнинг 93 фоизи атиги 20 мамлакатга йўналтирилди, бундан қуи 13 таси қолган 7 тасига нисбатан камроқ инвестицияни жалб қилган. 9 мамлакат учун мазкур инвестициялар оқими салбий маъно касб этган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Интернет маълумотлари ([www.unescap.org](http://www.unescap.org)).

<sup>2</sup> Интернет маълумотлари ([www.ideas.repec.org](http://www.ideas.repec.org)).

Ахборот ва алоқа технологияларидан фойдаланишда ҳам номувофикаликлар кўзга ташланади. XX асрнинг сўнги ўн йиллиги якунларида жаҳон аҳолисининг 15 фоизини ташкил этувчи индустрисал мамлакатлардаги интернетдан фойдаланувчилар сони умумий фойдаланувчиларнинг 88 фоизини ташкил қилган. Дунё аҳолисининг 20 фоизига якинини ташкил қилувчи Жанубий Осиё халқлари орасида интернетдан фойдаланувчилар умумий фойдаланувчиларнинг 1 фоизидан камроғини ташкил этган<sup>1</sup>.

## 2. *Манбаатларнинг мамлакатлар ичida нотекис тақсимланиши.*

Даромадларнинг табақалашуви кўплаб мамлакатларда ошиб бормоқда. Иш ва даромад топиш муаммоси чуқурлашмоқда, айниқса, малакасиз ишчиларга иш ва даромад топиш кийинлашмоқда, зеро, корпоратив қайта таркиблашда яхши мутахассислар ҳам ишсиз қолиши мумкин.

## 3. *Глобаллашув туфайли халқлар маданиятидаги ўзгаришилар ва уларнинг ривожланган давлатларга хизмат қилиши.*

Халқлар нафақат ўзларининг географик ва сиёсий тузилишига қараб, балки маданияти ва миллий характерига кўра ҳам фарқланади. Миллий характер ва маданият жамиятнинг кадриятлари тизими орқали тараккий этиб боради.

Глобаллашув барча халқларни глобал маданият томон чорлайди. Ахборот технологияларининг ривожланиши туфайли бу ҳолат янада оммавийлашиб бормоқда. Лекин, ахборот технологиялари соҳасида ривожланган давлатларнинг йирик корпорациялари ҳукмронлиги тўла шаклланди.

Глобаллашув жаҳон савдоси ва молиявий бозорларнинг янада интеграциялашиб боришини англатади, лекин ривожланаётган давлатлар бу интеграцияда қанчалик даражада иштирок этади, деган ҳакли савол тұғилади? 1970 йилдан бүён аҳоли жон бошига даромадлар бир қатор ривожланаётган давлатларда, хусусан, Осиё давлатларида саноатлашган давлатлар даражасига сезиларли якинлашди. Шундай бўлсада, ривожланаётган давлатларнинг кўпчилик қисмида тараккиёт жуда суст тус олди, жумладан, Африкада аҳоли жон бошига даромадлар саноатлашган давлатларга

<sup>1</sup> Интернет маълумотлари ([www.capwip.org](http://www.capwip.org)).

нисбатан жуда паст бўлиб, айримларида эса пасайиш мутлақ кўриниш олди.

Бу давлатларда глобаллашувнинг куйидаги жиҳатлари муҳим аҳамиятга молик ҳисобланади:

1. Савдо. Ривожланаётган давлатларнинг жаҳон савдосидаги умумий улуши 1971 йилда 19 фоизни ташкил қилган бўлса, XX асрнинг сўнгги йилида 27 фоизни ташкил қилди<sup>1</sup>. Лекин бунда мамлакатлар ўртасида катта фарқ мавжуд, яъни вариация кўрсаткичи юқори. Масалан, Осиёнинг яқиндагина саноатлашган мамлакатларида бу ҳолат жуда ижобий бўлса, Африка давлатларида бу ҳолат ачинарли аҳволда. Бунда экспорт маҳсулотларининг таркиби ҳам муҳим аҳамият касб этади. Экспорт таркибидаги саноат маҳсулотлари улуши сезиларли даражада ошган. Афсуски, бирламчи товарлар бўлмиш озиқ-овқат, хом ашё маҳсулотларининг экспорт такибидаги улуши пасайган бўлиб, улар асосан камбағал давлатлар томонидан етиштирилади.

2. Капитал ҳаракати. Ривожланаётган давлатларга йўналтирилган хусусий капитал оқими 1990 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда кескин ўсанган. 1980 йилдан бўён расмий ёрдамлар ёки ривожланишга кўмакларнинг соф оқими пасайиш тенденциясига эга. Хусусий капитал оқимининг таркиби ҳам драматик тарзда ўзгарган. Бевосита хорижий инвестициялар энг муҳим категорияга айланган. Портфель инвестиция ва банк кредитлари ҳам ошган бўлсада, уларнинг ўсиш тенденциялари тебранувчан характерга эга, масалан, 90 йилларнинг сўнггида юз берган молиявий инқизозлар туфайли уларнинг улуши кескин камайган.

3. Ишчи кучи ҳаракати. Ишчилар бир мамлакатдан иккинчи мамлакаттага яхшироқ иш имкониятларини топиш илинжида кўчуб ўтадилар. Ҳозирги даврда миграция жараёнларининг асосий қисми ривожланаётган давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

4. Илм-фан ва технологияларнинг ёйилиши.

Ахборот алмашинуви глобаллашувнинг ажralmas хусусиятларидан биридир. Масалан, бевосита хорижий инвестициялар нафакат моддий капитал базасининг кенгайишига, балки техник инновацияларга ҳам олиб келади. Янада умумийроқ килиб айтидиган бўлсак, ишлаб чиқариш усувлари, бошқарув воситалари,

<sup>1</sup> XBF маълумотлари (<http://www.imf.org>).

экспорт бозорлари ва иқтисодий сиёсат борасидаги билимлар ривожланётган мамлакатлар учун юқори қийматта эга бўлган ресурс вазифасини ўтайди.

Иқтисодий барқарорлик, инфратузилманинг яратилиши, таркибий ислоҳотлар истиқболдаги тараққиёт учун паст даромадли давлатларга молиявий трансферлар ҳозирда қандай аҳамият қасб этса, шунчалик муҳим ҳисобланади. Шу мақсадда мақбул иқтисодий сиёсат ишлаб чиқиши талаб этилади ва бу сиёсат куйидагиларни камраб олиши лозим:

- инвестиция ва жамғармалар учун шароитларни яхшилашга қаратилган макроиктисодий барқарорлик;
- савдо ва инвестиция орқали самарадорликни рағбатлантиришга қаратилган ташки сиёсат;
- ички ракоботни рағбатлантиришга қаратилган тузилмавий ислоҳотлар;
- бошқарувни яхшилаш мақсадида инфратузилмалар ва давлат бошқаруви самарадорлигини таъминлаш;
- самарадорликни таъминлашга қаратилган таълим-тарбияни ва тадқиқотларни ривожлантириш;
- узлуксиз ривожланиш учун етарлича ресурсларни кафолатлаш асосида ташки қарзни самарали бошқариш.

Ривожланган мамлакатлар паст даромадли давлатларнинг глобал иқтисодиётга интеграциялашувига куйидаги йўллар билан хисса кўшиши мумкин:

- а) савдони кўллаб-куватлаш орқали. Бунга камбағал давлатлар томонидан амалга ошириладиган барча турдаги товарлар ва хизматлар экспортининг бозорга кириши учун чекланмаган имкониятларни бериш билан эришиш мумкин;
- б) паст даромадли давлатларга хусусий капитал оқимини йўналтиришни рағбатлантириш орқали, хусусан, бевосита хорижий инвестициялар бундай мамлакатларга икки томонлама (яъни, капитал оқими ва технологиялар трансфери) манфаатли ҳисобланади;
- в) янада кўпроқ қарз ёрдамларини кўрсатиш орқали молиявий рағбатлантириш даражасини ошириш.

ХВФ қашшоқликни қисқартириш ва ривожланиш дастурлари билан камбағал давлатларда ислоҳотларни амалга оширилишини

күллаб-қувватламоқда. У оғир қарзга ботган давлатларга қарз ёрдамларини ажратиша үз хиссасини күшмокда.

Европа Иттифоқининг Иқтисодий сиёсат қўмитаси ўтган даврда глобаллашувнинг тезлик билан ривожланишига сабаб бўлган қўйидаги 4 омилни ажратиб кўрсатди<sup>1</sup>:

– кўп томонлама савдонинг эркинлаштирилиши (ўртача божхона юки 30 фойзга камайганлиги кузатилган);

– кўргина ривожланаётган давлатлардаги (айниқса, Хитой, Ҳиндистон ва Бразилия) муваффақиятли иқтисодий ислоҳотлар;

– технологиялардаги такомиллашувлар (айниқса ахборот технологиялари ва транспорт соҳасида). Бу, ўз навбатида, савдога килинадиган харажатларнинг сезиларли даражада пасайишига олиб келди. Масалан, денгиз, ер ва ҳаво транспорти ҳамда телефон қўнғироқлари учун тўловлар мос равишда 21%, 30%, 95% ҳамда 88 фойзга камайган;

– технологик такомиллашув туфайли ким ҳалқаро савдо субъекти бўла олиши ҳамда ким бўла олмаслиги каби тўсиқларни бекор қилиниши.

Энди биз глобаллашувнинг ҳалқаро валюта муносабатларига таъсирини кўриб чиқамиз.

Биринчидан, глобаллашув хориждаги реал иқтисодий жараёнларнинг авж олиши ва унинг ҳалқаро бизнес ва товар бозорларидаги товарлар баҳосига таъсири орқали марказий банк назорат киладиган ва фаолият юритадиган миллний иқтисодиётнинг ташки мухитига ўз таъсирини ўтказади.

Иккинчидан, глобаллашув иш ҳақи ва баҳоларни ўрнатиш механизмини ўзгартириб юборади ва шунинг асосида, мамлакатдаги инфляция даражасига таъсир қилиши мумкин.

Учинчидан, ҳалқаро ишчи кучи миграциясининг ортиши маҳаллий меҳнат бозоридаги ҳолатни ўзгартиради. Қаерда ишчи кучи чиқиб кетаётган бўлса иш ҳақини оширишга босим ортади, аксинча, ишчи кучи кирими содир бўлган давлатларда иш ҳақини пасайтиришга босим кучаяди.

Тўртинчидан, глобаллашув молия бозорлари фаолиятини тубдан ўзгартириб юборади ва Марказий банк қарорларининг молия бозорларига ва макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсири

<sup>1</sup>Интернет маълумотлари (<http://www.nbp.pl/en/publikacje/lectures/globalisation>).

борасидаги ноаниқликларни оширади. Масалан, глобаллашув жарайнларининг чуқурлашиши натижасида халқаро валюта бозорларидағи операциялар ҳажми ошади.

Бешинчидан, глобаллашув Марказий банкнинг валюта сиёсати стратегиясига таъсир қилади. Йқтисодий ноу-хауларнинг тезлиқ билан ёйилиши Марказий банк иқтисодчилари томонидан амалга ошириладиган иқтисодий таҳлил усуулларининг ўзгаришига олиб келади.

Олтингчидан, глобаллашув активлар бозорида спекулятив операциялар ҳажмини ошишига олиб келади.

Халқаро савдонинг тобора ривожланиб бориши ва хорижий капитал оқимининг ўсиб бориши шундай ҳолатни юзага келтирдики, миллий иқтисодиётнинг ўсиш даражаси глобал иқтисодиётнинг ривожланишига боғлиқ бўлиб қолди<sup>1</sup>. Марказий банкларнинг глобаллашув шароитида жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг мумкин бўлган турли сценарийларини ва глобал номувофиксикларни эътиборга олишини зарурий эҳтиёжга айлантириди. Чунки улар миллий иқтисодиётнинг истиқболига хавф солиши ва, айни чоғда, монетар иқтисодий сиёсат мақсадларининг барбод бўлишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, Марказий банк расмий хорижий валюта захираларини бошқарувчи муассаса бўлганлиги туфайли глобал молия бозоридаги ўзгаришларни кузатиб бориши лозим, чунки бу ўзгаришлар ҳамда уларнинг асосида қабул килинган инвестицион қарорлар хорижий валюта захираларни бошқариш самарадорлигига таъсир килади.

Ўтмишда қаттиқ тартибга солинадиган маҳаллий молия тизими томонидан кўрсатиладиган хизматлар, айни пайтда, янада очиқ ва рақобатбардош глобал тизимлар томонидан кўрсатилмоқда. Молиявий хизматлар секторида глобаллашув даражасини ўлчаш йўлларидан бири - бу капиталларнинг халқаро оқимининг миқдоридаги ўсиш суръати ҳисобланади.

Облигациялар ва акциялар сегментида амалга ошириладиган битимларнинг умумий суммаси ҳозирги даврда 90 трлн. АҚШ

<sup>1</sup> Н.Х.Жумаев. Глобализация жарабинининг миллий валюта сиёсатига таъсири // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2006. – №10. 38-б.

долларидан ошмоқда. Бошқача айтганда, бу күнлик 250 млрд. АҚШ доллары деганидир<sup>1</sup>.

МакКинсей Глобал Институти (The McKinsey Global Institute) тадқиқоти натижаларига кўра, глобал молиявий активларнинг умумий киймати 2005 йилга келиб 118 трлн. АҚШ долларидан ошган, зеро, бу кўрсаткич 1980 йилда фақатгина 12 трлн. АҚШ долларини ташкил киlgан эди<sup>2</sup>. Айни пайтда молия бозорининг тез суръатларда ривожланиб бораётган сегменти - бу қарз мажбуриятли қимматли қофозлар сегментидир. Бундай қимматли қофозларнинг халқаро айланмаси маҳаллий айланмага нисбатан юкорироқ суръатларда ўсиб бормоқда. Бу шуни англатадики, компанииялар ишлаб чиқариш фаолиятини четдан жалб қилинган пул маблағлари ҳисобидан молиялаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Молия бозорлари ривожланишинг яна бир хусусияти тижорат банкларининг муҳим воситачилик ролининг пасайиб бораётганлиги, яъни компаниялар фаолиятини банк кредитлари ҳисобидан эмас, балки молия бозоридан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан молиялаштиришга эътибор қаратаетганлигидар.

Ҳакли савол туғилди: хўш, бу жараён Марказий банк монетар сиёсатига, хусусан, валюта сиёсатига қандай таъсир қўрсатади? Агар маҳаллий ва хорижий молиявий активлар бири-бирини ўрнини бемалол боса оладиган ҳолат вужудга келса, маҳаллий фоиз ставкалари, айниқса, ўрта ва узок муддатли ставкалар глобал бозор ставкалари билан ҳисоблашишига тўғри келади, яни ставкалар глобал бозорда аниқланади. Пировардида, Марказий банк монетар сиёсати инструментларининг фоиз ставкаларига таъсир килиш даражаси пасаяди, яъни кўрилган чора-тадбирлар самарасиз бўлиб қолиши мумкин. Глобаллашув жараёнида марказий банкларнинг жуда кичик кўламдаги операциялари билан фоиз ставкалари даражасига таъсир кила олиши ёки олмаслиги савол остида қолмоқда. Шундай бўлсада, марказий банкларнинг ўзаро келишган ҳолда, биргаликда қўллаган валюта сиёсатлари ўз самарасини берганлиги тажрибадан маълум.

<sup>1</sup> Интернет маълумотлари (<http://www.nbp.pl/en>).

<sup>2</sup> Интернет маълумотлари (<http://hussonet.free.fr/macstock.pdf>– McKinsey Global Institute, \$118 Trillion and Counting: Taking Stock of the World’s Capital Markets, February 2005).

Глобал молия бозорлари дунёсида АҚШ Федерал Резервининг Федерал Очиқ бозор қўмитаси (ФОБК) (The Federal Open Market Committee) сессиясида бутун молия бозорининг нигоҳи қўмита раисига қаратилади дейилса, хеч ким ажабланмайди.

Вашингтонда ФОБК томонидан чиқарилган қарор Нью-Йоркдаги инвесторлар, шунингдек, Лондон, Токио, Рио де Женейро, Шанхайдаги инвесторлар учун ҳам бирдек муҳимdir. ФОБК қарорлари нафақат АҚШ иқтисодиётiga, балки молия бозорлари орқали бутун глобал иқтисодиётга таъсир этади. АҚШдаги фоиз ставкаларининг кутилмагандан ошиши бозор иқтисодиётiga ўтаётган мамлакатлардан капиталларнинг чиқиб кетишига замин яратади. Бу эса, пироверд натижада, ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари валюталарининг қадрсизланишига ва мамлакат қимматли қоғозларининг даромадлигини оширилишига, яъни улар бўйича фоиз тўловларини янада оширилишига сабаб бўлади. Бу эса, молия бозорининг институционал иштирокчилари учун қўшимча харажат демакдир. Аввалги ставкаларда муомалага чиқарилган қимматли қоғозларнинг реал қийматининг пасайиши туфайли уларнинг инвестицион жозибадорлиги йўқолади.

Молиявий глобаллашув марказий банкларни янада интизомли бўлишга, паст ва баркарор инфляцияни қўзда тутувчи монетар сиёsatни амалга оширишига ундаиди. Айни пайтда, молиявий бозорларнинг интеграциялашувига боғлиқ жуда муҳим риск мавжуд, яъни бир мамлакатдаги иқтисодий муаммоларнинг аввалги ҳолатдагига нисбатан тезроқ суръатларда бошқа мамлакатларга таркалиш эҳтимоли бор. 1997 ва 1998 йиллар оралигига Жанубий – Шарқий Осиё давлатлари айнан шу риск таъсирига тушиб қолди. На монетар сиёsat ва на валюта сиёsatи кор қиладиган иқтисодиётдан сўнг бутун ҳудуд деярли молиявий инқироз кўчасига кириб қолди<sup>1</sup>.

Глобаллашувнинг муҳим жиҳатларидан бири инфляцияни жиловлаш тадбирларини давлатлар ўртасида оммалашуви ҳисобланади. Жумладан, инфляцион таргетлаш кейинги йилларда жиддий оммалашди. Масалан, Янги Зеландия Марказий банки бি-

<sup>1</sup> Н.Х.Жумаев. Глобализация жараёнининг миллий валюта сиёsatига таъсири // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2006. – №10. 41-б.

ринчи марта 1990 йилда бевосигта инфляцион таргетлаш стратегиясими кўллашни бошлагандан бўён 20 дан ортиқ марказий банклар унга эргашди ва бу стратегияни кўллай бошладилар. Бевосигта инфляцион таргетлаш стратегияси айни кунда ривожланган давлатларда ва айниқса, ўтиш иқтисодиёти давлатларида (Туркия, Филиппин, Гана, Руминия, Арманистон ва ш.к.) марказий банклар амалга оширадиган монетар сиёsatнинг етакчи стратегиясига айланниб улгурган. Бозор иқтисодиёти сари интилаётган Ўзбекистонда ҳам инфляцион таргетлаш стратегияси 2003 йилдан бўён муваффақиятли кўлланилмоқда.

Хозирги кунда инфляцияни баратараф этиш (ёки баҳоларни барқарорлаштириш) дунёдаги кўпчилик давлатлар марказий банклари монетар сиёsatнинг бош мақсадига айланган. Халкаро капиталга нисбатан кучли ракобат марказий банкларни инфляцияга қарши курашувчи сифатида қолишга ундумоқда. Шундай бўлсада, глобаллашув билан боғлик айrim таркибий ўзгаришлар (глобалашувнинг технологик асоси ҳисобланган ахборот технологияларидағи инновациялар) монетар сиёsatни амалга оширишдаги ноаникликларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, электрон пулларнинг оммавийлашиши анъанавий пул агрегатлари аҳамиятини пасайишига олиб келиши мумкин. Агар пул агрегатлари ўз аҳамиятини йўқотса, марказий банклар инфляция ва иқтисодий фаолиятга монетар сиёsat инструментларининг таъсирини баҳолашда қийналишлари мумкин. Интернет банк фаолиятларини авж олиши, электрон пулларнинг оммалашишига замин яратувчи банк хизматларининг кенгайиши ва электрон савдонинг ривожланиши монетар сиёsatнинг таъсири кучини пасайтиради, чунки электрон пуллар обороти марказий банклар назорати доирасидан ташкарида бўлади. Бундан ташқари, ўтказмаларнинг асосий қисми банклар орқали ўтганлиги туфайли марказий банклар томонидан кўлланиладиган мажбурий захира талабларининг иқтисодиётга таъсири сезиларсиз бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон иқтисодиётидаги глобаллашув жараёни объектив тарихий жараён бўлиб, ўзининг ижобий ва салбий жиҳатларига эгадир. Унинг ижобий жиҳатларидан халқаро молия бозорлари ва валюта муносабатларини тартибга солиш жараёнида оқилона фойдаланиш капиталлар, валюталар ва товарлар ҳаракати кўлламишнинг кенгайишига муҳим замин яратади.

### **3.2. Долларлашув масаласи ва унинг ўтиш иқтисодиёти мамлакатларига таъсири**

Миллий валюта – миллий ифтихор, давлат мустақиллигининг рамзи, суверен давлатга хос белгидир. Бу республикага тегишли умумий бойлик ва мулкдир<sup>1</sup>.

Деярли ҳар бир мамлакат ўз суверенитетининг рамзи бўлган миллий валютасини қонуний тўлов воситаси сифатида муомалага чиқаради. Шунга қарамай, жаҳондаги кўплаб ҳалқлар харид қилиш, кредитлар олиш ва жамғармалар қилишда одатда АҚШ долларидан фойдаланадилар. Шу аснода, бундай мамлакатлар чукур долларлашув синдроми таъсирига тушиб қоладилар. Маҳаллий банк тизимининг чукур долларлашиб қолиши ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун “ожизлик манбай” саналади. Валюта курси режимининг долларлашув даражасига таъсири борасидаги баҳслар ҳануз давом этмоқда. Ривожланган мамлакатлар учун валюта курси режимини танлаш борасидаги қарор энг мақбул валюта ҳудудлари шароитида таҳтил қилиниши лозим. Афсуски, бундай қарорлар ўтиш иқтисодиёти ва ривожланаётган мамлакатлар учун янада мураккаб ҳисобланади, чунки улар одатий муаммоларидан ташқари кўшимча ташвишларга юз тутмоқда. Катта эътибор талаб киладиган жиддий муаммолардан бири – маҳаллий банкларнинг доллардаги мажбуриятлари ҳисобланади. Хорижий валютадаги рисқдан ҳимояланмаган мажбуриятлар фирма ва банкларнинг жиддий зарар кўриш манбайдир. Чунки, валюта курсларининг фавқулодда тебраниши уларда шакллантирилган маблағлар қўйматини сезиларли даражада пасайтириши мумкин. Бу, ўз навбатида, ЯИМ реал ҳажмини кескин пасайишига сабаб бўлади ва шунинг учун ҳам кўплаб ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари сузуб юрувчи валюта режимидан чўчийдилар. Бу риски камайтиришга қодир бўлмаган давлатларнинг расмий долларлаштирилиши ёки ўз валютасини барқарор хорижий валютага “боглаб” кўйиши эҳтимоли кўп бўлади.

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларини чукурлаштириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. 217-б.

Норасмий долларлашув ҳукуматнинг истиқболдаги валюта баркарорлигини рағбатлантирувчи сиёсатни кўллай олмаслиги сабабли миллий валютага нисбатан аҳоли ишончи йўқолишининг натижаси бўлиб қолмоқда. Чунки, бундай мамлакатларда, одатда, миллий валютанинг алмашув курси унинг паритетидан юкори бўлади. Яъни, миллий валютанинг курси унинг реал харид қобилиятига тўғри келмайди.

Баъзи бир мамлакатларда долларлашув янада авж олиб янги босқичга чиқади ва оқибатда бу давлатлар ўз валюталарини тўлиқ бекор қиласди ҳамда ўзларининг расмий тўлов воситаси сифатида АҚШ долларидан фойдаланадилар.

Хусусан, Аргентина ва Сальвадор расмий долларлашувга жуда қизиқаётган бир пайтда, Панама, Пуэрто Рико давлатлари эса, долларлашув синдромига дучор бўлган эдилар.

Дollarлашган иқтисодиётлар рўйхатига назар ташласак, деярли кичик ҳудудга эга бўлган ва иқтисодиёти маълум маънода бошқа давлат иқтисодиётига қарам бўлган давлатлар кўпроқ долларлашув домига тушиб қолганлигини кўриш мумкин (3.2.1-жадвалга қаранг).

### 3.2.1-жадвал Расмий долларлашган иқтисодиётлар<sup>1</sup>

Иқтисодиёт	Сиёсий макоми	Валютаси	Йилдан бўён
Пуэрто-Рико	АҚШ хамдустлик давлати	АҚШ доллари	1899
Эквадор	мустакил	АҚШ доллари	2000
Сальвадор	мустакил	АҚШ доллари	2001
Лихтенштейн	мустакил	Швейцария франки	1921
Шимолий Кипр	норасмий мустакил	Турк лираси	1974
Панама	мустакил	АҚШ доллари, балбао тангаси	1904

Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар ташки қарз муаммосидан ташқари ўз валюта бозорининг долларлашувига дуч келди. Хусусан, Марказий Осиё давлатларида ҳам АҚШ доллари

<sup>1</sup> Интернет маълумотлари (<http://users.erols.com/kurtency/dlllist.htm>).

ва бошқа етакчи валюталардан жамғарма воситаси сифатида, баҳоси юқори бўлган товарларни аҳоли томонидан харид қилинишида тўлов воситаси сифатида фойдаланилмоқда.

Расмий долларлашув деганда, мамлакат ўз миллий валютаси-нинг қонуний тўлов воситаси сифатидаги мақомини бекор қилиши ва АҚШ долларини ягона расмий тўлов воситаси сифатида муомалага киритиши тушунилади. Корхона ва ташкилотлар ишчи ва хизматчиларига тўлайдиган меҳнат ҳақи, тузиладиган шартномалар долларда расмийлаштирилади, истеъмолчилар барча харидларини долларда амалга оширадилар ҳамда ҳуқумат солик ва бошқа мажбурий тўловларни долларда қабул қиласи, тўловларни амалга оширганда эса, доллардан фойдаланади.

Дollarлашувга интилишнинг бир неча сабабларини мисол қилиб келтириш мумкин. Амалиётдан маълумки, кўплаб ўтиш иктисодиёти давлатларида юқори инфляция муаммоси мавжуд ва бу жараён узок муддат давом этади. Инфляцион кутиш таъсирида банклар миллий валютадаги ссудалар учун фоизни юқори белгилайдилар, ишчилар миллий валютада жамғарма қилишдан воз кечадилар ва инвесторлар мазкур иктисодиётга киритадиган инвестициялари микдорини қисқартиради ва зудлик билан аввалги инвестицияларининг сезиларли кисмини даромадлироқ ва барқароррок худудларга жойлаштириш пайида бўладилар.

Назарий жихатдан ҳар бир мамлакат пул таклифини, фоиз ставкаларини ва маълум даражада валютанинг айирбошлиш курсини ўз манфаатларига уйғун ҳолда бошкариши мумкин. Аммо амалиётда зарурый инфратузилма ва тажрибаларнинг етишмаслиги туфайли монетар сиёsat соҳасида ўта жиддий муаммоларни бошидан кечираётган мамлакатлар талайгина. Монетар муаммолар тарихий тус олган бундай мамлакатлар учун долларлашув баҳола: барқарорлигини рағбатлантирувчи омил бўлиб қолмоқда.

Амалиётда долларлашувнинг уч тури кенг эътироф этилади, яъни:

- норасмий;
- ярим расмий;
- расмий.

Норасмий долларлашув мавжуд бўлгандага мамлакат аҳолиси молиявий бойликларининг кўп қисмини, гарчи қонуний ва расмий

тўлов воситаси бўлмасада, долларда саклайди. “Норасмий долларлашув” тушунчаси хорижий активларни саклаш қонуний ва қонуний бўлмаган ҳолатларни ҳам қамраб олади. Баъзи давлатларда маҳаллий банкларда долларда ҳисобрақам очишга ва хорижий активларнинг айрим турларини саклашга қонунан рухсат этилади, лекин маҳсус юкори органлар рухсатисиз хорижий банкда ҳисобрақам очиш ноконуний ҳисобланади. Норасмий долларлашув пулнинг жамгарма воситаси ва муомала воситаси функцияларига мос равищда бир неча босқичларда содир бўлади.

Биринчи босқичда ((активлар ўрнини босувчи (asset substitution) деб ҳам номланади) аҳоли жамгарма воситаси сифатида ўз молиявий активларини хорижий облигациялар кўринишида ва хориждаги ҳисобрақамларда саклайдилар. Бунга сабаб молиявий бойликларнинг инфляция туфайли қийматини йўқотишидан ҳимояланиш ҳисобланади.

Иккинчи босқичда (иктисодчилар бу босқични “валюта ўрнини босувчи” (currency substitution) деб ҳам номлашади) аҳоли жамгармаларининг асосий қисми маҳаллий банкларнинг хорижий валютадаги ҳисобрақамларида ва вақт ўтиши билан эса, хорижий банкноталарда сакланади. Миллий валютанинг тўлов воситаси ва жамгарма воситаси функциялари амал қилмайди ва бу валюта ўз ўрнини аста-секин хорижий валютага бўшатиб беради. Миллий валютада иш ҳақи, солиқлар ва кундалик майший харажатлар учун тўловларни амалга ошириш давом этади, лекин автомобиль ва уйлар учун йирик суммадаги тўловлар хорижий валютада амалга оширилади.

Норасмий долларлашувнинг сўнгги босқичида аҳоли ҳисобкитоблар қийматини АҚШ долларида ҳисоблайди, миллий валютадаги нархлар миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан курсининг тебранишига боғлиқ бўлиб қолади.

Долларлашувнинг бу тури иктиносидий нобарқарорлик, юқори инфляция ва аҳолининг ўз молиявий активларини миллий валютанинг девальвацияланишида ҳимояланиш мақсадида диверсификациялаш истакларига жавобан юзага келади.

Норасмий долларлашув содир бўлганда жамгармалар одатда қуйидаги шаклларда бўлади:

- хорижий облигациялар ва бошқа номонетар активлар (одатда чет элда сақланади);
- чет эл банкларидағи хорижий валютадаги депозитлар;
- маҳаллий банк тизимидағи хорижий валютадаги депозитлар;
- хорижий банкноталар (қоғоз пуллар).

Норасмий долларлашув даражасини ўлчаш мураккаб масала хисобланади. Ахоли томонидан қанча миқдорда облигация кўринишида, банк депозитлари ёки банкнота ва танга пул кўринишида жамғарма қилинаётганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Шундай бўлсада, АҚШ доллари ва бошқа бир неча захира валюталарнинг қанча қисми ўз мамлакатидан ташқарида эканлиги норасмий долларлашувнинг қанчалик кенг ёйилгани ҳакида ноаниқ тасаввур бериши мумкин. Федерал резерв тизими тадқиқотчиларининг фикрига кўра, доллар банкноталарининг (асосан 100 долларлик купюралар) 55 дан 70 фойзгача бўлган қисми мамлакатдан ташқарида ва хорижликлар томонидан жамғарма воситаси сифатида сақланади<sup>1</sup>. Бундесбанк тадқиқотларига кўра, евро муомалага киритилмасдан аввал хорижликлар кўлида 40 фойз немис маркаси банкноталари ушлаб турилган. Норасмий долларлашувни ўлчашнинг яна бир усули маҳаллий банк тизимида хорижий валютадаги депозитлар улушини ҳисоблаш ҳисобланади.

Кўпгина норасмий долларлаштирилган мамлакатларда АҚШ доллари асосий танлов валютаси (*currency of choice*) ҳисобланади. Бу айникса, АҚШ йирик савдо ҳамкори ҳисобланадиган ва йирик инвестиция манбай бўлган Лотин Америкаси давлатларида янада яққолроқ кўринади. Ҳатто, Россия юқори даражада норасмий долларлашган давлат ҳисобланади ва у 40 млрд. АҚШ долларидан ортиқ банкноталарни сақлади, деб эътироф этилади. Немис маркаси Болқон давлатлари учун асосий танлов валютаси эди. Евро 2002 йилдан Европа ҳамжамияти давлатлари миллий валюталари ўрнига ягона бутун евроҳудуд валютаси мақомини олгач, собиқ совет Иттифоки, Африка ва Ўрта Шарқ мамлакатларида танлов валютаси мақомига эришиш учун долларга асосий рақиб сифатида майдонга чиқди.

---

<sup>1</sup> Интернет маълумотлари (<http://users.erols.com>).

Ярим расмий долларлашувда хорижий валюта қонуний тўлов воситаси ҳисобланади, ҳатто банк депозитлари деярли хорижий валютада кабул қилиниши мумкин, аммо маҳаллий валютадан иш ҳақи ва солиқларни тўлашда, майший қундалик тўловларини амалга оширишда кенг фойдаланилади. Расмий долларлашувдан фарқли ўлароқ, ярим расмий долларлашувда мамлакат Марказий банки ёки бошқа монетар органи ўзининг монетар сиёсатни амалга ошириш ҳукуқини сақлаб қолади.

Расмий долларлашув (одатда тўлик долларлашув деб аталади) хорижий валюта мутлақ қонуний восита мақомига эришганда юзага келади. Бу шуни англатадики, хорижий валютадан нафақат ҳусусий томонлар ўртасидаги шартномаларда, балки ҳукуматнинг расмий тўловларида ҳам фойдаланилади. Агар миллый валюта мавжуд бўлса, у муомалада иккиласми рол ўйнайди ва фақат кичик қийматга эга бўлган тангалар кўринишида чиқарилиши мумкин. Одатда долларлаштирилган мамлакатларда бир хорижий валютанинг қонуний тўлов воситаси бўлишига рухсат этилади, лекин айрим давлатлар хорижий давлат иқтисодиётига, ҳусусан, монетар сиёсатига тобе бўлишдан қочиш мақсадида икки хорижий валютага қонуний тўлов воситаси мақомини берадилар (масалан, Андоррада евро муомалага киритилгунга қадар француздар франки ва испан пешети қонуний тўлов воситаси эди). Кўплаб долларлаштирилган мамлакатларда ҳусусий томонларга ўзаро келишилган валютада шартнома тузишларига рухсат берилган. Баъзи долларлаштирилган давлатлар умуман ўз миллый валютасини муомалага чиқармасалар, айримлари (масалан, Панама) иккиласми рол ўйновчи миллый ваюватларини муомалага киритадилар.

Панама қиймати долларга тенг бўлган балбоа номли ҳисоб бирлигига эга ва тангаларни босиб чиқаради (коғоз пулларни эмас). Амалиётда эса балбоа ва доллар ўртасида хеч қандай тафовут йўқ, соддароқ қилиб этганда, балбоа долларнинг панамача номи ҳисобланади.

Долларлашув амалдаги доллар миқдорига нисбатан хорижликлар томонидан кўпроқ доллар талаб қилинишини англатади. Бу эса, АҚШнинг долларга бўлган ўстган талабни қондириш учун кўпроқ доллар эмиссия қилишини талаб этади, лекин ошган сенъораж ҳисобига АҚШ юқори манфаат кўради. Сенъораж – бу давлатнинг пулни босиб чиқаришдан кўрадиган даромадидир.

Масалан, 100 долларлик құпюорани босиб чиқариш учун 3 сенткетади, лекин унга 100 доллар кийматидаги товар харид қилинади. Мамлакатлар долларлаштирилгандан міллий валютаны эмиссия қилиш ҳисобига сенъораждан даромад күриш имкониятидан воз кечилади ва мазкур имконият АҚШГа ўтади.

Долларлашув тарафдорлари уни валюта инқизоризи кутилаёт-гандан капитални чиқиб кетишини олдини олиш йүлларидан бири сифатида эътироф этадилар. Бундан ташқари, долларлашув хукуматнинг бюджет дефицитини пул эмиссияси орқали қоплаш имкониятини йўқка чикаради ва бу билан мазкур чоранинг оқибати ўлароқ келиб чиқадиган инфляциянинг олди олинади.

Назарий жиҳатдан олганда, ҳар бир мамлакат пул таклифини, фоиз ставкаларини ва маълум даражада валютанинг айирбошлиш курсини ўз манфаатларига уйғун ҳолда бошқариши мумкин. Аммо амалиётда зарурый инфратузилма ва тажрибаларнинг етиш-маслиги туфайли монетар сиёсат соҳасида ўта жиддий муаммоларни бошидан кечираётган мамлакатлар талайгина.

Тарихий амалиёт ва тажрибаларнинг йўқлиги долларлашувнинг афзаллик ва камчиликларини қиёслашни мураккаблаштиради. Панама хорижий валютани (АҚШ доллари) қонуний тўлов воситаси сифатида фойдаланиш тарихига эга бўлган бирдан-бир давлатдир. У ҳудудий жиҳатдан кичик бўлишига карамай, АҚШ билан яқин тарихий, сиёсий ва иқтисодий алоқалар ўрнатиб келган. Долларлашувни таҳлил қилиш учун унинг рақобатчиси Валютавий бошқарув (Currency Board) билан таққослаш талаб этилади. Долларлашув ва валютавий бошқарув ўртасидаги фарқ жуда оз, лекин муҳимдир. Долларлашувнинг асосий фарқли хусусияти унинг доимий эканлигидадир. Долларлашувдан воз кечиш валюта бошқармасини қайта тузиш ёки бекор қилишга нисбатан анча мураккаброқ масала ҳисобланади.

Тўлик долларлаштирилгандан давлат сенъораждан маҳрум бўлса, валютавий бошқарув мавжуд мамлакатларда бу даромад сақланиб қолади. Лекин долларлаштирилгандан давлат валютанинг девальвацияланишидан батамом ҳалос бўлади ва бу мазкур мамлакатга пастроқ ставкаларда хорижий қарзларни жалб қилиш имконини беради. Фоиз ставкасининг паст бўлиши ва ҳалқаро капитал ҳаракатидаги барқарорлик юқори инвестиция ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Ҳар иккисида ҳам Марказий банкнинг

банк тизими ликвидлигини таъминлашдаги сўнгги кредитор роли бекор бўлади.

Долларлашув сенъораж хисобидан икки турдаги йўқотишларни тақозо этади. Биринчидан, жамғариш харажатлари: доллар муомалага киритилгач, маҳаллий валюта муомаладан олиниши, яъни монетар органлар ахоли ва банклардаги маҳаллий валюталарни қайта сотиб олиши лозим. Иккинчидан, монетар органлар пулга талабни қондириш мақсадида келгусида босиб чиқариладиган валютадан олинадиган сенъораждан куруқ коладилар.

Тўлик долларлашувга эришиш билан мамлакатлар пул-кредит ва валюта сиёсатини назорат қилиш ва тартибга солиш имкониятидан тўлалигича маҳрум бўладилар<sup>1</sup>. Айнан шундай ҳолат валдотавий бошқарув тизимига эга бўлган давлатларда ҳам кузатилади, чунки валютавий бошқарувга эга бўлган давлат миллий валютасини девальвациялаш имконига эга эмас. Шундай бўлсада, девальвацияланиш рискидан ҳалос этиш долларлашувнинг асосий мақсадларидан бўлиб қолаверади.

Тўлик долларлашув банк тизимини девальвация таъсиридан ҳимояласа-да, банк инкиrozини келтириб чиқарувчи барча манбаларни бартараф эта олмайди. Агар банк инкирози юз берса, долларлашув туфайли сўнгги кредиторини йўқотган мамлакат банкларига анча оғир бўлиши тайин, чунки сўнгги кредитор (Марказий банк) фавқулодда оғир ҳолатларда банк тизими ликвидлигини саклаб қолиш имконини беради. Банк инкирози сабабли ахолида банк тизимига бўлган ишонч сўнса, хукумат банк тизимидан йирик суммадаги депозитларнинг чиқиб кетишига жавобан чора қўллай олмайди ва бутун тўлов тизимини ёки барча банк депозитларини кафолатлаш имконияти йўқقا чиқади.

Долларлашув, ўз навбатида, АҚШ учун ҳам бир неча муаммоларни келтириб чиқаради:

*1. Фавқулодда ҳолатларда долларлаштирилган мамлакатларнинг ночор банкларига қарз берииш.*

Ўз миллий валютасига эга давлатлар баъзан пул эмиссияси механизми орқали иқтисодий жиҳатдан ночор банкларни

<sup>1</sup> Frederic S. Mishkin “The Economics of Money, Banking and Financial Markets”, 6<sup>th</sup> edition, Publisher “Addison Wesley”, USA - 2003, p. 513.

соғломлаштиришга ҳаракат қиладилар. Долларлашув бундай имкониятни йўққа чиқаради. Кўшимча пул чиқаришнинг ўрнига долларлашган давлатларнинг ночор банклари учун Федерал Захира Тизимидан қарз олиш имкониятини берилишини исташлари мумкин. Шунга қарамай, АҚШ хукумати бошқа давлатларга ФЗТдан қарз олиш имконияти берилмаслигини маълум қилган.

### *2. Монетар сиёсат.*

Долларлаштирилган давлат мустақил монета<sup>1</sup> ру сиёсатни ортиқ амалга ошира олмайди. АҚШ монетар сиёсати барча долларлашган давлатлар учун кифоя қилади. Долларлаштирилган давлатларнинг иқтисодий ҳолати АҚШ монетар сиёсатини ишлаб чиқишида ҳисобга олиниши керакми ёки йўқми деган муаммо кўндаланг кўйилиши мумкин. Бу ҳолат ФЗТ АҚШ Марказий банки эмас, балки бутун доллар блокининг Марказий банки бўлиши лозимлигини англатади. Шундай ўйлосада, АҚШ хукумати ўз монетар сиёсати йўналишларини ўзгартирасликка қарор қилган. Буни асослаш учун ФЗТ АҚШда баҳолар барқарорлигини таъминлай олиши, АҚШ монетар сиёсати долларлаштирилган давлатлар учун энг мақбул сиёсат бўлишилиги, Лотин Америкаси давлатлари аллакачон АҚШ монетар сиёсатига таъсир килиб бўлганлиги ва бундан буён АҚШ монетар сиёсати улар учун муштарак сиёсат бўлиши, долларлаштирилган мамлакат иқтисодиёти кучайиши билан унинг ФЗТга таъсири пасайиб бориши каби ғоялар илгари сурилмоқда.

### *3. Сенъоражни тақсимлаши муаммоси.*

Сенъораж валютанинг товарларни сотиб олиш киймати ва уни босиб чиқариш таннархи ўртасидаги фарқдир. Ҳар йили АҚШ хукумати таҳминан 25 млрд. АҚШ доллари миқдорида сенъораж шаклида даромад олади, Аргентина эса, миллий валютасининг эмиссияси ҳисобига таҳминан 750 млн. доллар даромад кўради<sup>1</sup>. Агар Аргентина каби давлатлар долларлаштирилса, ортиқ сенъораждан даромад кўрмайди, АҚШ эса кўпроқ даромад олиш имконига эга бўлади. Агар АҚШ долларлашувни янада рағбатлантиришини истаса, Сенъораждан олинадиган даромадни барча долларлаштирилган давлатлар билан “баҳам кўриши” керак деган ғоялар илгари сурилмоқда. Назарий жиҳатдан бу ҳолат АҚШ ва долларлаштирилган давлат учун икки томонлама манфаатли ҳисобланади.

<sup>1</sup> [www.senate.gov/~banking/docs/reports/dollar.htm](http://www.senate.gov/~banking/docs/reports/dollar.htm)

Долларлашувнинг афзалик ва камчиликларини умумлашган холда қўйидагича таснифлаш мумкин:

#### Афзаликлари:

- валюта ва тўлов баланси инқирозларини узил-кесил бартариф этади. Маҳаллий валюта бўлмас экан, чукур таназзулнинг юз бериши ёки девальвациянинг кутилиши натижасида тўсатдан капиталнинг чиқиб кетиши эҳтимоли батамом йўқолади;
- глобал иқтисодиёт ва АҚШ иқтисодиётига яқиндан интеграциялашув жараёнлари паст трансакцион харажатлар ва доллардаги барқарор нархлар шароитида кечади;
- инфляцион молиялаш (пул эмиссияси ҳисобига) эҳтимоли долларлашув орқали тўла-тўқис барҳам топади, ҳатто мамлакатлар молиявий институтлари фаолиятини кучайтиришлари ҳамда маҳаллий ва хорижий инвестиция бўйича инвесторларда ижобий фикрларни уйғотиши мумкин.

#### Камчиликлари:

- мамлакатлар мустақиллигининг муҳим рамзи бўлган миллий валютанинг барҳам топишига олиб келади, бу эса аҳоли маълум қисмининг норозилигига сабаб бўлиши мумкин;
- иқтисодий нуктаи-назардан, мамлакат валютасини муомалага чиқариш давлатни сенъораждан келадиган даромад билан таъминлайди. Гарчи долларлашув домига тушиб колган давлат хоҳламасада, пул эмиссиясидан келадиган даромаддан маҳрум бўлади ва бундан АҚШ кўшимча даромад кўради;
- мамлакатнинг банк тизими ликвидлигини фавқулодда ҳолатларда Марказий банк кредитлари орқали таъминлаш имконияти, умуман олганда, монетар ва валюта сиёсатини амалга ошириш имконияти мавжуд бўлмайди.

Ўзбекистон каби ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида миллий валютанинг барча пул функцияларини бажара олмаслиги (айниқса жамғарма воситаси) иқтисодиёт учун салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Натижада бозор иқтисодиётининг асосий қонунларидан бўлмиш пул муомаласи қонунининг амал қилиши таҳлика остида колади.

Баҳолар барқарорлиги таъминланмаган ва етарлича мустаҳкамланмаган иқтисодиёт шароитида ахолининг миллий валютага бўлган ишончи ҳам мустаҳкам бўлмаслиги мумкин. Шу

тарзда, танглик ҳолатлари вужудга келганда, ички айирбошлиш жараёни миллий валютанинг кенг миқёсда хорижий валютага алмаштирилишига олиб келиши ва ўз навбатида расмий олтин – валюта захираларининг камайиб кетишини келтириб чиқариши мумкин.

Дунёнинг энг етакчи валюталаридан ҳисобланган АҚШ банкноталари кўпгина мамлакатлар иқтисодиётiga деярли ҳеч қандай қийинчиликларсиз кириб бормоқда. Ажабланарли томони шундаки, хозирги кунда бაъзи давлатларда миллий валютанинг жамғарма воситаси функциясини АҚШ банкноталари бажармоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳам доллар фетишизмининг баъзи бир кўринишлари мавжуд<sup>1</sup>. Бу ҳолат баҳоси нисбатан юқори ва узоқ муддат фойдаланиладиган товарларнинг маълум қисмини АҚШ долларида сотилишида намоён бўлмоқда.

Ўтиш иқтисодиёти давлатларида аҳоли молиявий активлари нинг асосий қисмини АҚШ доллари ва еврода саклашга ҳаракат қиласди. Бунга сабаб эса, ўтиш иқтисодиёти давлатларидағи иқтисодий бекарорлик, инфляция даражасининг юқори бўлиши ва банк тизимиға нисбатан аҳоли ишончининг пастилиги ҳисобланади. Бундай ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида миллий валюта қадрини барқарорлаштиришни бош мақсад қилиб олган марказий банклар етарлича мустақилликка эга бўлмас экан, бозор инструментларидан фойдаланишни кўзда тутувчи монетар сиёsat кутилганидек самара бермаслиги мумкин. Монетар сиёsat йўналишларини ишлаб чиқишида эса, банк тизимидан ташқарида бўлган хорижий валютлар миқдори ва унинг умумий пул массасига таъсири эътиборга олиниши лозим. Банк тизимидан ташқаридаги хорижий валютани банк тизимиға кенг кўламда жалб қилиш учун тижорат банкларининг аҳоли билан хорижий валютадаги операцияларини кенгайтириш талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, долларлашув миллий иқтисодиёт ривожи учун ижобий ва салбий оқибатларга эгадир. Унинг салбий жиҳатларининг таъсир даражаси нархлар баркарорлигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтириши ва шунинг асосида миллий иқтисодиётнинг нобаркарлигига сабаб бўлиши мумкин.

<sup>1</sup> Н. Жумаев, У. Бурханов. Молиянинг долзарб муаммолари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. 70-б.

### **3.3. Тўлов балансини тартибга солиш ва мувозанатлашнинг асосий усуллари**

Мамлакат тўлов балансининг ҳолати бугунги кунда нафақат мамлакатнинг ҳалқаро операцияларини акс эттирувчи оддий хужжат, балки ушбу мамлакат иқтисодиётининг очиклик даражаси, унинг иқтисодий-географик ва инвестицион имкониятлари, олтин-валюта захиралари ва мавжуд валюта муносабатларининг қай даражада эканлиги ҳамда ҳалқаро рақобатбардошлиги ҳақида аниқ хуносалар шакллантириш имконини берувчи асосий иқтисодий категория ҳисобланади. Бу, албатта, унинг барқарорлигини таъминлаш заруритини юзага келтиради. Гарчи мамлакатларда тўлов балансини мувозанатлаштириш билан боғлиқ муаммолар ўз моҳиятига кўра бир-биридан жиддий фарқланади.

Ўзбекистон Республикасида тўлов балансини мувозанатлаштириш муаммоси долзарб бўлмасада, хорижий давлатларнинг шу борадаги тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш ҳамда улардан республикамида фойдаланиш мамлакатимиз иқтисодиётини ўргта ва узок муддатли ривожлантириш нуқтаиназаридан муҳим амалий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда юритилаётган иқтисодий сиёsatнинг устувор йўналишларидан бири экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш экан, тўлов баланси билан боғлиқ муаммоларни илмий асосланган ҳолда ҳар томонлама ўрганиш зарурати кучаймоқда.

Тўлов балансининг давлат томонидан тартибга солишнинг зарурлиги куйидаги сабаблар билан изоҳланади:

*Биринчидан*, тўлов балансига тенгсизлик, мувозанатсизлик хос бўлиб, бу ҳолат айрим давлатларда узок муддатли дефицит ва ҳаддан ташқари актив колдик кўринишида намоён бўлади. Бу номутаносиблик валюта курси динамикасига, капитал оқимига, иқтисодиётнинг ҳолатига қаттиқ салбий таъсир кўрсатади. Масалан, АҚШ, жорий операцияларидаги дефицитни миллый валюта билан қоплаш натижасида, инфляцияни бошқа давлатларга экспорт қилишга эришган. Бу эса, ҳалқаро айланмадаги доллар ортиқчалигини келтириб чиқарди ва XX асрнинг 70-йилларида Бреттон-вудс тизимининг издан чиқишига олиб келди.

*Иккинчидан*, XX асрнинг 30-йилларида олтин-девиз стандарти жорий қилингандан сўнг, тўлов балансини тенглаштириш нинг баҳо механизми иш бермай қўйди. Шу сабабли ҳам, тўлов балансини давлат томонидан маълум тадбирлар орқали бошқарилиши мақсадга мувофиқ бўлиб қолди.

Учинчидан, хўжалик алоқалари тобора глобаллашиб бораётган ҳозирги даврда, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш тизимида тўлов балансининг роли борган сари ортиб бормоқда. Тўлов балансини мувозанатлаштириш вазифаси — давлатнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш, инфляцияни жиловлаб туриш ва ишсизликни камайтириш каби вазифалар билан бир каторда эътироф этилмоқда.

Тўлов балансини тартибга солишининг моддий асоси бўлиб қуйидагилар хизмат қиласди:

- расмий олтин-валюта захиралари;
- миллий даромаднинг давлат бюджети орқали тақсимланадиган қисми;
- давлатнинг халқаро иқтисодий муносабатларда капитал экспорт қилувчи, кредитор, кафолат берувчи, қарз олувчи сифатида бевосита қатнашиши;
- ташки иқтисодий операцияларни меъёрий хужжатлар ва давлат органлари ёрдамида тартибга солиш.

Тўлов балансини мувозанатлаштириш бўйича қатор давлатлар (актив қолдиқка ёки дефицитга эга бўлган) томонидан зарурый чора-тадбирларни кўллашлари кўриб чиқамиз. Одатда, бир канча ички ва ташки омилларнинг босими остида тўлов балансида дефицит мавжуд мамлакатларда уни мувозанатлаштириш муаммоси туради. Актив балансга эга бўлган давлатлар, халқаро ҳисоб-китобларга киришувчи мамлакатларни “ўз уйда тартиб ўрнатишини” талаб қиласди: инфляцияни жиловлаш, дефляцион сиёsatни кўллашга зарурат, экспортни рағбатлантириш, импортни чеклаш ва бошқалар. Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг АҚШ, Фарбий Европанинг тўлов балансида асоратли дефицитга эга мамлакатларига нисбатан мана шундай талабларни қўйди. Аммо, XX асрнинг 80-йилларига келиб, вазият ўзгарди. Энди Европа Иттифоки АҚШга нисбатан юқоридаги талабларни қўймоқда.

Дефицитли тўлов балансига эга бўлган давлатлар эса, актив балансга эга бўлган ўз ҳамкорларидан импорт бўйича чекловларни камайтириш, мазкур мамлакатларга капитал чиқарилишини рағбатлантириш кабиларни талаб қилади.

Тўлов балансининг давлат томонидан тартибга солиниши — бу, давлатни тўлов балансининг асосий моддаларини шакллантиришга ҳамда пайдо бўлган дефицитни молиялаштиришга йўналтирилган иқтисодий, жумладан, валюта, молия, пул-кредит тадбирларини амалга оширишга йўналтирилган фаолиятининг мажмуидир.

Мамлакатнинг халқаро ҳисоб-китоблари ва валюта-иктисодий ҳолатига боғлиқ ҳолда тўлов балансини бошқаришнинг, ташки иқтисодий операцияларни рағбатлантириш ёки қисқартиришга йўналтирилган турли усуллари мавжуд.

Тўлов балансида дефицит мавжуд бўлган давлатлар томонидан, экспортни рағбатлантириш, импорт қилинаётган товарларни камайтиришга, хорижий капитални жалб қилишга, капитални олиб чиқиб кетишни чегаралашга қаратилган қуйидаги тадбирлар кўлланилади:

**Дефляцион сиёsat.** Бу сиёsat, ички талабни камайтиришга йўналтирилган ҳолда, ўз ичига бюджет маблағларини ахоли эҳтиёжларига камрок сарфлаш, баҳоларни ва иш ҳақларини музлатиш кабиларни қамраб олади. Унинг асосий инструментларидан бири бўлиб, молиявий ва пул-кредит чоралари ҳисобланади: бюджет дефицитини камайтириш, Марказий банкнинг ҳисоб ставкаларини ўзгартариши (дисконт сиёsatи); кредит чекловлари; пул муассасининг ўсиб боришига чегара кўйиш. Иқтисодий пасайиш, ишлизикнинг юқори кўрсаткичи ва тўла фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш кувватлари шароитида дефляция сиёsatини кўллаш, ишлаб чиқариш ва бандликнинг янада пасайишига олиб келади. Бу эса, ахолининг турмуш даражасига сезиларли салбий таъсир кўрсатиб, вазиятни юмшатиш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўлланилмаса, ижтимоий низолар келтириб чиқариши мумкин.

**Девальвация.** Бу миллий валюта курсининг пасайтирилишидир. Бу тадбир миллий экспортни рағбатлантириш ва импортни жиҳовлаш билан боғлиқ мақсадларда амалга оширилади. Аммо, тўлов балансини тартибга солища девальвациянинг роли, уни ўтказиш тартиблари ва уларга ҳамкорлик қилувчи мамла-

катнинг умумиқтисодий ва молиявий сиёсатига боғлиқ бўлади. Девальвация фақатгина, рақобатбардош товарларниң экспорт салоҳияти ва жаҳон бозоридаги кулай вазиятларниң мавжудлиги шароитидагина товарлар экспортини рағбатлантириши мумкин. Девальвацияниң импортни чеклашга таъсири эса, такрор ишлаб чиқариш жараёнининг байнаминаллашуви ҳамда халқаро ихтиносослашув даражасининг қўлами билан, мамлакатниң импортни чеклаш бўйича кескин чоралар қўллаш имкониятларининг пасайишидан келиб чиқади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳамма мамлакатларда ҳам импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқариш сиёсати муваффақиятли чиқавермайди.

Девальвация импортни чеклаши билан, мамлакат ичida товарлар ишлаб чиқариш харажатлари ортишига, нархларниң кўтарилишига ва оқибатда, ташки бозорларда рақобатбардошлик қобилиятининг йўқолишига олиб келади. Шунинг учун, бу тадбир мамлакатга вақтингчалик устуворлик бериши мумкин, аммо у тўлов балансининг дефицитини келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этишга кодир эмас. Кутилган натижани олиш учун, девальвация етарли даражада бўлиши зарур. Акс холда, у валюта спекуляциясини кучайтиради ва валюта курсини кайтадан кўриб чиқишга мажбур қиласди. Масалан, 1967 йил ноябрь ойидаги фунт стерлингни 13,4 фоизга девальвацияси ва 1971 йил долларниң 7,89 фоизга девальвация қилиниши, ушбу валюталарга бўлган спекулятив тазикни йўқ кила олмади. Аммо, ҳаддан ортиқ даражада амалга оширилган девальвация, бошқа валюталар курсини ҳам туширишга олиб келадиган, занжирли реакцияни келтириб чиқаради. Ва натижада, девальвацияни амалга оширган мамлакат, рақобатда ўзи кутган устуворликка эга бўла олмаслиги мумкин. Сузиб юрувчи курслар тартибининг қўлланилиши, тўлов балансларини тенглаштириш имконини бермади. Тарқоқ ва баъзи холатларда қўлланиладиган девальвация амалиётидан воз кечиш, халқаро ҳисоб-китобларда спекулятив капитал босимини пасайтириди. Аммо, уни сузиб юрувчи курс шароитида экспорт ва импорт нархларининг бозорда пасайиш нисбатига таъсир этмади. Шунинг учун, кўпгина ривожланаётган мамлакатларда, девальвацияниң самарасини ошириш максадида, табақалаштирилган пошлиналар ҳамда экспорт-импортга субсидиялар бериш амалиёти қўлланилмоқда.

**Валюта чекловлари.** Ушбу тадбир экспорт қилувчиларнинг хорижий валюталардаги тушумларидан фойдаланишни чеклаш, хорижий валютани импорт қилувчиларга сотишни лицензиялаш орқали амалга оширилади. Шунингдек, у валюта операцияларни махсус рухсатномага эга бўлган банкларда амалга оширилиши ҳамда тўлов балансидаги дефицитни камайтириш мақсадида, капитал экспортини чегаралаш ва унинг оқиб келишини рағбатлантириш, товарлар импортини чегаралашга қаратилган тадбирлар йиғиндисидир. XX асрнинг 70-йиллари охири 80-йилларининг бошларида жорий операциялар бўйича юритилаётган сиёsatнинг эркинлашувига қарамасдан, конвертиранадиган валютага эга бўлган мамлакатларнинг деярли 90 фоизида капиталларнинг халқаро ҳаракатида турли хил чекловлар мавжуд бўлган. Ейнинг кўпчилик давлатлари ушбу чекловларни фақатгина ўтган асрнинг 90-йилларига келиб бекор қилди.

**Молия ва пул-кредит сиёсати.** Тўлов балансидаги дефицитни бартараф этиш мақсадида экспорт қилувчиларга бюджет субсидиялари берилади, протекционистик (ички ишлаб чиқарувчиларни ҳимоялаш) мақсадларда импорт божлари оширилади, мамлакатга пул оқимининг кириб келишини рағбатлантириш мақсадида қимматли когозлар эгаси бўлган хорижликлардан олинадиган соликларни бекор қилиш каби чора-тадбирлардан кенг фойдаланилади. Шунингдек, пул-кредит сиёсати, банк хисоб сиёсати ва муомаладаги пулнинг массасини белгилаш тадбирлари юкоридаги мақсадлардан келиб чиккан холда амалга оширилади.

Тўлов балансининг махсус моддаларини шакллантириш жараёнида давлат томонидан кўрсатиладиган махсус таъсир чора-лар – савдо баланси, “кўринмас” оғерациялар ҳамда капиталлар ҳаракати хисобвараклари бўйича олиб борилади.

**Савдо баланси** — тартибга солишининг муҳим обьекти бўлиб, хизмат килади. Ҳозирда давлат назорати, нафақат муомала соҳасини, балки экспорт товарлари ишлаб чиқариш жараёнини ҳам ўз ичига қамраб олмоқда. Сотиш босқичида товарлар экспортини рағбатлантиришга, фақатгина уларнинг нархига таъсир кўрсатиш орқали эришиш мумкин. Экспорт қилувчиларнинг товарларни экспорт қилишдаги қизиқишини жонлантириш мақсадида, давлат уларга экспорт кредитлари беради, уларни

иктисодий ва сиёсий рисклардан сугурталайди, капитални имтиёзли амортизация қилишга шароит яратади ва бошқа молиявий имтиёзларни тақдим этади.

Жаҳон бозоридаги ракобатнинг кучайиб бориши билан, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тартибга солиш борасида тармоқ ичидағи ихтисослашувни кучайтириш ва миллий фирмаларни хориж фирмалари билан кооперациялашувини амалга ошириш лозим бўлади. Халқаро ихтисослашувни кучайтириш мақсадида, барча мамлакатларда ҳукумат кичик ва ўрта бизнес вакилларининг экспорт фаолиятини рағбатлантирумокда.

Хозирги даврда Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг экспортини кучайтириш, машина ва ускуналар кўринишидаги илғор технологияларга асосланган ишлаб чиқариш кувватларини кенгайтиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, кичик бизнес субъектлари экспорт тушумининг маълум қисмини мажбурий тарзда сотиш тартиби бекор килинди.

Бугунги кунда, экспортни давлат томонидан тартибга солиниши товарларнинг чет элдаги бозорларини ўрганишдан бошлаб, уларни сотувдан кейинги хорижий хизматларини таъминлашни ҳам ўз ичига олмоқда. Экспортни рағбатлантириш усуллари ўз таркибига валюта, кредит, молиявий-ташкилий кўринишда экспортни кўллаб-кувватлаш ва реклама, ахборот, кадрлар тайёрлаш кабиларни ҳам камраб олади. Мазкур воситалардан капитал олиб чиқиб кетишини чеклаш ҳамда товарлар экспортини рағбатлантиришда фойдаланилмоқда. Пассив тўлов балансига эга бўлинган ҳолатларда, импортни тартибга солиш, мамлакат ичкарисида импортнинг ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш механизмларидан фойдаланиш амалиёти ҳам мавжуд.

Хозирги кунда, импортни чеклашда тарифсиз чекловлар қўлланиб келинаётган бўлиб, контрагентлар билан уларнинг ўз хоҳиши билан экспортни чегаралашга битим тузилади (масалан, АҚШ билан Япония, Испания, Мексика, Бразилия ўртасида XX асрнинг 80-йилларида тузилган битимлар).

Халқаро амалиётда тўлов балансининг “кўринмас” операциялари бўйича тўловлар ва тушумлар билан боғлиқ бўлган опера-

цияларни тартибга солиш мақсадида қўйидаги чоралар қўлланилади:

- мазкур давлат сайёхлари томонидан валюта олиб чикиб кетиши меъёрларининг чегараланиши;
- хорижий сайёхларни жалб қилиш мақсадида мамлакатда сайёхликни йўлга қўйиш учун давлатнинг бевосита ёки билвосита аралашуви;
- “Транспорт” банди бўйича харажатларни камайтириш;
- бюджет маблағлари орқали денгиз транспортини қуришга кўмаклашиш;
- илмий-техникавий битимлар, лицензиялар, савдо патентлари ва бошқалар савдоси орқали тушумни ривожлантириш мақсадида илмий изланиш ишларига давлат харажатларини ошириш;
- ишчи кучи миграциясини тартибга солиши, жумладан, хорижий ишчилар алмашувини қисқартириш учун иммигрантлар чиқишини чеклаб қўйиш.

Капитал ҳаракатининг тартибга солиниши, бир томонлама миллий монополияларнинг ташки иқтисодий экспансиясини рағбатлантиришга, бошқа томонлама эса, тўлов балансини мувозанатлашириш мақсадида хорижий валюта оқими ва миллий капитални репатриация килишни рағбатлантириш лозим. Шу мақсадда, хукумат чет эллик хусусий инвесторларга қулай инвестиция мухитини ташкил этиши орқали капитал олиб кирувчилар ва товар олиб чикиб кетувчиларни рағбатлантиради. Инвестициялар бўйича хукумат кафолатлари, тижорат ва сиёсий рискларни сугурталаш орқали амалга оширилади.

Давлат, шунингдек, капитал «қочиши»ни чегаралашга қаратилган чора-тадбирларни кўради. Булар таркибига: мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий барқарорлик, миллий валюта ва хукуматга ишончни ошириш, давлатчиликни мустаҳкамлаш, параллел бозор ва коррупцияга қарши курашиш киради. Капиталнинг «қочиши»ни камайтиришнинг энг самарали йўлларидан бири, капиталнинг халқаро ҳаракати устидан давлат назоратини ўрнатиш, шунингдек, унинг олиб чикиб кетиладиган ҳажмини чегаралаш ва дивиденд хамда фоизларни ўз вақтида репатриация қилишни талаб қилиш ҳисобланади.

Халқаро амалиётда капиталнинг «қочиши»ни чегаралаш, валюта операцияларини ва хорижга инвестицияларни қонуний меъёрлар, маъмурий ва молиявий назорат қилишнинг биргаликда амалга ошириш орқали эришилади. Банклар назоратни амалга оширадилар ва чет эл банкларига ўтказилган шубҳали суммалар, сохта ташки савдо шартномалари бўйича бўнаклар ҳамда тўловлар юзасидан давлат органларига хабар берадилар. Экспорт битимлари субъектларининг ягона занжирини ҳосил қилиш (экспорт килувчи—божхона—банк), хисоб-назорат механизми, хисоботларни бирхиллаштириш (хусусан, экспорт юклари ва уларни етиб бериш тўғрисидаги) капитал «қочиши»ни чегаралашга кўмаклашади. Капиталнинг четга чиқиб кетишини чегараловчи яна бир муҳим восита валюта ва экспорт назоратини самарали юритишидир. Бу ерда, назорат органларининг функциялари, ваколат ва жавобгарликлари аниқ белгилаб қўйилган бўлиши лозим.

Актив тўлов баланси мавжуд бўлганда, давлат томонидан тартибга солиш, асосан, юзага келиши мумкин бўлган ўта актив қолдиққа барҳам беришдан иборат. Щу мақсадда, юқорида кўриб ўтилган усууллар — молия, кредит, валюта ва бошқалар, шунингдек, валютани ревальвацияси, импортни кенгайтириш, товарлар экспортини камайтириш, капитал экспортини ошириш (шуuningдек, ривожланаётган мамлакатларга ёрдамлар ва кредитлар) ва капитал импортини чеклаш тадбирлари кўлланилади.

Содатда, тўлов балансини мувозанатловчи тартибга солишнинг икки усули мавжуд: рестрикцион (кредитларни чегаралаш, жумладан, фоиз ставкаларини ошириш, пул массаси ўсишини, товарлар импортини, капитал «қочиши»ни чегаралаш) ва экспансацион (товарлар, хизматлар экспортини, капиталлар ҳаракатини рағбатлантириш, девальвация ва х.к.). Давлат нафакат тўлов балансининг айрим моддаларини, балки унинг қолдигини ҳам тартибга солади.

Суѓурта соҳасида чет эл компанияларига қарамликни камайтириш учун, айрим ривожланаётган мамлакатларда (Сурия, Жазоир, Шри-Ланка, Танзания, Замбия ва бошқалар) давлат секторида миллий суѓурта компаниялари ташкил этилган, уларнинг чет эл суѓурта компаниялари устидан назорати ўрнатилган. Бир катор мамлакатларда (Бирма, Эрон, Аргентина) суѓурта бўйича

рискнинг катта қисмини давлат ўз бўйнига олади. 1965 йилдан баҳтсиз ҳодисалар рискларини қайта суғурталашнинг тўрт хавзасини ташкил этиш ҳақидаги Туркия, Эрон ва Покистон ўргасидаги уч тарафлама келишув, 1960 йилдан Денгиз суғуртаси бўйича Осиё синдикати ва ҳ.к. амал қилмоқда. Араб мамлакатлари нефтни қидириш, қазиб олиш ва ташиш билан боғлик операцияларга катта эътибор берадиган Араб давлатлари суғурта федерациясини туздилар<sup>1</sup>.

Ҳозирги даврда ривожланаётган мамлакатлар тўлов балансларини давлатлараро тартибга солиш ХВФ орқали амалга оширилмоқда. Ана шу мақсадда макроиктисодий агрегатлар чоракларга бўлинадиган миқдорий мўлжаллар шаклидаги барқарорлаштирувчи дастурлар ишлаб чиқилади. Баъзан ХВФ миллий хусусиятлар инобатга олинмаган тавсияларни бериши мумкин. Жумладан, Фонд томонидан тавсия қилинадиган талабни чеклаш каби анъанавий дефляцион чоралар, иқтисодий ўсиш имкониятларини пасайтиради. Иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг қатъий дастурлари, ривожланаётган мамлакатлар тўлов балансининг капитал қўйилмалари сарфланшиига мажбур қиласи, бу эса, иқтисодий ўсишни чегаралайди. Ривожланаётган мамлакатларда катта ташқи қарзлар мавжудлиги шароитида, кредитор давлатлар (Париж клуби) қарз олган мамлакат, фақатгина ХВФнинг барқарорлаштириш дастурини қабул қилган ҳолдагина, қарзларни қайта кўриб чиқишига рози бўладилар.

ХХ асрнинг 70-йиллари охирларида, тўлов баланси дефицитининг таркибий мазмунга эга эканлиги ҳисобга олиниб, уни халқаро тартибга солиш концепцияларида иқтисодиётни барқарорлаштириш даври узайтирилди. ЖТТБ дастурларига мослаштирилиб тузилган, ХВФнинг барқарорлаштирувчи дастурлари, фақат талабга таъсир қилувчи чораларни эмас, балки таклифга иқтисодиётнинг тармоқ таркибининг таъсирини, ялпи таклифнинг таркибига иқтисодий ўсиш, капитал қўйилмалар стратегияси билан боғлик тузатишларни киритишни ўз ичига олади. ХВФ томонидан тавсия қилинган тўлов балансини тартибга солиш чоралари тўпламини кенгайтириш, қарздор мамлакат иқтисодиёти

<sup>1</sup> General Arab Insurance Federation ([www.gaif-1.org](http://www.gaif-1.org)).

тармоқ таркибидаги мувозанатсизликларни йўқотиш йўли орқали, баркарорлаштирувчи дастурларнинг янги чизмаси ишлаб чиқилишида, унинг ЖТТБ билан ҳамкорлигига ёрдам беради. Бундан ташқари, ХВФ 90-йиллар бошидан, ниҳоятда ёмон ахволда колган мамлакатларга шошилинч молиявий ёрдам кўрсатиш бўйича мувофиқлаштирувчилик ташабуси билан чиқмоқда. Такдим қилинаётган ресурслар «мажмуига» фақатгина ХВФ маблағлари эмас, балки бир қатор ривожланган давлатлар (биринчи навбатда АҚШ, Япония ва ГФР) ва йирик хусусий банкларнинг маблағлари ҳам киради. 1995 йилда Мексика иктиносидиётини куткариш учун ХВФ бу мамлакатга 48 млрд. АҚШ доллари ҳажмида молиявий ресурслар беришни ташкил қилди. 1997 йилда, худди шундай, Таиландга 17,2 млрд. АҚШ доллари, Индонезияга 40 млрд. АҚШ доллари ва Корея Республикасига 58 млрд. АҚШ доллари микдорида ёрдам ажратилган эди<sup>1</sup>. ХВФнинг шундай шошилинч чоралари, бу мамлакатлардаги иктиносидий ахвол баркарорлашишига ёрдам берган бўлса ҳам, ривожланаётган мамлакатлар иктиносидиёти ва валюта молиявий ахволидаги салбий силжишларни очиб бериши томонидан, ХВФ катта нуксонларга эга эканлигини кўрсатди.

Ривожланаётган мамлакатлар тўлов балансини таҳлил қилганда, уларни икки асосий гурухга ажратиш мақсадга мувофиқдир: бир томондан, булар нефть импорт қилаётган кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар. Уларнинг тўлов баланслари доимий дефицитга эга (1980 йилда 56,5 млрд., 1990 йилда 17,8 млрд., 1997 йилда 40 млрд. АҚШ долларидан ортик)<sup>2</sup>; бошка гурух ОПЕКка киравучи, нефт ишлаб чиқарувчи ва экспорт килувчилардир. Уларнинг тўлов баланслари узок муддат ичida (1982 йилгача) актив эди, бу эса, уларнинг доимий валюта захиралари микдорини кескин ошириш имконини берди.

Нефти импорт килувчи, ривожланаётган мамлакатлар тўлов балансларининг доимий дефицитлилиги, иктиносидиётнинг ривожланишида ташки дунёга қарамлик, халқаро меҳнат тақсимотида тенг ҳуқуқсиз иштироки асос бўлади. Ташки савдонинг мувоза-

<sup>1</sup>ХВФ маълумотлари ([www.imf.org](http://www.imf.org)).

<sup>2</sup> Под ред. Л.Н.Красавина. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. – Москва: Финансы и статистика, 2001. с. 176–177.

натсизлиги – савдо шароитлари, экспорт ва импорт нархларининг номутаносиблиги билан аниқланади. Ривожланган мамлакатлар товарлари нархларини ошириш ва ривожланаётган мамлакатлар анъанавий экспортидаги қатор товарлар нархларининг пасайиши савдо шароитини намоён бўлишидан иборатdir.

Нефть экспорт қилувчи ривожланаётган мамлакатлар катта валюта захираларини тўлаганларига қарамасдан, бу гурӯҳ мамлакатлар тўлов баланслари нобарқарорлигича қолмоқда. 1970-йилдаги уларнинг халқаро ҳисоблар балансининг катта актив қолдиги, 90-йиллар бошида нефт нархи ва унга бўлган талабнинг тушиб кетиши натижасида тўлов баланслари дефицитининг миқдори ошди.

Нефть экспорт қилишдан келган даромадларнинг қисқариши, қатор ОПЕКка аъзо мамлакатларнинг илғор Farb мамлакатлари банкларидан пулларини қайтариб олишига сабаб бўлди.

Қатор давлатлар (Нигерия, Эрон, Ироқ, Ливия) жаҳон сусда капиталлари бозоридан маблағ олишини оширишга мажбур бўлдилар.

Аксарият нефть қазиб олувчи мамлакатларнинг капитал ҳаракати баланси салмоқли актив қолдиққа эга, чунки чет эл монополиялари катта фойда сабабли, бу мамлакатларга капитал кўйишга ҳаракат қилмоқдалар. Капиталнинг йирик экспорт қилувчиси бўлган айрим ОПЕКка аъзо мамлакатлар тўлов балансининг бу бўлими бўйича пассив қолдиққа эгалар.

ОПЕКка аъзо мамлакатлар тўлов балансларининг ҳолати бирбиридан сезиларли даражада фарқ қиласди. Масалан, Саудия Арабистони, Кувайт, Бирлашган Араб Амирликлари 1990-йиллар ўрталарида, тўлов балансларининг актив қолидигига ва катта олтин-валюта захираларига эга бўлганлар. Шу вақтнинг ўзида, Нигерия, Венесуэла, Жазоир, Габон ва бошқа мамлакатлар ўз ташки карзи катталиги туфайли, жаҳон сусда капитали бозоридан қарз олганлар.

Расмий жиҳатдан, тўлов баланси ҳар қандай баланс каби мувозанатда, чунки асосий мувозанатга олиб келувчи омиллар ўзаро бир-бирини қоплайди. Агарда, жорий ҳисобвараклар бўйича дефицит келиб чиқадиган бўлса, у ҳолда бу ҳисобваракларни мувозанатлаштириш, тенглаштирувчи — тўлов баланси қолдигини тартибга солувчи моддалар орқали амалга

оширилади. Одатда, бундай мақсадлар учун жорий қарзлар ва капитал киритилишидан фойдаланилади. Тўлов баланси дефицитини қоплаш учун ХВФ захира кредитларини тақдим этади. Бу кредитлар миқдори унчалик кўп бўлмайди, яъни бадалнинг 25 фоиз миқдорида. Бундан ҳам кўпроқ маблағлар олиш учун, ХВФ томонидан қўйилган талабларни бажариш талаб килинади.

Ривожланган мамлакатлар ўз тўлов баланслари дефицитини қоплаш мақсадида, жаҳон бозорида банклар консорциумлари нинг кредитлари, облигацион қарзларини жалб қиласди. Ушбу турдаги қарзларни тақдим этишда тижорат банклари етакчилик қилмоқда.

Олтиннинг расман демонетизация қилинганлиги шароитида, ундан умумий тўлов воситаси сифатида куйидаги вазиятларда фойдаланилмоқда: биринчидан, ноилюж қолинган пайтларда чекланган миқдорда; иккинчидан, савдо ва кредит битимларини бажаришда халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун қабул қилинган миллий валюталарни сотиб олиш учун, олтинни дунё бозорларида сотиш орқали билвосита шаклда фойдаланилмоқда.

Ўтган асрнинг 50-70-йилларида АҚШ ўзининг тўлов балансидаги дефицитнинг 1/5 дан 1/3 гача қисмини олтинни мамлакатдан ташқарига олиб чиқиши орқали молиялаштириди. Аммо, АҚШ тажрибаси шуни кўрсатдики, ҳар қандай улкан олтин захирасига эга бўлган давлат ҳам, бу усул орқали, узок муддат тўлов балансидаги дефицитни қоплай олмайди (мазкур тадбирлар натижасида АҚШ олтин захираси 1949 йилдаги 24,6 млрд. АҚШ долл. дан 1985 йилга келиб 11 млрд. АҚШ долл.га камайиб кетди)<sup>1</sup>.

Айрим давлатлар (Италия, Португалия, Уругвай ва бошқалар) олтин захираларидан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиш мақсадида, олтиндан фақатгина кредитлар таъминоти сифатидагина фойдаланди. Бу олтиннинг фавқулодда пул сифатидаги функциясининг иктисодий моҳиятини сақлаб қолганлигини яна бир бор исботлайди. 1974 йилда Италия 3,5 млрд. АҚШ долл.га эга бўлган ҳолда, тўлов балансини мувозанатлаштириш учун Германиядан икки йил муддатга олтинни ўртача бозор баҳосида кредит таъминоти сифатида қўйиб кредит

<sup>1</sup> Под ред. Л.Н.Красавина. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. – Москва: Финансы и статистика, 2001.- с. 42-44.

олди (ўша даврда бир унция 120 АҚШ долл.га тенг бўлган). Германиянинг талаби билан, олтин АҚШдаги омборлардан олиниб, Немис Федерал банкига депонентлаштирилган. Яна бир мисол, 1976 йилда Португалия банки Германия ва Швейцариянинг қатор банкларидан 580 млн. АҚШ.долл. миқдорида кредит олди. Кредитнинг таъминоти эса, мамлакат олтин захирасининг 20 фоизидан иборат эди<sup>1</sup>.

Конвертиранадиган хорижий валюта захиралари мамлакат тўлов балансини баланслаштиришнинг энг асосий воситаси бўлиб хизмат киласди. Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг, АҚШ ва Буюк Британия тўлов балансларидағи дефицит миллий валюта ҳисобидан молиялаштирилди. Чунки, Бреттон-Вудс келишувида доллар ва фунт стерлингга халқаро захира валютаси мақоми берилган эди. Мазкур имтиёз натижасида, АҚШ уруш вақтида ва ундан кейин жамгарган улкан олтин захирасининг ярмини сақлаб қолди. Ўтган асрнинг 50-60-йилларида АҚШ тўлов балансидаги дефицитни молиялаштиришда 70-80 фоиз, 1971 йилда долларни олtinga конвертирланиши бекор килиниши билан 100 фоиз ўз миллий валютасидан фойдаланди. Мазкур ҳолат, муомаладаги олтиннинг ҳажмини ортиб кетишига ва унинг қадрини даврий равишда тушишига олиб келди. АҚШдан фарқли равишда, бошқа мамлакатлар тўлов балансидаги дефицитни молиялаштириш учун, зарурий миқдордаги конвертиранадиган валютани миллий бойлигининг маълум қисмини экспорт қилиш орқали «ишлаб топиши» лозим. Мамлакатлар ўртасида валюта захираларининг нотекис тақсимланганлиги, тўлов балансини тенглаштириш имкониятларини чегаралайди.

ХХ асрнинг 70-йилларидан бошлиб, тўлов балансидаги дефицитни молиялаштириш учун зарурий валютани сотиб олиш, ХВФдаги бир мамлакатнинг ҳисобварағидаги СДРни, иккинчи мамлакатнинг ҳисобварағига ўтказиш орқали амалга оширилмоқда. Аммо СДРнинг эмиссияси сезиларсиз ва унинг халқаро ликвид захиралардаги улуши атиги 1,9 фоизни ташкил этади. У ХВФнинг аъзолари ўртасида нотекис тақсимланган,

<sup>1</sup> Под ред. Л.Н.Красавина. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. – Москва: Финансы и статистика, 2001.– с. 162.

чунки СДР миқдори мамлакатларнинг квоталарига караб ўрнатилган.

Тўлов балансидаги тақчилликни молиялаштиришнинг яна муҳим манбаси — субсидия ва беғараз молиявий ёрдамлар хисобланади. Масалан, 1947 йилда Гарбий Европа мамлакатларининг тўлов балансидаги дефицитнинг 75 фоизга яқини АҚШнинг сиёсий ва иктисадий ёрдами билан қопланди. Ҳозирги кунда, кўпгина ривожланётган мамлакатларнинг тўлов балансидаги дефицитни қоплашда, кўпроқ мазкур усулдан фойдаланилмоқда.

Тўлов балансидаги актив қолдиқ, асосан, мамлакатнинг ташки қарзини тўлашга (шу жумладан, муддатидан олдин), бошқа мамлакатларга қарзлар беришга, расмий олтин-валюта захираларини оширишга, капитални четга чиқариш мақсадларига йўналтирилмоқда.

Ўтган асрнинг 70-йилларига келиб, дунё хўжалигининг глобаллашуви ва иктисадиётни миллий даражада тартибга солиш механизмида жiddий муаммоларнинг мавжудлиги туфайли тўлов балансини давлатлараро тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтирди.

Такорот ишлаб чиқариш ташки омилларининг таъсирини кучайиши ҳамда мамлакатлар тўлов балансида узоқ вақт давом этадиган номутаносибликларни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун ҳам, етакчи мамлакатлар, тўлов балансини ҳамкорликда тартибга солиш йўлларини ишлаб чиқмоқда. Тўлов балансини давлатлараро тартибга солища асосан икки томонлама ҳукумат кредитлари, европ битимларига асосланиб, Марказий банкларнинг миллий валютадаги ўзаро кисқа муддатли кредитлари, ХВФ ва бошқа ҳалқаро молия институтларининг кредитлари, мамлакатларнинг ХВФдаги захира позициясидан фойдаланилмоқда.

Энди биз ривожланган саноат мамлакатлари тўлов балансининг ҳолатини кўриб чиқамиз.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, АҚШ тўлов балансининг салбий сальдога эга бўлган асосий моддалари бўлиб, экспорт-импорт операциялари ҳамда хизматлар ва нотижорат характеридаги тўловлар моддалари хисобланади. Бу ҳолат АҚШнинг Япония, Германия, Хитой каби давлатлар билан ўзаро савдо опе-

рацияларидагы ирик салбай қолдикка эга эканлиги билан изохланади.

Шунингдек, (3.4.1-жадвал) жадвал маълумотларидан капитал ва молиявий операциялар моддасининг ирик қолдикка эга эканлиги ва шунинг хисобидан тўлов балансининг ижобий қолдигига эришилаётганилиги кўриниб турибди. Демак, АҚШ тўлов балансини мувозанатлаштиришда АҚШ ҳукуматининг узок муддатли облигацияларини сотиш йўли билан олинган валюта маблағлари муҳим роль ўйнамоқда. Бунда асосий инвесторлар бўлиб асосан Япония ва Саудия Арабистони резидентлари хисобланади.

### 3.4.1-жадвал АҚШ тўлов балансининг таркиби<sup>1</sup>

	2001	2002	2003	2004	2005
Савдо баланси (млн. АҚШ долл.)	-428 085	-479 405	-544 300	-662 036	-777 861
Жорий хисоблар баланси (млн. АҚШ долл.)	-385 699	-473 949	-530 664	-665 939	-804 965
Капитал ва молия хисоби (млн. АҚШ долл.)	390 626	477 636	529 135	663 135	728 221
Умумий баланс (млн. АҚШ долл.)	4 927	3 692	-1 529	-2 804	-14 100
Товарлар ва хизматлар экспорти (ЯИМга нисбатан фоизда)	9,9	9,3	9,3	9,8	7,2
Товарлар ва хизматлар импорти (ЯИМга нисбатан фоизда)	13,5	13,3	13,8	15,0	13,4
Жорий хисоблар баланси (ЯИМга нисбатан фоизда)	-3,8	-4,5	-4,8	-5,7	-6,4
Айирбошташ курси (СДР га нисбатан миллӣй валюта бирлиги) АҚШ доллари	1,2567	1,3595	1,4860	1,5530	1,0

<sup>1</sup> IMF, International Financial Statistics, 2006.

## 3.4.2-жадвал

Япония тўлов балансининг таркиби<sup>1</sup>

	2001	2002	2003	2004	2005
Савдо баланси (млн. АҚШ долл.)	70 214	93 829	106 395	132 134	93 957
Жорий хисоблар баланси (млн. АҚШ долл.)	87 798	112 447	136 215	172 059	165 783
Капитал ва молиях хисоби (млн. АҚШ долл.)	-47 311	-66 314	50 938	-11 205	-126 621
Умумий баланс (млн. АҚШ долл.)	40 487	46 134	187 153	160 854	22 325
Товарлар ва хизматлар экспорти (ЯИМга нисбатан фоизда)	10,8	11,6	12,3	13,6	12,5
Товарлар ва хизматлар импорти (ЯИМга нисбатан фоизда)	10,1	10,3	10,6	11,6	10,4
Жорий хисоблар баланси (ЯИМга нисбатан фоизда)	2,1	2,8	3,2	3,7	3,6
Айирбошлиш курси (СДР га нисбатан миллӣ валюта бирлиги) Япония иени	165,64	163,01	159,15	161,70	110,218

Энди биз ривожланган саноат мамлакатларидан яна бири бўлган Япония (3.4.2-жадвал) тўлов балансининг таркибини таҳдил қиласиз.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳдил қилинган давр мобайнида капитал ва молиявий операциялар моддаси бўйича салбий қолдиқ микдорининг кескин тебраниши кузатилган. Бу ҳолат инвестицияларнинг хорижий мамлакатлар томон оқимининг кучаяётгандиги билан изоҳланади. Бу ҳолатнинг асосий сабаблари шундаки, биринчидан, Японияда ишчи кучи киммат; иккинчидан, хом-ашё ресурслари четдан ташиб келтирилганлиги туфайли уларнинг баҳоси юкори (Японияга нефтнинг 90 фоиз, темир моддасининг 70 фоиздан ортиқ қисми четдан келтирилади).

<sup>1</sup> IMF, International Financial Statistics, 2006.

### 3.4.3-жадвал

#### Германия тўлов балансининг таркиби<sup>1</sup>

	2001	2002	2003	2004	2005
Савдо баланси (млн. АҚШ долл.)	89 197	127 834	147 928	191 784	189 241
Жорий хисоблар баланси (млн. АҚШ долл.)	3 069	45 634	51 447	104 301	115 519
Капитал ва молия хисоби (млн. АҚШ долл.)	-8 535	-47 621	-52 130	-106 108	-128 326
Умумий баланс (млн. АҚШ долл.)	-5 466	-1 979	-684	-1 807	-2 601
Товарлар ва хизматлар экспорти (ЯИМга нисбатан фоизда)	34,8	35,6	35,8	38,4	17,8
Товарлар ва хизматлар импорти (ЯИМга нисбатан фоизда)	32,9	31,3	31,8	33,3	14,3
Жорий хисоблар баланси (ЯИМга нисбатан фоизда)	0,2	2,3	2,1	3,8	2,1
Айрбошлаш курси (СДР га нисбатан миллий валюта бирлиги) Германия маркаси	Евро				
	1,42600	1,29639	1,17654	1,14016	1,2458

Япония тўлов балансининг жорий операциялар бўлими бўйича йирик миқдордаги ижобий қолдикнинг мавжудлиги тўлов балансини мувозанатлаштириш имконини беради.

Энди биз дунёнинг иқтисодий салоҳият жиҳатидан учинчи мамлакати бўлган Германиянинг тўлов балансини кўриб чиқамиз.

Жадвал (3.4.3-жадвал) маълумотларидан кўринадики, 2005 йилда Германия савдо балансининг қолдиги 2004 йилга нисбатан камайган. Бу ҳолат евронинг қадрини ошиши натижасида экспорт қилинаётган товарлар баҳосининг ошганлиги билан изоҳланади.

Шунингдек, жадвал маълумотларидан капитал ва молиявий операциялар бўйича салбий қолдик суммасининг ўсиш тенденциясининг мавжудлигини кўриш мумкин. Бунинг асосий сабаби Германиядан хорижий мамлакатлар иқтисодиётига қилинаётган инвестицияларнинг ўсиш суръатига эга бўлаётганлигидир.

<sup>1</sup> IMF, International Financial Statistics, 2006.

Демак, Германия тўлов балансини мувозанатлаштиришда ҳал қилувчи ролни товарлар ва хизматлар экспортидан тушаётган тушумлар ўйнайди.

Буюк Британия тўлов балансида савдо операциялари бўйича иирик салбий қолдик мавжуд бўлиб, 2005 йилда унинг суммаси 119 371 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Буюк Британия тўлов балансини мувозанатлаштиришда капиталлар ва молиявий операциялар сальдоси муҳим роль ўйнайди ва 2005 йилнинг 31 декабрь ҳолатига сальдо суммаси 49 402 млн. АҚШ долларини ташкил қилди (қаранг: 1- илова).

Франция тўлов балансининг жорий операциялар бўлимида иирик миқдорда дефицит мавжуд бўлиб, 2005 йилнинг якунида унинг суммаси 38 780 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Капитал ва молиявий операциялар бўлимида ижобий қолдик мавжуд бўлиб, унинг миқдори 2005 йилнинг 31 декабрь ҳолатига 16 019 млн. АҚШ долларини ташкил қилди (қаранг: 2- илова).

Италия тўлов балансини мувозанатлаштиришда капитал ва молиявий операциялар бўлими ҳал қилувчи роль ўйнайди. 2005 йилнинг 31 декабрь ҳолатига, мазкур модда бўйича ижобий қолдик суммаси 25 035,9 млн. АҚШ долларини ташкил қилди (қаранг: 3- илова).

Канада тўлов балансини мувозанатлаштириш экспорт-импорт операциялари ўртасидаги ижобий қолдик ҳамда хизматлар ва нотижорат характеристидаги тушумлар ҳисобидан таъминланади (қаранг: 4- илова).

Хулоса қилиб айтганда, ривожланган саноат мамлакатларида тўлов балансини мувозанатлаштиришда қопловчи, яъни ижобий қолдиққа эга бўлган моддаларнинг мавжудлиги принципидан фойдаланилмоқда.

Тўлов балансини мувозанатлаштиришнинг асосий йўналишлари, бизнинг фикримизча куйидагилардан иборат бўлиши лозим:

1. Экспорт-импорт операциялари ўртасидаги барқарор ижобий қолдиқни таъминлаш.

2004-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси тўлов балансининг савдо операциялари бўлимида барқарор ижобий қолдиқни таъминлашга муваффақ бўлинди. 2004 йилда савдо операциялари бўлимининг ижобий қолдиги суммаси 1037,0 млн.

АҚШ долларини, 2005 йилда – 1317,5 млн. АҚШ долларини ташкил қилди<sup>1</sup>.

2. Халқаро кредитлар ва инвестициялар бўйича валюталар тушуми билан тўлови ўртасидаги фарқ суммасини кескин тебранишига йўл қўймаслик лозим.

### **3.4. Халқаро қарздорлик ва уни ҳал этиш йўллари**

Халқаро қарздорлик масалаларини чуқур тадқиқ қилиш, уни тўлов балансига, мамлакат иқтисодиётига ва валютани тартибга солиш жараёнларига таъсирини ўрганиш ҳозирги куннинг дол зарб масалаларидан ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, ташки қарздорликнинг кучайиши миллий валюта бо зоридаги хорижий валюталар таклифига салбий таъсир қиласи ва шунинг асосида миллий валютанинг қадрсизланишига сабаб бўлади; иккинчидан, халқаро қарздорлик муаммосининг чукурлашиши мамлакатнинг суверен кредит рейтингини пасайишига олиб келади. Бунинг олдини олиш учун даставвал, халқаро қарздорлик муаммоларининг юзага келиш тарихини, сабаблари ва оқибатларини изчил таҳлил қилиш лозим.

Халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммоси - умумжаҳон аҳамиятига эга бўлган муаммо сифатида 1982 йилнинг августида ўзининг кульминацион нуқтасига етди<sup>2</sup>. Чунки, биринчи марта 1982 йилда Мексика давлати ўзини расман банкрот деб эълон қилди. Яъни, олинган халқаро кредитларни қайтара олмаслигини маълум қилди. Таъкидлаш лозимки, Ямайка, Перу, Туркия давлатларида ҳам қарздорлик муаммоси Мексикадан олдин бошланган эди. Мексикадан сўнг, мазкур давлатлар билан бир қаторда Бразилия, Аргентина, Парагвай ва бир қатор Африка давлатлари ўзларини расман банкрот деб эълон қилдилар.

Халқаро қарздорлик муаммосининг келиб чикиш сабабларини таҳлил қилганда уларни ташки ва ички омилларга бўлиш за-

<sup>1</sup> Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий шарх. – Тошкент: ИИТМ, 2006. 40-б.

<sup>2</sup> Джейфри Д.Сакс, Фелипе Ларрен Б. Макроэкономика: глобальный подход. – Москва: Дело, 1999. с. 749; С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензи. Экономика. – Москва: Дело, 1997. с. 745; Кэмпбелл Р.Макконнелл, Стэнли Л.Брю. Экономикс, 2-том. – Москва: Республика, 1992. с. 378.

рурияти юзага келади. Фикримизча, ташки омилларнинг энг асосийси бўлиб жаҳон фоиз ставкаларининг ошиб кетиши ҳисобланади. Ички омиллар ҳам турли давлатларга турлича таъсир қилганини таъкидлаб ўтиш мумкин. Бунга мисол килиб, Лотин Америкасидаги инқирозлар дунёнинг бошқа мамлакатларига нисбатан анча сезиларли ва хавфли бўлганини келтириш мумкин.

Қарздорлик муаммосига дучор бўлган давлатлар биринчи на-вбатда қарзларини қайта таркиблашни (реструктуризация) талаб этдилар.

Инқироз сабаблари сифатида эса қуидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчидан, қарздор мамлакатларнинг иқтисодиётининг ҳолати яхши даражада эмас эди. Аниқроқ тарифлайдиган бўлсак, бюджет тақчиллиги муаммоси ва миллий валюта курсининг сунъий оширилиши каби масалалар иқтисодиётни издан чиқишига олиб келган эди. Қарздор мамлакатлар ўз валюта курсларини сунъий даражада юкори ушлашган эдики, бунинг натижасида фирмалар ва аҳоли бой қатламишининг импортга бўлган кизиқиши ошиб кетди ва импорт билан боғлик барча операциялар спекулятив характеристерга эга бўла бошлади.

ХХ асрнинг 90-йилларининг бошларига келиб, биринчи марта кредитларнинг фоиз тўлови суммаси уларнинг асосий суммасидан ошиб кетди. Бунинг асосий сабабларидан бири берилган жами ҳалқаро кредитларнинг 60 фоиздан ортиқ қисмини сузуб юрувчи ставкага эга эканлиги ҳисобланади<sup>1</sup>.

Ҳалқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммосини кескинлаштирган сабаблар ичида, фикримизча, қуидаги учтаси таъсир даражасига кўра ажралиб туради:

1. Кредит олган мамлакатлар иқтисодиётида ҳалқаро кредитлардан самарали фойдаланишнинг иложи бўлмаганлиги.

Ҳалқаро кредит ёрдамида молиялаштирилган йирик лойихалар кўпчилик мамлакатларда ўзини окламади. Инфляция даражаси нисбатан юкорилиги кредитларни қайтариш масаласини оғирлаштириди. Масалан, Мексикада миллий валюта – песо курси-

<sup>1</sup> Мишель Пебро. Международные экономические, валютные и финансовые отношения. – Москва: Прогресс, 1996.

нинг кескин пасайиб кетиши халқаро кредитларни кайтариш харажатлари суммасини кескин ошиб кетишига олиб келди.

2. Халқаро кредитларни берган хусусий тижорат банклари кредитлар бўйича тобора тўпланиб бораётган қарз суммасини жиддий тахлил қилимадилар. Тижорат банклари бу мамлакатларга берган кредитлари учун етарли таъминлангандик объектлари ва бошқа ҳимоя чоралари кўришига шошилмадилар.

Халқаро кредитларнинг сезиларли қисми молиялаштирилаётган объектдан тушадиган даромадлар суммаси билан таъминланган эди. Бу объектларга қилинган харажатлар уларни ишга тушириш билан боғлиқ тадбирлардан келадиган даромадлар суммасига нисбатан сезиларли даражада катта эди. Демак, кредитларни мазкур таъминлангандик объекти ўз аҳамиятини йўқотган эди.

Шуниси характерлики, айрим тижорат банклари катта миқдорда ишончли кредитлар берган эди. Бу эса, кредит рискини янада кучайишига хизмат қилди.

3. Ушбу мамлакатларда курс сиёсатидаги ва монетар сиёсатдаги хатоликлар, пировард натижада, тўлов баланси ҳолатининг ёмонлашувига сабаб бўлди. Бу эса, ўз навбатида, миллий валюталарнинг курсига таъсир қиласи. Иккинчи томондан, давлат бюджети дефицити миқдорининг кўпайиши пул массасининг ўсишига олиб келди.

Халқаро кредит бўйича қарздорлик муаммоси кескин ижтимоий ва иқтисодий оқибатларга олиб келди.

1. Халқаро кредитлар бўйича муддатида тўланмаган қарз суммалари ва фоиз суммалари тўпланиб бориши натижасида уларни тўлаш тобора кийинлашиб борди. Чунки, муддатида тўланмаган кредит суммалари учун юқори ставкада тўланади. Айниқса, сузуб юрувчи кредитларнинг қийматини ўсишига сабаб бўлади. Бунинг икки асосий оқибатини кўриш мумкин:

а) мамлакат миллий даромадининг асосий қисми кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизларни тўлашга кетади. Бу эса, мамлакатдаги инвестиция ҳажмини кисқартиради;

б) халқаро кредитни асосан етакчи эркин алмашинадиган валюталарда тўлашади. Қарз суммасининг ўсиши мамлакатдан чет эл валютасини кўпроқ чикиб кетишини билдиради. Бу эса, миллий валютанинг курсига салбий таъсир этади.

2. Мамлакатнинг жаҳон ссуда капиталлари бозорида кредит олиши кийинлашади. Унинг мавқеи (репутацияси)га путур етади. ХВФ, Жаҳон банки гуруҳи, Европа тиклаш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки каби ташкилотлар томонидан бериладиган кредитларнинг шартлари тобора оғирлашиб боради.

3. Инфляция даражаси кучаяди. Бу эса, аҳолининг турмуш даражасини пасайишига ва жамғармаларнинг қадрсизланишига олиб келади.

4. Тўлов баланси дефицити шу даражага етиши мумкинки, бунинг натижасида иқтисодиётда бир қатор салбий оқибатлар, жумладан, доллар (\$) фетишизми пайдо бўлиши мумкин.

5. Давлат бюджетининг дефицити кучаяди. Бу эса, ижтимоий дастурларнинг кискаришига сабаб бўлиши мумкин.

Шуниси характерлики, дунёнинг энг бой давлати бўлмиш АҚШнинг ташки қарзи 2006 йилнинг охирига келиб, 8,18 трлн. доллардан ошди. Бу эса, АҚШ номинал ЯИМнинг 65,4 фоизини ташкил этади<sup>1</sup>. Жаҳон банки эксперталарининг фикрига кўра, ташки қарзнинг номинал ЯИМнинг 60 фоизидан ошиши мамлакат тўлов балансига ва миллий валюта курсига нисбатан салбий таъсири юзага келтиради.

Ривожланаётган ва учинчи дунё мамлакатларида миллий валюта алмашув курсининг кескин тебранишига барҳам беришнинг зарурый шартларидан бири бўлиб, етарлича хорижий валюта захираларини шакллантириш ҳисобланади. Захира ташкил қилиш мақсадида қашшоқ мамлакатлар АҚШдан қаттиқ валютани 18 фоизлик юқори ставкада қарз олади ва уни қайта АҚШга (АҚШ хазина векселлари учун фоиз кўринишида) З фоизлик ставкада қарзга беради (кўпчилик мамлакатлар ўзларининг хорижий валютадаги захираларини АҚШ хазина вексели каби хавфсиз ва қисқа муддатли активларга инвестиция қиласидилар. Бундай инструментларга тўланадиган фоиз тўловлари ривожланаётган давлатлар АҚШдан олган қарзи учун тўлайдиган суммадан анча паст ҳисобланади)<sup>2</sup>.

Карздор мамлакатлар янги инвестиция оқимини рағбатлантирувчи, маҳаллий жамғармаларни кучайтирувчи ва

<sup>1</sup> IMF International Financial Statistics, 2006.

<sup>2</sup> World Bank. Global Development Finance. – Washington, 2003. p. 12.

мамлакатдан чиқиб кетган капиталнинг қайтишини қўллаб кувватловчи янги сиёсатни қўллашга алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Кредиторлар ҳамжамияти – тижорат банклари, ҳалқаро молия институтлари ва кредитор давлатлар – янада самарали ва узлуксиз молиявий қўллаб кувватлашни жорий этишлари лозим.

ХВФ сиёсатининг устувор йўналишларидан бири тўлов баланси доимий дефициттага эга бўлган давлатларга молиявий ёрдам қўрсатиш ва имтиёзли кредитлар бериш хисобланади. Аммо, давлатларнинг тўловга қобиллик даражасининг жуда пастилиги ХВФ томонидан берилётган маблағларнинг нотекис тақсимланишига сабаб бўлмоқда. Африка, Марказий ва Жанубий Америка давлатлари экспортидан тушадиган даромадлар ХВФ ссудаларининг (Гарб давлатлари банкларининг бошқа қарзлари билан биргаликда) фоизларини тўлашга ҳам етмайди. Фоизлар учун тўланадиган суммалар ҳатто асосий қарздан ҳам ошиб тушмоқда. Натижада бу мамлакатларнинг ҳалқаро ликвидилиги кескин пасаяди ва бу, ўз навбатида, ижтимоий дастурларни молиялаштириш ҳажмининг қисқаришига сабаб бўлади. ХВФ кредитларини олиш учун мамлакатлар институционал ва таркибий мувофиқлаштириш дастурларини амалга ошириши ва божхона чекловларини бекор килиш каби мажбуриятлар кўйилади. Мамлакат ички бозори хорижий рақобатчилар учун очилади, натижада бошқа мамлакат бозорида сотилмай қолган ортиқча товар учун янги бозор ҳозирланади.

Жаҳон банки ва ХВФ 42 та давлатни 65 фоиз қарзидан воз кечиши кўзда тутувчи оғир қарзга ботган қашшоқ давлатлар (ОҚБҚД) рўйхатига киритган. ОҚБҚДнинг факат 15 таси сўнгги босқичга эришиди, яъни 46 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги қарзидан воз кечилди<sup>1</sup>. ОҚБҚДнинг кўпчилик қисми Африкада жойлашган бўлиб, кейинги “ўрин”ларни Жанубий Америка ва Осиё мамлакатлари эгаллайди. Ушбу мамлакатларда 600 млн. аҳоли истиқомат қилиб, уларнинг кунлиқ даромади 1 АҚШ долларига ҳам етмайди. Шундай бўлсада, уларнинг хукуматлари ҳар йили киши бошига 15 АҚШ долларидан тегувчи суммани қарз учун тўлайдилар. Гарб банклари йирик суммадаги ва паст ставкадаги кредитларни тақдим қылган 70- йилларда ривожланмаган давлат-

<sup>1</sup> Интернет маълумотлари (<http://www.theperspective.org/globalization.html>)

ларнинг мазкур қарзлари вужудга келган. Қарзга олинган маблағлар эски қарзларни тўлашга ёки ахоли турмуш даражасини кўтаришга йўналтирилган. Шундай бўлсада, кўпчилик давлатларнинг ривожланиши лойиҳалари кутилган самарани бермаяпти, айрим ҳолларда эса мақсадли ишлатилимаяпти.

Иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш, тўлов баланси дефицитини камайтириш мақсадларида қарз ёрдамларини ажратишга мўлжалланган ХВФ каби ҳалқаро молиявий ташкилотлар борган сари қарз олувчи давлатлар – мижозларини йўқотиб бормоқда. Жумладан, Аргентина ва Бразилия ХВФдан олган қарзларини муддатидан аввал тўлаш истагини билдириди. Зоро, Туркия ва Индонезия билан биргаликда Аргентина ва Бразилия Фонднинг тўрт йирик қарз олувчи давлатларини ташкил қиласди. Бу давлатларнинг умумий қарзи Фонднинг ажратган барча қарзларининг 70 фоизини ташкил этади<sup>1</sup>. Бу икки давлатдан ташқари, Индонезия давлати ҳам 2003 йилга келиб ортиқ ХВФдан янги қарз олмаслигини эълон қилган эди.

Ҳақиқатда, 2004 йил апрель ойи ва 2005 йил ноябрь ойи оралиғида деярли ҳар бир қарздор давлат Фонддан қарзини камайтириди, яъни буни ракамларда ифодаласак, мавжуд қарз 90 млрд. доллардан 66 млрд. долларга тушган<sup>2</sup>.

Ривожланган давлатлар дунё аҳолисининг 14 фоизини ташкил қиласда, Фонднинг дастурлари таъсирига тушиб қолмаган ҳолда, 60 фоиз овозга эгалик қилиб келмоқда. Бундан ташқари, бошқарувчини тайинлаш хукуки ҳам шу етакчи давлатлар ваколатига киради. Бу, ўз навбатида, ривожланган давлатлар учун ривожланаётган давлатлар устидан иқтисодий назорат ўрнатишда зарур восита вазифасини ўтайди. Шундай қилиб, етакчиликни кўлдан бой беришни хоҳламаётган донор давлатлар ва уларнинг назорат инструменти бўлган ҳалқаро молиявий ташкилотлар ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари ва қашшоқ давлатларнинг ташки қарз муаммоларининг кескин тус олишига ўз хиссасини кўшмоқда.

<sup>1</sup> ХВФнинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланди.

<sup>2</sup> Интернет маълумотлари (<http://www.jubilee-research.org/news/imf130106.html>).

Таъкидлаш лозимки, бу глобаллашган мураккаб дунёда ташқи қарзга эҳтиёж сезадиган давлатлар, аввало, ташқи қарзни сарфлаш бўйича обдон ўйланган ва иқтисодий асосланган режа ва лойиҳаларга эга бўлиши лозим. Шундай қилиб, ташқи қарз муаммоларини ўрганиш давомида кўйидаги умумий хуносаларга келиш мумкин:

- қарз муаммоларини ҳал қилиш учун иқтисодий ўсиш мухим;
- қарзга ботган мамлакатлар иқтисодий ислоҳотларсиз етарлича иқтисодий ўсиш даражасига эриша олмайдилар;
- қарздор мамлакатлар доимий тарзда ташқи ресурсларга муҳтож;
- ташқи қарз муаммоси ечимлари турли сценариялар асосида бориши лозим.

Халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммосини ҳал қилиш масалалари билан Лондон ва Париж клублари шугулланади. Агар қарздор давлат ёки давлат органи бўлса, бу масала Парижда кўриб чикилади. Агар қарздор бўлиб хусусий банклар ва компаниялар хисобланса, бу масала Лондон клубида кўриб чикилади. Ҳар иккала клуб - бу доимий ташкилот эмас, балки вақти-вақти билан чакирилиб фаолият юритилади. Масалан, Париж клубининг йигилишлари Франция Молия вазирлигининг биносида белгиланган вақтда ўтказиб турилади. Йигилишда, энг аввало, қарздор мамлакатлар вакилларининг маъруzasи эшитилади. Париж клубида бундай маърузалар хукумат раҳбарлари ёки унинг расмий агентлари - Молия вазири ёки Марказий банк Раиси ушбу маърузаларни ўқийди. Маърузада кредитларнинг қайтарилмаётганилигини, мамлакат иқтисодиётининг аҳволи ва кредитни қайташиб учун қандай чора-тадбирлар кўлланилаётганилиги тўлиқ ўз аксини топган бўлиши лозим. Ундан сўнг, кредиторларнинг дাъволари эшитилади. Сўнг эса, ХВФнинг эксперталари маъруза қиласидилар. Ушбу эксперталар маърузалари холис баҳо хисобланади ва одатда ХВФнинг эксперталари ўша мамлакат иқтисодиётини, унинг раҳбарларини ҳам яхши била-дилар.

Ҳар иккала клубда халқаро кредитларни қайташиб бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланади.

Халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммосини ҳал килишнинг энг оқилона йўли ҳозирги кунда ушбу давлатларга янги кредитлар бериш ҳисобланади. Гарчи мазкур усул ҳозирча ягона самарали усул ҳисобланса ҳам, у қарздорлик муаммосини тўла ҳал қилмайди. Қарздорлик муаммосини ҳал қилишнинг оқилона йўлларидан бири кредитни беришга кириш жараёнида тўла қонли тахлил ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакат ташки қарзининг халқаро амалиётда қабул қилинган чегаравий даражасини, яъни ЯИМ нинг 60 фоизидан ошмайдиган даражасини таъминламаслик мамлакатнинг халқаро иктиносидий муносабатларининг ёмонлашишига, миллий валютасининг қадрсизланишига сабаб бўлади. Ташки қарзни юзага келтирувчи муҳим асослардан бири халқаро кредитларни жалб этиш бўлганлиги сабабли, халқаро кредитлар билан боғлиқ бўлган рискларни бошқариш самарадорлигини ошириш тақозо этилади.

### **3.5. Жаҳон валюта инқирозлари ва уларнинг эмпирик таҳлили**

Валюта инқирози деб, одатда, халқаро валюта муносабатларида юзага келадиган кескин зиддиятларга айтилади.

Халқаро валюта инқирозлари жаҳон валюта механизмида номувофикалкни бартараф қилишга олиб келади. Масалан, валюта инқирозлари натижасида 1976-1978 йилларда Ямайка битими юзага келди. Бу битимнинг энг муҳим жиҳати шундаки, 30 йилдан ошик вақт мобайнида амал қилиб келган қатъий белгиланган курс режими бутунлай барҳам топди.

Валюта инқирозларининг икки асосий тури мавжуд:

1. Даврий валюта инқирози;
2. Хронологик валютавий инқирозлар.

Даврий валюта инқирозлари вакти-вақти билан юзага келади ва улар жаҳон валюта тизимида сезиларли ўзгаришлар бўлишига олиб келмайди. Кўпчилик холда бундай инқирозлар девальвацияни амалга оширишга мажбур қиласди.

Шуниси характерлики, хронологик валютавий инқироз мутассил давом этади ва у жаҳон валюта тизимининг ўзгаришига

сабаб бўлади. Жаҳон валюта механизми тубдан ўзгармасдан туриб, хронологик инқироздан қутилиши мумкин эмас.

Жаҳон валюта инқирозига ёрқин мисол қилиб, 1929-1933 йиллардаги “Буюк инқироз”ни келтиришимиз мумкин. 1929-33 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози валюта муносабатларига ҳам салбий таъсир қилди. Тижорат банкларининг оммавий тарзда банкротга учраши, ишсизликнинг ўсиши, давлат харажатларининг кўпайиши натижасида давлат бюджети дефицитининг ортиши энг аввало мумомаладаги пул массасига фаол таъсир кўрсатди.

Валюта инқирозларини олдиндан билиш (прогноз) ва таҳлил қилиш учун бир қатор эмпирик моделлар ишлаб чиқилган. Уларни икки йирик гурухга бўлиб кўрсатиш мумкин:

1. Тузилмавий методологияга асосланган моделлар;
2. Тузилмасиз методологияга асосланган моделлар.

Тўлиқ назарий асосланишга эга бўлган моделлар тузилмавий моделлар (structural models) деб номланади. Улар эндоген ўзгарувчанлик ва уларнинг якинлашувчи қаторлари ўргасидаги сабабият алоқалари аниқ ифода этилган tenglamalardiz тизим сифатида намоён бўлади. Тузилмали моделларнинг уч тури мавжуд:

- барча ноаниқликлар ташқи шароит ва объектнинг ички параметрлари функциялари сифатида ифода этилади;
- аникликлар нисбатлари тизимидан (тenglamalardiz, нотенгликлар) ноаниқликлар биргаликда аниқланади;
- ноаниқликлар умумий шаклда маълум бўлган нисбатлар тизимидан (яъни, параметрлаштириш якунламаган ҳолатда) топилади.

Шундай қилиб, тузилмали моделлар агент ёки объектларнинг иқтисодий ҳолатини аникловчи асосий ўзаро алоқаларни тавсифлайдиган tenglamalardan иборат.

Бланко ва Гербернинг тадқиқотлари тузилмали моделга мисол бўлиши мумкин. Улар 1973-1982 йилларда Мексика валютасига уюштирилмоқчи бўлган хужумни олдиндан айтиб бериш учун Кругман моделини вариантини яратишиди. Биринчи авлодга мансуб бўлган тузилмали моделни қўллаб, улар кейинги чорақда яширин курс белгиланган курсдан ошибб кетишини ҳисоблаб чиқишиди. Уларнинг тахминий баҳолари асосли эканлиги валюта бозоридаги сокинлик даврида 2-5 фоиз атрофида тебраниб турган

бўлса, 1976 ва 1982 йилларда песонинг девальвацияси арафасида бу кўрсаткич 20 фоиздан ошиб кетганлигида кўринди. Бланко ва Гарбер моделларига ўхшаш тадқиқотлар алоҳида олинган мамлакатларни муайян вакт давомида кўриб чиқиб, валюта инқирозларининг умумлашган тажрибасини эътибордан четда қолдиради.

80 - йилларнинг охирида биринчи марта бир гурух инқирозлар таҳлил этилди. Масалан, америкалик иқтисодчи олим Себастьян Эдвардс 1962-1983 йилларда амалга оширилган ўттиз тўртта девальвациянинг ҳар бирини алоҳида олган ҳолда, олдинги уч йил давомидаги макроиқтисодий ўзгарувчанликларни ўрганиб чиқди. Олим уларнинг динамикасини камида ўн йил давомида белгиланган курс сиёсатини олиб борган мамлакатларнинг натижалари билан қиёслади. Қиёсий тадқиқот натижалари кўрсатдики, девальвация йили яқинлашганда макроиқтисодий сиёsat шижаоталироқ тусга кириб, валютанинг реал курси ошади, жорий операциялар бўйича сальдо камаяди, чет эл захиралари қисқаради. Клейн ва Мэрион 1957-1991 йиллар давомида Лотин Америкаси мамлакатларида содир бўлган саксондан ортиқ девальвация ҳолатлари бўйича маълумотларни таҳлил қилиб чиқишидни ва реал курсга ортиқча баҳо берганда валюта курсини белгилашдан воз кечиш эҳтимоли ҳар ойда ошиб борганлигини, чет эл захиралари кўпайганда бу ҳолат камайишини қайд этишди. Иқтисодиётнинг очиқлиги ва унинг ҳалқаро савдони амалга ошириш учун қулай географик жойлашиши каби тузилмавий омиллар, шунингдек, сиёсий омиллар (сайловлар, хукуматдаги ўзгаришлар), белгиланган курс режими ҳаракатининг давомийлиги курсни ҳар ойда белгилашдан воз кечиш эҳтимолига таъсир этган.

Миз ва Роуз, шунингдек, Меликнинг 1990-йилларда юзага келган тадқиқотлари ҳам тузилмали моделларга мисол бўла олади. Миз ва Роуз спекулятив хужумнинг икки тузулмавий моделини кўриб чиқишиган<sup>1</sup>. Европанинг саккиз мамлакатлари бўйича чорак маълумотларига асосланган уларнинг модели кейинги чоракда устувор бўладиган валюта курси режимини башорат қила

<sup>1</sup> Richard A. Meese & Andrew K. Rose, 1996 “Exchange rate instability: determinants and predictability”, Proceedings, Federal Reserve Bank of San Francisco, p. 183-205.

олади. Шу муддат давомида модел аъло даражадаги натижалар бера олади, аммо валюта инкирози бир чорак муддатдан ошиб кетадиган бўлса бу модел ўз аҳамиятини йўқотади, бунга сабаб унинг муддатининг ортиши бир катор хатоликларга олиб келиши мумкин. Мелик ўз моделида Мексика инкирози маълумотларини кўллаган. Унинг тадқиқоти жиҳдий эътиборга лойиқ эмас, чунки унинг эмпирик натижалари реал кузатиладиган бошқа инкирозлар кўрсаткичларига зиддир.

Бундай ёндашувга асосланган нотузилмали моделлар агентларнинг иқтисодий харакатларидан келиб чиқиб барча ҳолатларни изоҳлашга ҳаракат қилмайди. Бундай ёндошувга моделнинг қисқартирилган шакли (*reduced form of model*) кўлланилади. Унда ҳар бир жорий эндоғен ўзгарувчанликлар олдиндан маълум бўлган ўзгарувчанликларнинг функцияси сифатида бевосита ифода этилган. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир жорий эндоғен ўзгарувчига нисбатан ҳар бир тенглама тузилма шаклида берилган моделнинг тенглама тизими ечими сифатида намоён бўлади. Модел тенгламаларининг миқдори жорий эндоғен ўзгарувчанликлар миқдорига тенг. Моделнинг тузилмали шакли келтирилган моделга изчил алмаштириб қўйиш йўли ёрдамида айланади. Кейинги моделнинг барча параметрлари дастлабки коэффицентларнинг айрим функциялари сифатида намоён бўлади. Масалан, агар тузилмали модел пулга бўлган талаб ва таклифни изоҳловчи тенгламани ўз ичига олса, унда келтирилган модел (1) фақат бигта тенгламадан иборат бўлиб, у пул ўзгарувчи кўрсаткичи бошқа кўрсаткичлар, масалан, нархлар билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Модел тузилмаси но маълум, аммо объектнинг ҳатти-ҳаракати, яъни маълум омишлар таъсирига бўлган муносабати (пул массасининг кўпайишига бўлган нархлар муносабати) маълумдир. Бундай тенгламаларни “кора кути” деб номлашади. Пулнинг ўзгариш кўрсаткичи “кора кути”нинг кириш параметри бўлса, ўзгарувчан нарх эса, чиқиш параметри бўлиб ҳисобланади. Икки ўзгарувчан кўрсаткичларининг номаълум ўзаро алоқасини баҳолаш учун турли тестларни кўллаш мумкин (масалан, Granger causality test). Бу тестлар сабабият алоқаларни аниқлашга ёрдам беради. Масалан, пул таклифининг ўзгаришларининг юзага келиши нархлар тебранишидан олдинми ёки кейин келадими?, яъни нархлар функциялари пул таклифини белгилаб берадими? деган саволлар туғилади.

Фикримизча, жаҳон валюта инқирозларининг нотузилмали моделларини икки гурухга бўлса бўлади: нопараметрик тестларга асосланган моделлар ва эҳтимолий регрессия асосида қурилган (чизикли эҳтимолий) моделлар. Кўрилаётган объект ёки жараённинг тизимли таҳлилиниң унсурини бўлмиш параметризациялаш таъсир этувчи омилларни аниқлаш, уларни таърифлаш ва олинган параметрларга микдорий баҳо беришдан иборат. Бироқ, кўп холларда инқирозни тадқикот қилиш учун таъсир этувчи омиллар ва уларниң баҳоси муҳим эмас. Бошқача килиб айтганда, детерминантлар эмас, балки умумий натижалар аҳамиятга эга саналади. Бундай таҳлил учун ўлчашнинг нопараметрик услуби кўпроқ мос келади. Мазкур услуб микдорий тавсифларни олдиндан айтиб беришни назарда тутмайди. У тизим томондан хосил қилинган ўзгаришларининг умумий йўналишини аниқлаш билан чегараланади. Валюта бозоридаги спекулятив босимнинг индекси нопараметрик тест билан ишлатилган валюта инқирозининг дунёдаги биринчи модели эди.

XX асрнинг 70-йилларида яратилган “спекулятив босим” концепцияси эмпирик тадқикотларда қўлланилмоқда. Бу концепцияга мувоғик, спекулятив ҳужум каби валюта инқирози ҳам валюта бозорида спекулятив босим энг юқори нуқтага чиққандаги давр деб белгиланади. Валюта бозоридаги спекулятив босимини номинал валюта курсининг ўзгарувчан кўрсаткичлари хорижий захираларини йўқотишини ва фоиз ставкаларининг ўзгаришини камраб олган ўрга ўлчамли индекс ёрдамида аниқласа бўлади.

Индекс биринчи марта Б.Айхенгрин, Э.Роуз ва Ч.Выплошлардан иборат бўлган бир гуруҳ олимлар томонидан 1996 йилда таклиф этилган эди. Ўзгарувчан бирликлар сифатида ўртacha ойлик кўрсаткичлар динамикасининг қаторлари қўлланилди. Улар дастлаб “йўналишини бартараф этиш” (ёки “тренддан тозалаш” - detrending) услуби ёрдамида қайта ишлаб чиқилди. Асосий ўлчамлар ўсиш жадалининг ҳисоб-китоби унга муқобил бўлиши мумкин. Индекс компонентларининг ўзгаришини тўғрилаш ва бирор-бир компонентнинг устуворлигини бартараф этиш учун вазнлар танлаб белгиланади. Агар индекс ўзининг ўртacha мазмунидан 1,5-2 стандарт тебранишдан юқори бўлганда спекулятив таъсир критик нуқтага етади. Ривожланаётган аксарият мамлакатларда бозор фоиз ставкалари бўлмаганлиги

сабабли индекснинг ҳисобида уларнинг кўрсаткичлари бўлмаслиги ҳам мумкин. Инқирознинг даражаси ва чегараларини юқори инфляция содир бўлган даврларга нисбатан қайта ҳисоблаб чикиш лозим. Агар ўн саккиз ой орасида спекулятив босимларнинг бир неча бор тазийки кузатилган бўлса, у холда тазийклар мажмуи валюта инқирозининг даражасини билдиради.

Тадқиқот жараёнида спекулятив ҳужум давридаги макроиктисодий ўзгарувчанликларнинг ҳатти-ҳаракатлари билан уларнинг тинч даврлардаги динамикаси қиёсланди. Ўзгарувчанликларнинг ҳатти-ҳаракатлари турли эканлиги аникланди. Бу эса давлатнинг макроиктисодий сиёсатидаги қарама-қаршиликлар валюта инқирозига олиб келади, деган фарзларни маълум маънода тасдиқлади. Масалан, моделни яратувчилар бюджет дефицитининг ЯИМга нисбати инқироз пайтарида тинч даврларга кўра юкорироқ бўлғанлигини аниклади. Бу ҳолат биринчи авлод моделини бевосита исботламасада, аммо бюджетнинг юқори дефицити валюта инқирозига олиб келади, деган назарияга зид эмас. Шу билан бирга, бир қатор олимларнинг фикрига кўра, бозорнинг инқироз ва сокинлик даврларида макроиктисодий ўзгарувчанликлар бир-биридан фарқланмайди. Улар бундай ҳолатларни моделнинг иккинчи авлодини ишлатилганлиги, яъни кутищдаги эркин силжишлар билан изоҳлайди. Масалан, курслар алмашиб механизмида иштирок этган Европа мамлакатларида пул массаси ва инфляциянинг асосий макроиктисодий ўзгарувчан бирликлари биринчи авлод моделлари башоратидан фарқли мазмунга эгадир.

Мутахассислар бундай ҳолатларни кўп мувозанатли модел асосида изоҳлаб беришмоқда. Алмашиб курси механизмида иштирок этмаган мамлакатларда қарама-қарши ҳолат юзага келган. Бюджет дефицити, инфляция, ички кредитлар ҳажмининг ўсиши, экспортнинг импортга бўлган нисбати, чет эл валюталаридағи захиралар динамикалари инқироз ва инқирозсиз барқарор ривожланиш даврларида ҳар хил бўлади. Бундай ҳолатлар биринчи авлод моделлари башоратига мос келади. Натижада, Б.Айхенгрин, Э.Роуз ва Ч.Выплош ҳар иккала моделларнинг ҳеч бири бошқасидан устувор эмас, деган хulosага келдилар. Шунга ўхшаш услугб Камински, Лизондо ва Рейнхард томонидан кўлланилган эди. Улар ўз моделини “сигнал берувчи ёндошув”

деб номлашган. Мазкур модел валюта инқирозлари ҳақида энг яхши сигнал берувчи ўзгарувчанликларни аниқлашга ёрдам беради. Уларнинг тадқиқотларида ЯИМ, экспорт, реал валюта курсини тренддан четтага чиқиши, фонд индекслари ва М2 нинг хорижий захираларга нисбати сигнал берувчи ўзгарувчанликлар сифатида намоён бўлди. Шу каби тадқиқотларни Френкел ва Роуз, шунингдек Канада банкининг иқтисодчилари олиб боришган. Френкел ва Роуз хорижий фоиз ставкалари юкорилиги, ЯИМнинг секин ўсиши, чет эл бевосита инвестицияларнинг ташки қарзга нисбатан кам алоқадорлиги инқирознинг сабаби эканлигини аниқлашди. Тадқиқот натижасида жорий операциялар бўлими дефицити ва бюджет дефицитини валюта инқирози билан боғлиқ эмаслиги аникланди. Шу билан бирга, улар спекулятив хужумнинг мухим индикатори бўлиб қолмоқда. Канада банкининг мутахассислари кредит эмиссияси ҳажмининг ошиши, реал валюта курсига ортиқча баҳо бериш ва М2 ни хорижий захираларга бўлган нисбати ўзгаришини инқироз сабаблари, деб кўрсатмоқдалар. Мамлакат бозорини таҳлил қилиш учун валюта инқирози индексини кўллаш ўринлидир. Куйида Ўзбекистон Республикаси ички валюта бозорига мослаштирилган индекс версиясини келтирамиз. Индекс қўйидагича аниқланиши мумкин:

$$C_{\text{rises}} = w_1 \Delta S_t + w_2 (-\Delta R_t) + w_3 \Delta i_t,$$

бу ерда:

$C_{\text{rises}}$  – валюта бозоридаги спекулятив босим индекси (валюта инқирози индекси);

$\Delta S_t$  – ўзбек сўмининг ўртача ойлик номинал алмашув курсининг АҚШ долларига нисбатан ўсиш тезлиги;

$\Delta R_t$  – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг олтинвалюта захираларининг бир ойлик ўсиши тезлиги;

$\Delta i_t$  – банклараро кредитларнинг ўртача ставкасининг ўсиши даражаси;

$w_1$  – иқтисодий ўзгарувчанликларга бериладиган вазнлар.

Индексни аниқлашда асосий муаммо бўлиб – вазнларни белгилаб олиш ҳисобланади. Улар бир неча функцияларни бажариши лозим. Биринчидан, иқтисодиётда индекснинг аҳамиятига берилган баҳони қамраб олиши лозим. Ўзбекистонда, фикримизча, банклараро кредит бозори иқтисодиётнинг реал секторининг

иктисодий фаоллигига жуда кам таъсир кўрсатади. У ишонч рейтинги асосида тижорат банклари ҳамкорлигидан ташкил топган бўлади, аммо барча аъзолар тенглик аҳамиятига эга эмас. Бунга сабаб, банкларнинг мавқеи ва мамлакатнинг молия тизимида тутган имиджига ҳам боғлиқдир. Бироқ, ҳажми етарли даражада бўлмасада ички валюта бозоридаги ҳолатни ҳам ҳисобга олиш лозим. Чунки, валюта билан спекулятив операциялар авжига чиқкан даврларда ликвидилик маңбаи бўлиб хизмат килади ва пул-кредит соҳасида юзага келган барқарорсизлик даврида Марказий банкнинг тартибга солиш обьекти бўлиб хизмат қилиши мумкин. Иккинчидан, вазнлар индекс компонентларининг тебраниш амплитудасини, масалан,  $-1$  дан  $+1$ гача бўлган диапазонда тенглаштириши лозим. Бу эса, иктисодий кўрсаткичларнинг бирини устуворлик қилишини олдини олишга, улар динамикасини таҳлил қилишга имкон беради. Учинчидан, нисбатан тинч ва барқарорсиз даврларда фоиз ставкалари ошаётганда, уларнинг ўсиш жадаллиги юқорилашганда вазнлар автоматик тарзда мувофикалаштирилиши лозим. Бу талабларни ҳисобга олган тарзда вазнларни қўйидаги тенглик билан ифодаласа бўлади:

$$w_{1-\alpha_i} : (|X_{cp}| + 1,5\sqrt{\delta^2}),$$

бу ерда:

$\alpha_i$  – индекс компоненти аҳамиятлигига берилган эксперт баҳоси, шу туфайли  $\alpha_1 + \alpha_2 + \alpha_3 = 1$ ;

$X_{cp}$  – п давр учун ўргача арифметик кўрсаткич ёки шу ҳолат учун п-қаторнинг оддий сирғанувчи ўргача кўрсаткич;

$\delta^2$  – охирги п даврга ҳисоблаб чиқилган дисперсия.

Вазн ўлчашнинг ўзига хослиги туфайли валюта инқизорининг индекси техник таҳлилидаги осциляторни эслатади. Техник индекаторлар оиласидан айнан у мазкур ҳолатга яқинроқдир. Техник таҳлилнинг осцилятор услубларига тегишли айрим тавсияларни валюта инқизори индекс динамикасини ўрганишда кўлласа бўлади. Бу индекс белгиланган валюта курси режимини таҳлил этишда ёки барқарор даврлардаги “эгилувчан” валюта курсларига тўғри келади. Бошқача қилиб айтганда, индекс “ён” трендда яхшиrok самара беради. Чунки, у кучли инерцияга эга. Бунинг натижасида индекс нобарқарор даврларда иктиносидий ўзгарувчанликларнинг паст ва ўргача тебраниш ам-

плитудаларини инкор этади. Индекс аҳамияти бирга яқинлашганда валюта бозорида спекулятив босим ошиб кетганигидан далолат беради. Агар индекс салбий аҳамиятга эга бўлганда бозорда барқарорлик ўрнатилади. Кўп ҳолатларда индекс аҳамияти нолдан ошганда бу тенденциялар янада мустаҳкамлашади.

Белгиланган мақсадлардан келиб чиқиб, ҳар бир мустақил таҳлилчи индекснинг вазн тизими ва унинг ўзгарувчанликларини қайта кўриб чиқиши мумкин. Масалан, индексда номинал эмас, балки реал валюта курси, жорий операциялар ҳисобининг ҳолати ёки савдо баланси кўрсатилиши мумкин. Мамлакат экспортида энергия ташувчи хом-ашёлар устуворликка эга бўлганлиги туфайли тўлов балансининг савдо кўрсаткичларни нефтга бўйлан нархлар билан алмаштиrsa бўлади. Бундан ташқари, иқтисодий ўзгарувчанликларни Ўзбекистон Республикасининг ташки мажбуриятлари, яъни карзлари ёки пул таклифининг ўсиши ( $M_2$  пул агрегати) каби индикаторлар билан тўлдирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Валюта инкирози индексининг универсалиги ва амалда ишлатилиши уни кўп имкониятли тадқиқот дастак сифатида қўйлаш имкониятини беради.

ХВФ иқтисодчилари 2000 йилда олиб борган тадқиқотлари валюта инкирозига бағишлиган дастлабки ишларни янада такомиллашишига олиб келди. Тадқиқот доирасида ўтган асрнинг 90-йилларида содир бўлган инкирозларни бошидан кечирган мамлакатлар билан валюталари спекулятив ҳужумга дуч келмаган мамлакатлар қиёслаб ўрганилган. Савдо ва молиявий алоқалар, шунингдек, ички ва ташки макроиктисодий номутаносибликлар инкироз омиллари сифатида ўрганилди. Ривожланаётган бозорлар ва ривожланган мамлакатлар учун пробит-моделларни қўллаб маълумотларни қайта ишлаш алоҳида-алоҳида ўтказилди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, барча санаб ўтилган омиллар ривожланаётган мамлакатлар ўртасида инкирозларни тарқалишига олиб келади. Шу билан бирга, валюта режими ва капитал ҳаракати устидан назорат ўрнатиш инкирозларнинг ривожланишига тўсик бўла олмаслиги қайд этилди. Таъкидлаш лозимки, ички ва ташки соғлом макроиктисодий муҳитга эга бўлган мамлакатлар савдо ва молиявий инкирозларга камроқ дучор бўлади. Барча макроиктисодий омиллар орасида ташки номутаносибликлар эмас, балки ички дис-

баланслар, яъни ЯИМнинг паст даражада ўсиши, салбий кўрсаткичлари муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, ички номутаносибликлар унчалик муҳим аҳамият касб этмайди. Улар реал валюта курси кўтарилигандага ўз таъсирини кўрсата бошлайди. Молиявий омиллар таркибида ҳукуматнинг захиралари етарли эмаслиги ва умумий хорижлик кредиторнинг мавжудлиги алоҳида ажралиб турди. Савдо инқирозини юзага келтирувчи субъектлар ҳакида гап борганда, улар факат жорий операциялари қолдиғи салбий бўлган мамлакатларга ўз таъсирини ўтказади. Юкори суръатлардаги ишсизлик, жорий операциялар бўйича салбий баланс ва иқтисодий ривожланишининг сустлиги саноати ривожланган мамлакатлардаги инқирозларнинг асосий мањалари бўлиб қолмоқда.

Маълумки, муайян инқирозларни аниқ изохловчи моделда прогноз кўрсаткичларни баҳолаш имкони мавжуд эканлигидан далолат бермайди. Европа моделининг прогноз қилувчи сифатларини аниқлаш учун синалган моделлар, яъни Камински ва Рейнхарднинг сигнал берувчи ёндашуви, Френкел ва Роузнинг пробит-модели, шунингдек, Сакс, Торнелли ва Веласконинг эҳтимолий регрессияси билан қиёслашади<sup>1</sup>. Натижада, Европа модели бошқа моделларга қараганда нафакат инқироз ҳакида олдиндан хабар бера олади, балки унинг кўламишининг ҳажмини ҳам белгилай олади. Модел муаллифининг фикрича, прогноз қилишда муваффакият шундан иборатки, моделлаштиришда макроиктисодий омиллар эмас, балки инфекция феномени асос килиб олингандигидадир: “Молиявий ўзаро боғланиш даражаси, ривожланаётган бозорларнинг ўзаро молиявий боғланиши ва иқтисодиётнинг реал секторининг интеграциялашуви инқирозларни тушунтирувчи ва башорат қилувчи яккаю-ягона энг аниқ индикатор бўлиб ҳисобланади”<sup>2</sup>.

Валюта инқирозлари аксарият иқтисодчи олимларни тадқикот ўтказишга ундаган бўлса-да, улар олдида бир катор ўз ечимини кутаётган масалалар турибди. Масалан, валюта

<sup>1</sup> Sachs, Jeffrey D., A.Tornell, and Andre's Velasco, 1996, “Financial Crises in Emerging Markets: The Lessons from 1995”, Brookings Papers on Economic Activity: 1, Brookings Institution, pp. 147-215.

<sup>2</sup> Velasco, Andre's, 1987, “Financial and Balance of Payments Crises: A Simple Model of the Southern Cone Experience” Journal of Development Economics, Vol. 27 (October), pp. 263-83.

инқиrozларини кандай қилиб башорат қилиш ва олдини олиш мүмкін ва нима учун улар бир-биридан анча фарқланади? Мэриленд университетининг Халқаро Иқтисодиёт Марказининг директори Гильермо Кальвонинг фикрича,<sup>1</sup> муайян турдаги инқиrozларни қиёсий таҳлил қилиб бўлмайди, чунки улар ҳар хил моҳиятга эга, деган фикрни олдинга суради. Унинг фикрича, ривожланаётган мамлакатларга хос бўлган инқиrozлар олдиндан билиш мүмкін бўлган инқиrozлардир. Бошқа инқиrozларнинг моҳиятини фақат ретроспектив таҳлил асосида очиб бериш мүмкін. Бундай моделлаштиришда тадқиқотчи инқиrozга таъсир этувчи омиллар кўламини кенгайтиради. Учинчи турдаги инқиrozларни фақат фундаментал макроиктисодий омиллар асосида тушунтириш қийин, бу эса, мукаммал ва тўлиқ шакллантирилган маълумотлар базасининг мавжуд бўлишини тақозо қиласи.

Хулоса қилиб айтганда, жорий валюта инқиrozи миллий валюта бозоридаги операциялар ҳажмини қисқартиришга сабаб бўлади ва шунинг асосида валютани тартибга солиш тизими ning имкониятларини чекланиб колишига олиб келади. Глобал валютавий инқиrozлар эса, халқаро ссуда капитали ва тадбиркорлик капиталининг давлатлар ўртасида номутаносиб таксимланишини кучайтиради, улардан фойдаланиш самараадорлигига салбий таъсир қиласи.

---

<sup>1</sup> Guillermo A. Calvo “CAPITAL FLOWS AND CAPITAL-MARKET CRISES: The Simple Economics of Sudden Stops”, *Journal of Applied Economics*, Vol. 1, No. 1, November 1998, pp. 35-54.

---

## IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ АМАЛИЁТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

### 4.1. Миллий валютани конвертирашнинг амалий жиҳатлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида валюта бозорини эркинлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида сўзлаган нутқида: «Биржадан ташқари бозорни кенгайтириш ва ривожлантириш, тижорат банкларининг роли ва мъсулиятини ошириш ҳисобидан, ...миллий валютамизни эркин муоммаладаги валютага тўлиқ алмаштириш (конвертация қилиш) масаласини ечиш вақти келди. Бу тадбир мамлакатимизга кириб келаётган инвестициялар ҳажмини ошириш гарови ва кафолатидир»<sup>1</sup>, деб таъкидлаган эдилар.

Миллий валюта - сўмнинг жорий операциялар бўйича конвертация қилинишини жорий этилиши республикамида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг алоҳида аҳамият касб этувчи жиҳатларидан биридир. Конвертацияни жорий этилиши деганда, одатда, товарлар, хизматлар ва молиявий активларнинг халкаро оқимларига доир тўловлар бўйича хорижий валютани эркин харид қилиниши ва сотилиши тушунилади. Собиқ Иттифок даврида миллий валюта конвертация қилинишининг жорий этилиши ҳеч бир эҳтиёж бўлмаган ҳол сифатида қабул қилинган эди. Бунинг сабаби шундаки, собиқ Совет Иттифокида валюта операцияларини амалга оширишга нисбатан давлат монополияси мавжуд эди. Бундан ташқари, унга (конвертацияни жорий этилишига) индустрлаштириш ва ривожланишни таъминлаш учун ташкил этилган олтинвалюта захираларига хавф солувчи омил сифатида қаралган эди. Аммо, Ўзбекистон Республикаси давлат мустакиллигига эришиши

---

<sup>1</sup> И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида сўзланган нутк. – Тошкент, Ўзбекистон, 1999, 35-б.

билин ва мамлакатимиз иктисодиётини бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиниши бошлаб юборилиши билан конвертация масаласи асосий масалалардан бирига айланди.

Халқаро валюта тизими эволюцияси жараёнида “валютанинг конвертирланиши” тушунчаси ҳам мазмунан ўзгариб борди. XX асрнинг 30- йилларига қадар конвертация деганда, одатда белгиланган курс бўйича валютани олтинга эркин айирбошлиш ҳукуқи тушунилган. Ҳозирги вақтда, валютага эгалик қилаётган ҳар қандай шахс уни бозордаги - қатъий белгиланган ёки сузуб юрувчи курс бўйича халқаро захира валюталаридан бири (АҚШ доллари, Евро ва ҳ.к.)га конвертация қилиш ҳукуқига эга бўлишига - валютанинг “конвертирланиши” дейилади.

Стэнфорд университети профессори Р. МакКинноннинг търифи бўйича: «... агар мазкур мамлакат фуқаролари хориждан маҳсулот ва хизматлар сотиб олишни хоҳлаганларида, маҳсус чеклашларга йўлиқмасалар, эркин бозорда барча жорий битимларга қўлланиладиган, шу жумладан, товарли кредитга ҳам ягона, тебранувчан бўлиш эҳтимоли бор валюта курси бўйича айирбошлиш учун маҳаллий валюталарини сотсалар валюта конвертиранадиган ҳисобланади. Бунда чет элликлар (норезидентлар) жорий операциялардан олинган маҳаллий валютадаги маблағларга эга бўлганларида уларни юқорида қайд этилган курс бўйича сота олсалар ёки мазкур валютада баҳоланадиган маҳаллий товарларни эркин харид қила олишлари лозим ҳисобланади»<sup>1</sup>.

ХВФ экспертларининг тавсиясига кўра, агар мамлакат тўлов балансининг жорий операциялар бўлимида валютавий чеклашлар бўлмаса, у холда, шу мамлакатнинг миллий валютаси эркин алмашинадиган ёки конвертиранадиган валюта деб аталади.

Миллий валютанинг конвертация қилиниши мамлакат иктисодиётининг очиклиги ва иктисодий эркинлик рамзларидан бўлиб, у экспорт-импорт операцияларини ривожлантиришга кучли туртки беради, хорижий инвестициялар оқимини кучайтиришга хизмат қиласди.

Валюталарнинг конвертирланишига доир чекловлар, ташқи савдо чекловлари ва капиталлар ҳаракатига оид чекловлар бир-

<sup>1</sup> McKinnon Ronald J. Money in International Exchange. The Convertible Currency System. – N.Y., 1979. – p.6.

биридан тубдан фарқ қиласи. Бунинг сабаби шундаки, ташки савдо операциялари ва капитал моддалари тўлов балансининг алоҳида-алоҳида бўлимларида ҳисобга олинади.

Одатда, валютавий чекловлар, кўпчилик мамлакатларда ташки ҳисоб-китобларга доир барча турдаги операцияларни қамраб олади ва улар қатъий равишда олиб борилади. Бу ҳол, валюта ресурслари этишмовчилиги ва уларни ишлатишни ўтказилаётган ижтимоий-иктисодий сиёsat йўналишига мувофиқ ҳолда тартибга солиш зарурияти билан боғлиқdir. 80- йиллар бошида ХВФга аъзо - 113 та мамлакатдан 95 тасида тўлов балансининг жорий операциялари, 91 та мамлакатда эса - капиталлар ҳаракати билан боғлиқ операциялар бўйича валюта чекловлари мавжуд эди.

Валютавий чекловлар шакллари турли хил шаклда бўлиши мумкин. Одатда, ташки савдода маҳсулот экспорт қилувчиларга валюта тушумининг барчаси ёки унинг бир қисмини Марказий банк ёки ваколатли банкларга расмий курс бўйича топшириш талаби кенг кўлланилади.

Валютавий чекловлар одатда куйидагиларни назарда тутади:

- чет элга тўловларни ўтказилиши, капитални олиб чиқиб кетилиши, фойдани, олтинни, пул белгилари ва қимматли коғозларни репатриация қилинишини тартибга солиш;
- валюта тушумларининг бир қисмини мажбурий тартибда сотиш;
- тўлов баланси дефицити муаммосининг чукурлашишига йўл кўймаслик;
- мамлакат ишлаб чиқарувчиларини химоя қилиши.

Ўз вақтида, Япония, Жанубий Корея ва Жанубий-Шаркий Осиёнинг бошқа мамлакатлари узок вақт мобайнинда турли хил валютавий чекловлар шаклларини жорий этишга мажбур эди. Мустаҳкам иктисодий салоҳиятга эга бўлган давлат - Хитой ҳам турли хил валютавий чекловларни қўллаган ҳолда бозор муносабатларига ўтишнинг ўз моделини амалга ошириб келди ва факат 1994 йилдан бошлаб тўлов баланси жорий операциялари бўйича конвертацияга оид мавжуд чекловларни бекор қилди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Асиддинов Ж., Жумаев Н. Миллий валютани конвертациялаш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 1999. – №7-8. 59–64- бетлар.

Ички айирбошланиш деганда резидентларнинг мамлакат ичкарисида хорижий валютадаги муайян активлар (масалан, банк депозитлари)ни саклаш ва тегишили тарзда милий валютани мамлакат ичкарисида конвертация қилиш хукуки мавжуд бўлган ҳолат тушунилади. Аммо, мамлакат ичкарисида валютага эга бўлиш ва уни айирбошлаш бўйича ушбу хукуқ мамлакат ичкарисида валюта тўловларини амалга оширилишига рухсат берилиши, шунингдек, чет элга тўловларни ўtkазилиши ёки хорижда жойлаштирилган активларга эгалик қилишни назарда тутмайди. Шунингдек, резидентларнинг норезидентларга қўйилган мажбуриятларини акс эттирувчи ҳар қандай молиявий активларга (хорижий валютадан ташқари) эгалик қилишига ҳар доим ҳам рухсат беришни англатмайди. Аксарият мамлакатлар, ўз зиммаларига олган ҳалқаро мажбуриятларни бажарган ҳолда, айни пайтда, расмий валюта захираларини химоя қилиш чора-тадбирларини кўришга мажбур эдилар. Бунга норезидентлар учун ўз валюталарини конвертация қилинишини жорий этиш ва айни пайтда, хусусий резидентларга ҳалқаро захира активларига эгалик қилишни ман этиш орқали эришилган. Масалан, 1971 йил августига кадар АҚШ ҳалқаро операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган олтинни эркин олди-сотдисини амалга ошириш ва шу йўл билан долларнинг олтинга нисбатан ташки айирбошланишини таъминлашга тайёр эди. Аммо, шу билан бирга, АҚШдаги хусусий резидентларга олтинни саклаш рухсат этилмаслиги сабабли долларнинг олтинга нисбатан ички айирбошланиши ман этилган эди. Айни пайтда, резидентлар йирик микдорда чет эл валютасидаги активларга эгалик қилаётган мамлакатларда ички айирбошланишга эришиш банк тизимига хорижий валютани оқиб келишига хизмат қилиши мумкин.

Фикримизча, бугунги кунда, ички конвертация - атамаси, айниқса ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда нисбатан кенг маъно тарзида тушунилмоқда. Ушбу атама баъзи ҳолларда, жорий операциялар бўйича қисман конвертация амалга оширилишининг синоними сифатида ҳам кўлланилмоқда.

Валюта операциялари бўйича ички конвертацияни жорий этилиши сабаблари турли хилдир.

Ички конвертацияни жорий этишнинг сабабларидан бири бу - резидентларни уларда мавжуд бўлган чет эл валютасидаги нақд

пулларни сотиш ёки депонентта қўйишга кизиктириш ва шу йўл билан валюта ресурсларини банк тизимида йўналтиришдир.

Иккинчи сабаби, параллел бозордаги операциялар ҳажмини қисқартириш ҳисобланади.

Шу билан бирга, ҳар қандай мамлакат халқаро операциялар бўйича конвертацияни амалга оширилишидан қатъий назар, агарда, резидентларга чет эл валютасини харид қилиш ва сотишга ҳеч бир чекловсиз рухсат этса, у ҳолда, ички конвертация жорий этилган ҳисобланади.

Ички конвертацияни жорий этилиши мамлакатда мавжуд бўлган валютани банклар ва бошқа молиявий воситачиларга жалб этиш усусларидан бири ҳисобланади. Агар бундай шароитда курс сиёсати тўғри шакллантирилмаган бўлса, у ҳолда, миллый валютанинг ички айирбошланиши хорижий ички нетто активлар миқдорини кескин камайишига олиб келиши мумкин.

Аmmo резидентларда мавжуд бўлган йирик миқдордаги чет эл валютаси ресурслари Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини амалга оширилишини анча қийинлаштириши мумкин.

Бозор, нархлар ва етарлича мустаҳкамланмаган иқтисодиёт шарт-шароитида аҳолининг миллый валютага бўлган ишончи ҳам мустаҳкам бўлмаслиги мумкин. Шу тарзда, танглик ҳолатлари вужудга келганда ички айирбошланиш миллый валютанинг кенг миёсда хорижий валютага алмаштирилишига олиб келиши ва ўз навбатида, расмий олтин-валюта ресурсларининг камайиб кетишими келтириб чиқарииши мумкин.

Дунёдаги энг етакчи валюталардан ҳисобланган АҚШ банкноталари кўпгина мамлакатлар иқтисодиётига деярли ҳеч қандай қийинчилексиз кириб бормоқда. Америка олимлари Р.Портер ва Р.Йодсонлар ўтказган тадқиқот натижаларига асосан 1995 йилларга келиб АҚШ ташқарисида муомалада юрган банкноталар миқдори таҳминан 200 дан 250 млрд. АҚШ долл. етди. Ажабланарлиси шундаки, АҚШ банкноталарига бўлган талаб АҚШ ичкарисидан кўра ташқарисида кўпроқ бўлмоқда. XX асрнинг 90-чи йилларига келиб, АҚШ банкноталарининг чет мамлакатлардаги ҳажми мамлакат ичкарисига нисбатан 3 баробар тез ўсади<sup>1</sup>. Ҳозирги кунда баъзи давлат-

<sup>1</sup> Porter R. and Judson R. The Location of U.S. Currency. How Much is Abroad?-FRB, Washington. -1996.

ларда миллий валюталарининг - жамғарма воситаси функциясини АҚШ банкноталари бажармоқда.

Америкалик мутахассисларнинг фикрича, 1977-1995 йиллар давомида АҚШ ташқарисига 163,8 млрд. АҚШ долл. олиб чиқиб кетилган ва 1988-1995 йилларда эса – 123,1 млрд. АҚШ долл. олиб чиқилган. Натижада, 1995 йилга келиб умумий нақд банкноталарга нисбатан таҳминан 55 фоиз АҚШ ташқарисида муюмлада юрибди.

Куйида келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, АҚШ долларининг чет давлатлардаги ўсиш суръатлари динамикаси<sup>1</sup> 1977-95 йиллар., млрд. АҚШ долл.

#### 4.1.1-жадвал

#### АҚШ банкноталарининг чет мамлакатлардаги ўсиш суръатлари динамикаси<sup>1</sup>

Йиллар	Ўсиш	Дунё иктисоди		АҚШ иктисоди	
		Сумма	%	Сумма	%
1977	7,9	1,6	20,2	6,3	79,8
1978	8,6	2,6	29,8	6,1	70,2
1979	8,8	2,4	27,2	6,4	72,8
1980	10,6	3,6	33,7	7,0	66,3
1981	7,2	2,3	32,0	4,9	68,0
1982	9,9	3,8	38,1	6,2	61,9
1983	13,7	5,3	38,7	8,4	61,3
1984	9,9	3,5	35,6	6,4	64,4
1985	11,8	5,0	42,5	6,8	57,5
1986	12,8	4,6	36,2	8,2	63,8
1987	16,1	6,0	37,3	10,1	62,7
1988	15,4	6,5	41,9	9,0	58,1
1989	10,4	5,7	54,5	4,7	45,5
1990	24,2	18,3	75,7	5,9	24,3
1991	20,6	15,1	73,1	5,5	26,9
1992	25,5	18,1	71,2	7,3	28,8
1993	29,5	22,3	75,6	7,2	24,4
1994	32,5	23,6	72,5	8,9	27,5
1995	18,3	13,6	74,5	4,7	25,5

Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектларининг хорижий валютадаги захираларининг 90 фоиздан ортиқ қисми АҚШ

<sup>1</sup> Federal Reserve Bulletin, 1996 year, October, pp. 883-903.

долларида шаклантирилган. Бу эса, бир томондан, долларни республикамиз учун асосий битим валютаси эканлигини англатса, иккинчи томондан субъектларнинг валюта захираларини диверсификация қилинмаганлигини билдиради.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган макроиқтисодий сиёсат ва Марказий банкнинг монетар сиёсати авваламбор, нархларнинг баркарорлигини сақлаб туриш ва миллий валютадаги аҳоли даромадини ошириш орқали миллий валютадан манбаатдорликни оширишга қаратилгандир. Миллий валютадаги активларни манбаатдорлик даражасини ошириш ва уни янада мустаҳкамроқ қилиш ва шу йўл билан кенг миқёсда валютани алмашинишга рағбатлантирувчи омилларни камайтириш мухим масаладир.

Ҳозирги вақтда республикамизда валюта сиёсатининг хуқукий асослари яратилган, валюта назорати ва тартибга солинишининг самарали тизими вужудга келтирилган ва бу борада етарлича тажриба тўпланган. Иқтисодий агентлар ўргасида хорижий валютани қайта тақсимлашнинг бир қатор тизимлари фаолият кўрсатмоқда. Биржа ва биржадан ташқари ички валюта бозори ташкил этилган. Расмий олтин-валюта захираларини бошқариш, халқаро молия ташкилотлари билан ўзаро тенг фойдали ҳамкорлик қилишга доир тажриба ва валюта курсини самарали тартибга солиш усуслари мавжуддир. Ушбу ютуклар фикримизча, сўмни тўлиқ конвертирашни жорий этишнинг имконини юзага келтирди. 2003 йилнинг 8 октябрида Ўзбекистон Хукумати ХВФ келишув моддаларининг VIII моддасига имзо чекди ва 2003 йилнинг 15 октябридан бошлаб жорий операциялар бўйича сўмни эркин конвертирашни жорий қилди.

Кўпчилик, иқтисодчи олимлар «жорий операциялар бўйича конвертациянинг жорий этилиши (савдо ва барча тўловларни эркинластиришга доир чора-тадбирлар билан бир қаторда) ракобатчилик интизомини вужудга келтиради ва мамлакатдаги товар ишлаб чиқарувчиларни ишлаб чиқариш ва инвестициялар соҳасида самарали қарорлар қабул қилишда тўғри йўл кўрсатувчи нарх кўрсаткичларини мавжуд бўлишига олиб келади» деб таъкидлашади<sup>1</sup>.

Шунингдек, миллий валютани жорий операциялар бўйича конвертирашни жорий этилиши ислоҳотлар жараённига сезиларли даражада таъсир қўрсатиши мумкин бўлган хорижий инвести-

<sup>1</sup> Polak. Jocques J., “Convertibility: An indispensable Element in the Transition Process in Es. Europ”. W.: Ins. for Int. Ec., June, 1991. – p.41.

цияларнинг жалб килинишига шарт-шароит яратади. Чунки, жорий операциялар бўйича конвертацияни жорий этилиши ишлаб чиқариш ва инвестициялар соҳасида нисбий устуворликлар назариясидан келиб чиқиб, иктиносидай агентларнинг маълум бир соҳада тадбиркорлик қилиш мухитини рағбатлантиради.

Жорий операциялар бўйича конвертацияга эришиш рақобат мухитини яратади. Зеро, у маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни хорижий ишлаб чиқарувчилар билан рақобат курашига киришиш ва турли хил товарлар бўйича жаҳон бозорларида гидек товарларга нисбий нархларни белгилашга ёрдам беради. Рақобат даражаси нафакат миллий валютанинг тўлов баланси жорий операциялари бўйича конвертация қилиниши, балки ташки савдога оид мавжуд чекловларнинг кўлами ва характеристига ҳам боғлиқдир.

Рақобат мухити ишлаб чиқарувчиларни мавжуд хом-ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш йўли билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳажми ва сифатини оширишга мажбур қиласди. Шаркий Европа мамлакатлари каби мамлакатларда саноатнинг кўпчилик тармокларидаги ички нархлар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-куvvatлаш учун етарли даражада эмас эди. Шунинг учун, бу ерда импорт рақобат таъсирининг мухим манбаига айланган. Миллий валютанинг конвертируланишини жорий этиш товар ишлаб чиқарувчилар чиқиши мумкин бўлган бозорларнинг кўламини кенгайтиради, экспортни ривожлантиришга таъсир этади ва рақобат таъсирида аксарият корхоналарни товар ва хизматларнинг муайян турини ишлаб чиқаришини рағбатлантиради.

Узоқ муддатли истиқболда импорт товарлари билан рақобат қилиш, шунингдек, ишлаб чиқаришни янгилаш ва мамлакат саноати маҳсулотларини сифатини ошириш имконини бериши мумкин. Бунда мавжуд шароит корхоналарни ўз маҳсулотларининг импорт қилинаётган товарлар билан рақобатбардош бўлишлари учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг турларини янгилаш бориш, янги технологияларни жорий этишга мажбур этади. Кенг маънода, халқаро рақобат ўз молиявий даромадларини янада кўпайтиришга интилаётган ишлаб чиқарувчиларни, мавжуд устуворликлардан фойдаланган ҳолда, ресурсларни жойлаштиришини тақозо этади. Жорий операциялар бўйича конвертациянинг жорий этилиши ва ташки савдонинг эркинлаштирилиши оқибатида халқаро рақобатни кучайиши - мамлакатдаги корхоналарга жаҳон бозорида устувор

бўлган нисбий нархларга мослаши имкониятини беради. Ушбу шарт-шароитларда, капитал кўйилмалар, қоида тариқасида, кисқа даврда мамлакатда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экспортни ошириш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашда ижобий томондан таъсири этиши мумкин.

Рақобатни кенгайтиришни ижобий таъсири жорий операциялар бўйича конвертацияни кенгайтириш борасида ҳал қилувчи далил бўлса ҳам, фикримизча, миллий иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида ушбу ҳолат муайян рисклар билан боғлиқдир. Ёки, америкалик олим М.Портернинг таъкидлашича: «табиий ресурсларнинг ўзига, ишчи кучинини арzonлиги, валютанинг девальвация қилингандиги каби манбаларга асосланган рақобатдаги устунлик ёки товарларни ишлаб чиқаришдаги қандайдир бошқа ҳаракат аксарият ҳолларда, ишлаб чиқариш санарадорлигининг пастлиги билан боғлиқ бўлади ва ўзининг нобарқарорлиги билан ажралиб туради».

Ўзбекистон мустакиллигининг дастлабки йилларида иқтисодиётдаги таркибий номутаносибликлар, экспорт тушумининг хомашё ресурсларига узвий боғликлиги, хўжалик юритувчи субъектларда айланма маблағларнинг этишмаслиги, дебитор-кредитор қарздорлик муаммоси, сўмни жорий операциялар бўйича тўлиқ конвертирашни жорий этилмаганлиги макроиктисодий барқарорликни таъминлаш имконини берадиган чуқур тузилмавий ислоҳотларни амалга ошириш заруриятини юзага келтирди.

Собиқ Иттифокнинг бошқа республикалари сингари, Ўзбекистон учун ҳам бошланғич даврнинг ўзига хос хусусияти шунда эдики, унга кўра тўла сиёсий мустакил бўлган ҳолда, мамлакатнинг иқтисодий мустакиллиги таъминланмаган эди. Факат иқтисодий ислоҳотларнинг босқичма-босқич, узвий равища амалга оширилиши Ўзбекистонга қийинчиликларни енгиб ўтишга имконият яратиши мумкин эди. Яъни, иқтисодий ислоҳотлар, аста-секин, босқичма-босқич тарзда бозор муносабатларининг реал механизmlарини шакллантириши лозим эди. Ушбу механизmlар бирданига ишга тушмасдан, синовдан ўтиб, аста-секинлик билан йўлга кўйилиши мумкин эди.

Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг тўлиқ ички конвертирланишини таъминлаш иқтисодиётдаги тузилмавий ислоҳотларни амалга ошириш, ички валюта бозорини ривожлан-

тиришнинг босқичма-босқич ва узлуксиз асосида олиб борилди. Бунда, мамлакатимиз ишлаб чиқариш салоҳияти ва эндиғина оёққа туроётган молиявий секторни ҳимоялаш мақсадида валюта ва ташқи савдо операциялари юзасидан бир қатор вақтингчалик чекловлар ва назоратни кўллаш зарур эди.

Ўзбекистон иктисодиётининг юқорида эътироф этилган дастлабки ҳолатида, истеъмолчиларнинг маҳаллий корхоналар маҳсулотларини харид килишдан бош тортиши ва импортга устуворликни бериши ишсизликнинг кескин ўсишига, ишлаб чиқариш корхоналарининг сезиларли қисмини банкрот бўлишига олиб келиши мумкин эди. Бундай ҳолатда, импорт товарлар оқимининг кучайиши, маҳаллий корхоналар маҳсулотлари сифатининг ракобатчи хорижий товарлар сифатига нисбатан анча паст бўлиши, мамлакатдаги товарлар ракобатга бардошлигини сақлаб туриш учун реал иш ҳақини анча камайтириш (валюта курси ўзгаришини хисобга олган ҳолда) зарурияти кун тартибига қўйилган бўлар эди. Натижада, аҳоли даромадининг харид қуввати анча камайиб кетиши мумкин эди, бу эса мультиплікатор самараси таъсири натижасида мамлакатда товар ишлаб чиқариш ҳажмига салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди. Агарда, мамлакатдаги товар ишлаб чиқарувчилар иш шарт-шароитлари анча мураккаблашиб кетса, аҳолининг аҳволи ҳам оғирлашиши мумкин, бу эса, ўз навбатида, иктисодий ислоҳотлар кўллаб-куватланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди.

Ушбу нуктаиназардан қараганда, республикамида кўлланилаётган баъзибир чекловлар салбий омил бўлмаслиги ҳам мумкин. Мавжуд нуктаи назарлардан бирига мувофиқ, кенг миқёсдаги ислоҳотлар дастурини амалга оширишга бел боғлаган мамлакат, сиёсий қашшоқлиқдан воз кечиб катый интизом ўрнатиш йўли билан ушбу дастурларни амалга оширишига бўлган ишончни мустахкамлаши ва уларнинг самарадорлигини оширади.

Давлатимиз валюта сиёсатини амалга оширишда, асосий эътиборни юқори технологик ишлаб чиқариш салоҳиятини шаклантиришга қаратди. Яъни, валюта ресурслари биринчи навбатда ишлаб чиқариш ва технологиялар билан шуғулланा�ётган корхоналарга берилди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Муллажонов Ф.М. Мустакил Ўзбекистон банк сиёсатининг муҳим йўналишлари // Бозор, пул ва кредит. Тошкент, 1998. №8. 5-б.

Шу билан бирга, товар ишлаб чиқарувчилар фаолият кўрсатадайтган мухит хусусияти ва уларнинг импорт қилинаётган товарлар ва хизматларга рақобатбардошлиги бевосита валюта курсининг даражасига боғлиқ бўлади. Жорий операциялар бўйича конвертацияни жорий этилиши сўмнинг алмашув курсини импортни қимматлашувига йўл кўймайдиган даражада барқарорлигини таъминлаб туриш масаласини даврнинг долзарб масалаларидан бирига айлантиради. Бунинг сабаби шундаки, сўмнинг алмашув курсининг пасайиши тенденцияга айланса, бу ҳолат импорт тўловлари қийматини ўсишига олиб келади, инвестицион лойиҳаларнинг рентабеллигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

Жорий операциялар бўйича конвертацияни жорий этилиши натижасида тўлов баланси дефицити микдорининг ўсишини олдини олиш учун миллий валютанинг реал алмашув курсини барқарор тарзда ушлаб туриш талаб этилади.

#### 4.1.2-жадвал

#### **Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг расмий алмашув курси билан ташки савдо операциялари сальдоси ўртасидаги алоқадорликнинг динамикаси<sup>1</sup>**

	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2005 йилда 2001 йилга нисбатан ўзгариши, %
1. Сўмнинг I АҚШ долларига нисбатан расмий алмашув курси	688,00	970,00	980,00	1058,00	1180,00	171,5
2. Ташки савдо операцияларининг қолдиги, млн. АҚШ доллари	317,3	276,4	760,8	1037,0	1317,5	415,2

Энди биз сўмнинг жорий валюта операциялари бўйича конвертируланиши таъминланган шароитда алмашув курсининг динамикасини кўриб чиқамиз.

<sup>1</sup>Ўзбекистон иктисадиёти. Ахборот-таҳлилий шарх, – Тошкент: ИИТМ, 2001-2005 йиллар.

4.1.2-жадвал маълумотларидан кўринадики, сўмнинг алмашув курси 1 АҚШ долларига нисбатан 2005 йилда 2001 йилга нисбатан 171,5 фоизга пасайди. Шу даврда ташки савдо операцияларининг қолдиги 415,2 фоизга ўсили. Ушбу ҳолат ташки савдо операцияларининг ижобий қолдиққа эга эканлиги, сўмнинг алмашув курсини 2002-2005 йиллардагига нисбатан паст даражадаги пасайиш суръатини таъминлашда мухим рол ўйнаётганлигидан далолат беради.

#### 4.1.3-жадвал

#### **Сўмнинг расмий алмашув курси ва ссудаларнинг фоиз ставкалари ўртасидаги алоқадорлик<sup>1</sup>**

Кўрсаткичлар	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.
1. Сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан алмашув курси	688,00	970,00	980,00	1058,00	1180,00
2. Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси, %	26,8	34,5	27,1	18,8	16,0
3. Тижорат банклари кисқа муддатли кредитларининг йиллик ўртача тортилган фоиз ставкаси, %	28,0	32,2	28,1	21,2	18,8

4.1.3-жадвал маълумотларидан кўринадики, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини пасайиб бориш суръатига эга эканлиги, ўз навбатида, тижорат банклари кредитларининг бозор ставкасини ҳам пасайишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида банкларнинг кредит эмиссиясини сезиларли даражада ошириш учун кулагай шароит юзага келди. Бу эса, ўз навбатида, муомаладаги пул массасини ошишига ва шу асосда сўмнинг АҚШ долларига нисбатан қадрсизланишига олиб келди.

Хуоса қилиб айтганда, сўмнинг жорий валюта операциялари бўйича хорижий валюталарга эркин конвертируланиши мамлакатнинг экспорт салоҳиятига нисбатан ижобий таъсирни юзага келтирди. Айни вактда, сўмнинг алмашув курсининг пасайиш жараёнини давом этаётганлиги ўрта муддатли даврий оралиқларда импортга нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтириши мумкин.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланган.

## **4.2. Валюта курси режимини танлаш сиёсати ва уни такомиллаштириш йўллари**

Монографиянинг олдинги бобларида эътироф этилганидек, халкаро амалиётда миллий валюталар курсининг қуидаги уч асосий режими мавжуд:

1. Қатъий белгиланган курс режими (битта валюта турига нисбатан қатъий белгиланган, валюта саватига (масалан, СДР) нисбатан қатъий белгиланган);
2. Бошқариладиган сузиш режими;
3. Эркин сузиш режими.

Валюта курси режимини оқилона баҳолашда “валютанинг фундаментал мувозанатлилик курси” (fundamental equilibrium exchange rate, FEER) тушунчаси АҚШлик профессор Ж. Вильямсон томонидан киритилган эди. FEER валюта курсига мувофиқ, мамлакат ички ва ташқи макроиктисодий кўрсаткичларини бир маромда мувозанатлашган ҳолатида ушлаб туради. Ички мувозанат, иқтисодиётни тўла бандлик шароитида юқори ўсиш суръатларини ва паст даражадаги инфляциянинг мавжудлигини англатади. Ташқи мувозанат жорий операциялар ҳисобрақамларини шундай мувозанатини ўзида намоён этадики, бунда мамлакат мавжуд ташқи қарзлариги тўлай олмай қолиш хавфидан сақлайдиган даражадаги манфий кўрсаткич, шунингдек, бошқа давлатларни шу ҳолатга туширмаслик учун мусбат кўрсаткич меъерини ўзида мужассам этади.

Қатъий белгиланган валюта курсларидан эркин сузиш режимига ўтиш жараёни Бреттон-Вудс валюта тизимининг инқирозга учраши билан босқичма-босқич амалга оширила бошланди.

Дастлаб аксарият ривожланаётган мамлакатлар ўз валюталарини бирор-бир асосий валютага ёки “валюталар саватига” боғлаш амалиётини давом эттиришди. 1970 йилларнинг охирлари эса, бир валютадан “валюталар саватига” боғланиш оммавий тус олди. Бу даврда ХВФнинг Жалб қилишнинг маҳсус ҳуқуклари (СДР) валюта саватчаси сифатида хизмат қилди.

1976-1978 йилларда олтинни демонетизация килиш масаласининг узил-кесил ҳал этилиши натижасида етакчи валюталар эркин курс режимига эга бўлди. Аммо ривожланаётган мамлакатларда белгиланган курс режимига мойиллик узок вакт мобайнида сақланиб

қолди. 1996 йилга келиб, бу күрсаткич 50 фоизни ташкил қилды. 1975 йилда эса белгиланган курслари бор мамлакатлар ривожланыптын мамлакатлар умумий савдо ҳажмидан 70 фоизни ташкил қылган. 1996 йилга келиб, бу күрсаткич 20 фоизгача тушиб кетди.

ВАЛЮТА КУРСИ РЕЖИМИ	ТАВСИФИ
Эркин сузиш режими (Free float)	Курс фақаттегина базор таъсири асосида ўрнатиласиди
Бошкарладиган сузиш (Managed float)	Марказий банк валюталарнинг кескин тебранишлари оқибатларини юмшатиш учун интервенцияларни амалга ошириб туради
Ўрмаловчи боғликликда (Crawling peg)	Марказий банк валюта курсини аник бир даражада ушлаб туриш мақсадида валюта бозорида интервенцияларни амалга ошириб туради
Ўрнатилган чегарада катый белгиланган ёки мақсадли зоналар (Fixed with margin or target zone)	Валюта курсини маълум бир даражада белгиланган чегарада тебраниши рухсат этилади. Агар курс белгиланган чегарадан чиқиб кетса, Марказий банк валюта бозоридаги холатни ўзгартириб юбориш учун интевенцияларни амалга оширади
Тартибга солинувчи катый ўрнатилинганди (Fixed but adjustable)	Базор ёки марказлашган усуслар билан валюта курси узок муддатга белгилаб кўйилади. Бунда валюта курсининг тебраниш чегараси киска даражада ўрнатиласиди. Агар макроиктисодий нобарқарорлик ёки валюта курсига сезиларли босим юзага келса, ўрнатилган курс ўзгартириласиди
Марказий банк томонидан курсни белгиланиши (Fixed by Central Bank)	Тартибга солинувчи катый ўрнатилинганди курс режимининг мукаммалрок ва шаътлари оғирроқ шакли
Валюта бошқаруви томонидан белгиланган ёки олтин стандарт (Fixed by Currency board or gold standard)	Бунда мавжуд пул базаси валюта (ёки олтин) резервлари билан таъминланиши лозим
Ягона валюта (Unified Currency)	Олдин мавжуд бўлган мустакил валюталарни янги кайта тузилган ягона ёки мавжуд валютага ўтказиш

#### 4.2.1-чизма. Валюта курси режимлари ва уларнинг шакллари<sup>1</sup>

Жараён нисбатидаги ўзгаришлар яққол кўзга ташланиб турибди. Аммо, статистик маълумотлар асосида бундай фарқликка эга

<sup>1</sup> С.Р. Моиссеев. Международные валютно-кредитные отношения. – Москва: Дело и Сервис, 2003. – с. 14.

бўлган ўзгаришлар ўта кескин тусга кирмаган. Бунинг сабаби шундан иборатки, ўз валюта курсини “бошқариладиган сузиш” ёки “мустакил сузиш” деб номланувчи мамлакатлар аксарият ҳолларда норасмий равишда курсни белгилаб турари ёки уни пул-кредит сиёсатининг асосий инструментларидан бири сифатида қўллади<sup>1</sup>.

Ривожланаётган мамлакатларга тегишли бўлган умумий ривожланиш жараёнидаги бир неча истисно холатларни қайд этиб ўтиш лозим. Биринчи истисно ҳолат Шимолий Африкадаги Франция франкининг ҳудуди. Бу ерда 1948 йилдан бошлаб (1994 йилда кескин девальвацияни амалга оширилишига қарамасдан) ўн тўртта мамлакат ўз валюта курсини 2002 йилга қадар Франция франкига боғлаб келди. Аммо бир қатор мамлакатлар томонидан валюта курсининг сузиш режимидан белгиланган режимига ўтиб, умумий қонуниятларни бузиш ҳоллари ҳам кузатилди. 1991 йилда валюта бошқарувини жорий этган Аргентина, 1983 йилда шу режимга ўтган Гонконг мазкур мамлакатлар жумласига киради. Бундан ташқари, XX асрнинг 90-йилларининг иккинчи ярмидан бошлаб ўтиш иқтисодиётига эга бўлган бир неча мамлакат валютавий бошқарув тизимини жорий этди. Шунга қарамасдан белгиланган курсдан сузиш режимига ўтиш тенденцияси кучайиб борди. 1976 йилда валюта курсларининг белгиланган режими Африка, Осиё, Яқин Шарқда, Европанинг саноатлашган қисмида кенг тарқалган эди. 1996 йилга келиб эса, ушбу мингтакаларда валюта курсининг эркин сузиш режими уступор эди.

Ривожланаётган мамлакатларда эркин сузиш режимининг шаклланишига туртки бўлган сабаблар турличадир. Шу билан бирга, сузиш режимига ўтишни олдиндан прогноз қилиб бўлмайди, дейиш мумкин эмас. 1973 йилда Бреттон-Вудс тизими парчалангандан аксарият мамлакатлар ўз валютасини АҚШ долларига боғлашни давом эттиридилар. Бундай ҳолат кўпроқ иқтисодий сиёсатдаги консерватизм туфайли юзага келди. Етакчи эркин алмашинадиган валюталарнинг эркин сузиш режимига ўтиши уларнинг курсларини кескин тебранишларини юзага келтирди. Бунинг натижасида ривожланаётган мамлакатлар валюта курсини фақат бир

<sup>1</sup> Н.Х.Жумаев. Валюта курсини танлаш сиёсатининг халкаро валюта муносабатларига таъсири // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2006. – №12. 4-б.

валютага боғлаш амалиётидан воз кечди. Масалан, анъанавий тарзда ўз валюталарини АҚШ валютасига боғлаб келган аксарият мамлакатлар 80-йилларнинг биринчи ярмида валюта саватига ўтишни бошлади. АҚШ долларининг кескин равишда кўтарилиб кетиши бунга сабаб бўлди. 80-йилларда аксарият ривожланётган мамлакатларда инфляция суръатларининг ўсиши режим ўзгаришининг яна бир муҳим омили бўлиб хисобланади. Асосий ташқи савдо шерикларига нисбатан инфляцияси юқори бўлган мамлакатлар, ракобатбардошлигини йўқотмаслик мақсадида, тез-тез девальвациядан фойдаланар эди. Мазкур ҳолатда валюта курси олдиндан белгилаб кўйилган кўрсаткичлар, масалан, инфляциянинг мақсадли кўрсаткичи, пул массасининг ўсиш суръати асосида тартибга солинади.

Юқори инфляцияга дучор бўлган баъзи бир мамлакатлар кейинчалик қайтадан яна белгиланган курсга қайтиб келиб, уни барқарорлаштириш дастурининг асосий унсури сифатида қўллашди. Валюта курсига асосланган бундай барқарорлаштирувчи дастурлар кисқа муддатли бўлиб, улар ўртacha ўн ойгача чўзилади. Инфляция муаммосидан ташқари, ривожланётган мамлакатлар, ташқи тазиикларга дуч келди. Халқаро фоиз ставкаларининг кескин ўсиб кетиши саноати ривожланган мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши, қарз инқизорининг 80-йиллардаги чукурлашишига сабаб бўлди. Ташқи тазииклар шароитида иқтисодиётни соғломлаштириш кўп ҳолларда нафакат валютани даврий қадрсизланишини, балки валюта курсининг бошқариладиган сузиш режимини жорий этишини талаб киларди. 90-йилларнинг охирида халқаро капитал ва кредитлар ҳаракатининг ошиши (хусусан, капиталнинг даврий оқиб келиши ва оқиб кетиши) валюта оқимларининг кескин тебранишларига сабаб бўлди. Бу эса, эркин сузиш режими фойдасига қўшимча далил бўлди.

Эркин сузиш режимига устуворликнинг берилиши, ташқи савдо ва инвестицияларда очиқ иқтисодий сиёсат, бозорда шаклланган валюта курси ва фоиз ставкаларига ишончни ошиши билан боғлик эди. Амалда эса, ривожланган мамлакатлар курснинг шаклланишида бозорнинг таъсирини камайтиришга ҳаракат килади. Ривожланётган мамлакатларнинг аксарияти кичик ва ликвидлилек даражаси паст бўлган валюта бозорларига эга. Бу ерда амалга оширилган бир

неча йирик битимлар курс алмашинуvida катта ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, ривожланаётган мамлакатларнинг асосий қисми ҳали ҳам валюта курсларининг шаклланиш жараёнига аралашишга мажбур.

Муайян макроиқтисодий сиёсат олиб борилганда, икки валюта курси режимиининг ҳеч бири – белгиланган ёки сузиш режими – бир-биридан мутлақ афзалликларга эга бўлмайди. Белгиланган курс паст инфляция ва молиявий баркарорликнинг сабабчиси ва бу хусусият унинг асосий устуворлиги, деган фикр 90-йилларгача ҳукмрон эди. Статистика бўйича валюта курси расмий равишда қўлланилаётган мамлакатларда инфляция аста-секин камайиб, камроқ таъсирчанлик хусусиятига эга бўлганлиги қайд этилган. Бироқ, 90-йилларда, жаҳон молия тизими етарли даражада барқарор ривожланаётган бир пайтда, икки режимда содир бўлаётган инфляциялар ўртасидаги фарқ сезиларли даражада камайди. Ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларидағи фарқ ҳам камайди. ХВФ эксперплари томонидан амалга оширилган таҳлил натижалари шуни кўрсатдик, сузуви валюта курси қўлланилаётган мамлакатларда ўсишнинг ўртача жадаллиги белгиланган курсни қўллаётган мамлакатларга нисбатан сезиларли даражада юкори бўлмоқда. Бу эса, асосан, сузиш режимини қўллаётган Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларига тегишилдири. Бироқ аксарият Осиё мамлакатлари амалда валютани тартибга солиш соҳасида катъий сиёсат олиб борди. Агарда улар эътиборга олинмаса, унда жаҳондаги икки валюта режими ўртасидаги ўсиш жадаллиги бир-биридан унча фарқланмайди. Макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича улар кўп жиҳатдан ўхшаш бўлса, унда қайси бир режимни (айниқса барқарор бозор даврида) танлаш зарур, деган савол туғилади.

Валюта курсини шакллантириш режимини танлаш тажрибаси шуни кўрсатдик, унча катта бўлмаган ва очиқрок бўлган иқтисодиётда (яъни, экспорт ва импортга қаттиқ боғлиқ бўлган) белгиланган валюта курсини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Баъзи мамлакатларнинг ташки савдо айланмасидаги улуши, шунингдек, ташки савдога бўлган боғлиқлик белгиланган курс режимининг афзаллигини билдиради.

Валютавий боғланиш даврида ҳам ҳукумат муайян даражада мослашувчан сиёсатни қўллайди. Масалан, ҳукумат ошиб бораётган фискал дефицитнинг инфляцион заарларини келажакка сурини

имкониятига эга. Бунинг икки йўли, яъни олтин-валюта захиралар хажмини пасайтириш ёки белгиланган курс инқизози мукаррарлашганда ташки қарзни маълум бир даражага етказиш лозим. Мослашувчан курс шароитида иқтисодий сиёсатнинг зарарлари алмашув курси ва нархнинг юқори даражадаги ўзгарувчанлиги орқали тезроқ намоён бўлади. Мазкур икки омилнинг юқори даражадаги ўзгарувчанлиги умуман олганда нафақат салбий, шу билан бирга, ижобий таъсири килиши ҳам мумкин. Улар ҳукуматни ташки қарзнинг ўсишига йўл кўймасликка қаратилган сиёсатни олиб боришга мажбур қилди. Агар макроиктисодий барқарорлик таъминланмаса, у ҳолда, ўрта ва узок муддатли даврий оралиқда валюта курсининг барқарорлигини таъминлаб бўлмайди. Масалан, узок вақт давомида валюта курсини ҳимоя қилиш мақсадида юқори фоиз ставкаларини қўллаш валюта режимига бўлган ишончни йўққа чикаради. Айниска, иқтисодиётнинг паст рентабелли сектори ёки кучсиз банк тизимиға эга бўлганда бу ҳолат тез кўзга ташланади.

Баъзи бир ҳолатларда ишончлилик ва эгилувчанликни танлаш нафакат иқтисодий, балки сиёсий омилларга боғлик бўлади. Масалан, белгиланган курс шароитида алмашув курсини мувофиқлаштириш ҳукумат учун қийинрок кечиши мумкин. Эркин сузиш режимида эса, бу вазифа осон бажарилади. Гап шундаки, биринчи ҳолатда ҳукумат курсни мувофиқлаштириш маъсулиятини ўз зиммасига олади. Сузувчи курснинг ўзгариши эса бозор таъсирига боғланади ва унинг учун маъсулиятни ҳеч ким ўз зиммасига олмайди. Агар мамлакатда тез-тез ҳукумат таркиби ўзгариб турса, шунингдек, сиёсий зарарлар юқори бўлса, унда ҳукумат эркин сузиш режимини танлайди.

Монетар сиёсатнинг индикатори сифатида белгиланган курсни танлаган мамлакатлар учун кейинги ечим бир валюта ёки валюта саватини танлаш ўртасида ётади. Бир томондан, у ҳалқаро савдонинг муайян мамлакатлар билан жадал кечишига, иккинчи томондан ташки қарзнинг валюта номиналига боғлиқдир. Базавий валютанинг номинали белгиланишига қарамасдан унинг функцияси бошка валюталардан фарқли равишда миллий пул бирлигининг тебранишини билдиради. Акс ҳолда, валюталар саватига боғланганда сават таркибидаги алоҳида олинган валюталар курсларининг тебранишидан миллий иқтисодиётга зарар етказилишининг олдини олиш мумкин. Шундай килиб, эркин су-

зиш режимида етакчи савдо ҳамкорининг миллий валютасига боғланиш одатда энг яхши ечим ҳисобланади. Бироқ, баъзи бир вактларда ташқи қарзниңг аксарият қисми бошқа валюталарда белгиланиши мумкин. Бу эса, боғланиш турини танлашда кийинчиликларни юзага келтиради.

Валюта курси сиёсатини танлаш факат белгиланган ва эркин сузуви курслар ўртасида оддий танлаш эмас, балки турли эгилувчанлик даражасига эга бўлган эҳтимолий варианtlар диапазони, деб қараш тўғрирок бўлади.

Валюта курсининг турли режимларини ишлатиш тажрибаси шуни кўрсатадики, агар танлаб олинган стратегия реал шаклланаётган иқтисодий аҳволга жавоб бермаса, унда у иқтисодий кийинчиликларни янада мураккаблаштиради. Масалан, иқтисодиёти нисбатан ёпик мамлакатлар катта давлат бюджети дефицитига эга бўлсалар, у ҳолда уларнинг белгилangan валюта курсини қўллаб-қувватлаш стратегияси нореал бўлади, чунки, у қисқа вакт ичидан мамлакатдан хорижий валюта захираларини йирик миқдорда чиқиб кетишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасида валюта курси режимини танлашда юқорида қайд этилган ҳолатлардан ташқари экспорт тушуми ва импорт тўловлари ўртасидаги ижобий сальдонинг барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, мамлакат экспорт тушумининг умумий ҳажмида хом-ашё ресурсларининг экспортидан олинган тушум сезиларли даражада юқори салмоқни эгаллайди. Масалан, 2005 йилда пахта толаси, энергоресурслар ва нодир металларни сотишдан олинган экспорт тушумининг жами экспорт тушумидаги салмоғи 39,8 фоизни ташкил киради. 2004 йилда эса бу кўрсаткич 39,1 фоизни ташкил этди<sup>1</sup>. Хом-ашё ресурсларининг баҳоси жаҳон конъюнктурасининг ўзгариши туфайли тез-тез тебраниб туради. Бунинг натижасида экспорт тушуми камаяди ва шунинг асосида ташки савдо айланмасининг нобарқарорлиги юзага келади. Буни аниқ далиллар орқали кўришимиз мумкин. 2004 йилда пахта толасини сотишдан олинган тушумнинг жами экспорт тушумидаги салмоғи 18,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 19,1 фоизни ташкил этди. Бу-

<sup>1</sup> Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот – таҳлилий шарх. – Тошкент: ИИТМ, 2006. 41-б.

нинг асосий сабаби Жанубий-шаркий Осиё мамлакатларида енгил саноатни кескин ривожланиш даврини бошланганлиги натижасида пахта толасига бўлган талабнинг ошиши ва шунинг асосида пахта толаси баҳосининг ошганлиги билан изоҳланади. Агарда кейинчалик жаҳон бозорида пахта толаси таклифи кўпайса ва унинг истельмоли ҳажми қисқарса, бу ҳолат пахта толасининг баҳосини сезиларли даражада пасайишига ва уни сотишдан олинган тушумнинг миқдорини кескин камайишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси экспортининг умумий ҳажмида хом-ашё ресурсларини экспорт қилишдан олинаётган валюта тушумининг салмоғини сезиларли даражада юқори эканлигини ва бу омил ташқи савдо баланси сальдосининг тебранишига бевосита таъсир этишини ҳисобга олиб, бизнинг фикримизча, валюта курсининг қуидаги иккита режимидан бирини танлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- эркин сузиш режими;
- бошқариладиган сузиш режими.

Эркин сузиш режимини республикамида қўллашнинг муҳим зарурий шартларидан бири, фикримизча, интервенцион фондни шакллантириш ҳисобланади.

Бошқариладиган сузиш режимини республикамида қўллашнинг муҳим зарурий шартларидан бири, фикримизча, сўмнинг АҚШ долларига нисбатан тебранишининг куйи ва юқори чегараларини ўрнатиш ҳисобланади.


Фикримизча, мазкур икки шартга риоя этмаслик ташқи савдо сальдосининг кескин тебранишига ва шунинг асосида сўмнинг алмашув курсининг нобарқарорлигига олиб келади. Чунки экспорт тушумлари Ўзбекистон Республикаси тўлов балансининг тушумлар кисмининг асосий моддаси ҳисобланади.

#### **4.3. Валютани тартибга солиш амалиётининг мамлакатнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришдаги ролини ошириш йўналишлари**

Маълумки, ички ва ташқи баҳоларнинг нисбати нуқтаиназаридан олиб караганда, валюта курсининг нисбатан аниқ кўрсаткичи бўлиб реал алмашув курси ҳисобланади. Миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан реал алмашув курси мам-

лакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга нисбатан рақобатбардошлиқ даражасини кўрсатади. Икки томонлама реал алмашув курсини ҳисоблашда муҳим мезон вазифасини икки мамлакат ўтасидаги ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланганини даражаси бажаради.

Миллий валютанинг реал алмашув курси баҳоларнинг мавжуд даражаси шароитида миллий валюта қийматининг хорижий валюта қийматига нисбатан ўзгаришини кўрсатади. Миллий валютанинг реал алмашув курсининг пасайиши мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигининг пасайишига ва, аксинча, алмашув курсининг кўтарилиши маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошишига олиб келади.



#### 4.3.1-расм. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти ва сўмининг реал алмашув курси кўрсаткичларининг динамикаси (1994–2004 йиллар)<sup>1</sup>

Ташқи савдо операцияларининг динамикасини, бизнинг фикримизча, тўрт даврга бўлиш мумкин:

<sup>1</sup> Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланди.

- биринчи давр 1994–1996 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда миллий валюта – сўм муомалага киритилди ва хўжалик субъектларининг хорижий валютадаги маблағлар сотиб олиш имконияти таъминланди.

- иккинчи давр 1997–1999 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда тўлов балансининг жорий операциялари бўйича чекловлар жорий килинди.

- учинчи давр 2000–2003 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда миллий валюта бозорини эркинлаштириш бошланди ва кучайтирилди.

- тўрттинчи давр 2003 йилдан кейинги даврни ўз ичига олади. Бу даврда сўмнинг тўлов балансининг жорий операциялари бўйича хорижий валюталарга эркин конвертирулиши жорий этилди, биржадан ташқари валюта бозори эркинлаштирилди. 2003 йилнинг 15 октябридан боштаб Ўзбекистон хукумати ХВФ келишув моддаларининг VIII моддаси бўйича мажбуриятларни қабул килди ва шу санадан эътиборан сўмнинг жорий операциялар бўйича хорижий валюталарга эркин айирбошлиш жорий этилди. Факат ҳозирча республикамиз худудида сўм АҚШ доллари, евро, Япония иенаси, Буюк Британия фунт стерлинги ва Швейцария франкига айирбошланади.

#### 4.3.1-жадвал

#### Сўмнинг алмашув курси ва экспорт ўртасидаги корреляцион боғликларининг таҳлили (2000-2003 й.)<sup>1</sup>

	Марказий банкнинг курси	Айирбошлиш шахобчаси курси	Параллел курс	Экспорт
Марказий банкнинг курси	1.000000	0.775556	0.591245	0.297996
Айирбошлиш шахобчаси курси	0.775556	1.000000	0.708065	0.141231
Параллел курс	0.591245	0.708065	1.000000	-0.026796
Экспорт	0.297996	0.141231	-0.026796	1.000000

2000 йилдан 2003 йилгача бўлган даврда валюта сиёсати босқичма-босқич амалга оширилди. Бунинг натижасида сўмнинг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланган.

жорий операциялар бўйича тўлиқ конвертирланишини таъминлаш имкони юзага келди. Биз қуидаги жадвал маълумотлари орқали сўмнинг алмашув курси ва экспорт ўртасидаги корреляцион боғликликни таҳлил қиласиз.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, валюта сиёсатини эркинлаштириш даврида валюта курси билан экспорт ўртасидаги боғликлек деярли мавжуд бўлмади. Шу сабабли, ташқи савдо операциялари ривожланишининг учинчи даврида мамлакат экспорти валюта курсига боғлиқ бўлмади. Фақатгина Марказий банкнинг расмий биржа курсига нисбатан ижобий томонга маълум бир силжиш кузатилди. Бу эса, 2000-2003 йилларда Ўзбекистон Марказий банки томонидан пул массасининг ўсишини чеклашга қаратилган пул-кредит сиёсатини олиб борилганилиги билан изоҳланади.

Умуман олганда, талабнинг эластиклиги маълум бир товарга бўлган талабнинг иқтисодий ва ижтимоий омилларнинг таъсирида ўзгариши ҳисобланади. Ушбу омилларнинг ўзгариши эса баҳоларнинг ўзгариши билан боғлиқдир. Агар баҳолардаги сезиларсиз ўзгариш сотиб олинадиган маҳсулотларнинг миқдорини сезиларли даражада ўзгаришига олиб келса, бундай талаб нисбатан эгилувчан талаф дейилади.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо операцияларида асосан АҚШ доллари қўлланилади. Шу сабабли, экспорт ва импортнинг эластиклигини ҳисоблашда сўмнинг АҚШ долларига нисбатан реал алмашув курсидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса, ўз навбатида, икки мамлакатдаги истеъмол баҳолари индексини такқослаш йўли билан аникланади. Бунда база даври сифатида 1994 йилнинг декабри олиниши лозим, чунки бу даврда миллий валюта муомалага киритилди ва пул-кредит сиёсатида ислоҳотлар бошланди.

1997-1999 йиллар даврида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан реал алмашув курси мамлакат экспортининг қиймат ҳажмига салбий таъсир кўрсатди. Эластиклик кўрсаткичи 0,58 ни ташкил қилди, бу эса, экспортни мазкур даврда сўмнинг реал алмашув курсига нисбатан мутлақо ноэластик бўлганлигидан далолат беради. Бошқача қилиб айтганда, бу даврда АҚШ доллари қийматининг ошиши экспорт қийматининг пасайишига олиб келди. Аксинча, бу даврда импортнинг мутлақ эластиклиги кузатил-

ди, чунки эластиклик коэффициенти 1,59 ни ташкил қилди. Яъни, АҚШ доллари қийматининг ошиши импорт ҳажмининг камайишига олиб келди.

Энди биз 2003 йил ва ундан кейинги даврда сўмнинг алмашув курси билан экспорт ўргасидаги алоқадорликни таҳлил қиласиз.

2002-2005 йилларда сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курсининг пасайиши тенденцияси кузатилди. 2005 йилда сўмнинг алмашув курсини пасайиши 2001 йилга нисбатан 71,5 фоизли пунктни ташкил этди. Биргина 2005 йилда 11,0 фоизни ташкил этди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатнинг экспорт салохиятига бевосита таъсир кўрсатди. Биз бу таъсирни куйидаги жадвал маълумотлари оркали таҳлил қиласиз.

#### 4.3.2-жадвал

#### **Сўмнинг алмашув курси ва мамлакатнинг экспорт салохияти ўргасидаги алоқадорликнинг динамикаси (2003-2005 й.)<sup>1</sup>**

Кўрсаткичлар	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2005 йилда 2003 йилга нисбатан ўзгариши, %
Экспорт (млн. АҚШ доллари)	3725,0	4853,0	5408,8	145,2
Ташки савдо сальдоси (млн. АҚШ доллари)	760,8	1037,0	1317,5	173,2
Сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан алмашув курси (сўм)	980,00	1058,00	1180,00	120,4

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2003-2005 йиллар мобайнида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курсининг пасайиши мамлакатнинг экспорт салохиятига ижобий таъсир кўрсатган. Таҳлил қилинган давр мобайнида сўмнинг алмашув курси 20,4 фоизга пасайгани ҳолда, экспорт тушуми 45,2 фоизга, ташки савдо бўйича соф сальдонинг миқдори эса, 73,2 фоизга ўсган. Бу эса, миллий валютанинг алмашув курсини импортга сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатаётганлигидан ҳам далолат беради.

<sup>1</sup>Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-тахлилий шарх. – Тошкент: ИИТМ, 2003-2005 йй.

Умуман олганда, миллий валютанинг девальвация қилиниши мамлакатда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат килади. Бундан ташқари, экспортёrlарга миллий валюта курсининг пасайиши ҳисобига спекулятив даромад олиш имкониятини юзага келтиради. Айни вақтда, миллий валютанинг сезиларли даражада девальвация қилиниши импортнинг қимматлашувиға, импорт тўловлари номинал қийматининг ошиб кетишига олиб келади.

Шуниси аҳамиятлики, 2005 йилда тайёр маҳсулот ва хизматларнинг экспортдаги улуши унинг жами ҳажмининг 50 фоиздан кўпрогини ташкил қилди. Бу эса, Ўзбекистон ҳукуматининг экспорт сиёсатида тайёр маҳсулотлар экспортини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради. Тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш экспорт қилинаётган товарлар билан боғлиқ бўлган қўшимча қийматни республикада қолдириш имконини беради.

Мамлакатнинг ташки савдо балансида юқори даражадаги (1,3 млрд. АҚШ доллари) ижобий сальдонинг мавжудлиги хорижий валютадаги захираларнинг миқдорини оширишга бевосита таъсир кўрсатди ва республиканинг олтин-валюта захираларининг умумий миқдори 2005 йилда 2004 йилдагига нисбатан 1,3 мартаға кўпайиб, 3 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди.

2005 йилда барча товарлар гурухлари бўйича экспорт ҳажмининг ўсиши кузатилди. Шунингдек, хом-ашё маҳсулотларига (1,0-1,2 баробар) нисбатан хом-ашё бўлмаган маҳсулотлар (1,1-1,3 баробар) экспортининг сезиларли ўсиши кузатилди. 2005 йилнинг тўртинчи чорагида 2004 йилнинг шу чорагига нисбатан машина ва ускуналар бўйича экспорт ҳажмининг камайиши 2004 йилнинг тўртинчи чорагида 2003 йилнинг шу чорагига нисбатан машина ва ускуналар экспорти ҳажмининг юқори даражада (2 баробарга) ўсганлиги билан изоҳланади. 2005 йил якунлари бўйича 2004 йилга нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари экспортининг ҳажми 1,1 баробарга, машина ва асбоб ускуналар экспортининг ҳажми эса, 1,3 баробарга ошди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Экономика Узбекистана. Информационно – аналитический обзор. – Ташкент, 2006 г. – с. 40-41.

2005 йилнинг охирига қадар пахта толаси баҳосининг ошиш тенденциясини сақланиб қолганлиги пахта толаси экспорти ҳажмининг ошишига сабаб бўлди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ва экспорт килинаётган бир қатор товарларга қулай жаҳон бозори баҳоларининг сақланиб турганлиги 2005 йилда экспорт ҳажми ўсишининг асосий омилларидан бири сифатида сақланиб қолди. Йил давомида пахта хомашёси ва толасининг жаҳон бозоридаги нархларининг ўсиши дунё бўйича пахта ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларининг пахта толаси истеъмолининг ошиши натижасида давом этди. 2005 йилнинг декабрь ойи ўргаларига келиб олтиннинг бир унциясининг нархи 536,5 АҚШ долларигача кўтарилди, бу эса сўнгги 24 йил учун рекорд даражадаги котировка ҳисобланади.


Олгин нархининг юқорилиги “Катрина” тўғони туфайли АҚШ иқтисодиётiga етказилган зарап оқибатида иқтисодий инқирознинг юзага келиши мумкинлиги сабабли америка долларига бўлган қизикишнинг пасайиши, нефть баҳосининг юқорилиги ва марказий банклар томонидан олтинни расман сотилмаганлиги натижасида юзага келди. Чунки, Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг банклари олтинни сотиш бўйича кўшма битимлар асосида 2005 йилнинг июль ойига қадар олтиннинг белгиланган йиллик ҳажмини бутунлай сотиб бўлишгани сабабли 2006 йил бошигача ўзларининг олтин заҳираларини сота олмадилар. Бир вақтнинг ўзида Аргентина Марказий банки олтин бозорида уни сотиб олишини фаоллаштириди. Миснинг нархи ўз тарихидаги энг юқори даражасига етди. Жорий йилнинг ўргаларидан бошлаб миснинг нархи бир тоннаси учун 3469 АҚШ долларига тенг бўлиб, бу 2004 йилга нисбатан 41 фоизга кўп деганидир.

Металл нархининг ошишига сабаб сифатида Аризона ва Замбия руда конларида ишчиларнинг иш ташлашларини, Лондон биржасида товар заҳираларининг қисқаришини, шунингдек, “Хитой омили”ни – юанни ревальвацияланиши ва ушбу давлат иқтисодиётининг юқори ўсиш суръатига эга бўлишини келтириш мумкин<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Интернет маълумотлари ([russian.people.com.cn](http://russian.people.com.cn), [gazeta.kz](http://gazeta.kz), [quote.ru](http://quote.ru), [finance.mail.ru](http://finance.mail.ru))

Шуниси аҳамиятлики, мамлакатимизда импортнинг экспорт билан қопланиш коэффициентининг амалдаги даражаси юқори бўлиб, 2005 йил якуни бўйича 1,32 ни ташкил этди. Натижада, фаол савдо балансининг ижобий сальдоси 2004 йил билан тақкослаганда 280,5 млн. АҚШ долларига ортиб, 1317,5 млн. АҚШ долларига тенг бўлди.

Биз күйидаги расм орқали экспорт ва импорт ҳажмининг ўзгаришини таҳлил қиласиз.



4.3.2-расм. Ўзбекистон Республикаси экспорти ва импорти  
ҳажмининг ўзгариши (2004–2005 йилларнинг чораклик  
даврий оралиқлари бўйича)<sup>1</sup>

Расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2004–2005 йилларнинг деярли барча чоракларида экспорт тушумларининг импорт тўловларига нисбатан юқори ўсиш суръати таъминланган. Бу эса, энг аввало, сўмнинг алмашув курсини импортга нисбатан экспорт учун кулай бўлганлиги билан изоҳланади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси ташки савдо операциялари ривожланишининг иккинчи ва учинчى даврларida сўмнинг АҚШ долларига нисбатан реал алмашув курси-

<sup>1</sup>Расм муаллиф томонидан “Ўзбекистон иктисодиёти” ахборот-таклилий шархи маълумотлари асосида шакллантирилди.

нинг мамлакатнинг экспорт салоҳиятига нисбатан салбий таъсири юзага келди ва бу таъсири экспорт тушумларининг камайишига сабаб бўлди. Шу сабабли, фикримизча, сўмнинг номинал ва реал алмашув курсларининг экспортга таъсирини доимий мониторинг обьектига айлантирган ҳолда, уларнинг ўртасида сезиларли фарқнинг юзага келишига йўл қўймаслик лозим. Бунинг учун эса, Марказий банк валюта интервенциясидан ва девальвациядан фойдаланиши зарур. Бундан ташқари, товарлар экспорти таркибида тайёр маҳсулотлар экспортининг 50 фоиздан юқори бўлган даражасини барқарор тарзда сақлаб туриш орқали хомашё ресурсларининг жаҳон баҳоларини ўзгариши натижасида экспорт тушумига ва миллий валютанинг алмашув курсига нисбатан юзага келтирадиган салбий таъсири даражасини сезиларли даражада камайтириш мумкин.

---

## **У БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВАЛЮТАНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТИЗИМИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

### **5.1. Валютавий назорат амалиётини такомиллаштириш**

Валютавий назорат валютани тартибга солиш тизимининг асосий элементларидан бири бўлганлиги сабабли, уни такомиллаштириш йўналишлари тизимнинг ўзини концептуал асосларини такомиллаштириш йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги (2003 йил 11 декабрь) “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунининг 20-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикасида валютавий назоратни амалга оширувчи органлар ҳисобланади. Лекин Қонунда ҳар бир валютавий назорат органининг ўз ваколати доирасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатилмаган. Шу сабабли, валютавий назоратни амалга оширишда тақрорланишлар, айрим назорат органларининг ваколати доирасидаги вазифаларни бошқа субъектларнинг зиммасига юклаш ҳоллари юз бермоқдаки, бунинг оқибатида валютавий назоратнинг самарадорлиги пасаймоқда. Бу борадаги ана шундай долзарб муаммолардан бири экспорт-импорт шартномаларини рўйхатга олиш, улар бўйича тўловларнинг ҳисобини юритилишини мамлакатимизнинг тижорат банкларининг зиммасига юклатилганини ҳисобланади. Ҳолбуки, тижорат банкларида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилиш функцияси мавжуд эмас.

Республикамизда валюта сиёсатини эркинлаштирилиши муносабати билан хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи иқтисодий операцияларини ҳисобга олишнинг янги механизми яратилди. Мазкур механизм доирасида 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сонли “Импорт шартномалари рўйхатга олиш ва ташқи иқтисодий операцияларнинг божхона мониторингини амалга ошириш тўғрисидаги Низом”га мувофиқ ташқи иқтисодий операцияларнинг ягона элек-

tron ахборот тизими яратилди (ТИОЯЭАТ). Тизим реал вақт режимида ишлайди ва ташқи савдо шартномалари тўғрисидаги умумий ва кўшимча маълумотларни ўзида саклайди. Низом бўйича тизимга фақат импорт шартномаларини рўйхатта олиш кўзда тутилган бўлсада, аслида экспорт шартномаларини рўйхатта олиш тўғрисидаги маълумотлар ҳам киритилмоқда. Низомнинг 2-бандига мувофиқ, барча товарлар импортини кўзда тутувчи шартномалар тижорат банкларида рўйхатта олингандан сўнг 7 кун ичida божхона органларида рўйхатта олиниши лозим.

Ваколатли тижорат банклари маълумотларни ўз вақтида ва ишончли тарзда ТИОЯЭАТга киритиш ва тўлов шаклларидан тўғри фойдаланиши юзасидан жавобгар ҳисобланадилар ва жорий ой учун кейинги ойнинг 10-санасидан кечикмаган ҳолда, импорт килинаётган товарларнинг ўз вақтида келиб тушмаслик ҳолатлари ва экспорт тушумининг ўз вақтида келиб тушмаганилиги ёки тўлик келиб тушмаганилиги ҳолатлари аниқланган тақдирда, маълумотларни солиқ ва божхона органларига тегишли чоралар кўриш учун жўнатади. Демак, ташқи савдо операциялари назорати доирасида амалга оширилаётган асосий вазифалар тижорат банклари зиммасига юкланганди. Бу эса, валютавий назоратнинг таъсир даражаси ва самарадорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради. Чунки, биринчидан, давлат божхона кўмитаси давлат валютавий назорат органи сифатида ўзининг вазифаларини тўлақонли бажара олмаяпти; иккинчидан, тижорат банклари назорат функциясига эга бўлмаган ҳолда, валютавий назорат билан шуғулланяпти.

Республикамиз тижорат банкларида импорт шартномаларини рўйхатта олиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 августдаги 1318/3003-сонли “Импорт шартномаларини рўйхатта олиш бўйича Методик кўрсатмалар”ига асосан амалга оширилмоқда. Ушбу кўрсатмаларга мувофиқ, импорт шартномалари корхонанинг хорижий валютадаги жорий депозит ҳисобрақами қайси тижорат банкида очилган бўлса, ўша тижорат банкида рўйхатта олиниади.

Республикамизда валютавий назоратнинг янги механизмига хос бўлган муҳим ўзгаришлардан бири импорт битимлари Паспортиning очилиши ҳисобланади. Импорт битимлари паспорти “Импорт операциялари бўйича шартномаларни ҳисобга олиш ва уларнинг ижроси устидан назоратни амалга ошириш тўғрисида”ги Ни-

зомга асосан расмийлаштирилди. Импортёр корхона томонидан тузиған ҳар бир битим бўйича Паспорт расмийлаштирилди ва у жорий ҳисобрақамдаги пул маблағларини тасарруф этиш ҳукуқига эга бўлган раҳбар шахс томонидан имзоланади ҳамда уч нусхада тайёрланади. Имортёр корхона Паспортда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва шартнома шартларига мувофиқлиги юзасидан жавобгар ҳисобланади. Паспортни имзоланиши билан тижорат банки шартнома бўйича хорижий валютадаги тўловларни тўғри ўтказилганлиги, шунингдек, импортёр корхона томонидан Республика валюта биржасига хорижий валютани сотиб олиш тўғрисида берилган буюртманинг асослилиги юзасидан валютавий назоратни амалга оширишга маъсул ва жавобгар ҳисобланади.

Мамлакатимизда экспорт-бартер шартномалари ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2000 йил 9 августда рўйхатга олинган 954-сонли “Экспорт ва бартерли шартномаларни вакил банкларда рўйхатга олиш тартиби ва ижроси устидан назоратни амалга ошириш тўғрисида”ги Низомга асосан амалга оширилди. Ушбу Низомга мувофик, экспорт ва бартер шартномалари экспортёrlарнинг хорижий валютадаги талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобрақамлари қайси ваколатли банкда очилган бўлса, ўша тижорат банкida ҳисобга олинади. Ваколатли тижорат банклари экспорт ва бартер шартномаларни ижро этиш тўғрисидаги ҳисоботларини Ўзбекистон Республикаси Марқазий банкига ва унинг худудий Бош бошқармаларига топширадилар. Ваколатли банклар шартномаларни тўғри ҳисобга олиш, экспортёrlарнинг жорий ҳисобрақамларига экспорт тушумларининг келиб тушиши, тўлов шаклларини тўғри кўлланганлиги юзасидан жавобгар ҳисобланадилар. Экспорт ва бартер шартномаларини рўйхатга олишнинг амалдаги тартибини бузган ваколатли банкларга нисбатан Марқазий банк томонидан жарима чоралари қўлланилди.

Ўзбекистон Республикасида товарларини экспорт қилаётган мамлакат корхоналари божхона органларига ҳисоб-китоблар тўғрисидаги Маълумотномани тақдим этадилар. Мазкур маълумотнома экспорт шартномаси рўйхатга олинган ваколатли банк томонидан тўлдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 августдаги 355-сонли “Ташки иктиносидий фаолиятни амалга

оширишда валюта операцияларини эркинлаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофик, Давлат Солик кўмитаси, Давлат Божхона кўмитаси ва Марказий банк томонидан 2003 йил 12 сентябрда 240-сонли “Юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўтказилаётган валюта операцияларининг асосланганлиги юзасидан мониторингни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом қабул килинди. Ушбу Низом гарчи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг трансмишлий уюшган жиноятчиликка қарши кураш Конвенцияси, терроризмни молиялаштиришга қарши кураш Конвенциялари асосида ишлаб чикилган бўлсада, аслида, валюта маблағларини хорижга ноқонуний асосда чикиб кетишининг олдини олишни кўзда тутади.

Мазкур Низомга кўра, вакил этилган тижорат банки Давлаг Солик кўмитасига мижозларининг валюта операциялари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади. Шунингдек, вакил банклар мижозларига ўз вақтида келиб тушмаган ёки тўлиқ келиб тушмаган экспорт тушумлари тўғрисидаги маълумотларни ҳам тақдим этадилар. Давлат Солик кўмитаси ва унинг функционал бўлинмалари вакил банклардан ва божхона органиларидан олинган маълумотларни таҳлил қиласи ва валюта операцияларини амалга ошириш тартибини бузиш холларини аниқлаганларида, ушбу қонунбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашига тавсия этадилар. Бундан кўзланган мақсад Мувофиқлаштирувчи кенгашга ушбу шартномаларни тузган субъектнинг фаолиятини кейинги чоракда текшириш графигига қўштириш хисобланади.

Республикамизда юқорида қайд этилган низомлардан ташқари “Божхона хизмати ва банк муассасаларининг экспорт-импорт операциялари устидан валюта назоратини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом мавжуд бўлиб, ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1997 йилнинг 6 февраляда 309-сонли йўрикнома сифатида тасдиқланган. Мазкур йўрикномага мувофик, банк муассасалари экспорт тушумининг келиб тушиши ва унинг маълум кисмини ўрнатилган тартибда мажбурий сотилиши устидан назорат қиласи. Корхоналарнинг экспорт тушуми хусусидаги банк муассасалари маълумотлари Божхона хизмати томонидан тақдим этилган Юқ божхона декларациясидаги маълумотлар билан солиштирилади. Расмийлаштирилган солишти-

риш далолатномалари натижалари банклар томонидан ҳар ойнинг 10 санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тақдим этилади.

Юқорида амалга оширилган таҳлил натижаларига асосан, республикамизда валютавий назоратни такомиллаштириш мақсадида, қуидаги тадбирларнинг амалга оширилишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига экспорт тушумларини ўз вақтида келиб тушишининг ҳисобини юритиш, экспорт-импорт шартномаларини рўйхатга олиш вазифалари тўлиқ юқлатилиши лозим. Бунинг натижасида, биринчидан, экспорт-импорт операциялари устидан амалга ошириладиган валютавий назоратнинг тезкорлиги ва самарадорлиги ошади; иккинчидан, амалдаги қонунчиликка мувофиқ назорат функциясига эга бўлмаган тижорат банкларидан валютавий назорат вазифаси олиб ташланади, бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг валюта операцияларини амалга ошириш жараёнида бажарадиган молиявий воситачилик ролининг сезиларли даражада ошишига олиб келади.

2. Фикримизча, экспорт тушумининг бир қисмини қонунчиликда белгиланган тартибда мажбурий сотилиши устидан амалга ошириладиган валютавий назорат Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг зиммасига юқлатилиши ва бунда Марказий банкка мажбурий сотиш тўғрисидаги маълумотларни тижорат банклари тақдим этиши лозим. Бунда тижорат банкларининг божхона хизматига маълумотлар тақдим этиш мажбурияти бекор килинади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки экспорт тушуми бўйича маълумотларни Давлат Божхона хизмати билан солиштирган холда солиштириш далолатномасини расмийлаштиради. Бунинг натижасида валютавий назорат органлари ўртасидаги алоқадорлик кучаяди ва бу холат валютавий назоратнинг самарадорлигини оширишга хизмат қиласи.

Энди биз бир қатор ривожланган мамлакатларда мазкур масаланинг амалдаги ечимиға эътиборимизни каратамиз.

Италияда экспорт-импорт операциялари устидан валютавий назоратни амалга оширишда Божхона хизмати муҳим рол ўйнайди. Божхона хизмати экспорт-импорт шартномаларини рўйхатга олади, экспорт тушуми ва импорт тўловларининг ҳисобини олиб боради. Марказий банк ва Божхона хизмати

ўртасида экспорт – импорт операцияларини назорат қилиш бўйича бевосита алоқадорлик мавжуд эмас. Бунинг сабаби шундаки, Италияда экспорт тушумларининг маълум қисмини мажбурий тарзда валюта бозорида сотиш амалиёти мавжуд эмас. Бундан ташқари, тижорат банклари экспорт-импорт операцияларини назорат қилиш жараёнига жалб этилмаган.

Буюк Британияда экспорт ва импорт операциялари устидан валютавий назоратни амалга ошириш масаласининг хукукий асослари 1990 йилда қабул қилинган импорт ва экспорт тўғрисидаги Қонунда ўз ифодасини топган.

Буюк Британияда валютани тартибга солиш режими Фазначилик томонидан белгиланади. Аммо Фазначилик ўзининг валютавий назоратга оид кўплаб ваколатларини Англия Марказий банкига берган. Шу сабабли, валютавий назорат бевосита Англия Марказий банки томонидан амалга оширилади.

Буюк Британияда ҳам Ўзбекистондаги каби экспорт қилинган товарлар бўйича экспорт тушумининг келиб тушишини, яни тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушишини назорат қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Айниқса, Алоҳида қайд этилган ҳудудларга (АҚЭХ) қилинган экспорт бўйича тушумларнинг ўз вақтида келиб тушишига алоҳида эътибор қаратилади. Чунки бу ҳудудлар бўйича маҳсус валюта назорати режими ўрнатилган. Ҳозирги даврда АҚЭХ га Буюк Британиянинг Бирлашган Қироллиги, Шимолий Ирландия, Нормандия, Мэн ороли, Ирландия ва Гибралтар киради.

Германияда ҳам, Японияда ҳам марказий банклар валюта назоратини амалга оширувчи давлат органлари ҳисобланади. Аммо тижорат банклари бевосита назорат жараёнига жалб этилмаган.

Японияда экспортни тартибга солиш ва назорат қилинганинг хукукий асоси бўлиб, 1980 йилда қабул қилинган “Ташки савдо ва валюта айирбошлиш устидан назорат тўғрисидаги” Қонун ҳисобланади. Мазкур қонунга кўра экспорт операцияларини назорат қилинганинг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

- ички талаб ва таклифни тартибга солиш мақсадида маълум бир товарларнинг (балиқ уни, гуруч, рангли металлар ва ҳ.к.) экспортини назорат қилиш;

- миллий товарлар бозорининг алоҳида сегментларида (тўқимачилик маҳсулотлари, машинасозлик саноатининг маҳсулотлари) бозор мувозанатини таъминлаб туриш мақсадида маълум бир товарларни экспорт қилишни назорат қилиш;
- ҳалқаро битимларда кўзда тутилган товарларни (ёввойи хайвонлар, күшлар, ўсимликлар ва х.к.) экспорт қилишни назорат қилиш;
- экспорт қилиш ман этилган товарларни (наркотик моддалар, миллий қадриятларга мансуб бўлган буюмлар) экспорт қилишни назорат қилиш;
- Япония хукумати томонидан савдо санкциялари жорий қилинган мамлакатларга қилинган экспортни назорат қилиш;
- тўловни амалга ошириш тартибida кўзда тутилмаган тўлов усусларидан фойдаланишни назорат қилиш.

Хуроса қилиб айтганда, ривожланган хорижий давлатларда, хусусан, Италия, Германия ва Японияда валютавий назоратни амалга оширишда Марказий банк ва Давлат Божхона хизмати ҳал қилувчи рол ўйнайди. Шуниси характерлики, экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш ва уларни назорат қилиш мазкур мамлакатларда алоҳида Қонун орқали амалга оширилади. Тижорат банклари эса, бевосита валютавий назорат жараёнига жалб этилмаган.

## **5.2. Жорий валюта бозорининг ликвидлигини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонунининг 40-моддасига ва янги таҳрирдаги “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валютани тартибга солувчи давлат органи хисобланади. Бундан ташқари, республикамизда валюта операцияларининг 90 физиздан ортиқ қисми факат тижорат банклари орқали амалга оширилади. Марказий банк эса, тижорат банклари фаолиятини назорат қиласи ва тартибга солади. Мазкур ҳолатлар жорий валюта бозорининг ликвидлигини таъминлашда ҳал қилувчи ролни Марказий банк ўйнаши лозимлигини англатади.

Марказий банк ўзининг ваколати доирасида барча турдаги валюта операцияларини амалга оширишга ҳақли, резидентлар ва норезидентлар томонидан хорижий валюталарни миллий валютага сотиб олиш ва сотиш тартибини белгилайди, миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан курсини аниқлаш тартибини белгилайди, тижорат банкларининг очиқ валюта позицияларининг ҳажмига нисбатан лимитлар белгилайди, резидентлар томонидан валюта тушумининг мажбурий тарзда сотиладиган кисмининг миқдорини белгилайди ва жорий валюта бозоридаги операцияларнинг узлуксизлигини таъминлаш шартшароитларини яратади. Санаб ўтилган операцияларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш жорий валюта бозорининг ликвидлилигини таъминлашни объектив заруриятга айлантиради.

Шуни эътироф этиш лозимки, республикамиз банклари орқали ўтаётган валюта операцияларининг 90 фоиздан ортиғи спот операцияларига тўғри келмоқда. Спот операцияларини ривожлантириш эса, аввало, миллий жорий валюта бозорининг ликвидлилигини оширишни тақозо қиласди. 2003 йилнинг 15 октябринда Ўзбекистон Республикаси хукумати Халқаро Валюта Фонди Низоми VIII моддасининг 2 бўлим а-банди, 3 ва 4-бўлимлари бўйича белгиланган мажбуриятларни қабул қилиш тўғрисидаги хужжатга имзо чекди. Бунинг натижасида 2003 йилнинг 15 октябриндан бошлаб мамлакатимиз худудида тўлов балансининг жорий операциялари бўйича валютавий чекловлар бекор қилинди.

Бундан бўён Ўзбекистон хукумати ХВФ раҳбарияти билан келишмасдан туриб жорий операциялар бўйича валютавий чекловлар жорий қилишга, дискриминацион курс сиёсатини қўллашга ҳақли эмас.

Мамлакатимизда сўмни жорий операциялар бўйича эркин конвертираш жорий қилингунга кадар сўмни хорижий валюталарга устувор тарзда конвертираш тартиби мавжуд эди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 27 июндаги ПФ-1193-сонли “Ўзбекистон Республикаси миллий валютасининг ички эркин алмаштирилишини янада кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ва 1996 йил 31 майдаги ПФ-1467-сонли “Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва улар фаолиятини рағбатлантиришнинг қўшимча чора-

тадбирлари тўғрисида”ги Фармонларига биноан ваколатли банклар халқ истеъмоли моллари ва экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган, республика иктисодиётининг базавий ва етакчи тармоқларида устувор лойиҳаларни амалга оширишда қатнашаётган корхоналарга (шу жумладан, хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарга) сўмларни эркин муомаладаги валюталарга имтиёзли равишда айирбошлаб беришни таъминлайдилар.

Республика иктисодиётини бозор муносабатлари тамойиллари асосида ривожлантириш, албатта, молия тизими ва валюта бозорини янада эркинлаштиришни тақозо этади. Шунинг учун, биржадан ташқари валюта бозорининг кўламини янада кенгайтириш зарурияти туғилди.

Жорий валюта бозорининг ликвиддилигини янада ошириш мақсадида биржадан ташқари валюта бозорини кенгайтириш ва ундан айирбошлаш курсининг талаб ва таклиф асосида шаклланисини таъминлашга доир Ҳукуматимизнинг муҳим қарорлари қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2001 йил 22 июнданги 263-сонли ҳамда “Биржадан ташқари валюта бозори фаолият кўрсатишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2001 йил 10 июнданги 294-сонли Қарорларининг қабул қилиниши жорий валюта бозорини янада эркинлаштириш имконини берди. Қарорларга кўра, Марказий банк томонидан эълон қилинадиган расмий валюта курси факатгина бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисботлар юритишида, божхона тўловларини амалга оширишда кўлланилади. Шунингдек, мажбурий тўловларни амалга ошириш билан боғлик бўлган барча ҳисоб-китоблар ҳам Марказий банкнинг биржа курси билан амалга оширилди.

Жорий валюта бозорининг эркинлаштирилиши натижасида биринчидан, валюта айирбошлаш операциялари талаб ва таклиф асосида шаклланадиган валюта асосида амалга ошириладиган бўлди; иккинчидан, 2001 йилнинг 1 июлидан бошлаб, Ҳукумат кафолатлари асосида мамлакатимизга турли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун 2001 йилнинг июлигача чет элдан жалб қилинган кредитлар ва уларнинг фоизларини тўлашга доир операциялардан ташқари қолган барча операциялар биржадан ташқари бозорда талаб

ва таклиф асосида шаклланадиган валюта курсида амалга ошириладиган бўлди; учинчидан, экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантиришни янада кучайтириш, кичик ва ўрта корхоналарда хамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш мақсадида, 2001 йилнинг 1 июлидан бошлаб мазкур субъектлар ўзлари ишлаб чиқарган товарлар экспортидан тушадиган валюта тушумини мажбурий сотишдан озод қилиндилар. Бундан ташқари, уларга валюта тушумини белгиланган тартибда банк кассаларига кирим қилиш шарти билан нақд хорижий валютага сотишга рухсат берилди.

Шунингдек, валюта муносабатларини янада эркинлаштириш жараёнининг мутаносиблигини ва биржадан ташқари валюта бозорининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида Бирлашган барқарорлаштириш жамғармаси ташкил этилди. Ушбу Жамғарма биржадан ташқари валюта бозорида талаб билан таклиф ўртасидаги мувозанатни саклашда муҳим рол ўйнаши кўзда тутилган. Умуман, мазкур жамғарманинг ташкил этилишидан кўзда тутилган энг асосий мақсад биржадан ташқари валюта бозорининг фаолиятини талаб ва таклиф асосида ташкил этишга кўмаклашиш хамда валюта айрибошлиш курсининг барқарорлигини таъминлашдан иборатдир. Агар биржадан ташқари валюта бозорида айрибошлиш курси кескин ошиб ёки тушиб кетиши эҳтимоли пайдо бўлса, у ҳолда бунинг олдини олиш мақсадида Жамғарма маблағлари валюта бозорига йўналтирилиши мумкин. Шунинг учун ҳам Жамғарма валюта бозорида келиб чиқиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг юз бермаслигини таъминлашга хизмат килади.

Хозирги даврда РВБда амалга ошириладиган валюта операцияларининг мажбурий шарти бўлиб, тижорат банклари дилерларининг доимий тарзда иштирок этиши ҳисобланади, савдонинг электрон тизимидан фойдаланишга рухсат этилмайди. Бу эса, дилерларга иш жойларидан туриб валюта савдосини амалга ошириш имконини бермайди. Бу эса, валюта биржасида савдоларни ўтказиш жараёнини сезиларли даражада секинлашишига сабаб бўлмоқда.

Сўмнинг алмашув курси ҳафтада бир марта 1 АҚШ долларига нисбатан аникланмоқда. Ривожланаётган хорижий давлатларда миллий валютанинг алмашув курси ҳар куни аникланади ва хорижий валюталарга бўлган талаб ва таклифга асосланади.

Бизнинг фикримизча, сўмнинг алмашув курсини ҳар кунлик конверсион операцияларнинг якуний натижалари бўйича белгилаш тизимига ўтиш ва бу курсдан кейинги операцион кунда амалга ошириладиган ҳисоб-китобларда фойдаланиш миллий валютамизнинг реал харид қобилиятига яқин бўлган алмашув курсини шакллантириш имконини беради.

Бундан ташқари, биз таклиф килардикки, Швейцария франки ва еврони АҚШ доллари каби РВБда амалга оширилаётган конверсион операцияларнинг обьектига айлантириш лозим. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, республикамиз хўжалик юритувчи субъектларининг валюта захиралари ҳажмида швейцар франки ва евро, ҳажмига кўра, АҚШ долларидан кейин иккинчи, учинчи ўринда туради; иккинчидан, еврони олди-сотди обьектига айлантириш хўжалик субъектларининг конверсион операциялардаги чиқимларини сезиларли даражада кисқартириш имконини беради.

#### 5.2.1-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг хорижий валюталардаги жорий депозитларининг валюта турлари бўйича таркиби<sup>1</sup>

(фоизда)

Хар бир етакчи валюта тури бўйича жорий депозитларнинг жами депозитлардаги салмоги	1.01.2004 й.	1.01.2005 й.	1.01.2006 й.	1.01.2006 йилда 1.01.2004 йилга нисбатан, пункт
1. АҚШ доллари	95,3	92,3	86,5	-8,8
2. Евро	2,9	3,9	4,8	1,9
3. Япония иени	0,0	0,0	0,0	-
4. Швейцария франки	1,6	3,3	8,1	6,5
5. Россия рубли	0,1	0,1	0,3	0,2
6. Англия фунт стерлинги	0,1	0,2	0,2	0,1
7. Бошқа валюталардаги жорий депозитлар	0,0	0,2	0,1	0,1
Барча валюталардаги депозитлар-жами	100,0	100,0	100,0	x

<sup>1</sup> ТИФ Миллий банкининг жорий ҳисбот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Ўзбекистон Республикаси хўжалик субъектларининг валюта заҳираларининг диверсификация даражасига баҳо бериш мақсадида Ташки иқтисодий фаолият Миллий банкининг жорий депозитларининг валютавий таркибини таҳлил қиласиз. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, ТИФ Миллий банкида республика тижорат банклари умумий активларининг 70 фоиздан ортиқ қисми жамланган; иккинчидан, Миллий банкнинг хорижий валютадаги депозит ҳисобрақамларида резидентларининг жорий ҳисобрақамлари қолдиқларининг асосий қисми жойлашган.


Жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил қилинган давр мобайнида АҚШ долларидаги жорий депозитларнинг жами депозитлардаги салмоғи 8,8 фоизли пунктга пасайгани ҳолда, швейцария франкининг салмоғи 6,9 фоизли пунктга, евронинг салмоғи 1,9 фоизли пунктга ошди. Бу ҳолат республикамиз хўжалик субъектларининг валюта заҳираларининг диверсификация даражасини ошириш нуткази-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Айни дамда, АҚШ долларининг салмоғи кўрсаткичи билан бошқа валюталарнинг салмоғи кўрсаткичи ўргасида жуда катта фарқ сакланиб қолмоқда. Бу эса, Миллий банк ва унинг мижозларининг валюта заҳираларини диверсификация даражасини паст эканлигидан, талаб даражасида эмаслигидан далолат беради. Айниқса, Осиё қитъасида интервенция воситаси даражасига кўтарилиган ва етакчи валюта бўлган япон иенасидаги валюта заҳираларининг ноллик салмоққа эга эканлиги республикамиз резидентларининг валюта заҳираларини диверсификация қилиш борасидаги фаолиятини қоникарсиз эканлигидан далолат беради.

Бизнинг фикримизча, республикамизда хорижий валюталарга бўлган барқарор талабни шакллантириш валютани тартибга солиш амалиётининг асосий йўналишларидан бири бўлиши керак. Маълумки, юридик шахсларнинг хорижий валюталарга бўлган талаби асосан уларнинг трансакцион депозитлари шаклида майдонга чиқади. Трансакцион депозитларнинг депозитларнинг умумий ҳажмидаги салмоғини пасайтириш, муддатли депозитларнинг эса салмоғини ошириш хорижий валюталарга бўлган барқарор талабни шакллантиришнинг муҳим йўлларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, халқаро амалиётда депозитларнинг оқилона таркибини шакллантириш масаласи хорижий валюталар-

га бўлган барқарор талабни шакллантиришнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Биз қўйидаги диаграмма орқали республикамиз тижорат банклари депозит базаси таркибининг ўзгаришини кўриб чиқамиз.



5.2.1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит базаси таркибининг ўзгариши (2001-2005 йиллар)<sup>1</sup>

5.2.1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2001-2004 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг трансакцион депозитларининг миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, хорижий валюталарга бўлган талабнинг сезиларли даражада ўсиб борганилигидан далолат беради ва хорижий валютага бўлган талабнинг нобарқарорлигини оширишга хизмат қиласди.

Расмдан кўринадики, 2005 йилда трансакцион депозитлар миқдори кескин камайган. Бу камайиш муддатли депозитларнинг миқдорини сезиларли даражада ўсиши ҳисобига юз берган. Бу ҳолат хорижий валюталарга бўлган барқарор талабни шакллантириш нуқтаи-назаридан муҳим ижобий силжиш ҳисобланади. Лекин шунга қарамасдан депозитларнинг таркибидаги барқарорлик таъминланмаган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўзининг монетар инструментлари ва валюта сиёсати доирасида тижорат банклари депозитларининг барқарорлигини таъминлаши лозим. Бунинг учун, биринчидан, трансакцион депозитлар ва муддатли депозитларга нисбатан қўлланилаётган мажбурий захира ставкаларининг даражаси бир-биридан тубдан фарқланиши лозим; иккинчидан, Марказий банк очик бозор операциялари орқали сўмдаги трансакцион депозитларнинг миқдорига таъсири кила олиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Трансакцион депозитларни хорижий валюталарга бўлган асосий талаб эканлиги, тижорат банкларининг актив операциялари учун ресурс манбаи бўла олмаслигини ҳисобга олган Жаҳон тиклаш ва тараққиёт банкининг эксперталари трансакцион депозитларнинг миқдорини тартибга солиш имконини берадиган алоҳида меъёрий кўрсаткич ишлаб чиқдилар. Мазкур кўрсаткич трансакцион депозитларнинг салмоғи кўрсаткичи деб номланади ва куйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\text{TDC} = \frac{\text{TDM}}{\text{ДУМ}} \times 100\%,$$

бу ерда:

ТДС – трансакцион депозитларнинг салмоғи;

ТДМ – трансакцион депозитларнинг миқдори;

ДУМ – депозитларнинг умумий миқдори.

Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки эксперталарининг тавсиясига кўра, бу кўрсаткичнинг энг юкори даражаси 30 фоизга тенг бўлиши лозим.

Милий валютадаги пул массасига таъсири этиши орқали хорижий валютага бўлган талабни тартибга солиш Марказий банкининг монетар инструментларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштиришни тақозо этади. Жумладан, Марказий банк қайта молиялаш кредитлари орқали тижорат банклари кредитларининг бозор ставкаларига ва ссуда капиталлари бозоридаги ресурслар тақлифига таъсири қиласи. Бунинг натижасида муомаладаги пул массасининг ўсиши чекланади ёки рағбатлантирилади. Аммо шуни эътироф этиши жоизки, Ўзбекистон Республикаси Марказий

<sup>1</sup> Депозитларнинг умумий миқдорига трансакцион депозитлар, жамғарма депозитлари ва муддатли депозитлар киритилган.

банкининг дисконт ва ломбард сиёсатининг мавжуд эмаслиги унинг қайта молиялаш сиёсати орқали хорижий валюталарга бўлган талабни тартибга солиш имкониятини жиддий тарзда чекланишига олиб келган.

Хорижий валюталарга бўлган талабни тартибга солишнинг халқаро банк амалиётида кенг қўлланилаётган усулларидан бири резидентлар ва норезидентларнинг хорижий валюталарда депозитлар шакллантириш операцияларини Марказий банк томонидан тартибга солиш ҳисобланади. Ушбу операцияларни тартибга солишнинг зарурлиги хорижий валюталарга бўлган талабнинг куччайиши натижасида миллий валюталар таклифининг ошиши ва шунинг асосида миллий валютанинг қадрсизланиш эҳтимолининг мавжудлиги билан изоҳланади. Бундай шароитда миллий валютанинг девальвация бўлишига йўл қўймасдан туриб хорижий валюталарга бўлган талабнинг барқарорлигини таъминлаш учун мажбурий заҳира талабномасидан фойдаланиш лозим. Бунда хорижий валютадаги депозитларнинг ўсган қисмига нисбатан юкори ставкада мажбурий заҳира талабномаси жорий қилинади. Бунинг натижасида резидентлар ва норезидентларнинг хорижий валюталарда депозитлар шакллантириш юзасидан манфаатдорлигига путур етади, миллий валютадаги депозитларга таъсир қилинмайди. Агар бошқа монетар инструментлардан фойдаланилса тижорат банкларининг сўмдаги депозитларига нисбатан ҳам таъсир юзага келиши мумкин. Масалан, қайта молиялаш кредитларидан фойдаланилса, сўмдаги ресурслар таклифига нисбатан бевосита таъсир юзага келади. Агарда очиқ бозор операцияларидан фойдаланилса, у ҳолда, тижорат банкларининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларининг қолдикларига таъсир этиш орқали тижорат банклари кредит эмиссиясининг ҳажмини оширишга ёки камайтиришга эришици мумкин. Шу сабабли, бизнинг фикримизча, резидентлар ва норезидентларнинг хорижий валюталарда депозитлар шакллантириш операцияларига миллий валютанинг девальвация ёки ревальвацияга учрашига йўл қўймасдан таъсир этиш учун мажбурий заҳира талабномаларидан фойдаланиш ягона оқилона тадбир ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, жорий валюта бозорининг ликвидлигини таъминлаш валютани тартибга солишнинг концептуал асосларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири

бўлгани ҳолда, валюта сиёсатининг самарадорлигини ошириш, хўжалик субъектларининг валюта операцияларини тартибга солишнинг зарурий шарти ҳисобланади.

### **5.3. Биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантришни таъминлаш**

Биржадан ташқари валюта бозори моҳиятига кўра банклара-ро валюта бозоридир. Биржадан ташқари валюта бозорида кўйидаги операциялар амалга оширилади:

- хорижий валюталарни сотиб олиш ва сотиш операциялари;
- накд хорижий валюталар билан амалга ошириладиган валюта-алмашув операциялари;
- форвард операциялари;
- валюта опционлари билан амалга ошириладиган валюта операциялари.

Мазкур бозорда валюта айирбошлиш операцияларини амалга ошириш учун ваколатли банклар ўз ресурслари ва жалб қилинган валюта маблағларидан фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг биржадан ташқари бозорида кўйидаги валюта айирбошлиш операцияларини амалга ошириш кўзда тутилган:

- экспорт қилувчилар томонидан валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотиши билан боғлиқ бўлган операциялар;
- товарлар ва хизматларни импорт қилиш билан боғлиқ бўлган барча операциялар;
- хориждан янгидан жалб этиладиган кредитлар бўйича барча ҳисоб-китоблар;
- хорижий инвесторлар билан ҳисоб-китоблар;
- давлат бюджети ҳисобидан амалга ошириладиган жорий валюта операциялари;
- хизмат сафари харажатлари учун валюта харид қилиш;
- бошқа операциялар.

Республика хукуматининг импортни тартибга солиш тўғрисидаги карорларини амалга ошириш максадида бир катор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, хорижий валюталар тушумини ва импорт маҳсулотларининг ўз вактида республикага

келтирилишини назорат қилиш учун импорт ва экспорт шартномаларини дастлабки экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олишни кўзда тутувчи валюта назорати тизими, давлат эҳтиёжлари учун озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотини танлов асосида ташкил этиш, аҳоли истеъмол товарларини импорт қилувчи корхоналарнинг маблагларини марказлашган валюта ресурслари хисобига устувор равишда хорижий валюталарга конвертираш жорий этилди. Шунингдек, барча хорижий давлатлар, шу жумладан, МДҲ давлатлари билан ҳам савдо-сотик алоқаларини эркин алмаштириладиган валюталарда амалга ошириш йўлга кўйилди.

Банклараро валюта битимлари Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида ўтказиладиган махсус савдо сессияларида амалга оширилади. Банклараро валюта бозорининг иштирокчилари бўлиб фақат ваколатли тижорат банклари хисобланади.

Республикамизда муддатли валюта бозорини ривожлантиришнинг бирламчи хукуқий базаси яратилган бўлсада, ҳамон ўзечимини топмаган бир қатор муаммолар мавжуд. Улардан асосийлари сифатида куйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Деривативлар воситасида валюталарни сотиб олиш ва сотиш операцияларини хукуқий жиҳатдан чеклаб кўйилганлиги.

Янги таҳирдаги “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Конунга мувофиқ, ваколатли банклар билан уларнинг мижозлари ўртасида валюта бозорининг ҳосила инструментлари билан амалга ошириладиган операциялар фақат жорий валюта операциялари билан боғлиқ бўлган шартномалар мавжуд бўлганда гина ўтказилиши мумкин. Бу қоида тижорат банклари ва уларнинг мижозлари ўртасида хорижий валюталарни тўғридан-тўғри сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ бўлган муддатли валюта операцияларини амалга ошириш имконини бермайди. Мазкур қоидани республикамиз тижорат банкларининг фаолиятидаги валюта рискларини камайтириш мақсадида жорий этилганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Аммо бизнинг фикримизча, республикамиз Марказий банки томонидан тижорат банкларининг фаолиятига нисбатан амалда кўлланилаётган банкларнинг очик валюта позицияларига нисбатан белгиланган икки иқтисодий меъёр, тижорат банклари капиталининг етарлилигига нисбатан кўлланилаётган икки коэффициент – умумий капиталнинг етарлилик коэффициенти ва асосий капиталнинг етарлилик коэффициенти тижорат банкларининг фаолиятида

юзага келадиган валюта рискини сезиларли даражада кисқартириш имконини беради.

2. Республикаизда валютавий деривативлар билан боғлиқ бўлган валюта операцияларини тартибга солувчи алоҳида меъёрий хужжат мавжуд эмас. Амалдаги меъёрий хужжатларда эса, деривативлар воситасидаги операцияларни қўллаш соҳаси, амалга ошириш тартиби ўзининг аниқ ифодасини топмаган.

Деривативлар воситасидаги операцияларни ривожлантириш спот операциялари бозорини етарли даражада ликвидли бўлишини тақозо этади. Марказий банкнинг спот бозорига ҳаддан зиёд фаоллик билан аралашуви муддатли валюта бозорининг ривожланишига салбий таъсир қилиши мумкин.

3. Республикаизда сўмдаги депозитлар ва кредитларнинг бозор ставкаларининг нобарқарорлиги сақланиб қолмокда. Бу эса, форвард курсларининг барқарорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

Депозитлар ва кредитларнинг фоиз ставкаларининг даражаси устама ва дисконтнинг даражасини белгиловчи омил ҳисобланади. Устама ва дисконт эса, форвард курсини спот курсидан фарқлантирувчи ягона омил ҳисобланади.

Халқаро банк амалиётида кенг кўламда қўлланилаётган форвард курсини аниқлаш методикасига кўра, форвард курсининг даражасини белгиловчи асосий омил битим валютасидаги кредитларнинг фоиз ставкаси билан баҳоловчи валютадаги депозитларнинг фоиз ставкаси ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Бунинг боиси шундаки, агар битим валютасидаги кредитларнинг фоиз ставкаси баҳоловчи валютадаги депозитларнинг фоиз ставкасидан катта бўлса, форвард операциясининг обьекти бўлган валюта дисконт билан котировка қилинади. Агар битим валютасидаги кредитларнинг фоиз ставкаси баҳоловчи валютадаги депозитларнинг фоиз ставкасидан кичик бўлса, форвард операциясининг обьекти бўлган валюта устама билан котировка қилинади.

Биз 5.3.1-жадвал маълумотлари орқали сўмдаги депозитлар ва кредитларнинг бозор ставкаларининг ўзгаришини кўриб чиқамиз.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил қилинган давр мобайнида сўмдаги депозитлар ва кредитларнинг фоиз ставкаларини нобарқарорлиги кузатилган. 2003 йилдан бошлиб эса, депо-

зитлар ва кредитларнинг фоиз ставкаларини пасайиш тенденцияси юзага келган. Демак, республикамизда сўмдаги депозитлар ва кредитларнинг фоиз ставкаларининг барқарорлиги таъминланмаган. Бу эса, миллий валюта бозорида амалга ошириладиган форвард операцияларини ривожлантиришга салбий таъсир қилади.

Ривожланган индустрисал мамлакатларда депозитлар ва кредитларнинг бозор ставкалари миллий ссуда капиталлари бозорида шаклланади. Марказий банклар, одатда, ссуда капиталлари бозоридаги талаб ва таклифга таъсир этиш йўли билан фоиз ставкаларининг даражасига ва барқарорлигига таъсир қилади.

### 5.3.1-жадвал

#### Сўмдаги кредитлар ва депозитларнинг ўртача тортилган бозор ставкалари<sup>1</sup>

(фоизда)

№		2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2005 йилда 2001 йилга нисбатан, фоизли пункт
1	Марказий банкнинг кайта молиялаш ставкаси, %да	26,8	34,5	27,1	18,8	16,0	-10,8
2	Юридик шахсларнинг сўмдаги муддатли депозитларининг ўртача тортилган фоиз ставкаси, %	16,0	19,2	17,1	11,3	9,6	-6,4
3	Жисмоний шахсларнинг сўмдаги муддатли депозитларининг фоиз ставкаси, %	38,1	40,2	36,2	34,5	27,1	-11,0

<sup>1</sup> Жадвал Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Хозирги даврда валюта деривативлари бозори халқаро молия бозорининг юқори суръатларда ривожланиб бораётган сегменти хисобланади. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида эса, валюта деривативлари билан савдо қилиш XX асрнинг 90-йилларида бошланди ва ҳозирча молия бозорининг ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган сегменти бўлиб қолмоқда. Бунинг асосий сабаблари сифатида қўйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- валютавий чеклашларнинг мавжудлиги;
- валютани тартибга солишининг меъёрий-хукуқий базасининг такомиллашмаганлиги;
- депозитлар ва кредитларнинг фоиз ставкаларининг нобарқарорлиги.

Ўзбекистон Республикасида валюта деривативлари билан амалга ошириладиган операциялар Марказий банк томонидан тартибга солинади. Аммо деривативлар бозорининг ўзи ҳозирча шаклланмаган. Деривативлар бозорининг шаклланмаганлигининг асосий сабабларидан бири жорий валюта бозорининг ликвидлик даражасини таъминлаш масаласининг ўз ечимини топмаганлиги ҳисобланади. Иккинчи сабаби эса, бизнинг фикримизча, банкларро валюта бозорининг ривожланмаганлиги ва Марказий банкнинг валюта бозоридаги иштирокининг ҳаддан зиёд фаоллиги ҳисобланади.

Фикримизча, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Конунга қуйидагича ўзгартириш киритиш лозим: “Тижорат банклари ва уларнинг мижозлари ўтасида ўтказиладиган хорижий валюталарни сотиб олиш ва сотиш бўйича муддатли валюта операциялари бевосита тижорат банкида эркин тарзда амалга оширилади”. Мазкур ўзгаришнинг Конунга киритилиши амалдаги йўриқномаларда мавжуд бўлган ва муддатли валюта операцияларини ривожлантиришга тўскинлик қилаётган хукуқий чеклашларни бартараф этади.

Бундан ташкари, деривативлар билан операцияларни амалга ошириш тартибини белгилаб берадиган меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказиш лозим. Натижада, деривативлар билан операцияларни амалга оширишнинг меъёрий-хукуқий базаси шаклланади, бу эса, муд-

датли валюта битимлари бозорини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди.

Деривативлар бозорини шакллантираётган ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари ичиди Россия Федерациясининг тажрибаларини ўрганиш максадга мувофиқдир. Чунки Россияда мазкур бозорни шакллантиришга муваффақ бўлинди ва у сезиларли даражада лиқвиддиллик даражасига эга бўлган бозор ҳисобланади. Россия тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган муддатли валюта операцияларининг 80 фоиздан ортиқ қисми юқори даромадли спекулятив операцияларга тўғри келмоқда<sup>1</sup>. Демак, Россия банклари деривативлар билан амалга ошириладиган операциялар орқали мижозларини валюта рискидан ҳимоя қилишни таъминланглари ҳолда, юқори спекулятив даромад олиш имкониятига эга бўлмоқдалар. Аммо Россия ички валюта бозори ҳажмининг сезиларли даражада кичиклиги муддатли валюта операциялари ҳажмини кескин оширишга тўсқинлик қилмоқда. Россия ички валюта бозоридаги бир кунлик валюта операцияларининг энг юқори ҳажми 3,3 млрд. АҚШ долларини ташкил қилмоқда. Бу эса, жаҳон валюта бозорларидағи бир кунлик операцияларнинг атиги 0,3 фоизини ташкил этади. Такқослаш учун: Буюк Британиянинг салмоғи – 31,1%; АҚШники – 15,7%; Италиянинг салмоғи – 1%<sup>2</sup>.

Муддатли валюта бозорининг молиявий инструментларидан яна бири бўлиб, валюта опционлари ҳисобланади. Ҳозирги даврда амалиётда валюта опционларининг икки туридан фойдаланилмоқда:

- колл опционлар;
- пут опционлар.

Колл опционлар валюталарни сотиб олиш ҳуқуқини беради. Пут опционлар эса валюталарни сотиш ҳуқуқини беради. Шуниси характерлики, валюта опционларининг мавжуд икки стандарти мазмунига кўра бир-биридан сезиларли даражада фарқ қиласи. Опционларнинг европа стандартида опцион эгаси опциондан фақат муддат тугагандан кейин фойдалана олади. Валюта опцио-

<sup>1</sup> В.В. Рудько-Силиванов. Коммерческие банки на рынке производных финансовых инструментов // Деньги и кредит. –Москва, 2004. –№7. с. 9.

<sup>2</sup> А.В. Емелин. Конституционно-правовые и международно-правовые основы валютного регулирования // Деньги и кредит. – Москва, 2003. –№11. с.56.

нининг америка стандартида опцион эгаси опциондан шартнома муддатининг исталған вактида фойдаланиш хукуқига эга бўлади.

Валюта опционлари билан амалга ошириладиган операциялар ҳозирча республикамиз тижорат банкларининг амалиётида мавжуд эмас. Бизнинг фикримизча, валюта опционларидан фойдаланиш ҳозирги даврда республикамиз тижорат банклари учун долзарб ҳисобланмайди. Бунинг асосий сабаблари, фикримизча, куйидагилардан иборат:

1. Валюта опционлари учун эмитентга тўланадиган устама микдорининг юқори эканлиги.

Валюта опционидан фойдаланиш хукуқини кўлга киритиш учун эмитентга тўланадиган устама тўловнинг ставкаси опцион шартномасининг 15 фоизигача боради. Бу эса, жуда юқори дараҷа бўлиб, республикамиз банклари ва улар мижозларининг валюта опционларидан фойдаланиш имкониятини жиддий равища чеклайди. Опционлар узоқ муддатли даврга ёзилганлиги сабабли кўпчилик ҳолларда ўзини оклади, чунки узоқ муддатли даврий оралиқларда валюталарнинг алмашув курси катта диапазонларда тебраниши мумкин.

2. Республикамиз тижорат банкларининг хорижий валюталарда амалга оширилган узоқ муддатли қўйилмаларининг (кредитлар ва инвестициялар) мавжуд эмаслиги.

Республикамиз иқтисодиётига йўналтирилган хорижий валютадаги кредитларнинг 95 фоиздан ортиқ қисми хорижий банкларнинг Ўзбекистон хукуматининг кафолати асосида жалб қилинган кредитларига тўғри келади. Бу эса, республикамиз банкларининг хорижий валюталарда узоқ муддатли кредитлар бериш амалиётиниң такомиллашмаганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, республикамиз банклари ва хўжалик субъектларининг хорижий валюталарда ёзилган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялари мавжуд эмас.

Шуниси характерлики, муддатли валюта операцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитларнинг юзага келтирилиши мамлакатимиз тижорат банкларининг очиқ валюта позицияларини қисқартириш имкониятини яратиши мумкин. Яъни, банкларнинг очиқ валюта позицияларини қисқартириш имконияти чекланган ҳозирги шароитда (банкларнинг хорижий валюталарда депозитлар қабул қилиш ва кредитлар бериш имко-

ниятининг чекланганлиги, хорижий валюталарда эмиссия қилинган қимматли қоғозларнинг банкларнинг балансида мавжуд эмаслиги) форвард шартномалари тузиш йўли билан банкларнинг очиқ валюта позицияларининг миқдорини сезиларли даражада кисқартириш мумкин.

Муддатли валюта операцияларини ривожлантиришнинг зарурый шартларидан яна бири валюта операциялари борасидаги чекловларни тўлик олиб ташланиши ёки заифлаштирилиши ҳисобланади. Шу сабабли, ХВФ келищув моддаларининг VI ва VIII моддалари бўйича мажбуриятларни мамлакатлар томонидан қабул қилиниши муҳим амалий аҳамият касб этади. Хусусан, мамлакат ҳукумати томонидан VIII модда бўйича мажбуриятларни қабул қилиниши жорий валюта бозорининг ликвидилигини сезиларли даражада оширади, бу эса, ўз навбатида, муддатли валюта операцияларини ривожлантиришга кенг имкониятларни юзага келтиради.

Айни вактда, мамлакатлар учун ХВФ келищув моддаларининг VI ва VIII моддалари бўйича мажбуриятларни қабул қилган шароитда ҳам валютавий чеклашларнинг айрим турларини жорий қилиш ҳуқуқи сақланиб қолмоқда. Жумладан, ХВФ Келищув моддаларининг VI моддаси 3-бўлимига мувофиқ, ХВФ аъзоси бўлган давлатлар капиталларнинг халқаро ҳаракатини тартибга солиш учун зарур бўлган назоратни амалга оширишлари мумкин. Фақат жорий битимлар бўйича тўловларни амалга оширишни чекланишига ва мажбуриятларни бажариш мақсадида ўтказилаётган узатмаларни кечикишига олиб келувчи назорат бундан мустасно<sup>1</sup>.

Юкорида қайд этилган валютавий чеклашлар билан боғлиқ бўлган ҳолатлардан ташқари, молия бозорларида фавқулодда ҳолатлар юз берганида ХВФ нафакат капиталларнинг халқаро миқёсдаги ҳаракати билан боғлиқ бўлган валюта операциялари бўйича, балки жорий валюта операциялари бўйича ҳам чекловларни жорий этишга рухсат этади. Аммо бундай камчиликларни жорий этиш учун ХВФ Ижрочи дирекциясининг розилиги олиниши лозим.

ХВФ Ижрочи дирекцияси аъзо мамлакатларнинг сўровларини кўриб чиқишида умумий принциплар билан бир

<sup>1</sup> Selected Documents of the IMF. – Wash., D.C. – 2002. p. 420.

қаторда яна қуидаги мезонларга асосланган ҳолда қарорлар қабул қиласы:

1. Агар аъзо мамлакат томонидан қабул қилинаётган валюта-вий чекловлар тўлов балансининг мувозанатлашган ҳолатини саклашга қаратилган бўлса ва бу чекловлар вақтinchалик мазмунга эга бўлса, у ҳолда Ижрочи дирекция мазкур мазмундаги чекловларни жорий этишга рухсат бериши мумкин.

Ушбу биринчи мезоннинг кўлланилишига мисол қилиб, ХВФ томонидан Италия ҳукуматига резидентларнинг экспорт тушумларининг 50 фоизини Италия Марказий банкида фоиз тўланмайдиган мажбурий захира хисобрақамларида саклашга рухсат берилганини келтириши мумкин. 1976 йилда мазкур чекловни кўлашга ХВФ томонидан рухсат этилди ва бу чеклов 1977 йилда бекор қилинди. Бундан кўриниб турибдики, тўлов балансининг ҳолатини яхшилаш мақсадида жорий валюта операциялари бўйича ҳам валютавий чекловлар жорий қилишга рухсат этилиши мумкин. Аммо бу чекловлар вақтinchалик мазмунга эга бўлади.

2. Мамлакатнинг иккисодий хавфсизлигига нисбатан юзага келган хавфни бартараф этиш мақсадида жорий этиладиган валютавий чеклашлар.

ХВФ Ижрочи дирекциясининг 144-(52/51)-сонли қарорига мувофиқ, ана шу мақсадда жорий этилиши кўзда тутилган валютавий чеклов тўғрисидаги маълумот уни жорий этиш санасидан камида 30 кун олдин ХВФга берилиши лозим. Агар 30 кун ичida ХВФ расмий жавоб қайтармаса, бу ҳолат розилик аломати сифатида талқин этилади.

Хулоса қилиб айтганда, биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантириш муддатли валюта операцияларини ривожлантиришнинг бирламчи зарурый шарти хисобланади ва ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасида муддатли валюта операцияларини ривожлантириш, биринчи навбатда, мавжуд валютавий чеклашларга барҳам беришни тақозо этади.

## ХУЛОСА

Монографияни ёзиш жараёнида амалга оширилган тадқиқотларнинг натижаларига асосланган ҳолда қўйидаги хулосаларни шакллантиридик:

1. Олтинни расман демонетизация қилиниши халқаро валюта муносабатларини тартибга солишнинг хуқукий-услубий асосларида жиддий ўзгаришларни юзага келтирди. Хусусан, мазкур жараённинг расман тугалланиши оқибатида, биринчидан, етакчи валюталарнинг халқаро тўлов воситаси сифатидаги аҳамияти ортди; иккинчидан, бир қатор ривожланаётган мамлакатларнинг валюта тушумларининг барқарорлиги ортди. Ҷунончи, олтинни йирик микдорда экспорт қилувчи ривожланаётган мамлакатлар (ЖАР, Россия, Гана, Ўзбекистон)нинг олгинни сотишдан олинадиган тушумларининг жами экспорт тушумларидаги салмоғи сезиларли даражада ошиди.

2. Тадқиқотни бажариш жараёнида амалга оширилган таҳлил натижаларидан маълум бўлдики, Германия, Франция ва Италия давлатларида халқаро заҳираларнинг 50 фоиздан ортиқ қисми олтин заҳираларига тўғри келаётганлиги, АҚШ халқаро заҳираларининг умумий хажмида олтинни сезиларли даражада юкори салмоқни эгаллаб турганлиги олтиндандан ҳамон халқаро заҳира пули сифатида фойдаланилаётганлигидан далолат беради.

3. Валюта муносабатларини ташкил қилишнинг услубий асосларига хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири курс сиёсатининг ўзгариши билан халқаро савдо муносабатлари ўргасидаги икки томонлама алоқадорликнинг мавжудлиги ҳисобланади. Бир қатор ривожланган давлатларнинг амалиёти тажрибалари шуни кўрсатдики, миллий валютанинг девальвация қилиниши ташки савдонинг ривожланишига кучли туртки берди. Лекин ташки савдонинг эркинлаштирилиши бир қатор мамлакатларда, хусусан, ГФР ва Францияда экспортни ошишига қарамасдан, импортни сезиларли даражада ўсишига, натижада ташки савдо балансининг пассив бўлишига олиб келди.

4. Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида, халқаро валюта муносабатларининг ташкилий-услубий асосларига хос бўлган куйидаги хусусиятлар аниқланди:

а) ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида валюта курсларини унификациялаш жараёни давом этмоқда;

б) олтинни демонетизациялаш жараёни расман тугалланган бўлсада, олтиндан халқаро захира пули сифатида фойдаланиш давом этмоқда;

в) евронинг муомалага киритилиши АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқи ўргасидаги валютавий зиддиятларни чукурлашишига олиб келди;

г) етакчи валюталарнинг алмашув курсларига эндоғен омилларнинг таъсири кучли ва бунинг натижасида уларнинг алмашув курсларининг нобарқарорлиги кучаймоқда.

5. Етакчи иқтисодчи олимларнинг валюта муносабатларини тартибга солишнинг назарий асослари хусусидаги илмий хулосалари танқидий асосда ўрганилиб, куйидаги назарий хулосалар шакллантирилди:

– хусусий корхоналар, тижорат банклари валюта операцияларини амалга оширувчилардир, уларда валюта муносабатларини тартибга солиш ва назорат қилиш функцияси мавжуд эмас. Шу сабабли, корхоналар ва банклар халқаро валюта муносабатларининг фаол иштирокчилари ҳамда валюта муносабатларини тартибга солувчи давлат органлари учун назорат объекти ҳисобланади. Демак, корхоналар ва банклар иштироқида юзага келадиган валюта муносабатларининг ўзини алоҳида ажратиш ва унга халқаро валюта муносабатларини тартибга солишнинг алоҳида погонаси мақомини бериш мақсадга мувофиқ эмас;

– ҳар бир мамлакатдаги халқаро валюта муносабатларини тартибга солиш тизими икки погонадан иборат:

а) Давлат валютани тартибга солиш органдари томонидан амалга ошириладиган халқаро валюта муносабатларини тартибга солиш амалиёти;

б) Давлатлараро шартномалар асосида халқаро валюта муносабатларини тартибга солиш амалиёти.

6. Ўзбекистон Республикаси миллий валюта тизимининг барқарорлигини таъминлашда принципial аҳамиятга эга бўлган

муаммолар сақланиб қолмоқда. Улардан асосийлари куйидагилардан иборат:

– миллий валютанинг қадрсизланиш жараёнининг давом этаётганлиги;

– халқаро ҳисоб-китоб шаклларидан Ўзбекистон ҳудудида фойдаланиш тартибини белгилайдиган алоҳида меърий хужжат мавжуд эмаслиги.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мустақиллик йилларининг бошларида халқаро операцияларининг бир кисмини Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки орқали амалга оширди. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, республикамиз Марказий банки валюта операцияларини амалга ошириш тажрибасига мутлақо эга эмас эди; иккинчидан, ТИФ Миллий банки 1993 йилнинг 7 майида қабул қилинган “Валюта муносабатларини тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига кўра мамлакатнинг бош вакил банки деган мақомга эга эди. Бу эса, пировард натижада, тијорат банкларининг ўзаро рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатди. Шу сабабли, ҳозирги даврда бу холатга барҳам берилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки халқаро операцияларини тўлиқ ўзи амалга оширмоқда.

8. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдикি. Бир қатор ривожланган давлатларда, хусусан, Япония ва Буюк Британияда 2001- 2005 йиллар мобайнида расмий халқаро заҳираларнинг сезиларли даражада юқори ўсиш суръати кузатилди. Бунинг натижасида эса, мазкур мамлакатлар марказий банкларининг валюта интервенциясини амалга ошириш имкониятини оширди. Аксинча, мазкур таҳлил қилинган давр мобайнида АҚШнинг хорижий валюталардаги расмий заҳираларининг пасайиш суръатлари кузатилди. Бу эса, АҚШ ташқи қарзининг кескин ошганлиги билан изохланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта сиёсати орқали пул бозори ва миллий ссуда капиталлари бозорига таъсир қилиш имконияти ошиб бормоқда. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, у етарли миқдордаги чет эл валютасидаги заҳираларни шакллантириш жараёнини ниҳоясига етказгани йўқ; иккинчидан, ҳакиқий маънодаги молия бозорининг шаклланиш жараёни ниҳоясига етгани йўқ.

10. Тадқиқот жараёнида 2002 йилда сўмнинг алмашув курсини 2001 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайғанлиги кузатилди. Бунинг сабаблари таҳлилидан шу нарса маълум бўлдики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 263-сонли “Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда 2001 йил 10 июлдаги 294-сонли “Биржадан ташқари валюта бозори фаолият кўрсатишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларининг қабул қилиниши натижасида миллий валюта бозорининг эркинлашиши кучайди.

2001-2005 йиллар мобайнида республикамида нақд хорижий валюталарнинг тижорат курси нисбатан паст суръатда, яъни 38,8 фоизли пунктга пасайди. Бунинг сабаби шундаки, республикамида 2001 йилдан бошлаб нақд хорижий валюталарга бўлган талабни барқарорлаштиришга муваффақ бўлинди. Бунга эса валюта курсларини унификациялаш йўли билан эришилди.

11. Халқаро глобаллашувнинг халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришдаги муҳим аҳамияти шундаки, глобаллашув мамлакатларни макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, солик юкини камайтириш ва солик ставкаларини унификациялаш, давлат қарзини қискартириш ва инфляцияни жиловлаш орқали халқаро рақобатбардошликни рағбатлантиришга хизмат қиласи. Шунингдек, сўнгги йилларда глобаллашувнинг натижаси сифатида халқаро савдо операцияларининг ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда, тадбиркорлик ва ссуда капиталарининг оқими ва ишчи кучи миграцияси сезиларли даражада кучайди.

Айни вактда, фикримизча, халқаро глобаллашувнинг асосий салбий жиҳатлари сифатида куйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- манфаатларнинг мамлакатлар ўртасида нотекис таксимланиши;
- манфаатларнинг мамлакатлар ичida нотекис тақсимланиши;
- глобаллашув туфайли халқлар маданиятидаги ўзгаришлар ва уларнинг ривожланган давлатларга хизмат қилиши.

12. Халқаро глобаллашувнинг халқаро валюта муносабатларига таъсирининг таҳлили шуни кўрсатдики,

биринчидан, глобаллашув товарлар ва капиталларнинг халқаро миёсдаги ҳаракатига ва баҳосига таъсир этиш орқали капиталлар ва товарларнинг баҳосига таъсир этади; иккинчидан, глобаллашув иш ҳақи ва баҳоларни мавжуд механизмини ўзгартириш йўли билан мамлакатдаги инфляция даражасига таъсир қиласди; учинчидан, халқаро ишчи кучи миграцияси ҳажмининг ошиши маҳаллий меҳнат бозоридаги талаб ва тақлифга таъсир қиласди. Ишчи кучи миграцияси иш ҳақини ошириш заруриятини юзага келтиради, аксинча, ишчи кучи кирими содир бўлган давлатларда иш ҳақини пасайтиришига нисбатан босим кучаяди; тўртинчидан, глобаллашув Марказий банк қарорларининг молия бозорларига ва макроиктисодий кўрсаткичларга таъсири борасидаги ноаникликларни оширади. Масалан, глобаллашув жараёнларининг чукурлашиши натижасида халқаро валюта бозорларидаги операциялар ҳажми ошади; бешинчидан, глобаллашув Марказий банкнинг валюта сиёсати стратегиясига таъсир қиласди. Иктисодий ноу-хауларнинг тезлик билан ёйилиши Марказий банк иқтисодчилари томонидан амалга ошириладиган иқтисодий таҳлил усуулларининг ўзгаришига олиб келади; олтинчидан, глобаллашув активлар бозорида спекулятив операциялар ҳажмини ошишига олиб келади.

13. Мамлакат ташки қарзининг ЯИМнинг 60 фоизидан ошмайдиган даражасини таъминламаслик мамлакатнинг халқаро иқтисодий муносабатларининг ёмонлашишига, миллий валютанинг қадрсизланишига сабаб бўлади. Ташки карзни юзага келтирувчи мухим асослардан бири халқаро кредитларни жалб этиш бўлганлиги сабабли, халқаро кредитлар билан боғлик бўлган рискларни бошқариш самарадорлигини ошириш такозо этилади.

14. Тўлов балансининг жорий операциялар бўлими бўйича конвертациянинг жорий этилиши ва ташки савдонинг эркинлаштирилиши оқибатида халқаро рақобатни кучайиши мамлакат корхоналарини нархларнинг жаҳон бозоридаги конъюнктуравий ўзгаришларига мослашиш имконини беради. Халқаро савдодаги рақобатни кучайишида жорий операциялар бўйича тўлиқ конвертирашни таъминлаш борасида ҳал килувчи далил бўлса ҳам, фикримизча, миллий иқтисодиётни

эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида ушбу ҳолат муайян рисклар билан боғлиқдир.

15. Тахлил натижаларидан маълум бўлдики, 2005 йилда 2001 йилга нисбатан ташки савдо операцияларининг қолдиги 415,2 фоизга ўсгани ҳолда, сўмнинг номинал алмашув курси 1 АҚШ долларига нисбатан 2005 йилда 2001 йилга нисбатан 171,5 фоизга пасайди. Бу эса, ташки савдо операцияларининг ижобий қолдиққа эга эканлиги, сўмнинг алмашув курсини 2002-2005 йиллардагига нисбатан паст даражадаги пасайиш суръатини таъминлашда мухим рол ўйнаётганлигидан далолат беради.

Монографик тадқиқот жараёнида аниқланган муаммоларни ҳал қилиш ва республикамизда валюта муносабатларини тартибга солишининг методологик асосларини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги илмий-амалий таклифларни ишлаб чиқдик:

1. Дисконт сиёсатининг валютани тартибга солищдаги ролини ошириш мақсадида:

– Марказий банк ташкил қиласидаган кредит аукционида кредит ставкаларининг ҳақиқий бозор кучлари, яъни талаб ва таклиф асосида шаклланишига имкон яратиш;

– тижорат банклари кутилмаганда юз тутадиган ликвиддилик муаммоларини бартараф этиш ва бу билан бутун банк тизимида нисбатан аҳоли ишончини ошириш мақсадида дисконт инструментининг турли шаклларини (мавсумий, мувофиқлаштирувчи, узайтирилган) жорий қилиш;

– ломбард ставкасида кредитлаш орқали қимматли қофозлар иккиласми бозорининг ривожланишини рағбатлантириш;

– бозор инструменти бўлган вексел(тратта)ларни жорий қилиш масаласини қайта кўриб чиқиш лозим.

2. Биржадан ташқари валюта бозорининг ликвидли маблағларга бўлган эҳтиёжини тўлик қондириш мақсадида ваколатли банкларнинг экспортга ишловчи корхоналар ҳисобланмиш мижозларининг экспорт тушумларини кўпайтиришни рағбатлантириш чораларини кўриш лозим.

Биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантиришга эришиш учун, биринчидан, валюта соҳасидаги хизмат турини кўпайтириш керак; иккинчидан, хизмат харажатларини камайтириш зарур; учинчидан, хорижий валютадаги депозитлар

учун банк томонидан тўланадиган фоиз ставкаларини ошириш лозим; тўртингчидан, банклараро вакиллик муносабатларини ривожлантириш лозим.

3. Тўлов балансини мувозанатлаштиришнинг асосий йўналишлари, бизнинг фикримизча куйидагилардан иборат бўлиши лозим:

– экспорт-импорт операциялари ўргасидаги барқарор ижобий қолдиқни таъминлаш;

– халқаро кредитлар ва инвестициялар бўйича валюталар тушуми билан тўлови ўргасидаги фарқ суммасини кескин тебранишига йўл қўймаслик лозим.

4. Фикримизча, Ўзбекистон Республикасида валюта курси режимини танлашда асосий эътибор экспорт тушуми ва импорт тўловлари ўргасидаги ижобий сальдонинг барқарорлигини таъминлашга қаратилиши лозим.

Бунинг сабаби ўндахи, ҳозирги даврда республикамиз мамлакат экспорт тушумининг умумий ҳажмида хом-ашё ресурсларининг экспортидан олинган тушум сезиларли даражада юқори салмокни эгаллайди (2005 йилда пахта толаси, энергоресурслар ва нодир металларни сотишдан олинган экспорт тушумининг жами экспорт тушумидаги салмоғи 39,8 фоизни ташкил қилди). Хом-ашё ресурсларининг жаҳон баҳосининг ўзгариши натижасида улардан олинадиган экспорт тушуми камаяди ва шунинг асосида ташқи савдо айланмасининг нобарқарорлиги юзага келади. Шу сабабли, фикримизча, валюта курсининг куйидаги иккита режимидан бирини танлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

– эркин сузиш режими;

– бошқариладиган сузиш режими.

Эркин сузиш режимини республикамизда қўллашнинг муҳим зарурий шартларидан бири, фикримизча, интервенцион фондни шакллантириш ҳисобланади.

Бошқариладиган сузиш режимини республикамизда қўллашнинг муҳим зарурий шартларидан бири, фикримизча, сўмнинг АКШ долларига нисбатан тебранишининг қуи ва юқори чегараларини ўрнатиш ҳисобланади.

5. Фикримизча, сўмнинг номинал ва реал алмашув курсларининг экспортга таъсирини доимий мониторинг

объектига айлантирган ҳолда, уларнинг ўртасида сезиларли фарқнинг юзага келишига йўл кўймаслик лозим. Бунинг учун эса, Марказий банк валюта интервенциясидан ва девальвациядан фаол тарзда фойдаланиши зарур. Бундан ташқари, товарлар экспорти таркибида тайёр маҳсулотлар экспортининг 50 фоиздан юқори бўлган даражасини барқарор тарзда сақлаб туриш хом-ашё ресурсларининг жаҳон баҳоларини ўзгариши натижасида экспорт тушумига ва миллий валютанинг алмашув курсига нисбатан юзага келадиган салбий таъсирнинг даражасини сезиларли даражада камайтириш мумкин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига экспорт тушумларини ўз вактида келиб тушишининг ҳисобини юритиш, экспорт-импорт шартномаларини рўйхатга олиш вазифалари тўлиқ юқлатилиши лозим.

Ушбу таклифни амалиётга жорий этиш натижасида, биринчидан, экспорт-импорт операциялари устидан амалга ошириладиган валютавий назоратнинг тезкорлиги ва самарадорлиги ошади; иккинчидан, амалдаги қонунчиликка мувофиқ назорат функциясига эга бўлмаган тижорат банкларидан валютавий назорат вазифаси олиб ташланади, бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг валюта операцияларини амалга ошириш жараёнида бажарадиган молиявий воситачилик ролининг сезиларли даражада ошишига олиб келади.

7. Фикримизча, экспорт тушумининг бир қисмини конунчиликда белгиланган тартибда мажбурий сотилиши устидан амалга ошириладиган валютавий назорат Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг зиммасига юқлатилиши ва бунда Марказий банкка мажбурий сотиш тўғрисидаги маълумотларни тижорат банклари тақдим этиши лозим. Бунда тижорат банкларининг божхона хизматига маълумотлар тақдим этиш мажбурияти бекор қилинади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки экспорт тушуми бўйича маълумотларни Давлат Божхона хизмати билан солиштирган ҳолда, солиштириш далолатномасини расмийлаштиради. Бунинг натижасида валютавий назорат органлари ўртасидаги алоқадорлик кучаяди ва бу ҳолат валютавий назоратнинг самарадорлигини оширишга хизмат қиласи.

8. Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўзининг монетар инструментлари ва валюта сиёсати доирасида тижорат банклари депозитларининг баркарорлигини таъминлаши лозим. Бунинг учун, биринчидан, трансакцион депозитлар ва муддатли депозитларга нисбатан қўлланилаётган мажбурий заҳира ставкаларининг даражаси бир-биридан тубдан фарқланиши лозим; иккинчидан, Марказий банк очиқ бозор операциялари орқали сўмдаги трансакцион депозитларнинг миқдорига таъсир қила олиш имкониятига эга бўлиши лозим.

9. Республикаизда хорижий валюталарга бўлган талабни тартибга солища халқаро банк амалиётида қўлланилаётган усувлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш максадида, хорижий валюталарга бўлган талабнинг кучайиши натижасида миллий валюталар таклифининг ошиши ва шунинг асосида миллий валютанинг қадрсизланишининг олдини олиш максадида, фикримизча, хорижий валютадаги депозитларнинг ўстган қисмига нисбатан юқори ставкада мажбурий заҳира талабномаси жорий қилиш лозим.

Бунинг натижасида резидентлар ва норезидентларнинг хорижий валюталарда депозитлар шакллантириш юзасидан манфаатдорлигига путур етади, миллий валютадаги депозитларга таъсир қилинмайди.

10. Фикримизча, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Конунга куйидагича ўзгартириш киритиш лозим: “Тижорат банклари ва уларнинг мижозлари ўртасида ўтказиладиган хорижий валюталарни сотиб олиш ва сотиш бўйича муддатли валюта операциялари бевосита тижорат банкида эркин тарзда амалга оширилади”. Мазкур ўзгаришнинг Конунга киритилиши амалдаги йўрикномаларда мавжуд бўлган ва муддатли валюта операцияларини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган ҳукукий чеклашларни бартараф этади.

Бундан ташқари, деривативлар билан операцияларни амалга ошириш тартибини белгилаб берадиган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиши ва уларни Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказиш лозим. Натижада, деривативлар билан операцияларни амалга оширишнинг меъёрий-ҳукукий базаси шаклланади, бу эса, муддатли валюта битимлари бозорини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди.

---

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

### **I. Қонунлар, Президент фармонлари, қарорлари ва Ҳукумат қарорлари**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси-нинг Марказий банки тўғрисида” ги Қонуни. 1995 йил 21 декабр. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик хужжатлари тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 7-29-бетлар.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 25 апрель. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик хужжатлари тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 30-46-бетлар.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида” ги (янги таҳрири) Қонуни. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари. I – 3. – Тошкент, 2004. – 23-47-бетлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 24 октябрдаги “Республикада нақд хорижий валюта муомаласини тартибга солиш чоралари тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари (1995-1999). – Тошкент: Адолат, 2000. – 10-12- б.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги ПҚ-10-сонли “Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари. I – 4. – Тошкент, 2005. – 35-б.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56 сонли “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари. I – 5. – Тошкент, 2005. – 47-51-бетлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январдаги 24-сонли “Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-

тадбирлари тўғрисида” ги Қарори. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик хужжатлари тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 112-116-бетлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги 280-сонли “Пул маблағларини банқдан ташқари муомаласини янада кисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик хужжатлари тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 156-159- бетлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги 63-сонли “Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик хужжатлари тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 178-179-бетлар.

10. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -528 б.

11. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида.- Т.: Ўзбекистон, 1995. – 270 б.

12. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.- Т.: Ўзбекистон, 1999. – 48 б.

13. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 686 б.

14. Каримов И.А. Демократик хукукий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини куриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 64 б.

## II. Махсус адабиётлар

1. Абдуллаева Ш.З. Халқаро валюта-кредит муносабатлари.– Тошкент “IQTISOD-MOLIYA”, 2005. -588 б.

2. Антонов В.А. Мировая валютная система и международные расчеты./ Академия народного хозяйства при правительстве РФ. Российско-немецкая высшая школа управления. -М: ТЕИС, 2000. -193 с.

3. Баринов Э.А. Валютно-кредитные отношения во внешней торговле/ Э.А.Баринов. -М: 1 Федеративная Книготорговая Компания, 1998. -272 с.
4. Борисов С.М. Азбука обратимости или что надо знать о конвертируемости валют – М.: «Финансы и статистика», 1991. – 80 с.
5. Бункина М.К., Семенов А.М. «Основы валютных отношений» – М.:Юрайт, 1998. – 192 с.
6. Буренин А.Н. Рынки производных финансовых инструментов. -М.: ИНФРА-М, 1996. -368 с.
7. Буренин А.Н. Фьючерсные, форвардные и опционные рынки. -М: Тривола, 1995. -240 с.
8. Бурлак Г.Н., Кузнецова О.И. «Техника валютных операций» – М.: Финстатформ, 1998. – 198 с.
9. Валовая Т.Д. Валютный курс и его колебания. -М.: АО “Финстатинформ”, 1995. -92 с.
10. Вахабов А.В. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. -Т., 2003. – 260 с.
11. Вахабов А., Жумаев Н., Бурханов У. Халқаро молия муносабатлари. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 400 б.
12. Вахабов А., Бурханов У., Жумаев Н. Чет мамлакатлар молияси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – 344 б.
13. Глобализация: проблемы международного сотрудничества и решение общечеловеческих задач. Сборник научных трудов, Саратов-2005 г.
14. Делягин М.Г. “Мировой кризис: Общая теория глобализации” – М.:ИНФРА-М, 2003. – 768 с.
15. Джейфри Д.Сакс, Фелипе Ларрен Б. Макроэкономика: глобальный подход. – Москва: Дело, 1999. –848 с.
16. Эдвин Дж. Долан, Колин Д. Кэмбелл. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. Пер. с англ. –М.: изд. АНК, 1996. –448 с.
17. Ершов М.В. Валютно-финансовые механизмы в современном мире: кризисный опыт конца 90-х / Михаил Владимирович Ершов. -М: Экономика, 2000. -319 с.
18. Жумаев Н.Х., Кудайбергенов Ж.Ш. Валютный курс и пути их регулирования. –Т.: «Iqtisod-Moliya», 2006. -132 с.

19. Жумаев Н.Х., Махсумов Э.М. Валюта операцияларини бошқариш механизми. –Т.: «Iqtisod-Moliya», 2006. -128 б.
20. Жумаев Н., Бурханов У. Молиянинг долзарб муаммолари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – 70-б.
21. Намозов О.Ш. и др. Макроэкономические процессы в Узбекистане до введения национальной валюты. Ташкент: Мир экономики и права, 1997. – с.384.
22. Каримов Н.Ғ. Ўзбекистон Республикасида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш йўллари. Монография. – Тошкент: Fan va texnologiyalar, 2007. – 160 б.
23. Каримов Н.Ғ. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиши масалалари. Монография. – Тошкент: Fan va texnologiyalar, 2007. – 240 б.
24. Коровкин В.В. Оформление валютных операций: экспорт и импорт. Валютный и таможенный контроль. –М: ПРИОР, 1995. -208 с.
25. Красавина Л.Н. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения: 2-е изд., перераб. и допол. –М.: Финансы и статистика, 2001. -608 с.
26. Крашенинников В.М. Валютное регулирование в системе государственного управления экономикой: -М: ЗАО Изд-во «Экономика», 2003. -399 с.
27. Ломакин В.К. Мировая экономика. – М.: ЮНИТИ, 2002. – 735 с.
28. Максимо В. Энг, Фрэнсис А. Лис, Лоурэнс Дж. Мауэр. Мировые финансы. Пер. с англ. – М.: DeKA, 1998. – 768 с.
29. Маслюков Ю.Д. Распад мировой долларовой системы: ближайшие перспективы. –М.: Издатель Н.Е. Чернышова, 2001. - 384 с.
30. Мэнкью Н. Грегори. Макроэкономика. – Москва: изд-во Московского университета, 1994. – 835 с.
31. Мовсесян А.Г., Огнивцев С.Б. Международные валютно-кредитные отношения – М.: ИНФРА-М, 2005. – 312 с.
32. Моисеев С.Р. Международные валютно-кредитные отношения – М.: Дело и Сервис, 2003. – 576 с.

33. Муллажанов Ф.М. Банковская система Узбекистана в годы независимости. –Т.: Ўзбекистон, 1996. -205 с.
34. Муллажанов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими: Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн ийлигига бағицланади. –Т.: Ўзбекистон, 2001. -296 б.
35. Наговицин А.Г. Валютная политика – М.: ЭКЗАМЕН, 2000 г. – 512 с.
36. Наговицин А.Г., Иванов В.В. Валютный курс – М.: ИНФРА-М, 1995 г. – 176 с.
37. Носкова И.Я. Валютные и финансовые операции – М.: Финансы, 1998. – 331 с.
38. Под редакцией Т.П.Базаровой. Валютное регулирование в России, М.: Закон и право, 1996. – 512 с.
39. Под общей редакцией д.э.н., проф. В.М. Крашенинникова. Валютное регулирование в системе государственного управления экономикой. – Москва: Экономика, 2003. – 339 с.
40. Пол Р. Кругман, Морис Обстфельд. Международная экономика. 5-е изд. Пер. с англ. – Спб.: Питер, 2003. – 832 с.
41. Рыбин В.И. Новая единая европейская валюта евро: Программа ТАСИС МГУ имени М.В.Ломоносова. –М.: Финансы и статистика, 1998. -390 с.
42. Семенов К.А. Международные валютные и финансовые отношения – М.: ТЕИС, 1999. – 176 с.
43. Симионов Ю.Ф., Носко Б.П. Валютные отношения – Ростов н/Д: Феникс, 2001. – 320 с.
44. Смит Вера. Происхождение центральных банков. –М.: Институт Национальной модели экономики, 1996. -283 с.
45. Федоров Б.Г. Валютная политика СССР: Взгляд в будущее. – М.: Финансы и статистика, 1990. – 94 с.
46. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. – М.: Дело, 1997. – 864 с.
47. Фридмен, Милтон. Основы монетаризма. A program for monetary stability: Пер.с англ. –М.: Тeис, 2002. -175 с.
48. Хасбулатов Р.И. Мировая экономика – М.:ИНСАН, 1994. – 736 с.
- 49.Хэррис, Дж. Мэнвилл. Международные финансы. Пер. с англ. –М.: Информационно-издательский дом «Филинъ», 1996. - 296 с.

50. Щербакова Г.Н. Банковские системы развитых стран. – М.: Экзамен, 2001. -224 с.
51. Яковлев А.Л. Валютные операции и их учет. -М.: ИНФРА-М, 1997. -160 с.
52. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. – Тошкент: Шарқ, 2006. – 480 б.
53. Rudiger Dornbusch, Stanley Fischer “Macroeconomics” International edition, McGraw-Hill, Inc. 1994. – 635 p.
54. Buiter W.H. Central Banking and the Choice of Currency Regime in Accession Countries/ W.H.Buiter, C.Grafe. -Vienna: Societe Universitaire Europeenne de Recherches Financieres, 2001. - 52 p.
55. David Folkerts-Landau. Toward a Framework for financial stability: – January. International Monetary Fund. -Washington: International Monetary Fund, 1998. -81 p.
56. Driscoll D.D. What is the International Monetary Fund. - Washington: International Monetary Fund, 1996. -23 p.
57. Eichengreen B. Capitalizing on Globalization. -Manila, Philippines: Asian Development Bank, 2002. -66 p.
58. Frederic S. Mishkin “The Economics of Money, Banking and Financial Markets”, 6th edition, Publisher “Addison Wesley”, USA - 2003, 738 p.
59. Jeff Madura. International financial management. – South-Western College Publishing, Ohio, USA, 2003 y., 696 p.
60. Horrox A. Money Talks: Five views of Britain's economy by M. Friedman. -London: Trames Methuen, 1983. -88 p.
61. Hunt P.J. Financial Derivatives in Theory and Practice. - London: John Wiley & Sons, Ltd, 2004. -437 p.
62. Moffitt M. The World's money: International banking from Bretton Woods to the brink of insolvency. -London: Michael Joseph, 1984. -284 p.

### **III. Илмий-амалий журналлар**

1. Акрамов Э., Таиров А. Экономические реформы Республики Узбекистан. – Москва: ТОО «Люкс-Арт», 1998. – с.103.

2. Асрилдинов Ж., Жумаев Н. Миллий валютани конвертациялаш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 1999. – №7-8. – 59-64- бетлар.
3. Варьяш И.Ю. Управление операционными рисками Центробанка // Банковское дело. – Москва, 2003. - №9. – сс. – 28-31.
4. Емелин А.В. Конституционно-правовые и международно-правовые основы валютного регулирования // Деньги и кредит. – Москва, 2003. –№11. – с.56.
5. Ершов М.В. Об использовании рубля в международных расчетах и его конвертируемости // Деньги и кредит.- Москва, 2006. - №6. – сс.37-40.
6. Жумаев Н.Х. Валюта курсини танлаш сиёсатининг халқаро валюта муносабатларига таъсири // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2006. – №12. –4-б.
7. Жумаев Н.Х. Вопросы валютного регулирования и валютного контроля в условиях либерализации экономики Узбекистана. // Экономика и финансы. – Москва, 2007. –№4. – с. 69.
8. Жумаев Н.Х. Теоретические основы систем обменных курсов и их современные тенденции. // Экономика и финансы. – Москва, 2007. –№3. – сс.5-10.
9. Жумаев Н.Х. Управление валютными рисками. // Актуальные проблемы современной науки. – Москва, 2003. –№4. – сс.65-66.
10. Жумаев Н.Х. Глобализация жараёнининг миллий валюта сиёсатига таъсири // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2006. – №10. – 41-б.
11. Жумаев Н.Х. Валютани тартибга солиш: фоиз сиёсати // Jamiyat va boshqaruv. – Тошкент, 2006. – №4. – 47-50 бетлар.
12. Красавина Л.Н. Необходим комплекс мер для снижения темпа инфляции в России // Банковское дело. – Москва, 2006. – №8. – с.28.
13. Константинов Ю.А. Укрепление рубля: взгляд с позиции теории и курсовой политики // Банковское дело. – Москва, 2007.- №3. - сс.6-11.
14. Кудрин А. Реальный эффективный курс рубля: проблемы роста // Вопросы экономики. – Москва, 2006. – №2. - сс. -4-18.
15. Муллажонов Ф.М. Банк тизими – иқтисодий ислоҳотлар етакчиси // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2004. - №7. – 66. 3-8.

16. Навой А. О расчете и использовании реального курса национальной валюты в рамках денежно-кредитной политики // Вопросы экономики. – Москва, 2006. - №2. – сс. – 65-74.
17. Рудько-Силиванов В.В. Коммерческие банки на рынке производных финансовых инструментов // Деньги и кредит. – Москва, 2004. –№7. – с.9.
18. Тен В. Ўзбекистонда миллий валютани муомалага киритилиши хусусиятлари // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2000. –№7. – 27-б.
19. Тен В., Жумаев Н. Пул муомаласини тартибга солишда валюта сиёсатидан фойдаланиш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2001. –№8. 18-22- бетлар.
20. Юлдашев М., Жумаев Н. Правовые основы валютного регулирования в Республике Узбекистан // Рынок, деньги и кредит. – Ташкент, 2001. – №8. – с. 62.
21. Янгаев К.К.ва бошқ. Мустақилликни мустаҳкамлаш омили ёки валюта ва кредитлар нималарга йўналтирилмоқда? // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 1997. – №6. – 7-б.
22. Guillermo A. Calvo “CAPITAL FLOWS AND CAPITAL-MARKET CRISES: The Simple Economics of Sudden Stops”, Journal of Applied Economics, Vol. 1, No. 1, November 1998, pp. 35-54.
23. IMF, International Financial Statistics, 2006.
24. McKinnon Ronald J. Money in International Exchange. The Convertible Currency System. – N.Y., 1979. – p.6.
25. Milton Friedman, A Program for Monetary Stability (New York Fordham University Press. 1960); Marvin Goodfriend and Robert G. King, “Financial deregulation, Monetary Policy, and Central Banking,” Federal Reserve Bank of Richmond *Review* 74 (1988). – pp. 3-22.
26. Nodir H.Jumaev. Economic reforms in Uzbekistan: Currency regulation issues. – Selected Papers. – Shah Alam, Malaysia: Universiti Teknologi MARA. – 2007. – pp. 12-16.
27. Porter R. and Judson R. The Location of U.S. Currency. How Much is Abroad?-FRB, Washington. -1996.
28. Polak. Jocques J., “Convertibility: An indispensable Element in the Transition Process in Es. Europ”. W.: Ins. for Int. Ec., June, 1991. – p.41.

29. Richard A.Meese & Andrew K. Rose, 1996 “Exchange rate instability: determinants and predictability”, Proceedings, Federal Reserve Bank of san Francisco, p. 183-205.
30. Sachs, Jeffrey D., A.Tornell, and Andre's Velasco, 1996, “Financial Crises in Emerging Markets: The Lessons from 1995”, Brookings Papers on Economic Activity: 1, Brookings Institution, pp. 147-215.
31. Velasco, Andre's, 1987, “Financial and Balance of Payments Crises: A Simple Model of the Southern Cone Experience” Journal of Development Economics, Vol. 27 (October), pp. 263-83.

#### **IV. Диссертация авторефератлари**

1. Бобакулов Т.И. Вопросы денежно-кредитного регулирования экономики: 08.00.07.: Автореферат дисс... канд.экон.наук. Банковско-финансовая академия. -Т, 1997. -20 с.
2. Джураев О.Х. Управление внешним долгом в Республике Узбекистан: 08.00.07 Автореферат дис. ... канд. экономич. наук. - Т, 2003. -22 с.
3. Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш йўллари: 08.00.07.: Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. -Т, 2001. -22 б.
4. Исламов Б.А. Марказий Осиё мустақил давлатлари: трансформация ва жаҳон иқтисодиётига интеграция жараёнларининг киёсий тахлили. – и.ф.д. илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. – Тошкент, 2002. – 18-19- бетлар.
5. Намозов О.Ш. Монетарная политика в переходной экономике: концептуальные подходы и программные направления (на примере Республики Узбекистан): 08.00.07: Автореферат дис...доктора экон.наук. Банковско-Финансовая академия Республики Узбекистан. -Т, 2001. -41 с.

#### **Интернет Веб саҳифалари**

- 1.<http://www.bankofengland.co.uk/markets/forex/index.htm>
- 2.<http://www.imf.org>
- 3.<http://www.boj.or.jp/en/siryo/stat/tumi0106.htm>

- 4.<http://www.cbr.ru>
- 5<http://www.nationalbank.kz>
- 6<http://www.federalreserve.gov>
- 7.<http://www.boj.or.jp/en/index.htm>
- 8.<http://www.banque-france.fr>
- 9.<http://www.ecb.int>
- 10.<http://www.bis.org>
- 11.<http://www.worldbankgroup.org>
- 12.<http://www.oenb.at/index.jsp>
- 13.<http://www.bancaditalia.it>
- 14.<http://www.bcra.gov.ar>

## Иловалар

1-илюва

### Буюк Британия тўлов балансининг таркиби<sup>1</sup>

	2001	2002	2003	2004	2005
Савдо баланси (млн. АҚШ долл.)	-58 477	-70 843	-78 242	-107 302	-119 371
Жорий хисоблар баланси (млн. АҚШ долл.)	-31 847	-24 570	-27 501	-41 883	-57 616
Капитал ва молия хисоби (млн. АҚШ долл.)	27 391	23 935	24 909	42 290	49 402
Умумий баланс (млн. АҚШ долл.)	-4 456	-635	-2 592	407	1 732
Товарлар ва хизматлар экспорти (ЯИМга нисбатан фоизда)	27,5	26,4	25,7	25,0	17,3
Товарлар ва хизматлар импорти (ЯИМга нисбатан фоизда)	30,2	29,4	28,5	28,3	22,7
Жорий хисоблар баланси (ЯИМга нисбатан фоизда)	-2,0	-1,6	-1,5	-2,0	-2,6
Айирбошлиш курси (СДР га нисбатан миллий валюта бирлиги) Фунт стерлинг	0,86647	0,84348	0,83262	0,80409	0,5493

<sup>1</sup> IMF, International Financial Statistics, 2006.

2-илова

### Франция тўлов балансининг таркиби<sup>1</sup>

	2001	2002	2003	2004	2005
Савдо баланси (млн. АҚШ долл.)	2 837	7 638	3 426	-7 944	-32 300
Жорий хисоблар баланси (млн. АҚШ долл.)	28 759	10 997	11 803	-4 833	-38 780
Капитал ва молия хисоби (млн. АҚШ долл.)	-34 325	-14 962	10 529	8 943	16 019
Умумий баланс (млн. АҚШ долл.)	-5 567	-3 965	1 274	4 111	-9 038
Товарлар ва хизматлар экспорти (ЯИМга нисбатан фоизда)	28,5	27,3	26,2	26,3	31,7
Товарлар ва хизматлар импорти (ЯИМга нисбатан фоизда)	26,4	25,6	25,1	26,1	34,1
Жорий хисоблар баланси (ЯИМга нисбатан фоизда)	2,2	0,8	0,7	-0,2	-0,2
Айирбошлиш курси (СДР га нисбатан миллий валюта бирлиги) Франция франки	Евро				
	1,42600	1,29639	1,17654	1,14016	1,2458

<sup>1</sup> IMF, International Financial Statistics, 2006.

Италия тўлов балансининг таркиби<sup>1</sup>

	2001	2002	2003	2004	2005
Савдо баланси (млн. АҚШ долл.)	15 540	13 412	11 477	10 911	405,2
Жорий хисоблар баланси (млн. АҚШ долл.)	-652	-9 369	-19 406	-15 137	-26 814
Капитал ва молия хисоби (млн. АҚШ долл.)	64	12 538	20 521	12 294	25 035,9
Умумий баланс (млн. АҚШ долл.)	-588	3 169	1 115	-2 844	-1 029,7
Товарлар ва хизматлар экспорті (ЯИМга нисбатан фоизда)	27,8	26,4	25,2	26,0	10,8
Товарлар ва хизматлар импорті (ЯИМга нисбатан фоизда)	26,3	25,5	24,6	25,2	10,9
Жорий хисоблар баланси (ЯИМга нисбатан фоизда)	-0,1	-0,8	-1,3	-0,9	-0,7
Айирбошлиш курси (СДР га нисбатан миллий валюта бирлиги)					Евро
Италия лираси	1,42600	1,29639	1,17654	1,14016	1,2458

<sup>1</sup> IMF, International Financial Statistics, 2006.

4-илова

### Канада тўлов балансининг таркиби<sup>1</sup>

	2001	2002	2003	2004	2005
Савдо баланси (млн. АҚШ долл.)	45 716	36 488	41 076	50 682	55 302,7
Жорий хисоблар баланси (млн. АҚШ долл.)	16 281	13 456	13 360	22 000	25 267,8
Капитал ва молия хисоби (млн. АҚШ долл.)	-14 109	-13 641	-16 615	-24 835	-18 137,7
Умумий баланс (млн. АҚШ долл.)	2 172	-185	-3 255	-2 836	1 335,4
Товарлар ва Хизматлар экспорти (ЯИМга нисбатан фоизда)	43,4	41,3	37,9	38,1	33,1
Товарлар ва Хизматлар импорти (ЯИМга нисбатан фоизда)	37,8	37,0	34,1	34,0	28,2
Жорий хисоблар баланси (ЯИМга нисбатан фоизда)	2,3	1,8	1,5	2,2	2,2
Айирбошлиш курси (СДР га нисбатан миллий валюта бирлиги) Канада доллари	2,0015	2,1475	1,9205	1,8692	1,2118

<sup>1</sup> IMF, International Financial Statistics, 2006.

**ЖУМАЕВ НОДИР ХОСИЯТОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИНИ  
ТАРТИБГА СОЛИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**(Монография)**

Тошкент – «Fan va texnologiya» - 2007 йил

Муҳаррир:	М. Миркомилов
Тех. муҳаррир:	А. Мойдинов
Мусаҳҳиҳа:	М. Ҳайитова
Рассом:	Б. Бозоров
Компьютерда	
сахифаловчи:	А. Мойдинов

Босишига рухсат этилди 05.06.2007. Бичими 60x84<sup>1/16</sup>  
«Times New Roman» гарнитураси. Офсет усулида босилди.  
Шартли босма табоги 14,5. Нашр табоги 13,8.  
Адади 500. Буюртма №82

«Fan va texnologiya» нашриёти. 700003, Тошкент шаҳри,  
Олмазор кўчаси, 171-уй.

«Fan va texnologiyalar Markazining boshmaxonasi» да чоп этилди.  
700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.